


# ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ

Касб-ҳунар колледжлари учун



528(с7)

71 - 81

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

*Ҳ. Мубораков, С. Ахмедов*

## ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ

*Касб-ҳунар колледжлари талабалари учун  
дарслик*

517.880

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2002

Дарслик техника фанлари номзоди, доцент **Х. Мубораковнинг** умумий таҳрири остида нашрга тайёрланган.

Тақризчилар:

ТАҚИ геодезия ва кадастр кафедраси доценти,  
техника фанлари номзоди С. ТОШПҮЛАТОВ,  
ТИҚҲМИЙ геодезия кафедраси доценти,  
техника фанлари номзоди З. Д. ОХУНОВ,  
Тошкент Курилиш-коммунал касб-хунар  
коллежининг олий тоифали ўқитувчилари  
А.С. САНАЕВ, Ф.М. ЖАББОРОВ,  
ЎМКҲТРИ катта илмий ходими  
**Х.Қ. МАДРАҲИМОВ**

Махсус муҳаррир: ЎзМУ геодезия, картография ва кадастр  
кафедраси доценти, география фанлари  
номзоди **А. ЭГАМБЕРДИЕВ**

Мазкур дарслик касб-хунар коллежларининг ер тузиш йўналиши  
бўйича таълим олаётган ўқувчиларига мўлжалланган дастур асосида ўзбек  
тилида биринчи бор ёзилган. У 9 бўлимдан иборат бўлиб, уларда геодезия  
фани ва унинг вазифалари, геодезик ўлчашлар, геодезик асбобларнинг  
тузилиши, улар ёрдамида геодезик ўлчашлар ва съёмкаларни бажариш  
ва натижаларини математик ишлаб чиқиб план ва карталарни тузиш ма-  
салалари муайян мисоллар асосида атрофлича баён қилинган.

Китобдан геодезия фанини ўрганадиган таълим йўналишлари бўйича  
таҳсил олаётган олий ўқув юртлари талабалари ҳам фойдаланишлари  
мумкин.



М 1802020000 – 154  
353(04) – 2002 Қатъий буюрт. – 2002

ISBN 5-645-03952-1

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2002

2. Ўлчаш натижаларини ҳисоблаб чиқиш, план ва карталарни график тузиш ҳамда расмийлаштириш.

Қишлоқ хўжалигида планли-картографик маҳсулотлар жуда катта аҳамиятга эга. Ер тузиш ташкилотлари ердан оқилона фойдаланиш масалаларини ечишда улардан кенг фойдаланади.

Барча ер тоифаларининг доимий ҳисобини олиб бориш, ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ердан фойдаланиш ҳамда алмашлаб экиш далалари чегараларини белгилаш, аҳоли турар жойлари, йўллар, сугориш тармоқлари ва бошқаларни жойлаштиришда план ва карталар асос бўлиб хизмат қилади. Ерларни сугориш ва захини қочириш, тупроқ эрозиясига (емирилишига) қарши кураш талбирларини ва бошқа шу каби масалаларни планли-картографик ҳужжатлар ёрдамида ечиш мумкин. Агротехникага оид жуда кўп масалаларни ечиш учун ҳам тупроқ, рельеф, ўсимлик қоплами, сув ҳавзалари тасвирланган планли-картографик ҳужжатлар бўлиши керак.

Планли-картографик ҳужжатлар мамлакат мудофааси учун ҳам жуда зарур, шунинг учун ҳам азалдан „карта — армиянинг кўзи“ деб саналади.

Геодезия фани олий геодезия, амалий геодезия ва космик геодезия каби соҳаларга бўлинади.

Ернинг шакли ва ўлчамларини аниқлаш, геодезия таянч тармоқларини куриш ҳамда унинг катта қисмида бажариладиган юқори аниқликдаги геодезик ишлар билан олий геодезия фани шуғулланади. Ернинг ички кучи таъсирида ер пўстининг силжишини ўрганиш ва бошқа шу каби юқори аниқликда бажариш талаб қилинадиган геодезик ишлар ҳам олий геодезия вазифасига киради.

Амалий геодезия — турли инженерлик иншоотлар ўрнини қилиши, лойиҳалаш, жойга кўчириш, уларни қуриш жараёнида геодезик ўлчашлар билан таъминлаш, бино ва иншоотлар деформациясини ўлчаш ва бошқа шу каби ишлар билан шуғулланади.

Космик геодезия — олий геодезияга доир илмий масалаларни Ер сунъий йўлдошларини, Ой, планеталар ва турли космик учиш аппаратларини кузатиш орқали ечиш йўлларини ўрганади.

Ҳозирги замон геодезик техникаларидан фойдаланиб, ҳар хил мураккаб геодезик ишларни бажариш йўлга қўйилмоқда. Берилган ер бўлганинг планини ва картасини тузишда Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида ер нуқталари координаталарини тез ва кам меҳнат сарфлаб аниқлаш, топографик съёмка натижаларини маҳсус ёдлаш картасига ёзиб олиб, компьютерда ишлаб чиқиш ва жойнинг электрон картаси ёки жойнинг рақамли моделини тузиш технологияси қўлланилмоқда.

Чет давлатларда ишлаб чиқилган электрон теодолитлар, рақамли нивелирлар, электрон тахеометр, лазер рулеткалар ва бошқалар билан ишлаш йўлга қўйилмоқда.

## 2. Геодезия тарихи ҳақида қисқача маълумот

Маълумки, геодезия ҳам бошқа фанлар каби ҳаётий талаблар асосида вужудга келган ва ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши билан тобора ривожланиб борган.

Инсон қадимдан ўзи яшаган жойни ҳаёт талабига кўра ҳар томонлама билишга қизиқкан ва ўрганганд. Геодезия тарихи ҳам шундай бошланади.

Археологларнинг аниқлашича, Қадимий Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Греция, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатлар халқлари ўз эҳтиёжлари учун деҳқончилик қилиш ва сугориш каналларини қазиш, турли бино ва иншоотларни қуриш, экин майдонларини ўзаро тақсимлаш каби масалаларни ечишда геодезик ўлчашдан фойдаланган.

Масалан, милоддан 4000 йил илгари Мисрдаги Нил дарёси ҳавзасида ерни ўлчаш ишлари олиб борилган. Нил дарёсини Қизил денгиз билан қўшиш мақсадида канал қурилиши милоддан VI аср илгариги вақтга таалуқлидир. У вақтларда съёмканинг баъзи бир усулларигина маълум эди. Юнонистонык олим Эратосфен милоддан 230 йил илгари Ер шарининг ўлчамларини аниқлаган ва геодезиядан маҳсус китоб ёзиб, меридианлар ва параллеллар кўрсатилган карта тузган. Птоломей томонидан проекциялаш усуллари жорий қилиниб, Европа ва Осиё карталарини тузишда улардан фойдаланилган.

Милоддан 7 — 6 аср илгари ҳозирги Ироқ жанубида яшаган холдейлар Ерни шар деб фараз қилиб, унинг радиуси 8 узунлигини ҳисоблаб чиқдилар. Милоддан 6 аср илгари ёқ Пифагор Ерни шар шаклида деб айтганлиги фанга маълум.

IX асрда Арабистонда маданият анча тараққий этиб, Бағдодда „Ҳикмат уйи“ номли илмий марказ тузилди. Унда Ўрта Осиёлик „Ер сурати“ номли асар муаллифи алгебра фанининг асосчиси Ал-Хоразмий ҳамда Ал-Фарғоний, Ал-Марвозий, Ал-Марварудий каби олимлар ҳам ишлади. Ҳалифа Хорун Ал-Рашид ўли Ал-Маъмун фармойишига биноан, 827 йили „Ҳикмат уйи“ аъзоларидан иккита экспедиция тузилди. Ер ўлчамларида бўлган тафовутни бартараф қилиш учун уларга „градус ўлчаш усули“ ни ишлатиб, Ер ўлчамларини аниқлаш иши топширилди. Улар меридианнинг бир градус ёй узунлигини ўлчаб, ишни 56,0 миля (110,5 км) ва 56,66 миля (111,82 км) натижга билан якунладилар ва ҳисоблашлар учун 111,82 км натижка олинди.

Хоразмлик улуг олим Абу Райхон Беруний (973 — 1048 йй.) ўз ҳаётида ёзган 150 та асаридан 40 тасини геодезия фанига багишилаб, бой ва қимматли маълумотлар қолдирган. Беруний ҳисоби бўйича Ер радиуси 6339,58 км бўлиб, ҳозирги вақтда ишлатилаётган (Красовский эллипсоиди) қиймат — 6371,11 км дан фарқи атиги 31,5 км ни ташкил қилади.

Турли мамлакат олимлари томонидан (қадимда) аниқланган Ернинг айрим ўлчамлари қийматлари қуидаги I-жадвалда берилган.

*I- жадвал*

T/p	Аниқланиш вақти	Олимлар ва давлатлар номи	Ер радиуси узунлиги (км)	Айлана узунлиги (км)	Бир градус меридиан ёй узунлиги (км)	Қайси көңгілікта
1	Милоддан 6,5 аср олдин	Холден	6310,50	39650,19	110,14	-
2	Милоддан 2,5 аср олдин	Эратосфен	6843,65	43000,00	119,44	30°
3	Милоддан 1 аср олдин	Посидоний	6569,90	41280,00	114,67	35°
4	Милоднинг 2 асрида	Птоломей	6059,01	38070,00	105,75	40°
5	Милоднинг 7 асрида	Брахмагупта	6239,26	39302,51	108,89	-
6	827 йил	Арабистон	6406,49	40253,28	111,82	35°
7	1037 йил	Беруний	6339,58	39832,79	111,65	32°
8	1528 йил	Фернель	6337,01	39816,72	110,60	49°
9	1616 йил	Снеллиус	6153,13	38661,34	107,39	52°
10	1633 йил	Норвуд	6412,66	40292,01	111,92	52°
11	1670 йил	Пикар	6372,01	40036,60	111,21	49°

XVII аср бошида Галилей томонидан кўриш трубаси, мензулининг ихтиро этилиши, тригонометрия ва аналитик геометрия ҳисоблашларини жорий этилиши туфайли, ер бўлакларини ўлчаш ва тасвирилаш усуслари анча такомиллашди.

XVIII аср бошларида ер рельефини аниқлаш учун вертикал съёмка (нивелирлаш) ишлари бажарилди. Ер сиртида ўлчаш ишлари бўйича биринчи кўлланма „Геометрия или землемерие. . .“ номли китоб XVI асрда нашр этилди.

М.В. Ломоносов 1775 йилда География департаментида карталарни янгилаш ва тузиш ҳамда такомиллаштирилган геодезик асбобларни яратиш ишларини бошлади.

Россиялик геодезист-олимлар Ф.Н. Красовский, А.С. Чеботарев ва бошқалар геодезик тадқиқот ва назарий ишларни кенг кўламда олиб бориб, геодезиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшилар.

### **3. Абу Райхон Берунийнинг геодезияга қўшган ҳиссаси**

Хоразмлик энциклопедист олим Абу Райхон Беруний геодезияга тааллуқли 40 та асар ёзиб, геодезия фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Мазкур асарлар Ер шари ўлчамларини уфқ пасайиш бурчагини ўлчаш орқали аниқлаш; геодезиянинг тўғри ва тескари геодезик масалаларини ечиш йўлларини татбиқ этиб, географик координаталар ёрдамида ер юзасида икки нуқта орасидаги масофанинг узунилигини ва чизиқ йўналишини, шаҳарлар географик координаталарини аниқлаш; геодезик асбобларни ихтиро қилиш; кундалик ҳётда учрайдиган амалий геодезияга оид масалаларни ечишнинг назарий ва амалий йўлларини белгилаш, картографик проекциялар ва бошқа шу каби муҳим мавзуларга бағишиланган.

Булардан ташқари, Беруний ўзининг геодезияга оид асарларида жойда нуқталарни кузатишдаги қараш нурининг ҳавода синиши (рефракция) ва параллакс ҳодисалари (қаралган нарсанинг силжисб кўриниши) ҳақида ва ўлчаш хатоларининг асосий хоссалари, горизонт узоқлигини аниқлаш каби масалалар ҳақида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этган.



## I боб. ЕРНИНГ ШАКЛИ ВА ГЕОДЕЗИЯДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН КООРДИНАТАЛАР СИСТЕМАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

### 1.1. Ернинг шакли ва ўлчамлари

Геодезияни ўрганиш ва геодезик масалаларни ечишда Ернинг шакли ва ўлчамларини билиш керак бўлади. Ернинг табиий юзаси паст-баландлик, текислик ва тоғликлардан иборатdir. Ер ўзиға хос ноаниқ ва мураккаб шаклга эга. Геодезияда бошланғич юза қилиб Ернинг асосий сатҳий юзаси олинган. У океан сувларининг тинч тургандаги юзасидан бошланади.

Геодезияда тинч ҳолатдаги океан сувлари сатҳининг фикран қитъалар остидан шовун чизигига перпендикуляр қилиб давом эттиришдан ҳосил бўлган думалоқ шаклга геоид дейилади. Бундай шакл юзаси сатҳий юза дейилиб, у ҳамма жойда шовун чизикча перпендикуляр бўлганидан, горизонтал бўлади. Геоид шакли жуда мураккаб бўлганилиги туфайли, унга энг яқин бўлган математик шакл — эллипсоид билан алмаштирилади.


1682 йили машҳур олим Н.Ньютон (1643 — 1727) эълон қилган назария — бутун дунё тортишиш қонунига биноан, Ер ўз ўқи атрофида маълум тезлик билан айланиши туфайли, у шар шаклида (1.1-шакл) бўлмай, балки икки кутби бўйича сиқилган сфероид (эллипсоид) шаклида эканлигини айтган эди.

1.2- шаклда Ернинг табиий юзаси  $CABD$ , геоид  $KL$  ҳамда эллипсоид  $MN$  кесимлари келтирилган. Геоид юзаси бир текис кетмай, Ернинг ички зичланишига бўлглиқ, тўлқинсимон қўринишда бўлади.  $A$  ва  $B$  нуқталарда эллипсоидга нормал тушган  $mp$  билан шовун чизиклар  $pq$  орасидаги ё бурчаги шовун чизигининг оғизи дейилади. Бу бурчак қиймати ўртача  $3 - 4''$  ни, барьи жойларда бир минутгача қийматни ташкил қиласади.


Кўпгина тадқиқот ишлари натижасига кўра геоид юзасига эллипсоид юзаси яқинроқ келиши аниқланган. Буни текшириш учун турли олимлар меридаидан ёйининг бир бўлагини



1.1- шакл.



1.2- шакл.



1.3- шакл.

үлчаб Ер шар шаклида бўлмай, балки кутблари бўйича сиқилган эллипсоид шаклига ухшаш эканини аниқлаганлар. Меридианнинг кутбага яқин бўлган бир градус ёйининг узунлиги 111,6 км, экватор яқинида эса 110,6 км эканлиги аниқланди. Шундан кейин Ерни эллипсоид шаклида деб, унинг ўлчамларини аниқлаш бошланди.

Геоид ўрнига қабул қилинган айланма эллипсоид эллипснинг ўз кичик ўки  $P_1$ , (кутбий ўқ) атрофига айланышдан ҳосил бўладиган геометрик

шакл эллипсоид ўлчами унинг катта ярим ўқи  $a$  ва кичик ярим ўқи  $b$  (1.3- шакл) ҳамда Ернинг сиқилиши  $\alpha$  билан аниқланади.

Куйидаги 2- жадвалда турли мамлакат олимлари томонидан аниқланган эллипсоид ўлчамлари келтирилган.

## 2-жадвал

Олимлар номи	Мамлакат номи	Йил	Ярим ўқлар, м		$\alpha = \frac{a-b}{a}$
			$a$	$b$	
Даламбер	Франция	1800	6375653	6356564	1:334,0
Бессель	Германия	1841	6377397	6356079	1:299,2
Кларк	Англия	1880	6378249	6356515	1:293,5
Жданов	Россия	1893	6377717	6356433	1:299,6
Хейфорд	АҚШ	1909	6378388	6356912	1:297,0
Красовский	СССР	1940	6378245	6356863	1:298,3

Хозирги вақтда эллипсоид ўлчамлари Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида янада аниқроқ ҳисоблаб чиқилган.

1940 йили Бутун жаҳон геодезия ва географик иттифоқ (МССГ) нинг XVII бош ассамблеяси референц эллипсоид ўлчамларини қўйидагича белгилади:  $a = 6378137\text{m}$ ,  $\alpha = 1 : 298,257$ .

## 1.2. Геодезияда қўлланиладиган координатага системалари

Ер юзасидаги нуқталар ўрнини аниқлаш учун координатага системаларидан фойдаланилади. Геодезияда геодезик, астрономик (географик) ва ясси тўғри бурчакли координаталар системалари қўлланади.

Геодезик координаталар системасида эллипсоид сиртидаги нуқтанинг ўрни унинг геодезик кенглиги  $B$  ва геодезик узоқлиги  $L$  билан аниқланади.  $M$  нуқтасининг геодезик кенглиги  $B$  шу нуқтадан ўтган нормал чизиқ текислиги билан экватор текислиги орасидаги бурчак, геодезик узоқлик  $L$  эса шу нуқтадан ўтган меридиан текислиги билан бош меридиан текислиги орасидаги икки ёқли бурчак билан аниқланади (1.4- шакл).

Кенглик шимолий ва жанубий бўлиб, экватордан бошлаб иккала географик кутб томон  $0^\circ$  дан  $90^\circ$  гача ўлчанади. Узоқлик эса шарқий ва гарбий бўлиб, у Грinvich меридианидан бошлаб гарбга ва шарқга томон  $0^\circ$  дан  $180^\circ$  гача ҳисобланади.


Геодезик координаталар эллипсоид сиртига проекцияланган геодезик ўлчашлар натижаси орқали ҳисобланади.

Геодезик меридиан деб, берилган  $M$  нуқта ва эллипсоид кичик ўқи  $PP_1$  дан ўтувчи текисликнинг эллипсоид сирти билан кесимига айтилади (1.4-шаклда  $PP_1M P_1$  чизиги). Геодезик параллел деб, эллипсоид кичик ўқига перпендикуляр бўлган  $M$  нуқтадан ўтувчи текисликнинг эллипсоид билан кесимига айтилади (1.4- шаклда  $EME_1$  чизиги).


Катта майдонларда карталар тузиш учун меридиан ва пареллеллардан ташкил топган картографик тўрдан амалий геодезия ишларида, шунингдек, йирик масштабли план ва карталар тузишда эса асосан, тўғри бурчакли координаталар системасидан фойдаланилади.

**Астрономик (географик) координаталар системасида** Ер шар деб олинниб, унинг сиртидаги нуқта ўрни астрономик (географик) кенглик  $\phi$  ва астрономик (географик) узоқлик  $\lambda$  билан аниқланади.

**Тўғри бурчакли координаталар системасида** текисликда олинган нуқта ўрни унинг абсциссаси  $x$  ва ординатаси  $y$  билан аниқланади.



1.4- шакл.



1.5- шакл.


жанубга манфий ишорада олинади; ордината ўқи абсцисса ўқига перпендикуляр олинниб, у қийматлари бош нүктадан шарққа мусбат, ғарбға манфий ишора билан олинади. 1.5- шаклда  $M$  нүктасининг ўрни  $x_m$  ва  $y_m$  билан аниқланади.

Геодезияда түгри бурчакли координаталар системасининг чораклари меридиан чизигининг учидан бошлаб соат милининг ҳаракати бўйича рақамланган. Нүктанинг қайси чоракда жойлашгандиги координаталар ишораси билан аниқланади.

Кичик майдонлар учун унинг ихтиёрий жойидан бошлаб хусусий координата системасини қабул қилиш мумкин.

Давлат системасида эса экватор чизиги ордината ўқи деб, зона ўқ меридиан чизиги йўналишини эса абсцисса ўқи деб қабул қилинган.

Ер сиртидаги нүктанинг баландлиги асосий сатҳий юзадан нисбатан ҳисобланади. Нүктанинг сатҳий юзадан (дентиз ёки океан сувларининг тинч тургандаги юзаси) бўлган баландлиги мутлақ (абсолют) баландлик дейилади ва у  $H$  ҳарфи билан белгиланади. Нүктанинг мутлақ баландлигини ифодаловчи рақамга баландлик белгиси деб аталади.



1.6- шакл.

Геодезияда қабул қилинган түгри бурчакли координаталар системаси математикада қабул қилинган түгри бурчакли координата системасига нисбатан  $90^\circ$  та бурилган бўлиб,  $XX$  ва  $YY$  ўқларининг кесишган нүктаси координаталар боши дейилади (1.5- шакл).

Бу системада меридиан йўналиши абсцисса ўқи деб қабул қилиниб,  $x$  қиймати бош нүктадан шимолга мусбат,

(1.5- шакл)

жанубга манфий ишорада олинади; ордината ўқи абсцисса ўқига перпендикуляр олинниб, у қийматлари бош нүктадан шарққа мусбат, ғарбға манфий ишора билан олинади. 1.5- шаклда  $M$  нүктасининг ўрни  $x_m$  ва  $y_m$  билан аниқланади.

Геодезияда түгри бурчакли координаталар системасининг чораклари меридиан чизигининг учидан бошлаб соат милининг ҳаракати бўйича рақамланган. Нүктанинг қайси чоракда жойлашгандиги координаталар ишораси билан аниқланади.

Кичик майдонлар учун унинг ихтиёрий жойидан бошлаб хусусий координата системасини қабул қилиш мумкин.

Давлат системасида эса экватор чизиги ордината ўқи деб, зона ўқ меридиан чизиги йўналишини эса абсцисса ўқи деб қабул қилинган.

Ер сиртидаги нүктанинг баландлиги асосий сатҳий юзадан нисбатан ҳисобланади. Нүктанинг сатҳий юзадан (дентиз ёки океан сувларининг тинч тургандаги юзаси) бўлган баландлиги мутлақ (абсолют) баландлик дейилади ва у  $H$  ҳарфи билан белгиланади. Нүктанинг мутлақ баландлигини ифодаловчи рақамга баландлик белгиси деб аталади.

Собиқ Иттифоқда ва мамлакатимизда мутлақ баландлик ҳисобини юритадиган бошлангич сатҳ ноль нүкта сифатида Болтиқ денизидаги Кронштадт кўприги тўсинида ўрнатилган футштог (рейка) да сув сатҳи ўртача баландлигини кўрсатувчи белгиси қабул қилинган.

Нүқталар баландлигини ҳисоблашда бошлангич сатҳда боғланниш имкони бўлмаса, амалий ишларни бажариш учун жойда бирон-бир нүкта баландлиги ихтиёрий олинади ва бошқа нүк-

(1.6- шакл)

талаrinинг ўнгта нисбатан аниқланган баландлигига **шартли баландлик** дейилади. Бир нуқтанинг иккинчи нуқтага нисбатан бўлган баландлиги **нисбий баландлик** дейилади ва  $h$  билан белгиланади (1.6-шакл).

### 1.3. Гаусс — Крюгер ясси тўғри бурчакли координаталар системаси

Барча топографик ва обзор-топографик карталар тенг бурчакли кўндаланг цилиндрик проекцияда тузилади. Бу проекцияни немис олими К.Ф.Гаусс (1777 — 1855) назарий жиҳатдан асослаган бўлса, иккинчи бир немис олими Л.Крюгер (1857 — 1923) уни ҳисоблаш формулаларини ишлаб чиқсан. Шунинг учун ҳам у **Гаусс — Крюгер проекцияси** дейилади. Бу проекцияда эллипсоид сиртидаги шакл бурчаклари текисликда айнан ўзига ўхшаш тарзда тасвирланганидан унга **тенг бурчакли ёки конформ (ўхшаш) проекция** дейилади.

Бу проекция қишлоқ хўжалигига оид карталарни тузишда кўпроқ қўлланиладиган проекция ҳисобланади.

Гаусс — Крюгер тўғрибурчакли кўндаланг-цилиндрик проекцияси эллипсоид сиртида нуқталарнинг геодезик координаталари билан шу нуқтага тегишли текисликдаги тўғри бурчакли координаталарини ўзаро боғлаш имконини беради.


Бу проекцияни қўллашда ер эллипсоиди сирти фикран меридианлар билан зоналарга бўлинади (1.7-шакл).

Зоналар Гринвич меридианидан бошлаб узоқлик бўйича  $6^{\circ}$  дан, йирик масштабли карталар учун  $3^{\circ}$  дан ўтган меридианлар билан чегараланган.


Ҳар бир зонанинг ўртасидан ўтувчи меридиан **зонанинг ўқ меридиани** дейилади (1.7-шаклда узук чизиклар билан кўрсатилган).

Эллипсоиднинг ҳар бир зонаси алоҳида текисликка конформ (ўхшаш) қилиб ўтказилади.

Зонанинг ўқ меридиани текисликда тўғри чизик қилиб тасвирланиб, абсциссалар ўқи деб, унга перпендикуляр қилиб ўтказилган ва экватор текислигига ётган чизик эса ординаталар ўқи деб қабул қилинган (1.8-шакл). Бу ўқларнинг ўзаро кесишидан 0 нуқтаси коорди-



1.7- шакл.



1.8- шакл.

ната системасининг бош нуқтаси деб олинади. Ҳар бир зона ўзининг координата системасига эга. Берилган нуқта координаталар бўйича қайси зонада жойлашишини билиш учун унинг ордината қиймати олдига зона номери ёзиб қўйилади. Масалан,  $y = 7375252$  м бўлса, бу ердаги 7 рақами зона номери-дир.

Шимолий ярим шарда жойлашган ҳудудлар учун ҳамма абсциссалар мусбат. Ўқ меридиандан шарқ томондаги ординаталар мусбат, фарб томондагилари манфий бўлади.

Манфий ишорали ординаталарни мусбат ишорага келтириш учун улар қийматига  $500$  км кўшиб ёзилади (яъни ўқ меридиан  $500$  км га фарбга шартли суриласди). Шунда юқорида берилган  $y = 7375252$  м дан ордината ҳақиқий қиймати  $375252 - 500000 = -124748$  м бўлади.

Ҳар қандай картографик проекцияда ер сиртидан текисликка туширилган бурчак, чизиқ узунлиги ва майдон қийматларида хатолик бўлади. Гаусс — Крюгер проекциясида бурчаклар ўзгармайди, чизиқ узунлиги билан майдон ўзгаришларини қўйидаги формуулалардан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин:

$$S_0 = S \left( 1 + \frac{y_m^2}{2R^2} \right); \quad F_0 = F \left( 1 + \frac{y_m^2}{2R^2} \right),$$

бу ерда  $S_0$  ва  $S$  — текисликда ва эллипс сиртида олинган чизиқ узунлиги,  $F_0$  ва  $F$  текисликдаги ва эллипс сиртидаги шакл майдони;  $y_m$  — берилган чизиқ ўрта нуқтасининг ординатаси,  $y_m = (y_1 + y_2)/2$ ;  $R$  — Ернинг ўртача радиуси.

Гаусснинг текисликдаги проекциясида чизиқ узунлиги ва шакл майдони ҳар доим эллипслаги чизиқ узунлиги ва майдонидан катта бўлади. Хатолик чизиқ ёки шакл ўрта нуқтасининг ордината қийматига боғлиқ бўлиб, у ўқ меридиандан узоқлашган сари ошиб боради.

Масалан, чизиқ олти градусли зонанинг четида жойлашган бўлса, узунлигининг ўзариши ( $S_0 - S$ ) чизиқ қийматининг  $1 : 1500$  ҳиссасига тенг, майдон ўзариши ( $F_0 - F$ ) эса тахминан  $1 : 800$  ҳиссасига тенг бўлади.



## II бөб. ОРИЕНТИРЛАШ

### 2.1. Ҳақиқий азимут ва дирекцион бурчак

Жойда берилған чизиқнинг горизонт томонларига нисбатан йұналишини аниқлашып ориентирлаш деб айтылади. Чизиқнинг йұналишини чизиқ учидан үтган меридианга нисбатан аниқланади. Чизиқ учидан үттан меридиан билан шу чизиқ орасыда ҳосил бўлган бурчакка ориентирлаш бурчаги деб айтылади.

Чизиқ йұналиши азимут, дирекцион бурчак ва румб дейиладиган ориентирлаш бурчаклари билан аниқланади.

**Ҳақиқий меридиан** — ярим кун чизиги маъносида бўлиб, Ер айланиш ўқи орқали үтган текисликнинг Ер шари юзаси билан кесишишидан ҳосил бўладиган фаразий чизиқдир.

**Бош меридиан** — нұкта узоқлигини аниқлашда ҳисоб бошланадиган меридиан текислигидир. Ҳозир бутун дунё мамлакатларида Лондондаги Гринвич обсерваториясининг марказий нұктасидан үтган меридиан бош меридиан деб қабул қилинган.

**Үқ меридиан** — зоналар системасида бир зонанинг ўрта меридианы шу зонанинг ўқ меридианы бўлади.


Жойда ҳақиқий меридиан йұналишини аниқлаш мураккаб масала бўлиб, у астрономик кузатишлар орқали бажарилади ва жойдаги чизиқларни ориентирлаш учун ишлатилади.

Меридианни шимолий учидан бошлаб соат мили йўли бўйича чизиқ йұналишигача ўлчантан горизонтал бурчакка **азимут** дейилади. Азимут бурчаги  $A$  билан белгиланиб, у  $0^\circ$  дан  $360^\circ$  гача ўлчанади (2.1-шакл).


Агар азимут ҳақиқий (географик) меридиандан ҳисобланган бўлса **ҳақиқий азимут** дейилади.

Чизиқнинг тўғри йұналиш азимутини — тўғри азимут, тескари йұналиш азимутини — **тескари азимут** дейилади.

Берилган 2.1- шаклда  $P_1P_2$  йұналишининг тўғри азимути —  $A_1$  бўлса, шу йұналишининг тескари азимути —  $A_2$  бўлади. Булардан ўтувчи меридианлар ўзаро параллел бўлмаганидан чизиқ азимути унинг ҳар нұктасида ҳар хил қийматга эга бўлади (2.1- шаклга қаранг).



2.1- шакл.



2.2- шакл.

$0^\circ$  дан  $90^\circ$  гача бўлади. Чизик йўналишини румб билан кўрсатишда унинг сон қийматидан олдин чизик жойлашган чорак номи ҳам кўрсатилади.

2.2- шаклда берилган чизикларнинг азимути ва румблари орасидаги муносабат 3-жадвалда кўлтирилган.

3- жадвал

Азимутлар	Румблар	Чораклар
$0^\circ - 90^\circ$	$r_1 = A_1$	I – ШШқ (шимоли-шарқий)
$90^\circ - 180^\circ$	$r_2 = 180^\circ - A_2$	II – ЖШқ (жануби-шарқий)
$180^\circ - 270^\circ$	$r_3 = A_3 - 180^\circ$	III – ЖF (жануби-ғарбий)
$270^\circ - 360^\circ$	$r_4 = 360^\circ - A_4$	IV – ШF (шимоли-ғарбий)

Юқоридаги 2.1 -шакл ва 3- жадвалга асосан чизикнинг азимути маълум бўлса, унинг румбини ёки румби маълум бўлса, азимутини аниқлаш мумкин.

Масалан:

1)  $A_1 = 34^\circ 15'$  берилган бўлса, бундай азимутта эга чизик биринчи чоракда жойлашади ва унинг румби  $r_1 = A_1 = \text{ШШқ}: 34^\circ 15'$  бўлади.

2) Чизик румби ЖF:  $51^\circ 45'$  берилган бўлса, у учинчи чоракда жойлашгани учун 2.1- шакл ва 3- жадвалга асосан азимути кўйидагига тенг:  $A_3 = 180^\circ + r_3 = 180^\circ 00' + 51^\circ 45' = 231^\circ 45'$ .

Дирекцион бурчак деб зонанинг ўқ меридиани ёки унга параллел йўналишнинг шимолий учидан соат мили йўли бўйича берилган

чизиқкача ҳисобланган горизонтал бурчакка айтилади. Дирекцион бурчак ҳам  $0^\circ$  дан  $360^\circ$  гача ўлчаниб,  $\alpha$  ҳарфи билан белгиланади (2.3- шакл).

Чизиқнинг берилган нуқтасидаги азимути билан унинг дирекцион бурчаги орасидаги фарқ ушбу нуқтада меридианлар яқинлашиш бурчаги  $\gamma$  бўлади.

Агар нуқта ўқ меридиандан фарб томонда жойлашса (2.3- шаклда  $B_1$  нуқта), унинг азимути дирекцион бурчакдан кичик бўлиб, бу ҳолда меридианлар яқинлашиш бурчаги  $\gamma$ , манфий ишорали бўлади, шарқда жойлашса, ( $B_2$  нуқта) – мусбат бўлади. Амалда меридианлар яқинлашиш бурчагининг аҳамияти муҳим бўлиб, у орқали азимутдан дирекцион бурчакка ҳамда дирекцион бурчакдан азимутга қўйидаги формуласалар ёрдамида ўтилади:

$$\alpha = A - \gamma, \quad (2.2)$$

$$A = \alpha + \gamma. \quad (2.3)$$

Нуқталар ўқ меридианидан узоқлашган сари меридианлар яқинлашиш бурчаги  $\gamma$  ошиб бораверади.

Меридианлар яқинлашиш бурчагининг қиймати қўйидаги тақрибий формула орқали топилиши мумкин:

$$\gamma = l \sin B, \quad (2.4)$$


бу ерда:  $l$  – берилган меридиан узоқлиги билан бош меридиан узоқлиги айрмаси;  $B$  – берилган нуқтанинг геодезик кенглиги.

## 2.2. Магнит азимутлари


Магнит меридиани йўналиши магнит мили ёрдамида аниқланади.


**Магнит меридиани** деб магнит милининг мувозанат ҳолатда турганида унинг магнит ўқи орқали ўтувчи вертикаль текисликни Ер сирги билан кесишишидан ҳосил бўлган чизиқка айтилади.

Магнит мили сунъий магнитланган темирдан тайёрланган бўлиб, у горизонтал ҳолатда мувозанат ва эркин ҳаракатланиши учун вертикаль ўқ учига ўрнатилади (2.4- шакл).



2.3- шакл.





2.5- шакл.

Магнит милининг ўт-кирланган учларини туташтирувчи тўғри чизиқقا унинг геометрик ўқи дейилади. Магнит мили учлари яқинида жойлашган икки нуқтада магнит кучланиши катта бўлиб, улар магнит милининг қутблари дейилади.

Эркин ҳолдаги магнит милида бу қутблардан ўтвичи тўғри чизиқ бир учи билан шимолни, иккинчиси билан жанубни кўрсатади.

Ер сиртидан ўтказилган магнит меридианлари Ер-нинг магнит қутбларида туташади. Ернинг магнит қутблари географик қутблар билан тўғри келмагани сабабли, магнит меридианлари географик меридианларга тўғри келмайди.

2.5- шаклда  $P$  нуқтадан  $ШЖ$  ҳақиқий меридиан йўналиши ва  $Ш^*$  ва  $Ж^*$  магнит меридиан йўналиши ўтган бўлсин.

Булар орасидаги  $ШРШ^*$  бурчаги магнит милининг оғиши бўлиб, у  $\delta$  билан белгиланади. Агар магнит меридиани (ёки магнит мили) ҳақиқий меридиандан шарққа оғса, магнит милининг оғиши шарқий дейилиб, + белги кўйилади, гарбга оғса, гарбий дейилиб, унга – белги кўйилади. Улар орасидаги муносабат 2.5- шаклга асосан қўйдагига тенг:

$$A = A_m \pm \delta. \quad (2.5)$$

Азимут ҳалқали буссолъ ёрдамида жойдаги чизиқларнинг магнит азимутлари, румб ҳалқали буссолъ ёрдамида магнит румблари ўлчанди.

Магнит меридианига нисбатан ўлчанганд магнит азимути ва магнит румби ориентирлаш бурчаклари ҳисобланади.

Магнит азимути  $A_m$  ҳам ҳақиқий азимутта ўхшаб соат мили иёли бўйича  $0^\circ$  дан  $360^\circ$  гача ўлчанади.

Магнит милининг оғиши турли жойда турли қийматда бўлади. Магнит аномалияси бўлган ҳудудларда магнит милидан фойдаланиш мумкин эмас.

Магнит милининг оғиши бир жойда ҳамиша бир қийматда бўлмай, аста-секин ўзгариб туради. Ўзгариш йиллик ва асрый бўлади. Оғиши бир кеча-кундуз давомида ҳам ўзгариб туради, бунга кунлик ўзгариш дейилиб, у  $15'$  атрофида, баъзан ундан ҳам катта бўлади.

Шуларга биноан магнит мили магнит меридианининг йўналишини тахминан кўрсатади. Давлат аҳамиятига эга бўлмаган съёмкалар учун бошлангич чизиқ йўналишини магнит мили билан ўлчаса бўлади.

Магнит мили оғиш қиймати ҳақидаги маълумотни берилган ҳудуд бўйича метеостанциялардан олса бўлади, чунки улар магнит оғишини доимий кузатиб, ҳисоблаб боришади. Топографик карталарнинг пастки чап қисмида карта тузилган ҳудуд учун магнит милининг ўртача оғиш қиймати кўрсатилади.

Агар  $\gamma$  ва  $\delta$  қийматлари берилган бўлса, дирекцион бурчак ва магнит азимути орасидаги боғланиш қўйидагича ифодаланади:


$$A = \alpha + \gamma,$$

$$A_m = A - \delta,$$

бундан

$$\alpha = A_m - (\gamma - \delta). \quad (2.6)$$

бу ерда  $\gamma$  ва  $\delta$  ишоралари ҳисобга олинниши керак.



### III бөб. ТОПОГРАФИК ПЛАН ВА КАРТАЛАР


#### 3.1. Умумий маълумот

Ер юзаси кичик бўлагининг Ер эгрилигини эътиборга олмай айнан ўзига ўхшаш ҳолда кичрайтириб, қофозга туширилган тасвирiga (горизонтал проекциясига) план дейилади.


Жойдаги  $ABCDFHQ$  ер бўлагини кичрайтириб ва ўзига ўхшатиб горизонтал проекциясини қофозга (текисликка) туширсан, унда жой горизонтал проекциясининг график тасвирини, яъни  $a, b, c, d, f, h, q$  нуқталар билан чегараланган планини оламиз (3.1-шакл).

Жой рельефини кўрсатмай фақат тафсилотлар (ҳайдалма ерлар, йўл, дарё, кўл ва бошқа) чегаралари туширилса, бундай планга **контурли план** дейилади. Агар планда жой тафсилотларидан ташқари жойнинг рельефи ҳам тасвирланган бўлса, у **топографик план** дейилади. Маълум мақсадлар учун, масалан, шаҳар планлари, қишлоқ хўжалик планлари, ўрмон планлари, кадастр планлари, тупроқ карталари тузилади ва уларнинг масштаби ҳар хил бўлиши мумкин.

Ернинг нисбатан катта бир бўлагини қофозда тасвирлашда албатта Ер эгрилиги ҳисобга олинади (3.2- шакл). Шунинг учун бундай майдонлар картасини тузиш учун жой контурлари сферик сиртга проекцияланиб, маълум математик қоидаларга асосланиб, текисликка ёйилади (3.2- шакл).



3.1- шакл.



3.2- шакл.

Бундай тасвири текисликка (қоғозга) ўзгаришларсиз тушириб бўлмайди, сферик (эгри) юзани текисликка туширганда ҳар хил католиклар (майдон, шакл, бурчак ва узунликларда) рўй беради.

Бутун Ер юзаси ёки унинг катта бир қисмини ер эгрилигини ҳисобга олиб, математик қоидалар асосида бир оз умумлаштириб ва кичрайтириб қоғозга туширилган тасвирига **карта** дейилади.

### 3.2. Масштаблар

Жойда ўлчанган чизиқлар горизонтал қўйилиши узунлигини план, карта ва профилга кичрайтириб тушириш даражасига **масштаб** дейилади.

Пландаги чизик узунлиги  $s$  ни унинг жойда ўлчаб топилган горизонтал қўйилиши қиймати  $s_x$  га нисбати **план масштаби** дейилади.

$$\frac{1}{M} = \frac{s}{s_x}. \quad (3.1)$$

Кичрайтириш даражасини сонли ёки график ифодалаш мумкин, шунга кўра, **сонли** ва **график масштаблар** бўлади. График масштаблар **чизиқли** ва **қўндаланг** бўлади.

Сурати бир бўлиб, маҳражи кичрайтириш даражасини кўрсатувчи оддий каср сонли масштаб бўлади. Масалан, 1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:5 000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000 ва ҳоказо ёки

$$\frac{1}{500}, \frac{1}{1000}, \frac{1}{2000}, \frac{1}{5000}, \frac{1}{10000}, \frac{1}{25000} \text{ ва ҳоказо.}$$

План билан карта масштабининг фарқи шундаки, план масштаби ўзгармас бўлиб, ҳамма жойида бир хил бўлади, картанинг масштаби эса картани бир жойидан иккинчи жойига ўтища ёки бир йўналишда бир хил бўлса, иккинчи йўналишда бошқача бўлади.

Жой ва пландаги чизиқлар ўртасида қўйидагича муносабат бор:

$$s_x = s \cdot M,$$

бу ерда  $s_x$  — жойдаги чизик узунлиги,  $s$  — шу чизиқнинг пландаги узунлиги,  $M$  — сонли масштабнинг маҳражи.

Масштаблар йирик ва майда масштабларга ажралади. Сонли масштаб маҳражи қанча кичик бўлса, у йирик ва аксинча, маҳражи қанча катта бўлса, у майда масштаб бўлади.

Одатда, планлар йирик масштабда, карталар майда масштабда тузилади.

Лекин йирик ва майда масштабларнинг тушунилиши нисбатан бўлади. Чунки 1:5 000 масштабли қишлоқ хўжалик планлари йирик масштабли ҳисобланса, шаҳар планлари учун у майда масштабли ҳисобланади.

M 1: 1000



### 3.3- шакл.

1:200 000 масштабли географик карта йирик масштабли карта бўлиб ҳисобланса, ердан фойдаланувчи хўжаликлар учун майдо масштабли карта ҳисобланади.

Сонли масштаб 1:10 000 бўлса „1 санти-

метрда 100 м“ деб ёзилади, яъни пландаги 1 сантиметр узунлик жойдаги 10000 см ёки 100 м узунликка мос келаркан.

Сонли масштабни билиб жойдаги чизиқни планга (картага) ёки аксинча, пландаги чизиқни жойга осонгина кўчириш мумкин.

Агар жойдаги чизиқнинг горизонтал қўйилиши 146,8 м, масштаб 1:5 000, яъни 1 см да 50 метр бўлса, чизиқнинг пландаги узунлиги  $146,8 : 50 = 2,94$  см ни ташкил қиласди.

Агар чизиқ узунлиги картада 2,38 см, масштаб 1:25 000, яъни бир см да 250 м бўлса, чизиқнинг жойдаги горизонтал қўйилиши  $2,38 \times 250 = 595$  м га тенг бўлади.

Юқоридаги ҳисоблаш ишларини камайтириш мақсадида чизиқли масштабдан фойдаланилади.

Чизиқли масштабни чизиш учун масштаб асоси танланади. Масштаб асосини 1 дан 2,5 см гача олиш мүмкин, чунки жойдаги масофа бутун сонга, масалан, 10, 20, 50 м ёки 100, 200, 500 м га тўғри келади.


Сонли масштаб 1:1 000 бўлса, унинг чизиқли масштаби қўйидаги тартибда тузилади. Тўғри чизиқ олинниб, у 1 см лик кесимларга бўлинади. Чапдан биринчи бўлак асос деб олинниб, 10 қисмга бўлинади. Бўлинган асоснинг ўнг томонига 0, чап томонига 10 м ва 0 дан ўнг томондаги бўлакларга 10, 20, 30 ва ҳоказоларни чизмада кўрсатилгандек ёзилади (3.3- шакл).

Пландан кесма узунлигини ўлчашла циркулнинг бир учи ўнг томонда чизилган асос чизигига қўйилади, иккинчи учи эса миллиметрларга бўлинган асоснинг ичидаги бўлади.

Шаклдаги  $AB = s$  кесмасининг жойдаги узунлиги 1:1 000 масштабда 43 метр бўлади.

Чизиқли масштаб асосидаги бир бўлакни кўз билан мўлжаллаб олинадиган масофа аниқлигини ошириш мақсадида кўндаланг масштабдан фойдаланилади.

Кўндалант масштабни чизиш учун қофозда  $AQ$  тўғри чизиқ чизилиб (3.4-шакл), унда 2 см дан бўлган  $AB = BC = CD \dots$  кесимлар белгиланади. Чап томондаги  $AB$  асос 10 та кичик бўлакларга оддий чизиқли масштабдаги каби бўлинади.  $A, B, C, D, E, F, Q$  нуқталаридан асосий чизиқقا нисбатан юқорига



3.4- шакл.

узунлиги 2,5 см га тенг тик чизиқлар ўтказилиб,  $a, b, c, d, e, f, q$  нүкталар топилади.

Чизманинг юқори қисмидаги  $ab$  кесим тенг 10 бўлакка бўлинади. Шундан кейин,  $k$  нүктани пастдаги  $B$  нүкта билан қия чизиқ (трансверсал) билан туташтирилади. Юқори ва пастки асосларда белгиланган қолган нүкталар ҳам қия чизиқлар (трансверсаллар) билан бирлаштирилади.

Асоснинг  $Aa$  томони ҳам 10 та тенг бўлакларга бўлинниб, топилган нүкталардан  $AQ$  чизиққа параллел чизиқлар ўтказилади.

Шунда ҳосил бўлган  $k_1b_1$  кесим кўндаланг масштабнинг энг кичик бўлаги дейилади.

Унинг қиймати  $Bk$  ва  $Bk_1b_1$  учбурчакларининг ўхшашлигидан топилади.

$$\frac{k_1b_1}{k_b} = \frac{Bk_1}{Bk},$$

бу ердан  $k_1b_1 = \frac{Bk_1}{Bk} \cdot k_b$ ,  $k_b = \frac{AB}{n}$ ;  $Bk_1 = \frac{Bk}{m}$ ;  $k_b$  ва  $Bk_1$  қийматларини ўрнига қўйсак,

$$k_1b_1 = \frac{AB}{mn}, \quad (3.2)$$

$AB$  асосни  $n$  та бўлакка ( $n = 10$  бўлак),  $Aa = Bk$  кесма  $m$  та бўлакка ( $m = 10$  бўлак) бўлинганини ҳисобга олиб топамиз:  $k_1b_1 = \frac{2 \text{ см}}{10 \times 10} = \frac{20 \text{ мм}}{100} = 0,2 \text{ мм}$ .

Бу кўндаланг масштаб энг кичик бўлагининг қиймати бўлиб, унинг ярмини (0,1 мм) кўз билан чамалаб аниқлаш мумкин ва у масштабни қабул қилинган аниқлигига тенгдир.

Агар  $n = m = 10$  бўлак ва  $a = 2$  см бўлса, бундай кўндаланг масштаб нормал юзлик кўндаланг масштаб дейилади.

Шаклдаги кўндаланг масштаб чизгичида 472 м қиймати 1:10 000 масштабда юлдузчалар билан кўрсатилган.

Кўз билан миллиметрнинг 0,1 бўлагини ажратиш мумкин. План ёки картадаги 0,1 мм га тўғри келадиган жойдаги узунликка масштаб аниқлиги дейилади ва у  $t$  билан белгиланади,  $t = 0,1$  мм. Шунда, масалан,  $1:10\,000$  масштаб аниқлиги  $t = 0,1 \times 10\,000 = 1,0$  м бўлади.

Масштаб аниқлигидан кичик бўлган узунликни планда тасвирлаб бўлмайди.

### 3.3. Топографик план ва карталар номенклатураси

Масштаби  $1:1\,000\,000$  дан кичик бўлган карталар майдада масштабли ёки географик карталар дейилади. Масштаби  $1:200\,000$  дан  $1:1\,000\,000$  гача бўлган карталар ўрта масштабли ёки обзор топографик карталар деб, масштаби  $1:100\,000$  ва бундан йирик карталар эса йирик масштабли топографик карталар деб аталади.

Мамлакатимизда карталар номенклатурасини аниқлашга  $1:1\,000\,000$  масштабли карта варақларининг халқаро бўлиниси асос қилиб қабул қилинган.


Бу масштабдаги картанинг ҳар бир варағи узоқлик бўйича  $6^\circ$ , кенглик бўйича  $4^\circ$  га тенг трапециядан иборат. Ер юзасидаги бу ўлчамдаги майдон бир планшетта тўла жойлашади. Кўп варақли картанинг ҳар бир варағи ер юзасида кенглик ва узоқлик бўйича маълум ўринни эгаллайди ва айрим белгилар билан кўрсатилади. Карта варагининг белгилаш системасига **топографик карта номенклатураси** дейилади.

Картани варақларга бўлиш ҳамда варақлар номенклатурасини белгилаш учун бутун Ер шарининг юзаси бош меридиандан (Гринвичдан) бошлаб  $6^\circ$  дан ўтказилган меридианлар билан  $60$  та колонналарга бўлинади; колонналар араб рақамлари билан номерланади; номерлаш узоқлиги  $180^\circ$  бўлган меридиандан бошланиб, гарбдан шарқга томон I дан  $60$  гача ошиб боради.

Колонналар ва координата зоналари номерлари орасидаги боғланиш қуйидагича ифодаланади:  $n = Q - 30$ ,  $n$  — Гаусс — Крюгер координаталари зона номери,  $Q$  —  $1:1\,000\,000$  масштабдаги карта колонна номери.

Колонналар экватордан бошлаб, шимолий ва жанубий кутбларга томон ҳар  $4^\circ$  дан ўтказилган параллеллар воситасида қаторларга бўлинади. Қаторлар ўрни лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан белгиланади.

Юқоридагидек ўтказилган меридиан ва параллеллар билан ер юзасида  $1:1\,000\,000$  масштабдаги карталарнинг трапецияси ҳосил бўлади. Ҳар қайси трапеция битта алоҳида варақда тасвирланади; меридиан ва параллел чизиқлар эса шу варақларнинг ички рамкаси ҳисобланади.



### 3.5- шакл.

1:1 000 000 масштабдаги карта бир варагининг номенклатураси шу карта трапецияси жойлашган қатор ҳарфи ва колонна номеридан иборат бўлиб, 3.5-шаклда белгиланган трапециянинг номенклатураси *K-42* бўлади.

Қатор ва колонналарга бўлиш, рақамлаш, белгилаш 3.5- шаклда тўла кўрсатилган.

Қаторларнинг қайси ярим шарда эканлигини билиш учун уни белгиловчи ҳарф олдига шимолий ярим шарда *N*, жанубий ярим шарда эса *S* ҳарфи ёзилади.


Нуқтанинг географик координаталари  $\phi$  (кенглик) ва  $\lambda$  (узоқлик) маълум бўлса, 1:1 000 000 масштабли картанинг шу нуқта жойлашган варагининг номенклатурасини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин (колонна номери *m* ва қатор номери *n* деб олинган):

$$m = \frac{\lambda}{6} + 31; \text{ агар } \lambda > 180^\circ \text{ бўлса, } m = \frac{\lambda - 180^\circ}{6} + 1 \text{ бўлади.}$$

$$n = \frac{\phi}{4} + 1.$$


Бу формуладан фойдаланишда,  $\phi$  ва  $\lambda$  ларнинг фақат градус қийматлари тегишлича 6 ва 4 га бўлиниб, бутун қийматига тегишлича 31 ва 1 кўшилади.

Масалан, шимолий ярим шарда бирор нуқтанинг географик координаталари  $\phi = 41^\circ 13' 00''$ ,  $\lambda = 69^\circ 40' 10''$  дейлик, шунда колонна номери  $m = \frac{69^\circ}{6} + 31 = 11 + 31 = 42$ , қатор номери эса  $n = \frac{41^\circ}{4} + 1 = 11$  бўлади.



3.6- шакл.

K-42-104



3.7- шакл.

3.5- шаклдан 11- ҳарф *K*, шунга кўра 1:1 000 000 масштабдаги карта варагининг номенклатураси *K-42* кўринишда бўлади.

Мамлакатимизда топографик карта ва планлар тузиш учун, асосан, қуидаги масштаблар қабул қилинган:

1:1 000 000; 1:500 000; 1:300 000; 1:200 000;  
1:100 000; 1:50 000; 1:25 000; 1:10 000;  
1:5 000; 1:2 000; 1:1 000; 1:500.

1:100 000 ва ундан майдароқ масштабдаги карта варакларининг номенклатураси 1:1 000 000 масштабдаги карта варагининг ичидаги бўлади, 1:50 000 ва ундан йирикроқ масштабдаги карта ва план варакларининг номенклатураси эса 1:100 000 масштабдаги карта варагининг ичидаги бўлади.


1:1 000 000 карта варагига 4 та *A*, *B*, *V* ва *Г* ҳарфлари билан белгиланадиган 1:500 000 масштабдаги карта вараклари тўғри келади, бу варакларни номенклатураси 1:1 000 000 варак номенклатурасига ушбу варак номери кўшиб ёзилади, масалан, *K-42-Г* (3.6-шакл).

1:1 000 000 масштабдаги картанинг бир варагига рим рақамлари билан I дан IX гача белгиланадиган 9 та 1:300 000 масштабдаги карта вараклари тўғри келади, унинг битта вараги номенклатураси масалан, VIII-*K-42* кўринишда ёзилади.


1:1 000 000 масштабдаги карта варагига рим рақамлари билан I дан XXXVI гача белгиланадиган 36 та 1:200 000 масштабдаги карта вараклари тўғри келади ва битта варак номенклатураси *K-42-XXVIII* кўринишда ёзилади.

1:1 000 000 масштабдаги бир варакҳа араб рақамлари билан 1 дан 144 гача белгиланадиган 144 та 1:100 000 масштабдаги карта вараги тўғри келади. Уларнинг номенклатураси, масалан, 104-варак учун *K-42-104* кўринишда ёзилади (3.7- шакл).

1:100 000 масштабли карта битта варагига 4 та 1:50 000 масштабдаги карта вараклари тўғри келади. Улар кирилча бош ҳарфлар *A*, *B*, *V* ва *Г* билан белгиланади.



3.8- шакл.



3.9- шакл.

Шунда 1:50 000 масштабдаги варақ номенклатураси күйидагича бўлади: K-42-104-A.


Битта 1:50 000 масштабдаги карта варагига 4 та 1:25 000 масштабдаги карта варақлари тўғри келади. Улар кирилча ёзма ҳарфлар *a*, *b*, *c* ва *d* билан белгиланади. Битта варақнинг номенклатураси масалан, K-42-104-A-2 кўринишда бўлади (3.8-шакл).

Битта 1:25 000 масштабдаги карта варагига 4 та 1:10 000 масштабдаги карта варақлари тўғри келади. Улар араб рақамлари 1, 2, 3 ва 4

K-42-104																
41°20'	69°00'														41°20'	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
17																32
33																48
49																64
65																80
81																96
97																112
113																128
129																144
145																160
161																176
177																192
193																208
209																224
225																240
241	242	243	244	245	246	247	248	249	250	251	252	253	254	255	256	41°00'
	69°00'															69°00'
																1:100000

3.9-а шакл.

K-42-104-(86)



3.10- шакл.

план вараги түгри келади. Улар кирилча ёзма ҳарфлар *a*, *б*, *в*, *г*, *д*, *е*, *ж*, *з*, *и* билан белгиланади.

Шунда 1:2 000 масштаб вараги номенклатураси *K-42-104-(86-д)* күринишила ёзилади (3.10- шакл).

билан белгиланади. Шунда варақнинг номенклатураси *K-42-104-4-з-1* күринишида ёзилади (3.9-шакл).

Битта 1:100 000 масштабли карта варағига араб рақамлари билан 1 дан 256 гача белгиланадиган 256 та 1:5 000 масштабдаги план варақлари түгри келади (3.9-а шакл). Уларнинг номенклатураси қавс ичига ёзилган варақ номери 1:100 000 карта номенклатурасига қўшиб ёзилади, масалан *K-42-104-(86)* (3.10- шакл).

Битта 1:5 000 масштабдаги план варағига 9 та 1:2 000 масштабдаги

**План ва карталар охирги варақларининг номенклатураси,  
варақ рамкаларининг ўлчами.**

Карта ва план масштаблари	1:1 000 000 ва 1:100 000 масштаблар бир варақидаги варақлар сони	Варақ рамкасининг ўлчами		Варақ номенклатураси
		кенглик бўйича	узоқлик бўйича	
1:1 000 000 масштабдаги варақ				
1:1 000 000	1	4°	6°	K-42
1:500 000	4	2°	3°	K-42-Г
1:300 000	9	1°20'	2°	VIII-K-42
1:200 000	36	40'	1°	K-42-XXVIII
1:100 000	144	20'	30'	K-42-104
1:100 000 масштабдаги варақ				
1:50 000	4	10'	15'	K-42-104-А
1:25 000	16	5'	7'30 "	K-42-104-А-2
1:10 000	64	2'30 "	3'45 "	K-42-104-А-2-1
1:5 000	256	1'15 "	1'52,5"	K-42-104-(86)
1:2 000	2304	25 "	37,5"	K-42-104-(86-д)

**(3.4.) Жой (ер) рельефи ва уни топографик план ва карталарда тасвирлаш**

Маълумки, инженерлик иншоотларини куришда, янги ерларни очища, уларни текислашда, сугориш тармоқларини лойиҳалаш ва куришда ер юзасининг паст-баландлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Шунга кўра, жойдаги тафсилотлар ва жой рельфи топографик карта ва планда тўғри тасвирланган бўлиши керак.


Ер юзаси жами паст-баландлигига жой **рельефи** деб айтилади.

**Рельеф шакллари.** Ер сиртининг ҳар хил нотекисликларидан рельефнинг асосий шаклларини ажратиш мумкин. Буларга: тоғ (тепа), тизма тоғ, эгарсимон жой (бел), чукурлик, сойларни киритиш мумкин (3.11-шакл).

1. **Тоғ (тепа)** — ер сиртидаги кўтарилган гумбазсимон жой бўлиб, унинг энг баланд нуқтаси чўққи, ён томонлари **қиялик** (ён бағир, нишаб), атроф билан туташган чизифи — **тоғ этаги** дейилади.

2. **Тизма тоғ** — бир йўналишда чўзилиб кўтарилган ёки пасайган жой бўлиб, икки ён томони тикроқ пасаяди.

3. **Эгарсимон жой (бел)** — икки тоғ ёки тепанинг ёнма-ён қўшилишидан ҳосил бўлади. Эгарсимон жойнинг икки томонидан қарама-



3.11- шакл.

қарши йұналишда сой бошланади. Күпинча бир сойдан иккінчисига үтган сүқмоқ йўл эгарсimon жой орқали орқа томондаги сой йўлига туташади, эгарсimon жойдаги бу йўл **довон** дейилади.


4. **Чуқурлик** (қозонсой) – тогнинг акси бўлиб, ҳар томондан ўралган пастлик жой; энг чуқур жойига – **туб деб**, ён томонлари **қиялик**, қияликларнинг атроф билан учрашган чизиги – **чуқурлик чекаси** дейилади.

5. **Сой** – бир йұналишда кўтарилиган тизма тогнинг акси бўлиб, бир нуқтадан учи томон кўтарилади ёки бир учи очиқ йұналиш бўйича аста пасаяди, кейин икки ёни тикроқ кўтарилади.

Сойнинг энг паст жойларидан үтган чизик **сув йигувчи** чизик дейилади, бу чизик бўйича ёғин сувлари оқади. Агар сой кенг бўлса ва узоқса чўзилса, **водий** дейилади.

Дарёлар водийнинг сув йигилувчи чизиги бўйича оқади, агар сойда сув йигилувчи чизик нишаблиги катта ва тупроқ юмшоқ бўлса, сел оқимлари орқали ювилиб, ўпирилади, кейин бу ерда **жарлик** ҳосил бўлади. Тизма тог ёки тоф ён бағридаги деярли текис майдончаларга **терраса** дейилади.

**Рельефи тасвирлаш.** Рельеф планларда бир неча усулда тасвирланади. Нуқталар баландлик белгисини ёнига ёзиш, баландлигига қараб оч ва тўқ ранглар билан бўяш, турли йўғонликда ва турли қатинликда штрихлар чизиш, горизонталлар билан тасвирлаш усуллари кўлланилади. Топографик план ва карталарда рельеф, асосан, горизонталлар билан тасвирланади.



3.12- шакл.

Горизонталлар билан тасвирланган жой рельефи энг аниқ бүлиб, бундай карта ва планлардан ҳар хил лойиҳалаш ва инженерлик масалаларини ечишда фойдаланилади.

Картада деңгиз сатхидан бир хил баландлыкда жойлашган нуқталарни бирлаشتырадиган чизиқка **горизонтал** деб айтилади.

Баъзида горизонтал сўзини „изогипс“ деб ҳам ишлатилади, унинг маъноси „баландлиги бир хил бўлган чизиқ“ демакдир (3.12-шакл).

Горизонталларни яхши тасавур қилиш учун бирон тепаликдан иборат ер бўлагини сатхий юзага параллел горизонтал текисликлар  $AB$ ,  $CD$ ,  $KL$  билан бир хил баландлыкда кесиштиришдан ҳосил бўлган  $A$ ,  $C$ ,  $K$ ,  $R$ , ...,  $D$ ,  $B$  нуқталарни горизонтал текисликка ортогонал проекциялаб,  $a$ ,  $c$ ,  $k$ ,  $r$ , ...,  $d$ ,  $b$  нуқталар топилади. Бир хил баландлыкка эга нуқталарни эгри чизиқ билан ўзаро туташтириб, горизонталлар ҳосил қилинади.

Агар тўлдирилган сув ҳавзасидаги сув ҳажмини ҳар куни камайтириб борсак, унинг деворларида сув сатҳи излари ҳосил бўладики, улар горизонталларни билдиради.


Икки қўшни горизонталлар орасидаги шовун йўналиш бўйича вертикаль масофага **рельефининг кесим баландлиги** ( $h$ ) дейилади.

Кесим баландлиги тасвирланадиган жой рельефининг мураккаблигига ва тузиладиган план ва карта масштабига қараб қабул қилинади. Горизонталларнинг бир-бирига қанчча яқин ёки бир-биридан қанчча узоқ бўлиши қиялик бурчагининг катта ёки кичиклигига боғлиқ бўлади.

Агар қиялик бурчаги катта бўлса, горизонталлар бир-бирига яқин бўлади ва аксинча.

Текисликдаги (пландаги) икки қўшни горизонталлар орасидаги масофа **қўйилиш** дейилади.

3.13- шаклдаги  $A$  нуқта жойлашган горизонталдан қўшни горизонталгача ҳар хил йўналишда қўйилиш олиш мумкин, масалан  $Aa_1$ ,



3.13- шақл.

**ЗИГИ** дейилади. Бу чизик қиялик йўналиши деб қабул қилинади.

Горизонталлар куйидаги асосий хоссаларга эга:

1. Горизонталлар бир-бирига қанча яқин бўлса, жой қиялиги шунча тик бўлади; бир-биридан узоқ бўлса, қиялик ётиқ бўлади. Ёнма-ён икки горизонтал орасидаги энг қисқа масофа энг тик жой бўлади.

2. Турли баландлиқдаги горизонталлар ўзаро кесишмайди.

3. Пландаги горизонталлар ёпиқ чизиқ бўлади ёки план четида тугайди.

4. Горизонталга перпендикуляр чизиқ энг катта нишабликда бўлади.

Айрим жойларнинг рельефини асосий горизонталлар билан тўла кўрсатиш мумкин бўлмаган вақтда кесим баландлигининг ярмига тенг қийматда қўшимча горизонталлар ўтказилади. Қўшимча горизонталлар узук (пунктир) чизиқлар билан чизилади. Баъзида чорак горизонталлар ҳам ўтказилади.

### 3.5. Топографик план ва карталарнинг шартли белгилари


Топографик план ва карталар тузишда уларни аниқ, тушунарли ва кўргазмали бўлиши учун жой тафсилотлари ва рельефи маҳсус қабул қилинган шартли белгилар ва ёзувлар ёрдамида тасвирланади. Маҳсус шартли белгилар ўз хусусиятига ва вазифаларига кўра тўртта гурухга бўлинади: контурли, масштабсиз, чизиқли ва тушунтириш.

Контурли (масштабли) шартли белгилар билан карта масштабида майдонини кўрсатиш мумкин бўлган объектлар (экинзор, ўрмон, йўл, канал ва ҳ.к.) тасвирланади. Майдонларини план ва карта масштабида кўрсатиш мумкин бўлмаган объектлар (кудуқ, геодезик пунктлар, тегирмон ва ҳ.к.) масштабсиз шартли белгилар билан тасвирланади. Узунасига давом этган объектлар (йўллар, чегаралар, ер пўстидаги тектоник ёриқлар ва ҳ.к.) чизиқли шартли белгилар билан тасвирланади.

Контурли (майдонли), чизиқли ва масштабсиз шартли белгилар билан тасвирланган объектларни қўшимча равиша тавсифлаш учун тушунтириш шартли белгилари ишлатилади.

$Aa_2$ ,  $Aa_3$  ва бошқалар. Булардан горизонталларга тик қилиб олинган  $Aa_2$  йўналиши энг характерлиси ҳисобланади. Шунга асосан унинг қўйилиши энг кичик бўлиб, қиялик тикилиги энг катта бўлади.

Энг кичик қўйилиш бўйича олинган чизиқ энг катта тикилик чизиғи



3.14- шакл.

Планда тафсилотларнинг табиий чегаралари, чизиқли иншоотлардан ташқари, нүкталар билан кўрсатилиб, ичи бир-биридан фарқланувчи белгилар билан тўлдирилади.


Карта ва планларда давлат стандартлари бўйича қабул қилинган шартли белгилар, уларнинг ўлчамлари, ранги план масштаби бўйича кўрсатилади.

Ҳамма сув ҳавзалари кўк рангда кўрсатилади. Табиий рельеф элементлари, горизонталлар, сув ўйиб кетган чуқур жойлар – жигар рангда, бошқа ҳамма обьектлар қора рангда кўрсатилади.

План ва карталар учун қабул қилинган шартли белгилар 3.14-шаклда тасвиранган.

### 3.6. Топографик карталарда ҳар хил машқлар бажариш, қуйилиши ва нишаблик масштаблари

Жой тафсилоти ва рельефи тасвиранган топографик карта ва планлар бўйича турли инженерлик иншоотлари (темир йўл ва автомобил йўллари, гидротехник иншоотлар, бинолар ва бошқалар) лойиҳаланади. Бунда горизонталлар қуйилиши, пландаги чизиқ нишаби, қиялик бурчаги, қиялик тикилги, нүкталар баландлиги ва



3.15- шакл.

ланцлиги ушбу горизонталнинг баландлигига тенг бўлади.

3.15-шаклдаги  $A$  нуқтанинг баландлиги  $H_A = 77,0$  м бўлади.

Агар нуқталар горизонталлар орасида ётган бўлса, унинг баландлиги қўйидагича аниқланади: берилган шаклда,  $B$  нуқта баландлиги 78 ва 79 метрга тенг иккита горизонталлар орасида жойлашган. Бу нуқта баландлигини топиш учун ундан иккала кўшни горизонталларга перпендикуляр чизиқ чиқариб, горизонталлар билан кесишган нуқталарини  $M$  ва  $N$  билан белгилайлик. Ушбу нуқталар баландлиги  $H_M$  ва  $H_N$  улар жойлашган тегишли горизонталлар баландлигига тенг. 3.16-шаклга асосан  $B$  нуқтасининг баландлиги қўйидагига тенг:

$$H_B = H_M + h'$$

Ушбу шаклдаги учбурчаклар ўхшашигидан қўйидагини ёзамиш:

$\frac{h_1}{h} = \frac{d_1}{d}$ , бундан  $h_1 = \frac{h}{d} \cdot d_1$ . Бу ерда  $h$  пландаги горизонталлар кесими баландлиги,  $d$  ва  $d_1$  масофалар пландан ўлчаб олинади.

$B$  нуқта баландлигини қўйидагича топиш ҳам мумкин:

$$H_B = H_N - h', \text{ бу ерда } h'' = \frac{h}{d} \cdot d_1.$$

$$\text{Мисол: } H_M = 78,0 \text{ м; } d_1 = 59,5 \text{ м; } h = 1 \text{ м;}$$

$$H_N = 79,0 \text{ м; } d_2 = 110,5 \text{ м; } d = 170 \text{ м;}$$

$$\text{бўлса, } h_1 = \frac{1}{170} \cdot 59,5 = 0,35 \text{ м; } H_B = 78,0 + 0,35 = 78,35 \text{ м;}$$

$$h'' = \frac{1}{170} \cdot 110,5 = 0,65 \text{ м; } H_B = 79,0 - 0,65 = 78,35 \text{ м.}$$

2. Планда берилган чизиқнинг қиялий бурчагини аниқлаш. Планда берилган чизиқ қиялигини топиш учун пландаги горизонталлар кесими баландлиги  $h$  ва чизиқнинг горизонтал қийилиши  $d$  дан фойдаланилади. Яна ўша 3.16-шаклдан  $MN$  чизиги қиялик бурчаги учун ёзамиш:



3.16- шакл.

$$tgv = \frac{h}{d} \quad (3.3)$$

Пландаги горизонталлар кесим баландлиги маътум бўлиб, горизонтал қўйилиш  $d$  ни циркуль ўлчагич билан пландан олиб масштаб бўйича аниқланади.

Масалан,  $h=1$  м,  $d=65,0$  м бўлса, (3.3) формуладан топамиз:

$$tg v = \frac{1}{65,0} = 0,0153846 \text{ ёки } v = 0^{\circ}54'.$$


### Қўйилиш ва нишаблик масштаблари

(3.3) формуладан ёзамиз  $d = h \cdot \operatorname{ctg} v$ . Бу формуладаги  $h$  қиймати доимиyllигини ҳисобга олиб,  $v$  га ҳар хил қийматлар берсак, қўйилиш  $d$  қийматининг ҳар хил қийматлари келиб чиқади, бу қийматлар бўйича қўйилиш масштаби графиги тузилади.


Қоғозда  $FQ$  горизонтал чизиқ олинниб, унда ихтиёрий масштабда  $v$  га берилган қийматлар қўйиб чиқилади (3.17-шакл). Унга перпендикуляр йўналишща  $Fd$  чизиги олинниб, бўлакларга бўлинади ва план масштабида қийматлар билан белгиланади. Горизонтал ўқдаги ҳар бир градус бўлагидан вертикал чизиқ бўйича тегишли  $d$  қийматлари қўйилиб, ҳосил бўлган нуқталар эгри чизиқ билан бирлаштирилиб, қўйилиш масштаби графиги ҳосил қилинади.

3.15- шаклдаги  $MN$  чизиги қиялик бурчагини аниқлаш учун циркуль билан пландан бу кесмани олиб, қўйилиш масштабида циркуль игнасининг бир учини  $FQ$  чизигига қўйиб, у бўйича токи искинчи нинаси эгри чизиқ билан кесишгунча сурилади (3.17-шаклда  $MN$  кесими) ва шкаладан  $v$  бурчагини  $M$  нуқтадаги қиймати олинади ( $v = 0,5^{\circ}$ ).

Нишаблик масштаби графигини тузиш учун  $i = \frac{h}{d}$  формуласи-



3.17- шакл.



3.18- шакл.

дан фойдаланиб, нишаблик  $i$  га ҳар хил қийматлар: 0,02; 0,04; 0,06; 0,08 ва ҳоказоларни бериш орқали горизонтал қўйилиш қиймати  $d = \frac{h}{i}$  формуласидан топилади.

Горизонтал ўқ  $AB$  бўйича  $i$  қийматлари ихтиёрий масштабда қўйилиб, топилган нуқталардан ўққа перпендикуляр йўналишда план масштабида ҳисобланган  $d$  қийматлари қўйилади. Бу топилган нуқталар эгри чизик билан бирлаштирилиб, нишаблик графиги чизилади (3.18-шакл).

Бундай масштабдан фойдаланиб, горизонталлар орасидаги нишаблик циркуль ёрдамида топилади (3.18-шаклда  $MN$  кесими).

Булардан ташқари топографик карта ва план горизонталларидан фойдаланиб, бир қанча бошқа масалаларни ҳам ечса бўлади, яъни:

- ♦ берилган йўналиш бўйича профиль тузиш;
- ♦ берилган нишаблик бўйича чизиқни лойиҳалаш;
- ♦ сув йигувчи майдон юзасини аниқлаш;
- ♦ сув айиргич чизигини планда белгилаш.



## IV боб. ПЛАН ВА КАРТАЛАРДАН НУСХА КҮЧИРИШ ҮСУЛЛАРИ

### 4.1. График усул

Ер тузиш ишларини бажаришда план ва карталардан фойдаланилади. Бажариладиган иш турлари, картадан фойдаланиш муддатига қараб, ҳар хил техник лойиҳалар тузиб, уларни жойга күчириш учун турли масштабли, кўп варақли план ва карталардан нусха олиш, уларни қайта тузиш ва кўпайтириш талаб этилади.

План ва карталарнинг масштабини ўзгартирмасдан, масштабини кичрайтириб ёки катталаштириб, улардан нусха күчириш мумкин. Масштабини ўзгартирмасдан нусха күчириш графит қоғозда картани қайтадан чизиш билан бажарилади.

Графит қоғоз ёрдамида нусха күчиришда унинг қора томонини нусха қоғозга кўйиб, устини қистиргичлар билан маҳкамлаб, тафсилот чизиқлари устидан учли қаттиқ ёғочдан ёки суяқдан тайёрланган таёқча (чўп) ни босиб юргизиш натижасида нусхаси ҳосил бўлади. Кейин у туш билан чизијлади.

Ойнада (ёруғликда) нусха күчиришда, планни ойнада маҳкамлаб унинг устига нусха күчириш қоғози маҳкамланади. Шундан сўнг планни кучли ёруғлиска қаратиб план ёритилади, ёришган чизиқларни тўғридан-тўғри тушласа бўлади. Ойнада нусха күчириш учун ойна қопқоқли маҳсус стол тайёрланиб, унинг учига рефлекторли кучли лампа ўрнатилади.

Шаффоф қоғозга (калькага) нусха күчириш қўйидагича бажарилади: план устига калька қоғозини қўйилади ва у кнопкалар билан маҳкамланади, сўнгра ёришган тафсилот чизиқларини тўғридан-тўғри тушлаш мумкин.

### 4.2. Ёруғлик чизма усули

Бу усулда ёруғликни сезувчи қоғозга кучли электр ёруғлик таъсирида пландан нусха күчирилади. Бунинг учун калькада пландан нусха күчириб уни ёруғлик сезгир қоғоз устига ойнали рамкага жойлаштириб маҳкамланади. Сўнтра рамкани ёруғлиска қаратиб қўйилса, маълум вақт ўтиши билан планни туш билан чизилган (қопланган) жойларига ёруғлик таъсири қилмай, топ-тоза қолади, қоғознинг қолган жойлари эса ёруғлик таъсири остида ўз рангини ўзгартиради. Шундан сўнг нусхани кимёвий суюқликлар ёрдамида ювиб куритилади, яъни ўз рангини ўзгартириш жараёни тўхтатилади.

Тайёрланган нусха кўк тусда, ёки оқ чизиқли қора рангда, шунингдек, қора чизиқли оқ рангда ҳам бўлиши мумкин.

### 4.3. Масштабни ўзгартириб нусха күчириш

План ва карталарнинг масштабини ўзгартириб нусха күчириш учун маҳсус металл мослама ва асбоблар (пропорционал циркуль, пантограф) ишлатилиши сабабли, у механик усул ҳам дейилади.

Пропорционал циркуль иккита бир-бирига тенг металл пластинкадан ясалган бўлиб, иккала пластинканинг ҳам ўрта қисми бўйига ўйиб олинган. Бу ўйиқларга шарнир ёрдамида сурилувчи мослама ўрнатилган бўлиб, у маҳсус гайка ёрдамида маҳкамланади (4.1-шакл).

Иккала пластинканинг иккала учлари ҳам учли пўлат оёқчаларга эга. Пластинкаларнинг бирини устига штрихлар чизилган бўлиб, уларнинг ёнига 1/1, 1/2, . . . 1/10 деб ёзиб қўйилган. Бу ёзувлар штрихларнинг ҳар бири пластинка узунлигининг қандай нисбатида бўлишини кўрсатади.

Пропорционал циркуль ёрдамида нусха күчириш учун план асл нусхаси устига катаклар чизилади. Шундай катаклар нусха масштабида нусха күчириладиган қоғозда ҳам чизилади.



Шундан кейин пландаги контур чизиқларини квадратлар томони билан кесишган нуқтасига циркулнинг бир учини қўйиб, иккинчи учини эса нусханинг тегишли жойига қўйиб ўлчанади.

4.2-шаклда *a* — планнинг асли ва *b* — йириклиштирилган план нусхаси кўрсатилган.


Пантограф, асосан, тўртта *PC*, *PD*, *CS* ва *AB* металл чизгичлардан (4.3-шакл) иборат бўлиб, бир-бири билан параллелограмм шаклида *A*, *P*, *C* ва *B* нуқталарида шарнирлар ёрдамида бирлаштирилган бўлиб, чизгичлар бу нуқталар атрофига айланади.



4.1- шакл.



4.2- шакл.



4.3- шакл.

$P$  нүкта пантографнинг кутби бўлиб, у металдан оғир қилиб ишланган асосга қўзғалмас қилиб маҳкамланган. Асоснинг устки қисмидаги  $N$  нүкта  $P$  билан бир вертикалда бўлади.  $N$  нүктадан  $D$  ва  $C$  нүкталарга чизгичларни кўтариб туриш учун симлар тортилган.


$AB$  кўндаланг чизгичдаги маҳсус  $K$  муфтада қалам жойлаштирилади. Муфта чизгич бўйлаб суримиши ва  $1/2$ ,  $1/3$ ,  $1/4$  ва ҳоказо деб ёзилган штрихлар қаршисида маҳкамланиши мумкин.  $AB$  чизгичнинг ўзи ҳам маҳсус муфталар ёрдамида  $PD$  ва  $CS$  чизгичлари бўйлаб суримиши ва тегишли нисбатларни кўрсатувчи штрихлар қаршисида маҳкамланиши мумкин.

Агар қалам муфтаси билан  $AB$  чизгич учларидаги муфталарни бир хил нисбатлар қаршисида маҳкамланса,  $P$ ,  $K$  ва  $S$  нүкталар битта тўғри чизикда ётган бўлади ва шунда пантограф ишга тайёр бўлади (4.4-шакл).

$S$  нүктада контурлар чегараси бўйлаб айлантириб чиқиладиган игна ўрнатилади. Агар пантографни ишчи ҳолатга келтириб, айлантириб юрилувчи игнани қандайдир чизик устида юргизилса, у вақтда қалам муфталар ўрнатилган нисбатларга тегишли чизиқ чизади.

Нусха кўчириш учун план асл нусхаси игна остига ( $S$  нүкта) маҳкамланади, нусха чизиладиган қоғозни эса қалам остига ( $K$  нүкта) кўйилади. Бунда қоғоз сурилиб шундай ўрнатиладики, игна план асл нусхаси рамкаси учларига суриб кўйилганда, қалам чизиладиган нусханинг тегишли рамкаси учларига тўғри келиши керак, шунда қоғоз кнопкалар билан маҳкамланади.

Пантограф билан ишлаш учун унинг тепа қисми тахминан горизонтал ҳолдаги стол устига ўрнатилади. Пантографнинг  $NP$  ўқи вертикал ҳолатда бўлишини текшириш учун пантографнинг асоси устига ўрнатилган доиравий адилак и нинг пуфакчаси кўтаргич



4.4- шакл.

винт  $v$  лар ёрдамида ўртага келтирилади.  $PC$  ва  $PD$  чизгичлар ҳам горизонтал ҳолатда бўлиши шарт. Бу шартни бажариш учун чизгичлар устига кичкина кўчма цилиндрик адилак ёки ватерпас қўйиб устидаги симларни узайтириб ёки қисқартириб адилак пуфакчаси ўртага келтирилади.

Махсус фототрансформаторлар ёрдамида ҳам план ва карталар масштабини ўзгартириб нусха олиш амалга оширилади.

Фан ва техниканинг ривожланиши туфайли ҳозирги вақтда план ва карталарни янгилаш, нусха кўчириш компьютерда бажарилмокда.



## V боб. ЎЛЧАШ ТУРЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ХАТОЛАРИ НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 5.1. Ўлчаш ва унинг турлари

Геодезик ишларни бажариш жараёнида турли миқдорларни (чи-зиқлар узунлиги, горизонтал бурчаклар ва бошқалар) ўлчаш ва аниқроқ натижани танлаш талаб этилади.

Бир миқдорни ўлчов қуороли бирлигига таққослаб, унинг қийматини аниқлашга ўлчаш дейилади; шу катталикни кўрсатувчи сон ўлчаш натижаси дейилади. Геодезик ўлчаш қандай бажарилишига қараб бевосита (воситасиз) ва билвосита (воситали) ўлчашга бўлинади. Ўлчанадиган миқдорни ўлчаш асбоби билан жойида бевосита таққослашга, қийматини аниқлашга бевосита (воситасиз) ўлчаш дейилади. Бунга ўлчаш лентаси билан жойдаги икки нуқта орасидаги масофани ўлчаш мисол бўла олади. Ўлчанадиган миқдор қийматини ўлчаш асбобида бевосита ўлчамасдан, бошқа ўлчанган миқдор қиймати орқали ҳисоблаб топишга билвосита ўлчаш дейилади, масалан, бориб бўлмас масофани ўлчанган базис узунлиги ва горизонтал бурчаклар орқали тригонометрик функциялари формуласидан фойдаланиб ҳисоблаб топиш.

Ўлчаш шароитининг ўзгариш-ўзгармаслигига қараб **тeng аниқли** ва **тeng аниқсиз ўлчашлар** бўлади. Агар ўлчаш бир хил шароитда, бир асбоб билан бир хил усул ва бир шахс томонидан бажарилса, бунга **тeng аниқли ўлчаш**, агар ўлчаш ҳар хил шароитда турли асбоб ва усувлар билан бир неча шахс томонидан бажарилса, бунга **тeng аниқсиз ўлчаш** дейилади.

### 5.2. Ўлчаш хатоларининг турлари

Геодезик ўлчашларни бажаришда ва ҳисоблашларда ҳар хил хатоликларга йўл қўйилади. Агар бир миқдорни ўлчаб, топилган қийматини  $I$ , ҳақиқий қийматини  $X$  десак, булар ўртасидаги фарқ **ўлчаш хатоси** дейилади. Хатони  $\Delta$  билан белгиланса, у вақтда ўлчашнинг ҳақиқий хатоси

$$\Delta = I - X . \quad (5.1)$$

Бирон миқдор  $n$  маротаба ўлчанса, ҳар бир ўлчашда маълум хато бўлиши мумкинлиги сабабли, уларни  $\Delta_1, \Delta_2, \dots, \Delta_n$  билан ифодалаш мумкин, бунга **хатолар қатори** дейилади.

Ўлчаш хатолари миқдори, тақрорланишига қараб уч турға бўлинади:

1. Қўпол хато.
2. Систематик хато.
3. Тасодифий хато.

**Қўпол хато** деб хатолар қаторида абсолют қиймати бўйича қатордаги бошқа хатолардан бир неча марта катта фарқ қилган хатога айтилади. Қўпол хато ўлчашда янгилиши орқали содир бўлади. Масалан, пўлат лента билан масофа ўлчанаётганда лента тортиш сонини адашиб санаща, шунингдек, бурчак ўлчашда саноқ олиш мосламасидан нотўри саноқ олиш оқибатида қўпол хато келиб чиқади. Бу хато ўлчанаётган миқдорни қайта ўлчаш йўли билан аниқланади.

**Систематик хато** деб хатолар қаторида абсолют қиймати катта бўлмаган бир хил ишора ва бир хил қийматда тақрорланадиган хатога айтилади. Систематик хато асбоннинг камчилигига, ташқи муҳитга ва ўлчовининг малакасига боғлиқ бўлади. Масалан, масофа ўлчанаётганда лентанинг узунлиги унинг ҳақиқий қийматидан фарқ қиласа, ҳаво ҳароратининг ўзгариши ҳам лента узунлигига таъсир қилиб систематик хатони келтириб чиқаради. Систематик хатони асбоб хатосини ва ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олиш йўли билан камайтирилади.

**Тасодифий хато** деб хатолар қаторида турли ишора ва турли қийматда бўлиб, абсолют қиймати маълум чегарадан ошмаган ҳолда тақрорланадиган хатога айтилади. Тасодифий хатонинг келиб чиқиши ўлчаш шароити, асбоннинг аниқлиги, ўлчовчининг тажрибаси каби омилларга боғлиқ бўлади.

Тасодифий хатоларни йўқотиб бўлмайди. Ўлчаш хатолари назариясининг асосий вазифаларидан бири тасодифий хатоларнинг келиб чиқиш қонуниятларини ўрганиб, унинг таъсирини камайтириш йўлларини ўрганишдан иборатdir.

### 5.3. Тасодифий хатоларнинг хоссалари

1. Ўлчаш хатолари қаторидаги миқдор жиҳатдан кичик хатолар катталарига нисбатан кўпроқ учрайди.
2. Ўлчаш хатолари қаторида, мутлақ қиймати бўйича мусбат ва манфий хатолар баравар учрайди.
3. Ўлчаш қаторидаги тасодифий хатоларнинг мутлақ қиймати маълум чекдан ошмайди, яъни  $|\Delta| < \Delta_{\text{чек}}$ .
4. Тасодифий хатоларнинг ўлчаш қаторидаги арифметик ўрта миқдори ўлчаш сони ортган сари нолга интилади.

Ҳақиқий қиймати  $X$  бўлган бир миқдорни  $\pi$  маротаба ўлчаш натижалари  $I_1, I_2, \dots, I_n$ , буларнинг тасодифий хатолари  $\Delta_1, \Delta_2, \dots, \Delta_n$  бўлса, тўртинчли хоссага кўра

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{\Delta_1 + \Delta_2 + \dots + \Delta_n}{n} = 0 \quad (5.2)$$

ёки Гаусс йигинди белгиси [ ] дан фойдалансак, (5.2) формулани күйидагича ифодалаш мүмкін:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{[\Delta]}{n} = 0.$$

### 5.4. Арифметик ўрта миқдор

Агар бирон миқдорни тенг аниқ  $n$  маратаба ўлчаб  $I_1, I_2, \dots, I_n$  натижалар олинган бўлса ва ҳақиқий қиймати  $X$  бўлса, (5.1) формулага биноан ёзиш мүмкін:

$$\Delta_1 = I_1 - X; \Delta_2 = I_2 - X; \dots; \Delta_n = I_n - X.$$

Тенгламани ўнг ва чап томонларини қўшиб, қўйидаги олинади:

$$\Delta_1 + \Delta_2 + \dots + \Delta_n = (I_1 + I_2 + \dots + I_n) - nX,$$

Гаусс суммасини қўлласак,

$$[\Delta] = [I] - nX,$$

бундан

$$X = \frac{[I]}{n} - \frac{[\Delta]}{n}. \quad (5.3)$$

Агарда ўлчашлар сони  $n$  ошиб борса,  $\frac{[\Delta]}{n}$  қиймати нолга интилади, яъни:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{[\Delta]}{n} = 0.$$

Худди шунга ўхшаш (5.3) формуладан:

$$X = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{[I]}{n}. \quad (5.4)$$

Амалда бир миқдорни ўлчаш сони  $n$  чекланган бўлади, шунинг учун (5.4) формуладаги  $X$  ўрнига  $x$  қийматини қабул қилиб ёзиш мүмкін.

$$x = \frac{[I]}{n}, \quad (5.5)$$

бу ерда  $x$  — ўрта арифметик миқдор дейилади.

### 5.5. Айрим ўлчашнинг ўрта квадратик хатоси

Битта миқдорнинг ҳақиқий қиймати  $X$  бўлса, уни бир неча марта ўлчаб топилган қийматларидан фойдаланиб, айрим ўлчаш аниқлигини ҳамда ўрта арифметик аниқлигини баҳолаш мүмкін. Бунинг

учун Гаусс кирилган ўрта квадратик хатодан фойдаланилади:

$$m = \sqrt{\frac{\Delta_1^2 + \Delta_2^2 + \dots + \Delta_n^2}{n}} = \sqrt{\frac{[\Delta]}{n}},$$

бу формула миқдорнинг ҳақиқий қиймати маълум бўлганда ишлатилиади. Амалда эса ўлчанадиган миқдор ҳақиқий қиймати номаълум бўлади. Бундай ҳолда айрим ўлчашнинг ўрта квадратик хатоси қўйидаги формула буйича топилади:

$$m = \sqrt{\frac{[v^2]}{n-1}}, \quad (5.6)$$

бу ерда  $v$  — эҳтимолий хато ва у қўйидагига teng:  $v_i = l_i - x$ ;  $n$  — ўлчашлар сони;  $i = 1, 2, 3, \dots, n$ .

**Ўрта квадратик хато ўлчаш натижаларини баҳолаш учун ишончли мезон бўлиб ҳисобланади.**

Эҳтимоллик назариясида аниқланишича, берилган қатордаги тасодифий хатолар мутлақ қиймати ўрта квадратик хатонинг учланган қийматидан ошмайди. Шунинг учун ўрта квадратик хатонинг учланганига чекли хато дейилади ва у қўйидагича ёзилади:

$$\Delta_{\text{чек.ти}} = 3m. \quad (5.7)$$

Айрим ҳолларда чекли хато деб  $\hat{2}m$  ҳам олинади.

**Ўртача хато.** Ўлчаш натижалари аниқлителгини баҳолаш учун баъзан ўртача хато  $\theta$  билан ҳам ифодаланади. Ўртача хато тасодифий хатолар мутлақ қийматининг ўрта арифметик миқдорига teng, яъни

$$\theta = \frac{|\Delta_1| + |\Delta_2| + \dots + |\Delta_n|}{n} = [\Delta]. \quad (5.8)$$

Ўртача хато билан ўрта квадратик хато ўртасида қўйидаги муносабат мавжуд:

$$\theta = 0,8m, \quad (5.9)$$

ўрта арифметик миқдорнинг ўрта квадратик хатоси қўйидагига teng:

$$M = \frac{m}{\sqrt{n}}, \quad (5.10)$$

бу ерда  $m$  — айрим ўлчаш ўрта квадратик хатоси;  $n$  — ўлчашлар сони.

**Мисол.** Жойдаги чизиқ узунлиги пўлат лента билан 6 маротаба ўлчанганд. Ўлчаш натижалари қўйидаги 4- а жадвалда берилган. Ўлчанганд чизиқнинг ўрта арифметик миқдори, айрим ўлчашнинг ўрта квадратик хатоси ва ўрта арифметик миқдорнинг ўрта квадратик хатоси ҳисоблансин.

T/p	Үлчаш натижалари (м)	Эҳтимолий хато $v$ (см)	$v^2$	Ҳисоблаш формуласи ва натижалари
1	105,46	+ 7	49	$x = 105,30 + \frac{0,16+0,06+0+0,11+0,08+0,13}{6} = 105,39;$
2	105,36	- 3	9	$v_1 = 105,46 - 105,39 = +0,07\text{м};$
3	105,30	- 9	81	$m = \sqrt{\frac{ v^2 }{n-1}} = \sqrt{\frac{160}{6-1}} = 6\text{см};$
4	105,41	+ 2	4	$M = \frac{m}{\sqrt{n}} = \frac{6}{\sqrt{6}} = 3\text{см}; x = 105,39 \pm 0,03\text{м}$
5	105,38	- 1	1	
6	105,43	+ 4	16	
	$x = 105,39$	$[v]=0$	$[v^2]=160$	

### 5.6. Үлчаш натижаларининг вазни

Үлчаш хатолари назариясида тенг аниқсиз үлчаш натижалари аниқлигини баҳолашда үлчашлар вазни деган тушунча киритилади. **Үлчаш вазни** деб үлчашнинг ўрта квадратик хатоси квадратига тескари пропорционал бўлган миқдорга айтилади:

$$p = \frac{k}{m^2}, \quad (5.11)$$

бу ерда:  $p$  — үлчаш вазни;  $m$  — айрим үлчашнинг ўрта квадратик хатоси;  $k$  — пропорционаллик коэффициенти бўлиб 1, 10, 100 бўлиши мумкин, кўпинча у  $k=1$  деб олинади.

### 5.7. Умумий ўрта арифметик миқдор

Бирон миқдорни  $p$ , марта үлчаб —  $l_1$ ,  $p_2$  марта үлчаб —  $l_2, \dots, p_n$  марта үлчаб —  $l_n$  ўргача қийматлари олинди.  $p_1 l_1, p_2 l_2, \dots, p_n l_n$  кўпайтмалари берилган қатордаги айрим үлчашлар йигиндиси бўлганидан ҳамма үлчашлар йигиндиси

$$l_1 p_1 + l_2 p_2 + l_3 p_3 + \dots + l_n p_n,$$

үлчаш сони эса  $p_1 + p_2 + p_3 + \dots + p_n$  бўлади.

Энди ўрта арифметик қоидасига биноан үлчаш қаторларидан ўрта арифметик учун ёзамиш:

$$L_0 = \frac{l_1 p_1 + l_2 p_2 + l_3 p_3 + \dots + l_n p_n}{p_1 + p_2 + p_3 + \dots + p_n}$$

ёки

$$L_0 = \frac{[lp]}{[p]} . \quad (5.12)$$

Бунта вазнли ўрта ёки умумий ўрта арифметик миқдор дейилади.

Төнд аниқсиз ўлчаш натижаларининг умумий арифметик ўртасаси ҳар қайси ўлчаш натижасининг ўз вазнига бўлган кўпайтмалари йигиндисининг вазнлар йигиндисига бўлинганига тенг.

*Мисол:* битта чизиқ узунлигини 3 марта ўлчаб 218,416 метр, 5 марта ўлчаб 218,432 метр ва 7 марта ўлчаб 218,456 метр натижа олинган бўлсин, (5.12) формулага асосан шу масофани умумий арифметик миқдори ҳисоблансан.

Вазн ўрнига ўлчашлар сонини олиб, вазнли ўртани топамиш:

$$L_0 = \frac{218,416 \times 3 + 218,432 \times 5 + 218,456 \times 7}{3+5+7} = 218,410 + \frac{6 \times 3 + 22 \times 5 + 46 \times 7}{15} = \\ = 218,440 \text{ м.}$$

Вазн бирлигининг ўрта квадратик хатоси эҳтимолий хато орқали қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mu = \sqrt{\frac{[v^2 p]}{n-1}} , \quad (5.13)$$

умумий ўрта арифметикнинг ўрта квадратик хатоси эса қуйидагига тенг:

$$M_0 = \frac{\mu}{\sqrt{[p]}} . \quad (5.14)$$



## Иккинчи бўлим. ГЕОДЕЗИК ЎЛЧАШЛАР


### VI боб. БУРЧАКЛАРНИ ЎЛЧАШ

#### 6.1. Умумий маълумотлар. Горизонтал бурчакларни ўлчаш моҳияти

Жойда ҳар хил баландлиқда жойлашган  $B$ ,  $A$  ва  $C$  нуқталарни ўзаро туташтирувчи  $AB$  ва  $AC$  чизиқлар  $A$  нуқтада кесишиб,  $BAC$  бурчакни ҳосил қиласа (6.1-шакл), унга горизонтал бурчак дейилади.

Ушбу бурчакни ўлчаш моҳияти қўйидагилардан иборат. Бурчак учи нуқтаси  $A$  дан, фараզ қиласига, горизонтал текислик  $M$  ўтказилган бўлсин (6.1-шакл). Жойдаги  $AB$  ва  $AC$  чизиқлар  $AA_1$  шовун чизигидан ўтувчи  $V_1$  ва  $V_2$  вертикал (тиқ) текисликлар билан  $M$  горизонтал текисликка проекциялансан.

Проекцияловчи вертикал текисликлар билан горизонтал текислик кесишиган жойда  $A\bar{v}$  ва  $A\bar{c}$  чизиқлар, яъни жойдаги  $AB$  ва  $AC$  чизиқларнинг горизонтал проекциялари (горизонтал қўйилиши) ҳосил бўлади. Демак,  $A\bar{v}$  ва  $A\bar{c}$  чизиқлар орасидаги  $\beta$  бурчак горизонтал текислиқда ётади ва жойдаги  $BAC$  бурчакка тенг бўлади. Бу бурчак қийматини маркази  $BAC$  икки ёкли бурчакнинг вертикал қирраси  $AA_1$  даги 0 нуқтада жойлашган градус бўлакларига бўлинган горизонтал доира ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу доирадаги  $ov'$  ва  $oc'$  чизиқлар доира сиртини  $V_1$  ва  $V_2$  вертикал текисликлар билан кесишидан ҳосил бўлади, яъни  $ov'$  ва  $oc'$  чизиқлар тегишли бу текисликларда ётади ва шу туфайли  $v'oc'$  бурчаги  $v'Ac = \beta$  бурчакка тенг бўлади.



6.1- шакл.

Бунинг учун горизонтал доира  $M$  горизонтал текисликка параллел ҳолда ўрнатилиши керак.


Бу иш горизонтал доирада ўрнатилган цилиндрик адилак ёрдамида амалга оширилади.

Агарда горизонтал доира градус бўлакларининг сон қиймати соат мили ҳаракати йўналиши бўйича ортса, у вақтда  $\beta$  бурчагининг қиймати доирадан олинган  $\sigma'$  ва  $c'$  саноқлар айирмасига тенг бўлади, яъни  $\beta = \sigma' - c'$ . Градус бўлакларга бўлинниб, бу бўлаклар сон қийматлар билан белгилаб чиқилган доирага лимб доираси дейилади. Шундай қилиб, жойда горизонтал бурчакни ўлчаш учун лимб доираси, адилак, қараш трубаси бўлмиш асосий қисмларни ва уларга тегишли бошқа қисмларни ўзида бирлаштирувчи теодолит асбоби ишлатилади.

Бурчак ўлчаш жараёнида теодолит ўлчанаётган бурчак уни  $A$  нуқтага шовун ёрдамида марказлаштирилади. Бунда горизонтал доирадаги лимбнинг маркази  $O$  дан ўтувчи теодолитнинг айланиш ўқи  $JJ'$  (6.2- шакл) бурчак учидан ўтувчи  $AA'$ , шовун чизигида ётиши керак. Горизонтал ҳолатта келтирилган лимб текислиги горизонтал текислик вазифасини ўтайди. Труба ўз айланани ўқи  $TT'$  атрофида айланганда кўриш ўқи  $UV'$  ҳосил қилган коллимация текислиги проекцияловчи вертикал текислик вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, бурчак ўлчаш принципи амалга ошиши учун теодолитларда асосий геометрик ўқлар (6.2- шакл) кўйилган геометрик шартларни қаноатлантириши керак.

Теодолит горизонтал доираси лимбининг устки қисмидаги алидада доираси маркази лимб маркази билан туташган ҳолда ўрнатилган. Бу



6.2- шакл.

доиралар ўз марказларидан ўтувчи теодолитнинг айланиш ўқи JJ' атрофида бирга ёки алоҳида-алоҳида айланади.

Лимб, алидада ва кўриш трубалари маҳкамловчи ва қаратиш винтларига (6.2- шакл) эга. Маҳкамловчи винтлар маҳкамлангач, тегишли қисмларни қаратиш винтлари билан аста ҳаракат қилиши мумкин.

Асбоб айланиш ўқи JJ' цилиндрик адилак бўйича тагликдаги учта кўтаргич винтлар (6.2- шакл) ёрдамида вертикал ҳолатга (шу билан бирга лимб текислигини горизонтал ҳолатга) келтирилади.

Теодолит штатив (уч оёқ) устига қўйилиб, унга ўрнаткич винт орқали маҳкамланади.

Ясалишига қараб теодолитлар такрорий ва оддий бўлади. Лимби ҳамда алидадаси айланадиган теодолит такрорий, лимби айланмайдигани эса оддий теодолит бўлади. Ҳозирги пайтда фақат такрорий теодолитлар ишлаб чиқарилмоқда.

Лимб ҳолатини ўзгартиб (айлантириб) лимбни турли қисмida бурчак ўлчанса, ўлчанган бурчак қиймати айрим хатоликлардан озод бўлади.

Теодолит асбоби билан горизонтал бурчаклардан ташқари жой қизиқларининг қиялик (вертикал) бурчагини ўлчаб, уларнинг горизонтал қуйилишини ҳисоблаш ҳамда нуқталарнинг нисбий баландлигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун теодолит кўриш трубасининг горизонтал айланиш ўқи бир учидан вертикал доира ўрнатилган (6.2-шакл).

## 6.2. Адилаклар


Адилаклар геодезик асбобларнинг геометрик ўқларини горизонтал ёки вертикал ҳолатта келтириш учун хизмат қиласидиган мосламадир.

Адилаклар цилиндрик ва доиравий кўринишларда бўлади.

Цилиндрик адилак (6.3-шакл) ампула (шиша найча) ва уни шикастланишдан сақловчи металл гилофдан иборат. Ампуланинг ички юқори сирти маълум радиусдаги айлана ёйи кўринишда ишланган бўлади. Ампула суюқлик (эфир ёки спирт) билан тўлдирилган бўлиб, озгина бўшлиқ қолдирилади. Бу бўшлиқ адилак пуфакчасини ташкил қиласи. Адилак пуфакчаси тўлдирилган суюқликка нисбатан енгил бўлганлиги сабабли, у доимо ампула ички сиртининг энг юқори қисмини эгаллайди. Ампуланинг ички ёйсимон сирти ўртасидаги 0 нуқтага ноль пункт дейилади. Ампуланинг юқори сирти ноль пункктда пуфакча кенглигига жой қолдириб (6.3- а шакл), 2 мм ли бўлакларга бўлинади. Шу бўлакларга нисбатан адилак пуфакчасининг ҳолатини билиш мумкин.

Ампула ички ёйсимон сиртининг ўртасидан, яъни ноль пунктдан ўтказилган уринма UU' цилиндрик адилак ўқи дейилади.

Пуфакча ноль пункта нисбатан симметрик жойлашган пайтда цилиндрик адилак ўқи UU' горизонтал ҳолатда бўлади. Агар пуфакча



6.3- шакл.



6.4- шакл.

ноль пунктта нисбатан  $n$  бўлакка силжиса, адилак ўқи в бурчакка оғади. Бу оғиш бурчагининг адилак бир бўлагига мос қиймати адилак бўлагининг қиймати дейилади, яъни


$$\tau = \frac{U}{n}. \quad (6.1)$$

Бошқача қилиб айтганда, адилак бир бўлагига тенг ёйга тўғри келадиган марказий бурчак  $\tau$  адилак бўлагининг қиймати деб қабул қилинган.

Цилиндрик адилакларда бўлак қиймати 2" дан 5' гача бўлади. Адилак бўлагининг қиймати қанча кичик бўлса, у шунча сезигир бўлади, яъни пуфакча тез ва аниқ ҳаракат қиласди.

Баъзи геодезик асбобларда, асосан, нивелирларда, адилак пуфакчаси ярим паллаларининг тасвири призмалар орқали трубанинг кўриш майдонига узатилади (6.4-шакл). Адилак пуфакчасини ноль пунктта келтириш, трубанинг кўриш майдонидаги пуфакча ярим паллалари учларининг тасвирини туташтириш (контактта келтириш) принципига асосланган. Пуфакча ярим паллалари учларининг тасвири туташган пайтда (6.4-а шакл), цилиндрик адилак ўқи горизонтал ҳолатда бўлади. Акс ҳолда (6.4-б шакл), цилиндрик адилак ўқи горизонтал ҳолатда бўлмайди.

Доиравий адилак (6.5-шакл) цилиндрик шиша идишнинг ички томонидаги юқори сирти маълум радиусидаги шар сирти каби сферик кўринишда ишланган бўлиб, суюқлик (эфир ёки спирт) билан тўлдирилган. Бунда ҳам цилиндрик адилакдагидек



6.5- шакл.

қолдирилган бүшлиқ адилакнинг пуфакчасини ташкил этади. Шиша идишни шикастланишдан сақлаш учун у металл гардишга жойлаширилган. Доиравий адилакнинг юқори қисмидаги сферик сирт маркази 0 адилакнинг ноль пункти дейилади. Адилакнинг юқори сиртида маркази ноль бўлган концентрик айланалар чизилади. Адилак пулфакчасининг ҳолати шу айланаларга нисбатан кузатилиди. Ноль пункт орқали ўтган сферик сирт радиусининг йўналиши ZZ' доиравий адилак ўқи дейилади. Пуфакча ноль пунктда турганда, доиравий адилак ўқи вертикал ҳолатда бўлади. Сезгирилиги кам бўлганлиги сабабли, доиравий адилаклар геодезик асбобларнинг ўқларини тахминан вертикал ҳолатга келтириш учун қўлланилди.

### 6.3. Кўриш трубаси

Геодезик асбобларда жойдаги предметларни катталаштириб кўришга имкон берадиган кўриш трубалари ўрнатилган.

Геодезик асбобларда кўпинча астрономик, яъни тескари тасвир берувчи кўриш трубалари қўлланилди. Баъзи геодезик асбоблар, асосан, янги чиқарилган теодолит ва кипрекеллар, ер трубалари деб аталиб, тўғри тасвир берувчи кўриш трубалари билан жиҳозланган.

Кўриш трубалари кузатилаётган предмет тасвирини яққол, равшан ҳолга, яъни фокусга келтирилишига қараб, икки турга, ташқи фокусловчи (Кеплер трубалари) ва ички фокусловчи трубаларга бўлинади.


Ташқи фокусловчи кўриш трубасининг тузилиши оддий (6.6-шакл). Унинг оптик системаси объектив 1 ва окуляр 2 дан иборат. Кўриш трубаси объектив ўрнатилган тирсаги 3, объектив тирсаги ичida суриладиган окуляр тирсаги 4 ва окуляр тирсаги ичida суриладиган окуляр найчаси (диоптрик ҳалقا) 5 дан ташкил топган. Окуляр найчасига окуляр ўрнатилган.

Окуляр тирсагига иплар тўри 7 жойлаштирилган бўлиб, у металл гардиш-диафрагма 8 ичига ўрнатилган шиша пластинкада ўйиб туширилган ўзаро перпендикуляр чизиқлардан иборатdir.

Иплар тўри тузатгич винтлари 9 ёрдамида окуляр тирсагига маҳкамланган.



6.6- шакл.



6.7- шакл.

Иплар түридаги (6.7- шакл) асосий горизонтал ипга нисбатан симметрик жойлашган, масофа ўлчашда фойдаланыладиган юқориги ва пастки ипларга дальномер иллари; трубани нұқтага ёки предметга аниқ қаратыш учун хизмат қыладын вертикаль қүш чизикқа (6.7-в шакл) **биссектор** дейилади.


Трубани күзға түгрилаш учун, яғни иплар аниқ равшан күришини учун окуляр найчаси (диоптрик ҳалқа) бураш йўли билан окуляр тирсаги ичида суриласди.

Кузатиш пайтида иплар түрининг кесишган нұқтаси тү кузатилаёттан нұқта билан туташтирилади, бунда күриш чизиги объективнинг оптик маркази 0 дан ўтади. Шунинг учун иплар түрининг кесишган нұқтасидан ва объективнинг оптик марказидан ўтувчи күриш чизиги *IV* га трубанинг визир (күриш) ўқи дейилади.

Күриш трубаси кузатилаёттан нұқтага ёки предметта қаратылғанда, нұқта ёки предмет тасвири күриш майдонида равшан күрин-маслиги мумкин. Нұқта ёки предмет тасвирини фокусга келтириш, яғни равшан күриниши учун кремальера 6 (6.6-шакл) буралиб, окуляр тирсаги объектив тирсаги ичида ичкарига ёки ташқарига суриласди. Бунда кузатилаёттан нұқтанинг узоқ-яқынлигига қараб, күриш трубасининг узунлиги ўзгаради. Күриш трубасининг узунлиги ўзгаралған пайтда, яғни окуляр тирсаги объектив тирсаги ичида сурилғанда, визир ўқининг бир оз бўлса-да, оғиши, кузатиш аниқлигини пасайтиради. Ундан ташқари, труба ичига намлик, чанг ўтиши сабабли оптик система кирланади. Ташқи фокусланувчи күриш трубалари, асосан, илгари чиқарилган геодезик асбобларда қўлланылади.

Замонавий геодезик асбоблар ички фокусланувчи күриш трубалари билан жиҳозланган.

Ички фокусланувчи күриш трубаси ташқи фокусланувчисидан, асосан, объектив 1 ва окуляр 2 дан бошқа, ички фокусловчи (икки ёқлама ботик, тарқатувчи) линза 3 нинг мавжудлиги билан фарқ қиласи (6.8-шакл). Шунингдек, трубанинг оптик кучини кўпайтириш, баъзиларида (ер трубаларида) эса предмет тасвирини тўғри кўрсатиш учун қўшимча линзалар жойлаштирилади. Шунинг учун замонавий геодезик асбобларда қўлланылаётган күриш трубалари мурракаб оптик системага эга.



6.8- шакл.

Трубада объектив ва иплар тўри текислиги орасидаги масофа ўзгармайди. Кузатилаётган нуқта ёки предмет тасвири объектив тирсаги 4 ичидаги фокусловчи линзани кремальера 6 ёрдамида олдинга ёки кетинга суреб, фокусга келтирилади. Кремальера кўриш трубасининг окуляр томонида ҳалқа (6.15-шакллар) ёки трубанинг айланниш ўқи ёнида винт (6.16-шакл) кўринишда бўлади.


Иплар тўри туширилган шиша 2 жойлаштирилган металл гардиш – диафрагма 1 объектив тирсагига тузаттич винтлар 3 ёрдамида маҳкамланган (6.7-шакл). Труба ичидаги иплар тўри тузаттич винтлар ёрдамида юқорига ва пастга, ўнгта ва чапга сурилиши мумкин. Бундан геодезик асбобларни текширишда геометрик шарт бажарилиши учун визир ўқининг ҳолатини ўзgartиришда фойдаланилади. Тузаттич винтларнинг тирқиши орқали труба ичига ғамлик, чанг ўтмаслиги учун окуляр томонидан винтларни беркитувчига қонсимон ҳалқа кийгазилади.

**Труба иплар тўрининг параллакси.** Трубани жойдаги предметга қаратишдан аввал окуляр кўзга мослаб ўрнатилиши, предмет тасвири эса иплар тўри текислиги билан туташтирилиши керак. Окулярни кўзга мослаб ўрнатиш учун труба ёрқин фонга (масалан, оқланган деворга) қаратилади ва окуляр найдаси иплар тўри равшан ва аниқ кўрингунча сурилади (буралади).

Предмет тасвирини иплар тўри текислиги билан туташтириш (фокуслаш) трубадаги фокусловчи линзани кремальера (6.8-шакл) ёрдамида суреб бажарилади; бунда предмет тасвирини равшан кўриниши таъминланганча суреш керак бўлади. Агар предмет тасвири иплар тўри текислиги билан туташмаган бўлса, окулярга нисбатан кўзни сурганда (ўнг-чапга ёки юқори-пастга) иплар тўри кесишган нуқтаси  $m$  тасвирини ҳар хил нуқтасига проекцияланади. Буни **ишлар тўрининг параллакси** дейилади. Уни тузатиш (йўқотиш) учун кремальера винтини озроқ бураш керак бўлади.

**Кўриш трубасининг катталаштириши.** Кўриш трубасининг катталаштириши  $V$  деб трубада предмет тасвири кўринган β бурчагининг оддий кўз билан предмет кўринган α бурчакка бўлган нисбатига айтилади (6.9-шакл):

$$V = \frac{\beta}{\alpha}. \quad (6.2)$$



6.9- шакл.

Амалда кўриш трубасининг катталаштириши объектив фокус масофасини ( $f_{\text{об}}$ ) окуляр фокус масофасига ( $f_{\text{ок}}$ ) бўлган нисбати билан ифодаланади:

$$V = \frac{f_{\text{об}}}{f_{\text{ок}}}.$$

Амалда кўриш трубасининг катталаштиришини қўйидагича аниқланади.

Асбобдан тахминан 20 м масофада вертикал ўрнатилган ва тенг бўлакларга бўлинган рейкага бир вақтнинг ўзида бир кўз билан труба орқали, иккинчи кўз билан бевосита қараймиз. Шунда труба орқали рейкага қараганда унинг бўлаклари катталашганини кўрамиз. Агар труба орқали кўринган бўлаклар сонини оддий кўз билан кўринган бўлаклар сони билан солиштириб, трубада кўринган бир бўлакка оддий кўз билан кўринган неча бўлак тўғри келишини аниқласак, бу сон трубанинг катталаштириш даражасини билдиради.

Масалан, 6.10- шаклда труба орқали кўринган рейканинг бир бўлагига (ўнг томонда) оддий кўз билан қараганда 18 бўлак (чап томонда) тўғри келганини кўрамиз, демак трубанинг катталаштириши 18 каррага тенг экан.

Геодезик асбобларда кўриш трубасининг катталаштириши  $18^\circ - 65^\circ$  бўлади (18 каррадан 65 каррагача).


**Трубани кўриш майдони.** Трубанинг кўзгалмас ҳолатида унда кўринган майдонга (жойга) унинг кўриш майдони дейилади.

Кўриш майдони уни объективнинг оптик марказида жойлашган, томонлари эса иплар тўри диафрагмасининг *ав* диаметрига тақалган

буручак  $\alpha$  билан аниқланади (6.11-шакл). Трубанинг кўриш майдони қиймати қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\alpha = \frac{38.2^\circ}{V} \quad (6.3)$$

бу ерда  $V$  – трубанинг катталаштириши.



6.11- шакл.

Юқоридаги (6.3) формуладан күринишича, трубанинг катталаштириши қанча катта бўлса унинг кўриш майдони шунчалик кичик бўлар экан.

Геодезик асбоблар қараш трубаларининг кўриш майдони  $0,5^\circ$  дан  $2^\circ$  гача бўлиши мумкин.

**Кўриш трубасининг визирлаш (қаратиш) аниқлиги.** Кузатувчи кишининг кўзи икки нуқтани бир минутга тенг бурчак остида қараганда бир-биридан ажратиш имкониятига эга. Шунга кўра оддий кўз билан қарашнинг аниқлигини  $\pm 60''$  га тенг деб қабул қилиш мумкин. Предмет тасвири кўриш трубаси орқали ҳосил қилинганда визирлаш хатоси трубанинг катталаштиришига мутаносиб равища камаяди. Буни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$m_V = \pm \frac{60''}{V}, \quad (6.4)$$

бу ерда  $m_V$  – трубанинг визирлаш аниқлиги.

Масалан, кўриш трубасининг катталаштириши  $V=18''$  бўлганда, унинг визирлаш аниқлиги  $m_V = \pm 3''$  га тенг бўлади.

#### 6.4. Саноқ олиш мосламалари

Саноқ олиш мосламалари лимб бўлакларидан кичик бўлган қисмини баҳолаш (аниқлаш) учун хизмат қиласди.

Теодолитларда саноқ олиш мосламаси сифатида верньер, шприхли ва шкалали микроскоп, микроскоп – микрометр ва оптик микрометрлардан фойдаланилади.


**Верньер қўйидагича тузилган.** Лимбда  $n$  бўлакка тенг  $AB$  ёй олинади. Алидада доирасида ушбу  $AB$  ёй кесимига тенг  $CD$  кесим олинаб,  $n + 1$  бўлакка бўлинади (6.12-шакл).

Шу тарзда алидадада ҳосил бўлган шкалага верньер дейилади. Алидадада олинган бир бўлакка тенг келувчи ёйнинг бурчак қийматига алидада бўлак қиймати  $v$ , лимбдагига – лимб бўлагининг қиймати  $l$  дейилади. Лимб бўлаги билан алидада бўлаги қийматлари орасидаги фарқ  $t$  га верньер аниқлиги дейилади, яъни:

$$t = l - v. \quad (6.5)$$

Лимбдаги  $AB$  ёй қиймати  $ln$ , алидададаги ёй қиймати эса  $v(n+1)$  га тенг. Қабул қилинганига кўра  $AB = CD$ , бинобарин,  $ln = v(n+1)$ , бундан

$$v = \frac{l \cdot n}{n+1}. \quad (6.6)$$



6.12- шакл.

(6.6) дан ү қийматини (6.5) га қўйиб топамиз:

$$t = \frac{l}{n+1}, \quad (6.7)$$

яъни, верньер аниқлиги лимб бир бўлаги қийматининг верньер бўлаклари сонига бўлинганига тенг.

Верньер кўрсаткичи бўлиб унинг ноль штрихи хизмат қилади. Верньердан саноқ олиш учун аввал верньер ноль штрихидан олдин жойлашган лимб яхлит бўлагининг қиймати аниқланади ва унга верньернинг туташган штрихи тартиб рақамининг верньер аниқлигига кўпайтмаси қиймати кўшилади.

Юқорида келтирилган (6.12-шакл) верньер аниқлиги


$$t = \frac{l}{n+1} = \frac{1'}{3+1} = 15' \text{ ни ташкил қилади ва верньердан олинган саноқ } 60^\circ + 0 \cdot 15' = 60^\circ 00' \text{ га тенг.}$$

Дастлаб ишлаб чиқарилган металл лимбли теодолитларда  $t$  қиймати  $30''$  ёки  $1'$  га тенг бўлса, уларга тегишли лимб бўлакларининг қиймати  $l = 20'$ , верньер бўлакларининг сони эса  $n+1 = 40$  ёки  $n+1=20$  га тенг қилиб ишланган.


Хозирги пайтда верньерли теодолитлар ишлаб чиқарилмаса ҳам унинг тузилишини услубий мақсадни кўзда тутиб дарсликда баён этилди.

Хозирги пайтда ишлаб чиқарилётган оптик теодолитларда штрихли ва шкалали микроскоплар ҳамда оптик микрометрлар саноқ олиш мосламалари сифатида хизмат қилади.

**Штрихли микроскоп.** Лимб бўлагининг тасвири ҳосил бўладиган микроскоп фокал текислигига  $n$  штрихи (чизиги) туширилган шиша пластинка ўрнатилади (6.13-шакл) ва унга микроскоп индекси (кўрсаткичи) дейилади. Микроскопнинг кўриш майдонида бир вақтнинг ўзида лимб бўлаклари ва индекс  $n$  кўринади. 6.13-шаклдан лимб бўлагининг қиймати  $l = 10'$ ; яхлит бўлаклардан индекс  $n$  бўйича саноқ эса  $34^\circ 30'$  га тенг. Лимб қолдиқ бўлагини кўз билан чамалаб баҳолаб,  $0,6$  бўлак ёки  $10' \times 0,6 = 6'$  деб олиш мумкин. Шунда умумий саноқ



6.13- шакл.



6.14- шакл.

$34^{\circ}36'$  бўлади. Бу ерда лимб бўлаги  $0,1$  ҳиссасини кўз билан чамалаб аниқлаш мумкин деб қабул қиласак, саноқ олиш аниқлиги  $t = 10:0,1 = 1'$  ни ташкил қиласди.

**Шкалали микроскоп.** Бу мослама бўйича саноқ олиш аниқлиги штрихли микроскопга қараганда бир босқич юқори бўлади. 6.14-шаклда шкалали микроскопнинг кўриш майдони бўлак қиймати  $1'$  га тенг лимб бўлаги билан тасвирланган. Шишада ўйиб туширилган шкала узунлиги лимб бир бўлагига тенг. Шкала 12 бўлақка бўлинган бўлиб, бир бўлагининг қиймати  $60':12 = 5'$  га тенг; шкала бир бўлагининг  $0,1$  ҳиссасини кўз билан чамалаб баҳолаб, шкаладан  $5' \times 0,1 = 0,5'$  аниқликда саноқ олиш мумкин. Шунга кўра 6.14-шаклдаги шкаладан олинган саноқ  $13^{\circ}05' + 0,3.5' = 13^{\circ}06,5'$  га тенг бўлади.

### 6.5. Теодолит турлари

Теодолитлар аниқлиги, вазифаси, доиралари тайёрланган материал ва конструктив хусусиятларига қараб бир-биридан фарқ қиласди.

Масалан, теодолитлар лаборатория шароитида бурчакни бир тўлиқ қабулда ўлчаш аниқлиги бўйича фарқ қиласди.

Теодолитлар бўйича қабул қилинган 10529-79 Давлат стандартига биноан ва техник талабларни эътиборга олган ҳолда, асосан, олти типдаги оптик теодолитлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг шифрида асбоб номининг бош ҳарфи ва бурчакни бир тўлиқ қабулда ўлчаш ўрта квадратик хатоси кўрсатилади. Масалан, бурчакни бир тўлиқ қабулда T05 теодолити ёрдамида  $0,5''$ , T1 теодолити ёрдамида эса  $1''$  ўрта квадратик хато билан ўлчаш мумкин. Теодолитлар аниқлиги бўйича учга бўлинади: юқори аниқликдаги теодолитлар – T05, T1; аниқ теодолитлар – T2, T5; техник теодолитлар – T15, T30.

Ушбу теодолитларнинг мукаммаллаштирилган иккинчи се-рияси – 2T2, 2T5, 2T5K, 2T5KP, 2T30, 2T30P шифрли теодолитлар чиқарилган.

Хозирги пайтда Россияда буларнинг учинчи – 3T2KP, 3T2KA, 3T5KP, 3T15P, 3T30P ва тўртингчи серияси 4T15P, 4T30P, электрон теодолитлардан T10Э ишлаб чиқарилмоқда (5-жадвал).

Шифрдаги „К“ – вертикал доиралаги цилиндрик адилак ўрнига компенсатор билан, „П“ – тўғри тасвир ҳосил қилувчи кўриш трубаси билан, „А“ – автоколлимацияловчи (горизонтал ҳолга келтирувчи) мослама, „Э“ – электроника (кичик компьютер) билан жиҳозланганини билдиради.

Конструктив хусусиятларига қараб, теодолитлар тақрорий ва оддий теодолитларга бўлинади. Тақрорий теодолитларда лимб ва алидада доиралари бирга ҳамда алоҳида-алоҳида айланиши мумкин, уларнинг ҳар бири ўзини маҳкамловчи ва қаратиш винтларига эга.

T/p	Асосий кўрсаткичлар номи	Теодолит турлари						
		T05	T1	3T2КА	3T5КП	T10Э	4T15П	4T30П
1	Горизонтал бур- чакни битта қабул- да ўлчашнинг ўрта квадратик хатоси, с	±0,5	±1	±2	±5	±10	15	30
2	Кўриш трубасининг узунлиги, мм	390	300	185	185	145	145	145
3	Кўриш трубасининг кўриш майдони	40'	1°	1°35'	1°35'	2°	2°	2°
4	Кўриш трубаси- нинг катталашти- риши, карра	50	40	30	30	20	20	20
5	Лимб шкаласининг бўлак қўймати (горизонтал доира)	10'	10'	20'	1°	10" *	1°	1°
6	Саноқ олиш мосла- малари шкаласи (микроскоп-микро- метр) нинг бўлак қўймати	1"	1"	1"	1'	10"	10"	5'
7	Ипли дальномер коэффициенти	-	-	100	100	100	100	100
8	Ипли дальномер доимий кўшилувчи сони	-	-	-	0	0	0	0
9	Трубани визирлаш энг кичик масофаси, м	5	5	0,9	0,9	1,2	1,2	1,2
10	Лимб доиралари- нинг диаметри, мм горизонтал вертикал	200 130	140 90	100 72	100 72	75 75	80 72	72 72
11	Адилак шкаласининг бир бўлаги қўймати, с. горизонтал доир. вертикал доир. кўриш трубасидаги	10 10 -	10 15 -	15 - 20	30 - 20	45 - 20	45 - 20	60 - 30

## 5-жадвал (давоми)

12	Вертикал доира индексининг ўз-ўзидан ўрнашиш диапазони	-	-	4'	5'	-	-	-
13	Теодолит вазни (массаси), кг	22	11	4,7	4,5	2,5	2,4	3,5
* - электрон бурчак ўлчаш дисплейи бўлак қиймати								


Бу бурчакни лимбда кетма-кет и маротаба ўлчаб қўйиш йўли билан ўлчаш имконини беради.

Бундан ташқари лимб туришини ўзгартириш билан бурчакни лимбнинг турли қисмида ўлчаш мумкин. Бу эса ўлчаш натижасини текширишга ва баъзи бир ўлчаш хатоларини камайтириш имконини беради. Оддий теодолитларда лимб доираси қўзғалмас (айланмайдиган) бўлиб, фақат алидада доираси ўз ўқи атрофида айланади.


Теодолитлар доиралари тайёрланган материалларига қараб металдан ва шишадан (оптик) ясалган теодолитларга бўлинади.

### 6.6. Техник теодолитлар

**Металл лимбли теодолитлар.** Бу типдаги теодолитлар ҳозир ишлаб чиқарилмаса ҳам уларни айрим корхона, ташкилот ва олий таълим муассасаларида учратиш мумкин. Металл лимбли техник теодолитларга ТТ-50, ТТ-5 ва ТМ ларни кўрсатиш мумкин. 6.15-шаклда ТТ-5 теодолити келтирилган. ТТ-5 теодолити ТТ-50 теодолитининг такомиллаштирилган модели бўлиб, унга қараганда кичик ва ихчамдир. Бу иккала типдаги теодолитлар конуссимон тақорорий ўқларга эга. ТТ-5 теодолитида винт 4 ни бўшатиб теодолит таглиги 1 ни тепа (юқори) қисмидан ажратиш мумкин. Тагликнинг пастки қисмида пластинкасимон пружина 2 бўлиб, унинг втулкасига ўрнатгич винтни бураб, асбоб штативга маҳкамланади. Горизонтал доира лимб ва алидадани маҳкамловчи 5 ва 7 ҳамда уларни қаратиш 6 ва 8 винтларига эга. Алидада иккита верньерга эга, саноқлар лупалар 9 ёрдамида олинади. Асбобнинг айланниш ўқи цилиндрик адилак бўйича вертикал ҳолатга келтирилади. Кўриш трубаси 10 маҳкамловчи ва қаратиш винтларига эга. Элевация винти ёрдамида вертикал доира алидадаси устига



6.15- шакл.



6.16- шакл.

Үрнатылған цилиндрик адилақ 12 горизонтал ҳолга келтирілади. Труба таглиғи устига винт ёрдамида буссоль 11 үлчаш вақтида маҳкамланади. Трубасининг катталаштириши  $25,2''$  ва кўриш майдони  $1^{\circ}25'$ , лимб бўлганинг қиймати  $10'$ ; верньердан саноқ олиш аниқлиги  $30''$ ; теодолит оғирлиги  $3,2$  кг.

**Оптик теодолитлар.** Оптик техник теодолитлар Т30, 2Т30 (2Т30П) ташқи кўриниши билан бир-биридан фарқ қилмайди (6.16-шакл).

Теодолитнинг асосий қисмлари ички фокусланувчи кўриш трубаси 1, горизонтал 3 ва вертикаль доира 2, шунингдек, горизонтал доира ёнидаги цилиндрик адилақ 4 ва таглик 5дан иборат.

Горизонтал ва вертикаль доираларда диаметри  $70$  мм ли шиша доиралар бўлиб, улар лимб дейилади. Лимб айланаси  $360$  та тенг бўлакларга бўлинган ва  $0^\circ$  дан  $359^\circ$  гача ёзиб чиқилган. Демак, ҳар бир бўлак қиймати  $1^\circ$  га тенг. Т30 теодолитидаги үрнатылған лимбларда шу  $1^\circ$  ли бўлаклар яна 6 та тенг бўлакка, яъни  $10'$  ли бўлакларга бўлинган.

Горизонтал доиранинг лимби ичи ковак цилиндр шаклидаги ўқи билан тагликка жойлаштирилади, вертикаль доиранинг лимби эса, кўриш трубасининг ўқига маҳкамланган бўлади.

Горизонтал доиранинг лимби устида теодолитнинг юқори қисмлари билан бириктирилган иккинчи доира – алидада айланади.

Алидаданинг цилиндр шаклидаги ўқи лимбнинг ичи ковак цилиндр шаклидаги ўқи ичига жойлаштирилади. Вертикал доиранинг алидадаси кўриш трубасининг ўқи жойлашган ерга маҳкамланган бўлади.

Горизонтал доирадаги лимбнинг ичи ковак цилиндрик шаклидаги ўқи ва унинг ичига жойлаштирилган цилиндрик шаклида алидаданинг ўқи марказидан ўтвучи  $JJ'$  чизиги битта геометрик ўқни ташкил этади. Бу геометрик ўққа асбобнинг (теодолитнинг) айланиш ўқи дейилади. Кўриш трубасининг айланиш ўқи вертикал доирадаги лимб ва алидада марказидан ўтиб,  $TT'$  чизигини, яъни иккинчи геометрик ўқни ташкил этади.


Теодолитлар, юқорида айтилган асосий қисмлардан ташқари, яна қўшимча мосламалар билан жиҳозланган бўлади.

Цилиндрик адилак ёрдамида горизонтал доира текислигини горизонтал ҳолатта ёки бошқача қилиб айтганда, асбоб айланиш ўқини вертикал ҳолатта келтириш учун тагликнинг учта бурчагига кўтаргич винтлари бўрнатилган (6.16-шакл). Горизонтал доирадаги лимб ўқини тагликка маҳкамлаш учун – 19, алидада ўқини лимб ўқига маҳкамлаш учун – 8, труба ўқини маҳкамлаш учун – 9 рақамлари билан шаклда кўрсатилган маҳкамлаш винтлари мавжуд. Маҳкамлаш винтлари маҳкамлангандан кейин лимб ўқини бир оз чапга ёки ўнгга буриш учун лимбнинг қаратиш винти 7 дан, алидада ўқини ҳам шу тартибда буриш учун алидаданинг қаратиш винти 11 дан, кўриш трубасининг ўқини эса, бир оз пастга ёки юқорига кўтариш учун трубанинг қаратиш винти 10 дан фойдаланилади.

Труба нуқтага ёки предметга оптик визир 16 билан тахминан тўғрилангандан кейин окуляр 13 дан қаралиб, фокусловчи винт (кремальєра) 12 ёрдамида нуқта ёки предмет тасвири фокусга келтирилади (равшанлаштирилади). Нуқта ёки предмет тасвири итлар тўрининг кесишган нуқтасига тўғри келмаса, унда у алидаданинг ва трубанинг қаратиш винтлари ёрдамида келтирилади. Агарда горизонтал доирадаги керакли саноқни ўзгартирмасдан туриб трубани нуқта ёки предметга аниқ визирлаш керак бўлса, у ҳолда алидада винтлари ўрнига лимбнинг винтларидан фойдаланилади.

Горизонтал ва вертикал доиралардан саноқ олиш учун кўриш трубаси ёнига микроскоп 14 ўрнатилган. Т30 теодолити штрихли микроскоп (6.17-а шакл), 2T30 (2T30П) теодолити эса, шкалали микроскоп (6.17-б шакл) билан жиҳозланган. Микроскоп кўриш майдонининг „В“ ҳарфи билан белгиланган юқори қисмида вертикал доирадаги лимб бўлаклари, „Г“ ҳарфи билан белгиланган пастки қисмида эса, горизонтал доирадаги лимб бўлаклари кўринади.

Штрихли микроскопда саноқ кўриш майдонининг ўртасида жойлашган қўзғалмас штрих (саноқ олиш индекси) бўйича 10' ли бўлакларнинг 0,1 қийматигача, яъни 1' гача аниқликда олинади. 6.17-



6.17- шакл.

*a* шаклда саноқ вертикаль доирадан  $358^{\circ}27'$ , горизонтал доирадан  $69^{\circ}46'$  эканлиги күрсатилган. Бунда аввал саноқ олиш индексига нисбатан чапта жойлашган градус қиймати – вертикаль доирада  $358^{\circ}$ , горизонтал доирада  $69^{\circ}$ , сүнгра шу градус штрихидан саноқ олиш индексигача бўлган бўлаклар сонига мос минутлар қиймати – вертикаль доирада  $2,7$  бўлак, яъни  $2,7'$ , горизонтал доирада  $4,6$  бўлак, яъни  $46'$  олинган.

Шкалали микроскопда, 6.17- *b* шаклда, узунлиги  $1^{\circ}$  га тенг бўлган шкала 6 та катта ва 12 та кичик бўлаклардан иборат. Демак, шкаланинг ҳар бир катта бўлаги қиймати  $10'$ га, кичик бўлаги қиймати  $5'$  га тенг. Саноқ шу шкала ичига тушган градусли штрихга нисбатан кичик  $5'$  ли бўлакнинг  $0,1$ -қийматигача, яъни  $0,5'$  аниқликда олинади. 2T30 (2T30П) теодолитларида вертикаль доирадаги лимбнинг фақат горизонтал диаметри яқиндаги секторлари  $0^{\circ}$  дан  $75^{\circ}$  гача ва  $0^{\circ}$  дан  $-75^{\circ}$  гача градус бўлакларига бўлинган. Шу сабабли вертикаль доирадан саноқ олиш учун шкала чапдан ўнгга 0 дан 6 гача, ўнгдан чапга 0 дан  $-6$  гача белгиланади. Агар вертикаль доирадаги градус саноги мусбат бўлса, шу градус штрихгача шкаладаги бўлаклар сони мусбат 0 дан; агарда градус саноги манфий бўлса, шу градус штрихгача шкаладаги бўлаклар сони манфий 0 дан ҳисобланниши керак. Вертикаль доирадан олинган мусбат саноқ олдига „+“, манфий саноқ олдига „-“ ишоралари қўйилади.

6.17-*b* шаклда тасвирланган шкалали микроскопнинг кўриш майдонида вертикаль доирадан саноқ  $-2^{\circ}26,5'$ , горизонтал доирадан саноқ  $125^{\circ}11,5'$  деб кўрсатилган. Бунда аввал шкала ичига тушган штрихнинг градус қиймати – вертикаль доирада  $-2^{\circ}$ , горизонтал доирада  $125^{\circ}$ ; кейин шу градусли штрихгача шкаладаги 0 дан бошлаб ҳисобланган бўлакларга мос минутлар қиймати – вертикаль доирада  $5,3$  бўлак, яъни  $5' \times 5,3 = 26,5'$  (бўлаклар сони манфий 0 дан ҳисобланган), горизонтал доирада  $2,3$  бўлак, яъни  $5' \times 2,3 = 11,5'$  деб ўқилган.

Теодолит йўлида горизонтал ва вертикаль бурчакларни ўлчашда, тафсилотларни съёмка қилишда, тахеометрик съёмкани бажаришда саноқ аниқлиги етарли бўлганлиги сабабли шкаладан катта  $10'$  ли бўлакнинг  $0,1$  қийматигача, яъни  $1'$  аниқликкача саноқ олишга

рухсат этилади. Бу ҳолда 6.17-б шаклда саноқлар вертикал доирадан  $-2^{\circ}27'$ , горизонтал доирадан  $125^{\circ}12'$  деб олиниши мумкин.

Теодолит иш вақтида гилоф тубининг марказидаги резъбали тешикка бураб киритиладиган ўрнатгич винт ёрдамида штатив устига ўрнатилади, ишдан ташқари пайтда эса, қаттиқ пластмассадан ясалган гилоф қопқоғи билан гилоф тубидаги қулоқларга илинтирилиб, беркитиб қўйилади ва штатив устидан олиб қўйилади.

Теодолитлар ишлатишга олинган пайтда ташқи кўрикдан ўтказилиши керак. Бунда барча винтларнинг равон буралиши, винтларнинг ўз хизматини бажариши, теодолит ва кўриш трубасининг ўз ўқлари атрофида равон айланиши, шиша қисмларнинг шикастланмаганлигига эътибор берилади.

### 6.7. Теодолитларни текшириш ва тузатиш


Горизонтал бурчакни ўлчаш моҳиятидан келиб чиқиб (6.1 га қаралсин) ҳар қандай теодолит бурчак ўлчаш жараёнида қўйидаги асосий геометрик шартларни қаноатлантириши керак:

- теодолитнинг вертикал айланиш ўқи тик бўлиши шарт;
- лимбнинг текислиги горизонтал бўлиши шарт;
- визирлаш текислиги вертикал бўлиши шарт.

Ҳар бир теодолитда бу геометрик шартлар мавжудлигини текшириб чиқиши учун теодолитни текшириш деб аталадиган маълум ишлар бажарилади. Геометрик шартларни бузилишини тузатиш теодолитни юстировка қилиш дейилади.

1. Горизонтал доира алидадасидаги цилиндрик адилакнинг ўқи  $UU'$  асбобнинг айланиш ўқи  $JJ'$  га перпендикуляр бўлиши шарт ( $UU' \perp JJ'$ ).


Адилак исталган иккита кўтаргич винтга паралел ўрнатилади ва иккала винтни қарама-қарши томонга бураб адилак пуфакчаси ўртага (ноль пунктга) келтирилади (6.18-а шакл). Кейин алидада  $90^{\circ}$  га бурилиб, адилак ўқи учинчи кўтаргич винт йўналишига ориентиранланиди ва шу винтни бураб, пуфакча яна ўртага келтирилади



6.18- шакл.

(6.18-б шакл). Лимбдан саноқ олиниб, алидада  $180^\circ$  га тенг бурчакка бурилади. Шундан кейин адилак пуфакчаси ноль пунктда қолса (6.18-в шакл), ёки пуфакча ўртадан бир бўлакдан ортиқ силжимаган бўлса, шарт бажарилган бўлади. Акс ҳолда пуфакчанинг ноль пунктта нисбатан оғиш ёйи аниқланиб, адилакнинг тузатгич винти ёрдамида пуфакча оғиш ёйнинг ярмига қайтарилади. Кейин кўтаргич винтлар орқали пуфакча ноль пунктга келтирилади. Агар алидадани яна  $180^\circ$  га бурилганда (бунда адилак 6.18-б шаклдаги ҳолга келади) пуфакча ноль пунктда қолса, адилак тузатилган бўлади. Акс ҳолда тузатиш тақорланади. Кейинги текширишларни амалга оширишда ва умуман иш жараёнида теодолит текширилган цилиндрик адилак ёрдамида горизонталлаштирилади, яъни горизонтал доира текислиги горизонтал ҳолатта (ёки, бошқача қилиб айтганда, асбобнинг айланиш ўқи шовун йўналишига) келтирилади. Бунинг учун адилак иккита кўтаргич винтга параллел ўрнатилиб, шу винтлар ёрдамида пуфакча ўртага келтирилади. Кейин алидадани  $90^\circ$  га буриб, учинчи кўтаргич винт ёрдамида пуфакча яна ўртага келтирилади.

2. Трубанинг визир ўқи трубанинг горизонтал айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши шарт ( $VV' \perp TT'$ ). Визир ўқи трубанинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлмаслигидан кўриш трубасининг коллимацион хатоси  $C$  келиб чиқади (6.19-шакл). Буни текшириш учун яққол кўринадиган шундай нуқта таънлаб олиниши керакки, унга визирланган кўриш трубаси таҳминан горизонтал ҳолатда бўлиши керак. Шу нуқтага кўриш трубаси аввал доира ўнг (ДЎ), яъни вертикал доира трубага нисбатан ўнг томонда жойлашган ҳолатида қаратилиб, горизонтал доирадан  $\Gamma$ , саноги олинади. Кейин труба зенит орқали айлантирилиб, доира чап (ДЧ) ҳолатида визир ўқи яна ўша нуқтага қайта тўғриланади ва горизонтал доирадан  $\Gamma$ , саноги олинади. Коллимация хато қиймати қуйидагича аниқланади:




$$C = \frac{\Gamma_q - \Gamma_g \pm 180^\circ}{2}. \quad (6.8)$$

Агар коллимацион хатонинг қиймати саноқ олиш аниқлигининг иккиланганидан, яъни  $2'$  дан ошмаса, Т30 учун шарт бажарилган бўлади. Акс ҳолда алидададанинг қаратиш винти ёрдамида горизонтал доирада  $\Gamma = \Gamma_q - C$  саноги қўйилади. Шунда трубадан қаралганда кузатилаётган нуқта тасвири иплар тўрининг кесишган нуқтасидан четлашган бўлади. Энди иплар тўрининг кесишган нуқтаси иплар тўри диафрагмасини тутиб турган тузатгич винтларнинг ёнбош-

дагилари орқали сурилиб, кузатилаётган нуқта тасвири устига келтирилали. Ишонч ҳосил қилиш учун текшириш такрорланади.

3. Кўриш трубасининг горизонтал айланиш ўқи асбонинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши шарт ( $T T' \perp J J'$ ). Бу шартни текшириш учун теодолит қандайдир бино деворидан 3 — 5 м масофада ўрнатилади ва теодолитнинг вертикал айланиш ўқи тик ҳолатга келтирилади. Деворда горизонтга нисбатан  $25^\circ$  —  $30^\circ$  бурчак остида кўринадиган қилиб  $M$  нуқта белгилаб олинади (6.20- шакл). Кўриш трубаси шу нуқтага визирланади, сўнгра кўриш трубаси тахминан горизонтал ҳолатга келгунча туширланади ва деворда иплар тўрининг кесишган нуқтаси проекцияси  $m_1$ , қалам билан белгиланади. Кейин кўриш трубаси зенит орқали айлантирилиб, алидада  $180^\circ$  га бурилади. Кўриш трубаси яна ўша  $M$  нуқтага визирланади ва аввалгидек труба горизонт сатдиғача туширлиб, деворда иплар тўрининг кесишган нуқтаси проекцияси  $m_2$  белгиланади. Агар  $m_1$  ва  $m_2$  нуқталар бир-бирининг устига тушса ёки уларнинг оралиғи трубадан қаралганда иплар тўридаги биссектор кенглигининг иккапланганидан ошмаса, шарт бажарилган деб ҳисобланади. Акс ҳолда трубанинг айланиш ўқи  $1'$  дан ортиқ оғиш бурчагига эга бўлади. Бундай носозликни тузатиш учун асбони қисмларга ажратиш керак, шунинг учун бу иш асбоб ишлаб чиқарилган заводда ёки маҳсус ихтисослаштирилган устахоналарда бартараф этилади.



6.20- шакл.

4. Иплар тўридаги асосий вертикал чизиқ кўриш трубасининг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Бу шартни текшириш учун иплар тўри вертикал чизигининг бир уни яхши кўринадиган бир нуқтага визирланади. Кейин трубанинг қаратиш винги ёрдамида нуқта тасвири вертикал чизиқнинг иккинчи учига сурилади. Агар нуқта тасвири асосий вертикал чизиқда ётса, шарт сақланган бўлади. Агарда нуқта тасвири асосий вертикал чизиқдан четлашган бўлса, унда окуляр ва объектив тирсакларини бириктириб турган винтлар бўшатилиб, окуляр тирсаги нуқта тасвири вертикал чизиқка тушунга қадар буралади. Кейин бўшатилган винтлар маҳкамланиб, текшириш такрорланади. Бу ерда шу нарсага алоҳида эътибор қилиниши керакки, теодолитнинг ва умуман, қолган ҳамма геодезик асбобларнинг текшириш ва тузатиш ишлари қатъий кўрсатилган кетма-кетликда бажарилиши керак.

## 6.8. Горизонтал бурчакларни ўлчаш

Теодолит билан горизонтал бурчакни ўлчаш учун:


1. Дастроб теодолит ўлчанадиган бурчак учига (нуқтага) ўрнатилади, марказлаштирилади, айланиш ўқи вертикал ҳолатга келтирилади ва кўриш трубасини кузатиш учун мосланади.
2. Горизонтал бурчак ўлчанади; ўлчаш натижалари ишлаб чиқилади ва ўлчаш натижаси текширилади.

Горизонтал бурчакларни ўлчашда куйидаги усувлар қўлланилади: тўла қабул усули (битта бурчак ўлчанадиган бўлса) доиравий қабуллар усули (бир нуқтадан чиқсан бир неча йўналиш орасидаги бурчакларни ўлчашда) ва такрор ўлчаш усули.

**Қабуллар усули.** Жойдаги *VAC* бурчакни (6.21-шакл) ўлчаш куйидаги тартибда бажарилади. Теодолит бурчак учиги *A* нуқтага ўрнатилади. Штатив усти кўз билан чамалаб горизонтал ҳолатга келтирилиб штатив устида суриш билан шовун *A* нуқта устига келтирилади. Кейин кўттаргич винтлар ва алидададаги цилиндрик адилакдан фойдаланиб, асбоб айланиш ўқи вертикал ҳолатга келтирилади. Кўриш трубасини бирон-бир ёрқин фонга масалан, осмонга қаратиб окуяр ҳалқачасини суриш (бураш) билан иплар тўри равшан ҳолга келтирилади ва кўриш трубаси жойдаги *B* нуқтага қаратилади; лимб, алидада доиралари ва кўриш трубасининг винтлари маҳкамланади. Сўнгра труба фокусланиб алидада ва труба қаратиш винтлари ёрдамида иплар тўрининг маркази *B* нуқтага аниқ тўғриланади ва лимбдан *c'* санофи (6.21-шакл) олиниб, маҳсус журналга (б-жадвал) ёзилади. Кейин труба ва алидада бўшатилиб, труба *C* нуқтага визирланади, юқорида қайд қилинган ишлар такрорланади ва яна лимбдан *c*' санофи олиниб журналга ёзилади. Ўлчанаётган  $\beta$  бурчакнинг қиймати куйидагича ҳисобланади:

$$\beta = \alpha' - c'.$$

Агар шу бурчак теодолитнинг доира ўнг (ДЎ) вазиятида, яъни вертикал доира кўриш трубасига нисбатан ўнг томонда турганда ўлчангандиган бўлса, бу биринчи ярим қабулни ташкил қиласди. Натижада тўғрилигига қаноат ҳосил қўлиш учун, ҳамда асбобдаги коллимацион ва бошқа хатолар таъсирини камайтириш учун бурчак иккинчи ярим қабулда, яъни теодолитнинг доира чап (ДЧ) вазиятида, иккинчи марта ўлчанади. Бунинг учун кўриш трубасини зенит орқали айлантириб, лимбни бўшатиб тахминан



6.21- шакл.

## 6-жадвал

Асбоб турган нүкта	Кузати-ләттән нүкта	Лимбдан олинган саноқлар		Бурчакнинг ярим қабулдаги қиймати		Бурчакнинг ўртача қиймати	
		°	'	°	'	°	'
<b>ДҮ (доира ўнг)</b>							
	1	250	38				
				155	03		
	3	95	35				
<b>ДЧ (доира чап)</b>							
2						155	03,5
	1	162	37				
				155	02		
	3	7	35				
<b>ДҮ (доира ўнг)</b>							
	2	191	14				
				125	38		
	4	65	36				
<b>ДЧ (доира чап)</b>							
3						125	39
	2	289	52				
				125	40		
	4	164	12				

90° га бурилади ва лимб маҳкамлангандан кейин β бурчак юқоридаги тартибда ўлчанади. Бурчак ўлчашнинг юқоридаги иккита ярим қабули (ДҮ ва ДЧ) битта тўла қабулни ташкил қиласи.

Бурчакнинг иккала ярим қабулда аниқланган қийматлари соилишириб қўрилади. Агар қийматлар орасидаги фарқ саноқ олиш аниқлигининг иккиланганидан ошмаса, ўлчанган бурчакнинг ўртача узил-кесил арифметик қиймати ҳисоблаб чиқарилади.

Агарда, бурчакнинг икки ярим қабулдаги қийматлари саноқ олиш аниқлигининг иккиланганидан, масалан, 2Т30П теодолит учун 1'дан кўпга фарқ қиласа, бурчак қайта ўлчанади.

**Доиравий қабуллар усули.** Теодолит нүкта устида ўрнатилиб, соат мили йўналиши бўйича бирин-кетин ҳамма нүкталарга кўриш трубаси қаратилиб, лимб доирасидан саноқлар олинниб ёзилади. Бунда лимб доирасининг қўзғалмас турганини назорат қилиш учун охирида қарашибаси яна қайта бошлангич нүктага қаратилади (шунда лимбдаги саноқ дастлабки олинган саноқга тенг чиқиши керак). Бу ўлчашлар биринчи ярим қабул (масалан, ДҮ) ни ташкил қиласи. Иккинчи

ярим қабулда (ДЧ) күриш трубаси зенит орқали айлантирилиб соат мили йўналишига тескари йўналишда яна ўша нуқталарга биринкетин қаратилиб саноқлар олиб ёзилади. Иккала ярим қабуллар тўла бир қабулни ташкил қиласди. Ўлчашнинг талаб қилинган аниқлигига қараб станцияда бундай қабуллар сони ҳар хил бўлиши мумкин. Қабуллар орасида лимб доираси ҳолати  $180^\circ/n$  қийматга ўзгартиб олинади, бу ерда  $n$  – қабуллар сони.

**Такрорлаш усулида бурчакни ўлчаш.** Бу усулда бурчакни ўлчашнинг моҳияти ўлчанаётган бурчакни лимбда кетма-кет бир неча марта ўлчаб қўйишдан иборат. Бунда саноқлар икки марта – ўлчашнинг бошида ва охирида олинади. Натижада ўлчанганд бурчак аниқлигига саноқ олиш хатосининг таъсири камайди.

Ўлчаш қўйидагича бажарилади. Асбобни бурчак учи  $A$  га (6.21-шакл) ўрнатиб, лимб доирасида саноқни  $0^\circ$  га яқин ўрнатиб, алидада маҳкамланади. Кейин лимбни бўшатиб, чапдаги  $C$  нуқтага қаратилади ва  $c$  саноғи олинади. Алидадани бўшатиб, ўнг нуқта  $B$  га қаратилади ва лимбдан назорат саноқ олинади. Бунда ўлчанаётган бурчакнинг тахминий қиймати аниқланади. Кейин лимбни бўшатиб чап нуқтага қаратилади, лимб маҳкамланади, лекин саноқ олинмай алидада бўшатилади ва айлантириб яна ўнг нуқтага қаратилади ва  $a$  саноғи олинади. Ушбу бурчакни неча марта такрорлаб ўлчаш режаланган бўлса, шунча марта такрорланади ва ўлчанганд бурчак якуний қиймати қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\beta = \frac{\theta - c}{n}, \quad (6.9)$$

бу ерда:  $\theta$  – ўнг нуқтага ( $B$ ) қараб олинган саноқ;  $c$  – чап нуқтага ( $C$ ) қараб олинган саноқ;  $n$  – лимбда бурчак қийматини қўйишдаги такрорлаш сони. Амалда  $n$  қиймати учдан кам бўлмайди.

### 6.9. Горизонтал бурчакни ўлчаш аниқлиги

Горизонтал бурчакни техник теодолитлар билан ўлчаш аниқлигига, асосан, асбобнинг хатолари, трубани визирлаш, теодолитни нуқта устига ўрнатиш (марказлаш), кузатилаёттан нуқталарга вехаларни ўрнатиш ва лимбдан саноқ олиш хатолари таъсири қиласди.

Замонавий теодолитларда юқорида келтирилган асбоб хатолари қийматини асбобни синчиклаб текшириш ва уни тузатиш ҳамда ўлчашни тўғри ташкил қилиш билан камайтириш мумкин. Масалан, кўриш трубасининг визирлаш хатоси (6.4) формула бўйича, агар  $V = 20^\circ$  бўлса,  $\pm 3''$  га teng бўлади. Асбоб синчиклаб марказлаштирилса, вехалар тўғри ўрнатилса ва бурчак томонлари калта бўлишига йўл қўйилмаса, марказлаштириш ва вехани ўрнатиш хатоси кичик қийматга келтирилади.

Асбобдан саноқ олиш хатоси саноқ олиш мосламаси аниқлигининг ярмига teng деб қабул қилинади ва у қўйидагича ифодаланади:

$$m_0 = \pm \frac{t}{2}, \quad (6.10)$$

бу ерда:  $t$  — саноқ олиш мосламасидан саноқ олиш аниқлиги.

**Масалан, 2Т30П теодолити учун  $t = 30''$  га тенг, шунда  $m_0 = 15''$  бўлади.**

Демак, лимбдан саноқлар олишдаги хатолар ўлчаш аниқлигига асосий таъсир кўрсатади.

Бурчакни ўлчашда нуқтага қаратиб лимбдан  $m_0 = t/2$  ўрта квадратик хато билан саноқ олинса, уни ўлчанаётган бурчак йўналиши хатосига қабул қилиш (бошқа хатолар кичиклиги учун уларни ҳисобга олинмаса) мумкин. Ўлчангандан бурчак икки йўналиш саноқларининг айримасига тенг бўлгани учун унинг хатоси қўйидагини ташкил қиласди:

$$m_\beta = m_0 \sqrt{2} = \frac{t}{2} \sqrt{2}. \quad (6.11)$$

Шунда тўла бир қабулда (ДЎ ва ДЧ ярим қабулларда) ўлчангандан бурчакнинг ўрта квадратик хатоси қўйидагига тенг бўлади:

$$m_\beta = \frac{t}{2} \cdot \frac{\sqrt{2}}{\sqrt{2}} = \frac{t}{2}. \quad (6.12)$$

Бурчак ўлчашнинг чекли хатоси эса

$$m_{\beta_{\text{чекли}}} = 3m_\beta = 3 \frac{t}{2} = \pm 1,5t. \quad (6.13)$$

Иккита ярим қабулда ўлчангандан бурчак қийматлари орасидаги фарқининг ўрта квадратик хатоси

$$m_d = m_\beta \sqrt{2} = \frac{t}{2} \sqrt{2} \cdot \sqrt{2} = t \text{ бўлади.}$$


Бу ҳолда чекли хатога айрма ўрта квадратик хатосининг иккислангани олинади:

$$m_{d_{\text{чекли}}} = 2m_d = \pm 2t. \quad (6.14)$$

Шундай қилиб, иккита ярим қабулда ўлчангандан бурчак қийматлари орасидаги фарқ саноқ олиш мосламаси аниқлигининг иккисланганидан ошмаслиги керак.

## 6.10. Вертикал бурчакларни ўлчаш

Вертикал бурчаклар (жойдаги чизиқларнинг оғиш бурчаклари) теодолитнинг вертикал доираси ёрдамида ўлчанади. Вертикал доира лимби 1 (6.22-шакл) трубанинг айланishi ўқи билан битта қилиб маҳкамланган ва у билан бирга айланади. Алидадада 2 ҳам трубанинг айланishi ўқида жойлашган, лекин бу ўқи билан бирга маҳкамланмагани учун труба айланганда у кўзгалмай туради. Алидада саноқ олиш




6.22- шакл.

вертикаль доира текислигига параллел үрнатылған цилиндрик адилак бажаради. Вертикаль бурчакни ўлчашда трубани нұқтага визирлаб саноқ олишдан олдин адилак пулфакчасини аник ўртага көлтирилади.

Техник теодолиттарда вертикаль доира лимби  $0^\circ$  дан  $360^\circ$  гача бўлинниб, соат мили йўналиши бўйича ошиб борадиган (ТТ-5) ва тескари йўналишда ошиб борадиган (Т30) рақамлар билан ёзилган. Бунда диаметр  $0$  ва  $180^\circ$  нұқталари труба визир ўқига параллел қилиб үрнатылған ва труба билан бирга айланади. Вертикаль бурчаклар қийматини ҳисоблаш осон бўлиши учун қуидаги шарт кўйилади: трубанинг визир ўқи ва алидадаги адилак ўқи горизонтал ҳолатни эгаллаганда ноль индекслари (бўлаклари) лимбнинг ноль бўлаклари (ёки  $0^\circ$  ва  $180^\circ$ ) билан тўғри келиши керак. Амалда бу шарт бажарилмаслиги ҳам мумкин.

Трубанинг визир ўқи горизонтал ҳолатда, алидадаги адилак пулфакчаси эса ўртада жойлашганда вертикаль доирадан олинган саноққа вертикаль доиранинг ноль ўрни ( $\text{Н}^0$ ) дейилади. Вертикаль бурчак қуийдагича ўлчанади: кўриш трубаси  $D^0$  да жойдаги бирон-бир  $M$  нұқтага тўғрилаш, адилак пулфакчасини ўртага көлтириш ва вертикаль доирадан  $R$  саноқ олиш керак (6.23-а шакл).



мосламасида иккита верньер  $3$ ,  $4$  ва цилиндрик адилак  $5$  бор. Адилак верньерлар  $0$  индексини туташтирувчи чизикни горизонтта (горизонтал текисликка) нисбатан маълум ҳолатта көлтириш учун хизмат қиласи. Адилак пулфакчасини шкала ўртасига көлтириш учун қаратиш винти  $6$  хизмат қиласи. Т30, 2Т30, 2Т30П типидаги теодолитлар вертикаль доирасида адилак үрнатылмаган. Унинг вазифасини горизонтал доира алидадасига үрнатылған ва

## Шу шаклдан күринишича

$$v = R - H\ddot{Y}, \quad (6.15)$$

бу ерда:  $v$  – вертикаль бурчак;  $R$  – доира үнг саноги;  $H\ddot{Y}$  – вертикаль доира ноль үрни.

ДЧ ҳолатида труба яна үша  $M$  нүктасига қаратилиб, адилак пулғасы үртага келтирилади ва  $L$  саноги олинади (6.23-б шакл).

Шунда вертикаль бурчак қойылады тенг

$$v = 360^\circ - L + H\ddot{Y}$$

еки

$$v = H\ddot{Y} - L. \quad (6.16)$$

(6.15) ва (6.16) теңгламаларни  $H\ddot{Y}$  ва  $v$  ларга нисбатан ечиб топамиз:

$$H\ddot{Y} = \frac{R+L}{2}, \quad (6.17)$$

$$v = \frac{R-L}{2}. \quad (6.18)$$

Вертикаль бурчак ва  $H\ddot{Y}$  қийматларини (6.15), (6.16), (6.17) ва (6.18) формулалар бүйича ҳисоблашда  $0^\circ$  дан  $60^\circ$  гача бўлган саноқларга  $360^\circ$  кўшиб олинади. Т30 теодолитида вертикаль доира бўлаклари соат мили йўлига қарши йўналишда рақамлар билан ёзилган ва саноқ доирани фақат бир томонидан олинади, шунинг учун  $v$  ва  $H\ddot{Y}$  қийматлари қойылади формулалар бўйича ҳисобланади:

$$v = \frac{L-R-180^\circ}{2}, \quad (6.19)$$

$$H\ddot{Y} = \frac{R+L+180^\circ}{2}, \quad (6.20)$$

$$v = H\ddot{Y}-R-180^\circ, \quad (6.21)$$

$$v = L - H\ddot{Y}. \quad (6.22)$$

Бу формулалар бўйича ҳисоблашда  $90^\circ$  дан кичик бўлган  $R$ ,  $L$  ва  $H\ddot{Y}$  қийматларига  $360^\circ$  кўшилади. 2Т30П (2Т30) теодолитида вертикаль доиранинг  $0^\circ - 180^\circ$  диаметри труба визир ўқига параллел жойлашган ва  $0^\circ$  белгиланган томони градус бўлакларга бўлиниб,  $0^\circ$  дан  $-75^\circ$  гача соат мили йўли бўйича,  $0^\circ$  дан  $+75^\circ$  гача тескари йўналишда рақамлар билан белгиланган. 2Т30П вертикаль доирасидан саноқ олиш тартиби 6.17-б шаклда келтирилган. Саноқ  $B$  индексси билан белгиланган шкаладан олинади. Бу ерда  $-2$  лимбнинг градус бўлаги саноги минус ишорали бўлгани учун минутлар қисми шкалани  $-0$  дан  $-6$  га қараб олинади. Шунга кўра шкаладан 5 та бутун бўлак



## III боб. ЧИЗИҚЛАРНИ ЖОЙДА ҮЛЧАШ

### 7.1. Чизиқ үлчов асбоблари

Жойдаги икки нұқта орасидаги масофаны бевосита ҳамда воситали үлчаш мүмкін. Масофаларни бевосита үлчашда түрли механик үлчаш асбоблари ишлатилади, чунончи, пўлат лента, пўлат рулетка, юмшоқ материалдан ишланған (масалан, фибрегласдан) тасма рулетка, трос ва инвардан ясалған үлчов симлари. Масофа үлчаш жараёни үлчов асбобини үлчанаётган чизиқда кетма-кет қўйиб чиқишил иборат. Асбобни қўйиш сонини унинг узунлигига кўпайтириб, якуний натижә топилади. Үлчаш асбобининг ҳақиқий узунлиги унинг номинал (лоиҳа) қийматидан бирмунча фарқ қиласади. Бунга ҳар хил омиллар, чунончи, асбоб бўлакларини белгилашдаги хато, асбобни тайёрлашдаги ҳаво ҳарорати билан чизиқ үлчаш вақтидаги ҳарорат фарқи, асбобни ҳар хил куч билан таранг тортиш ва бошқалар сабаб бўлади.

Амалий ишларда кўпроқ пўлатдан ясалған үлчов ленталари қўлланиллади, унинг эни 10 — 15 мм, қалинлиги 0,4 — 0,6 мм ва узунлиги 20 м бўлади. Узунлиги 24, 30, 50 м ли ленталар ҳам бўлади. Лентанинг ҳақиқий узунлиги, одатда, номинал узунликдан (20 м) фарқ қиласади. Шунинг учун аввал ишлатиладиган лентанинг ҳақиқий узунлиги аниқланади.

Бу ишчи лента узунлигини этalon лента узунлиги билан таққослаш (компарираш) орқали бажарилади. Компарираш маҳсус компараторларда бажарилади, улар стационар ва дала компараторларига бўлинади. Оддий шароитда ишчи лента билан этalon лента узунликларини қуйидагича таққослаш мүмкін. Текис жойда ёки бинонинг полида ишчи ва этalon ленталарни ёнма-ён ётқизиб, нолинчи штрихлари туташтирилади, кейин уларни бир хил куч билан тортилади ва миллиметрли чизғич билан ленталарнинг иккинчи училаги штрихлари фарқи  $\Delta$ /ўлчанади. Бу  $\Delta$  қийматига компарираш тузатмаси дейилади. Аниқ үлчаш ишлари учун компарираш вақтидаги ҳаво ҳарорати үлчанади.

Агар ишчи лентанинг ҳақиқий узунлигини  $I$ , этalon лента узунлигини  $I_0$  десак, унда ишчи лента узунлиги қуйидагига teng бўлади:

$$I = I_0 \pm \Delta I. \quad (7.1)$$

Амалда кўп ишлатиладиган үлчов асбобларининг тавсифи қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

ва кейинги тұла бўлмаган бўлакни чамалаб 0,3 ҳиссасини, яъни жами 5,3 бўлакни олиб, бир бўлак қиймати 5' га кўпайтирсак  $5,3 \times 5' = 26,5$ 'чиқади, якуний саноқ  $-2^{\circ}26,5'$ га тенг бўлади. Лимбнинг градус бўлаги саноғи мусбат ишорага эга бўлса, минутлар шкалани 0 дан 6 рақамга қараб олинади.

Бу теодолитда ўлчангандан қиймати қуйидаги формулалар билан ҳисобланади:

$$H\ddot{Y} = (L+R)/2, \quad (6.23)$$

$$v = H\ddot{Y} - R, \quad (6.24)$$

$$v = L - H\ddot{Y}. \quad (6.25)$$

Бир тўлиқ қабул билан ўлчангандан вертикаль бурчакларнинг қиймати тўғрилигига ҳар гал аниқланган  $H\ddot{Y}$  доимийлиги далолат беради. Бунда  $H\ddot{Y}$  қийматининг катталиги аҳамиятга эга эмас. Бироқ рельефни съёмка қилиш пайтида нисбий баландликни аниқлаш учун вертикаль бурчаклар (қиялик бурчаклари) одатда ДЧ вазиятда ўлчанди ва (6.25) формулани ечишни осонлаштириш учун  $H\ddot{Y}$  нолга тенг қилиб олиниши ёки 2'дан ошмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай шартни амалга ошириш учун узокдаги яхши кўринадиган иккита ёки учта нуқта тўлиқ қабулда кузатилиб, ҳар гал  $H\ddot{Y}$  аниқланади. Агар  $H\ddot{Y}$  нинг топилган қийматлари ўртасаси нольдан 2' гача фарқ қиласа, шарт қаноатлантирилган ҳисобланади. Акс ҳолда кўриш трубасини ДЧ ҳолатида охирги нуқтага қаратиб олинган  $L$  саноғининг тузатилган қиймати  $L_{\text{н}} = L + H\ddot{Y}_{\text{н}}$  вертикаль доирада ҳосил бўлгунча трубанинг қаратиш винти буралади. Шунда трубага қаралганда кузатилаётган нуқта тасвири иплар тўри кесишган нуқтасидан вертикаль чизиқ бўйича силжиган бўлади. Иплар тўри диафрагмасини тутиб турган тузатгич винтларнинг юқоридагиси ва пастдагиси буралиб, иплар тўрининг кесишган нуқтаси кузатилаётган нуқта тасвири устига туширилади.

Текшириш учун  $H\ddot{Y}$  қиймати янгидан аниқланади.

Теодолитларда вертикаль доиранинг ноль ўрнини нолга тенг қилиб олинса, вертикаль бурчакларни ҳисоблаш осон бўлади. Бунда ДЧ вазиятда олинган саноқнинг ўзи вертикаль бурчак қийматига тенг бўлади, яъни  $v = L$ .

Үлчов асбобларининг турлари	Үлчов асбобларининг номи	Узунлиги, м	Эни, қалинлиги, мм	Үлчашнинг меъёрий нисбий хатоси
ЛЗ	Штрихли ер ўлчов лентаси	20; 24; 50	10+15 0,4+0,5	1:1 500
ЛЗШ	Шкалали ер ўлчов лентаси	20; 24; 50	10+15 0,4+0,5	1:2 000
ЛТ	Ер ўлчов трости	50; 100	2	1:1 000
РК	Крестовинада ўралган рулетка	30; 50; 100	10+12 0,20+0,25	1:2 000
РС	Пўлат рулетка	10; 20; 30; 50	10+12 0,16+0,22	1:2 000- 1:5 000
БП	Осма базис асбоби (инвар сим)	24	1; 1,5	1:1 000 000

Инвар сим — ҳарорат таъсиридан жуда кичик кенгайиш (узайиш) коэффициентга эга бўлган никель билан темир эритмаси.

**ЛЗ типидаги штрихли лента** — пўлат тасмадан иборат бўлиб, икки учда доирасимон қия илмоқ шаклидаги кесик metall пластинка ўрнатилган (7.1-а шакл); кесиклар эни шпилька диаметрига teng. Уларнинг маркази қаршисида лента бўйлама ўқига перпендикуляр ҳолда ўлчаш шкаласининг бошини ва охирини кўрсатувчи штрихлар ўйиб туширилган ва тегишли 0 ва 20 рақамлар билан белгиланган. Бу ерда 20 пўлат лентанинг номинал узунлигини билдиради.

ЛЗ штрихли лента комплектига қуйидагилар киради: лента (7.1-а шакл), лентани ўраш учун metall ҳалқа (7.1-б шакл) ва 6 ёки 11 шпилькалар комплекти (7.1-в шакл). Масофа чизиқ створи бўйича лентани бирин-кетин кўйиб чиқиб ўлчанади. Ҳар бир қўйишида ўлчов лентасининг боши ва охирини белгилаш учун уни илгаклари орқали ерга шпилькалар санчилади.


**ЛЗШ шкалали лента** — фақат икки учда узунлиги 10 — 15 см бўлган кесимлар см ва мм бўлакларга бўлинган (7.2-шакл). Бошқа бўлаклар туширилмаган. Шкаладан кўз билан чамалаб 0,2 — 0,5 мм аниқликда саноқ олинади. Лентанинг номинал узунлиги лентадаги



7.1- шакл.



7.2- шакл.



7.3- шакл.


шкалалар ноль индекслари орасидаги масофа ҳисобланади. ЛЗШ лента билан масофа чизик створида лента қўйиб чиқилиб ўлчанади. Бунда ерга санчилган ингичка шпилка тўғрисидаги шкала бўйича саноқ олинади. Лентанинг орқадаги ва олдинги шкалаларидан  $O_p$  ва  $O_a$  саноқлар бир вақтда олинади, 10 см дан ортиқ қолдиқ рулетка билан ўлчанади.

**ЛТ ер ўлчаш троси** – диаметри 2 мм га teng 7 толали пўлат сим бўлиб, пластмасса қобиқда ясалган. У ҳалқа шаклидаги металл бел-боғчалар билан 1 метрли бўлакларга бўлинган ва ғалтакка ўралган бўлади.

Масофа ўлчашда трос ерда ёзиб қўйилади ва 1 метрдан кичик бўлган қолдиқ кўз билан чамалаб 0,1 м аниқликда баҳоланади.

**РК рулеткаси** – крестовина барабанга ўралган пўлат тасмадан иборат (7.3-шакл). Рулеткани биринчи дециметри мм бўлакларга, қолганлари эса см бўлакларга бўлинган. Рулетка узунлигидан ошмайдиган узунликдаги чизиқларни ўлчаш ва жойга кўчиришда юқори аниқликни таъминлаш мумкин.

**РС рулеткаси** – металл филофда жойлаштирилган ғалтакка ўралган пўлат тасма (лента) дан иборат. Рулетка шкаласи бошидан охиригача мм бўлакларга бўлинган ва ҳар см дан рақамлар билан ёзилган (7.4-шакл).



7.4- шакл.

## 7.2. Чизиқни ўлчашга тайёрлаш

Жойда ҳар қандай чизиқни ўлчашдан аввал у ўлчашга тайёрлаңади, чунончи, чизиқ учлари жойда маҳкамланади, улар белгиланади ва чизиқлар жойда ўтказилади. Чизиқ учи нуқталари ўрни жойда чизиқ вазифасига, сақланиш муддатига ва жой шароитига қараб турлича маҳкамланади. Оддий ҳолларда нуқталар жойда ёғоч қозиқлар ( $3 \times 25\text{см}$ ) билан маҳкамланиб, атрофига учбурчак, түртбурчак ёки доира шаклида ариқча қазилади ва чиқкан тупроғи қозиқ атрофидаги ўйиб күйилади (7.5-а шакл).

Агар нуқта мұхим ажамиятта эга бўлиб, узоқ муддатта сақланиши керак бўлса, ёғоч устун (7.5-б шакл), метал парчаси ёки темирбетон плитаси билан маҳкамланади.

Нуқталарни бир-биридан кўринишини таъминлаш учун улар белгилар – веха деб аталувчи маҳсус таёклар билан белгиланади. Веха – узунлиги 2, 3 ва 4 м, йўғонлиги 3 – 4 см бўлган, узунаси бўйлаб 5 сантиметрли бўлакларга бўлинниб оқ-қора рангга бўялган ва бир учига темир найда қопланган таёқ. Жойдаги тўғри чизиқ унинг иккала учила ўрнатилган вехалар билан белгиланади. Текис жойдаги узунлиги 100 м дан ортиқ чизиқни ўлчаш учун уни иккала учила ўрнатилган вехалар оралигига қўшимча вехалар (масалан, ҳар 50 метрдан) ўрнатиб чиқилади, бунга чизиқ олиш дейилади.


Тепалик ва жарликлар орқали ўтган чизиқлар ҳар 20 – 50 м да қўшимча вехалар билан белгилаб чиқилади.

Чизиқ олишни берилган икки нуқта орасида чизиқ олиш ва берилган икки нуқта орасидаги чизиқни давом эттириш йўли билан бажариш мумкин.


Биринчисида берилган *A* ва *B* нуқталар (7.6-а шакл) орасида чизиқ олиш керак бўлсин. Кузатувчи ўз ёрдамчисини *B* нуқтасидан



7.5- шакл.



7.6- шакл.



50 — 100 м да бўлган *I*-нуқта томон жўнатади, ўзи эса *A* нуқтасидан 10 — 20 м да жойлашган нуқтасига туради. Шундан кейин у ўз ёрдамчисига қўлидаги вехани *I* нуқтада чапга ёки ўнгга суришга, *A* нуқтагати веха *I* ва *B* нуқталаридаги вехаларни тўсмагунча, кўрсатма беради. Кейин ёрдамчи бошқа бир веха билан 2-нуқтага ўтади ва олдингига ўжшаб кўрсатмага биноан у вехани ҳам ўрнатади ва ҳоказо. Бу усулга „ўзига“ қараб чизиқ олиш дейилади. Агар биринчи оралиқ веха *Z* нуқтада, кейин 2 нуқтада ва ҳоказо тартибда ўрнатилса, „ўзидан“ чизиқ олиш дейилади.

Берилган икки нуқта *A* ва *B* (7.6-б шакл) орасидаги чизиқни давом эттириш учун кузатувчи *AB* чизигини давомига ўтиб, *A* ва *B* нуқталарда ўрнатилган вехалар бўйича 50 — 100 м чамаси масофада *I*-вехани шундай ўрнатадики, у *A* ва *B* нуқталардаги вехаларни тўссин, кейин 2-вехани худди шундай ўрнатади ва ҳоказо.

### 7.3. Пўлат лента билан чизиқ ўлчаш

Лента билан жойда чизиқни ўлчаш учун икки киши керак бўлади. Ўлчаш лента ва 6 та ёки 11 та шпилькалар комплекти билан бажарилади. Ўлчашни бошлашда лентанинг биринчи (0 индекси билан белгиланган) уни ва 1 дона шпилька орқадаги ўлчовчида, лентанинг иккиси уни ва 5 та шпилька олдинги ўлчовчининг қўлида бўлади. Орқадаги ўлчовчи лента учидаги қия илгакни қўлидаги шпилькага илиб, уни чизиқнинг бош нуқтасида ерга қадаб тутади, олдинги ўлчовчи лентани ўлчанадиган чизиқ йўналиши бўйича қўяди. Кейин орқадаги ишчи кўрсатмаси бўйича олдинги ишчи лентани чизиқда тўғри ётқизиб силкитиб таранг торгади ва шу туришда лента учидаги қия илгакдан шпилькани ўтқазиб, ерга қадайди. Кейин орқадаги ўлчовчи ерга қадалган шпилькасини олиб, олдинги ўлчовчи эса ерга қадалган шпилькасини жойида қолдириб, иккаласи олдинга қараб юради; орқадаги ўлчовчи лента учини олдинги ўлчовчи қолдирган шпилькага илади ва ўлчаш юқоридаги каби давом эттирилади. Олдинги ўлчовчи қадаб кеттан шпилькаларни орқадаги ўлчовчи йигиб боради. Орқадаги ўлчовчи қўлида 5 та шпилька йиғилганда, ўлчанган масофа 100 м га тенг бўлади. Кейин орқадаги ўлчовчи қўлидаги 5 та шпилькани олдинги ўлчовчига узатади. Чизиқ охиридаги энг кейинги қадалган шпилька билан чизиқ охирги уни нуқтаси орасидаги лента узунлигидан калта бўлган қолдиқ *r* охирда ўлчанади.

Шунда ўлчанган чизиқ узунлиги қўйидагича ҳисобланади:

$$D = n l_0 + r \text{ ёки } D = n \cdot 20 + r, \quad (7.2)$$

бу ерда: *n* — чизиқда лентанинг қўйилиш сони;

*l<sub>0</sub>* — лентанинг номинал узунлиги (20 м);

*r* — қолдиқ, лента узунлигидан кам кесма.

Агар ишчи лентанинг ҳақиқий узунлиги номинал узунликдан фарқ қылса, бунда (7.1) формулани эътиборга олиб, чизик узунлигини күйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$D = n(l_0 \pm \Delta l) + r. \quad (7.3)$$

Ўлчаш натижасини назорат қилиш учун ҳар бир чизик икки марта — тўғри ва тескари йўналишларда ўлчанади.

Иккала ўлчаш натижалари бир-бири билан тенг чиқса ёки фарқи белгиланган қийматдан ошмаса, ўлчаш тўғри, акс ҳолда чизик қайта яна бир марта ўлчанади.

Лентада чизик ўлчаш оддий бўлишига қарамай кўпинча кўпол хатоларга йўл қўйилади. Кўпол хатолар, масалан, 20 м га тенг хатолар шпилькаларни биринчи ўлчовчи иксалинчисига узатишда улар сонини нотўғри ҳисоблашдан ёки шпилькаларни йўқотишдан келиб чиқади. Лентада жойлаштирилган метр ёзувларидан нотўғри саноқ олиш оқибатида бир неча метр хатога йўл қўйиш мумкин. Лентани икки томони (юзи) да метр ёзувлари қарама-қарши учларидан бошланади. Масалан, бир юзида 9 м ёзуви жойлашган бўлса, унинг тескари томонида 11 м ёзуви тўғри келади. Шунинг учун қолдиқларни ўлчашда эътибор билан метр ёзувларини ҳисоблаш керак.

Булардан ташқари, шпилька ерга тик ва чукур қадалиб, лентани унга илиб таранг тортилганда шпилька олдинга ёки орқага қийшайиб қолмаслиги керак.

#### 7.4. Пўлат лента билан чизик ўлчаш аниқлиги

Ўлчанадиган чизиқни бошлангич ва охирги нуқталарини туаштирувчи тўғри чизиқдан ҳар бир кўйилган лента оғиб бориб якуний натижакани ошириб юборади, чунки тўғри чизик ўрнига синик чизиқлардан иборат чизик ўлчанади.

Чизик ўлчаш аниқлигига лентани компарирлаш хатоси, ҳаво ҳарорати ва бошқалар ҳам таъсир этади.

Булардан ташқари, чизик ўлчаш аниқлигига жойнинг нотекислиги ва тупроқ қопламининг юмшоқлиги ҳам катта таъсир этади. Текис ва тупроқ қоплами қаттиқ жойда, чизиқлар нотекис ва юмшоқ тупрокли жойларга қараганда анча аниқ ўлчанади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, кўриб чиқилган хатолардан ўлчаш аниқлигига энг катта таъсир этувчиси бўлиб, бу жой рельефи ва тупроқ шароити ҳисобланади.

Бу кўрсаткичлар бўйича жой уч тоифага бўлинади:

1-тоифа — ўлчаш учун энг қулай жой (текис, тупроғи қаттиқ);

2-тоифа — ўлчаш учун ўртача шароитдаги жой (рельефи бирмунча нотекис, тупроғи нисбатан бўш);

3-тоифа — ўлчаш учун ноқулай жой (тепа ва жарликлар билан кесилган, тупроғи жуда бўш).

Жойда пўлат лента билан чизиқларни **ўлчаш кўп** йиллик таж-рибаси натижаларига таяниб, жой тоифалари бўйича ўлчашни қу-йидаги чекли нисбий хатоси белгиланган:

- 1-тоифали жойда 1:3 000 дан;
- 2-тоифали жойда 1:2 000 дан;
- 3-тоифали жойда 1:1 000 дан ошмаслиги керак.

Амалда чизиқ ўлчаш аниқлигини **текшириб бориш** учун ҳар бир чизиқ энг камида икки марта **ўлчанади** (тўғри ва тескари йўна-лишларда). Ўлчаш хатолари тъсирида бу икки қиймат ўзаро фарқ қиласди. Албатта, улар орасида фарқ кичик бир қийматдан ошмаслиги керак. Агар фарқ катта чиқса, демак, қайсиdir бир ўлчашда (тўғри ёки тескари ўлчашда) кўпол хатога йўл қўйилган ҳисобланади. Икки ўлчаш натижаларининг фарқи қачон (қандай қийматда) йўл қўярли эканлигини билиш учун юқорида келтирилган **нисбий** хатолар че-кидан фойдаланилади.

Масалан, бирон-бир чизиқ икки марта ўлчаниб, унда 318, 75 м ва 318, 64 м қийматлар топилган бўлсин. Ўлчаш ўрга шароитдаги (2-тоифа) жойда бажарилган бўлса, нисбий хатоси 1:2000 дан ошмаслиги керак. Бизнинг мисолда ўлчантан чизиқни яхлит м даги қиймати 319 м бўлса,  $319:2000 = 0,16$  м ни топамиз. Натижаларнинг фарқи эса  $318,75 - 318,64 = 0,11$  м ни ташкил қиласди ва у йўл қўярли нисбий хатодан кичик, яъни  $0,11 < 0,16$ . Демак, иккала ўлчаш ҳам қониқарли бажарилган ва якуний натижা қилиб, улар арифметик ўрга қийматини оламиз:  $(318,75 + 318,64) : 12 = 318,70$  м.

Агар ўлчаш натижаларининг фарқи **0,16 м** дан катта бўлса, демак, қайсиdir бир ўлчашда қўпол хатога йўл қўйилган ҳисобланади ва ўлчашни яна бир марта такрорлаш лозим бўлади.

Умуман олганда, икки марта ўлчантан чизиқ қийматлари ора-сидаги фарқ  $\Delta D$  нинг йўл қўярли нисбий хатоси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\frac{\Delta D}{D} \leq \frac{1}{M} \sqrt{2}, \quad (7.4)$$

бу ерда:  $D$  – ўлчаб топилган қийматларнинг ўртасаси;


$M$  – йўл қўярли нисбий хато маҳражи.

Олинган мисол учун (7.4) формуладан қўйидагиларни топамиз:  $\frac{0,11}{318,70} < \frac{1}{2000} \sqrt{2}$  ёки  $\frac{1}{2897} < \frac{1}{1414}$ , яъни хато йўл қўярли экани кўриниб турибди.

## 7.5. Ўлчантан қия чизиқнинг горизонтал куйилишини аниқлаш

План ва карталарни тузиш технологияси жойда ўлчантан қия чизиқлардан уларни горизонтал қуйилишига ўтишни талаб қиласди.

Жойда  $AB$  қия чизиқ (7.7-шакл) ўлчантан бўлсин. Ушбу чизиқнинг  $A$  нуқтасидан ўтвучи горизонтал чизиққа нисбатан оғиш бурчаги  $v$



7.7- шакл.

$$d = D \cos v. \quad (7.5)$$

Бу формула бўйича ҳисоблаш калькуляторда осонгина бажарилади.

Мисол:  $D = 156,70$  м;  $v = 4^{\circ}51'$  таңг бўлса (7.5) формула бўйича топамиз:  $d = 156,70 \cdot \cos 4^{\circ}51' = 156,15$  м.

Амалда кўпинчча ўлчанган қия чизик учун тузатма  $\Delta D$  ҳисобланади:

$$\Delta D = D - d. \quad (7.6)$$

(7.6)га (7.5)ни қўйиб топамиз:

$$\Delta D = D - D \cos v = D (1 - \cos v) \quad (7.7)$$

ёки келтириш формуласига асосан ёзамиш:

$$\Delta D = 2D \sin^2 \frac{v}{2}. \quad (7.8)$$

(7.8) формула бўйича ҳисобланган қиймат (7.6) формулага асосан  $D$  ўлчанган қийматдан айрилади, шунга кўра (7.8) формулани

$$\Delta D = -2D \sin^2 \frac{v}{2} \quad (7.9)$$

кўринишда ёзиш мумкин.

Юқорида олинган мисолни бу формулалар бўйича ечиб топамиз:

$$(7.8) \text{ формуладан } \Delta D = 2 \cdot 156,70 \sin^2 \frac{4^{\circ}51'}{2} = 0,55 \text{ м.}$$

$$(7.6) \text{ формуладан } d = D - \Delta D = 156,70 - 0,55 = 156,15 \text{ м.}$$

Чизик узунлигини ўлчашда бирданига унинг огиш бурчагини ҳам ўлчаб борилади. Бунинг учун теодолитнинг вертикал доирасидан фойдаланилади. Бурчак қиймати кичик ( $1^{\circ} - 15^{\circ}$ ) бўлса, уни оддий мослама — эклиметрда ўлчаш ҳам кифоя.

## 7.6. Оптик дальномерлар

Масофани оптик дальномерлар билан аниқлаш асосига параллактик бурчак  $\phi$  ва унинг қаршисида ётган  $a$  томони (7.8-шакл) маълум бўлган тенг ёқли параллактик учбуручакнинг оптик-механик ечиш йўли қўйилган.

Параллактик бурчак, одатда, кичик ( $1^{\circ}$  дан ошмайди), базис томони  $a$  узунлиги 1 — 3 м орасида, ўлчанадиган масофа  $D$  эса юзлаб метрга етади.

$OAB$  учбурчакдан, биссектриса базис  $b$  га перпендикуляр деб ҳи-соблаб, ёзамиш:

$$D = \frac{\theta}{2} \operatorname{ctg} \frac{\varphi}{2} \quad (7.10)$$

ёки бурчак кичик бўлгани учун

$$D = \frac{\theta}{2} \cdot \frac{1}{\operatorname{tg} \frac{\varphi}{2}} = \frac{\theta \rho}{\varphi}, \quad (7.11)$$

бу ерда  $\rho$  — радиан.


(7.11) формуладаги қайси бир элемент ўлчанишига қараб даль-номерлар кўйидаги турларга бўлинади:

- доимий бурчакли дальномер;
- доимий базисли дальномер;
- ўзгарувчан бурчакли ва ўзгарувчан базисли дальномер.


Амалда юқоридаги а ва б бандларда кўрсатилган дальномерлар кенг тарқалган. Улар геодезик асбоблар кўриш трубасининг иплар тўри диафрагмасида жойлаштирилади ҳамда труба объективига кийдириладиган мослама сифатида тайёрланади. Доимий параллактик бурчак оптик йўл билан ҳосил қилинади: иплар тўри диафрагмасида чизилган штрихлар ёрдамида (ипли дальномерлар) ёки труба объективига кийдириладиган линза (призма)лар ёрдамида (иккиланган тасвирли дальномерлар). Базис вазифасини вертикал ёки горизонтал ҳолатда ўрнатиладиган дальномер рейкаси бажаради. Оптик дальномерларни кўп йиллик ишлатиш тажрибасининг кўрсатишича, улар масофани осон ва тез ўлчаш имкониятини беради.

**Ипли дальномер.** У доимий параллактик бурчакли ва ўзгарувчан базисли дальномерлар турига киради.

Иплар тўри диафрагмасидаги марказий горизонтал ипдан ҳар иккала томонга бир хил оралиқда ўзаро параллел қилиб чизилган штрихлар (7.9-шакл) — ипли дальномер бўлади. Параллактик бурчак ф штрихлар  $a$  ва  $a'$  нуқталаридан ўтувчи визирлаш нурлари ёрдамида ҳосил бўлади. Бурчак қиймати штрихлар орасидаги  $r$  масофага боғ-



7.8- шакл.



7.9- шакл.

лиқ; бурчак учи объектив оптик ўқида жойлашган бўлиб у қўзғалмасдир. Ташқи фокусланувчи трубаларда (кеплар трубаси) бу нуқта объективни олдинги фокус нуқтасида бўлади. Ички фокусланувчи трубаларда эса иплар тўри билан объектив оралиғида жойлашади.

Ипли дальномер назариясини кеплер трубасининг оптик чизмасида кўриб чиқиш қулайдир.

$D$  масофани (7.9-шакл) ўлчаш учун дальномер шундай ўрнатиладики, асбоннинг (масалан, теодолитни) айланиш ўқи  $JJ'$  вертикал бўлиб, 1-нуқта устидан ўтсин.

Охирги 2-нуқтага рейка тик ўрнатилади.

Агар  $O_1O_2$  чизиги горизонтал ҳолатда бўлса, тик ўрнатилган рейка унга перпендикуляр бўлиши керак. Шаклдан ўлчанадиган ма-софа  $D$  кўйидагига тенг:

$$D = E + f + \delta, \quad (7.12)$$

бу ерда:  $E$  – объектив олдинги фокусидан рейкагача масофа;

$f$  – объективнинг олдинги фокус масофаси;

$\delta$  – объективдан асбоб айланиш ўқигача бўлган масофа.

Дальномер штрихларидағи  $\sigma$  ва  $a$  нуқталарни рейкага нурлар орқали проекцияласак, рейкада  $\sigma_1$  ва  $a_1$  нуқталар ҳосил бўлади (бунда нурлар объективнинг олдинги фокус нуқтасидан ўтиши керак). Объектив олдинги фокусидан дальномер штрихларини кўриш бурчаги ф ўзгармас, чунки  $p$  ва  $f$  қийматлар доимийдир. Шуни ҳисобга олиб  $F_1 a_1 \sigma_1$  ва  $F_1 a_1 \sigma_1$  ўхшашиб учбурчаклардан ёзамиш:

$$\frac{p}{f} = \frac{\sigma}{E}, \quad (7.13)$$

бу ердан

$$E = \sigma \frac{f}{p}. \quad (7.14)$$

(7.14) формуладан  $\frac{f}{\varphi} = K$  деб белгилаб, (7.12) формулага кўйиб ёзамиш:

$$D = K\sigma + f + \delta \quad (7.15)$$

ёки  $f + \delta = c$  билан белгиласак, (7.15) ни кўйидагича ёзамиш:

$$D = K\sigma + c, \quad (7.16)$$


бу ерда:  $K$  – ипли дальномер коэффициенти;

$c$  – дальномер доимий қўшилувчиси.

Кўпинча  $K$  қийматини 100 га тенг деб олинади.

Одатда, базис  $\sigma$  қийматини дальномер рейкаси бўлаклари  $n$  орқали ифодаланади. У рейкадан олинадиган саноқлар  $a_1$  ва  $\sigma_1$  орқали кўйидагича топилади:

$$n = a_1 - \sigma_1, \quad (7.17)$$



7.10- шакл.

Шунда формула (7.16) қуйидагига тенг бўлади:

$$D = Kn + c = 100n + c. \quad (7.18)$$

*c* қиймати ички фокусланувчи трубаларда 0,1 м га тенг ва уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Нотекис рельефли жойла визирлаш ўқи тик ўрнатилган рейкага перпендикуляр бўлмаслиги учун у жой қиялиги бурчаги  $v$  қийматига тенг қия ўрнатилиши керак бўлади. Амалда рейка тик ўрнатилади ва дальномерда ўлчанганд қия масофа  $D$  га  $\Delta D$  тузатмаси киритилади, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta D = D \sin^2 v. \quad (7.19)$$

$\Delta D$  оғиш бурчаги  $3^\circ$  гача бўлса, кичик қийматга эга бўлади. Масалан,  $v = 2^\circ$  ва  $D = 100$  м бўлса,  $\Delta D = 0,15$  м га тенг. Ипли дальномерларни афзалиги – тузилиши содда, масофа ўлчаш тез ва осон бажарилади; камчилиги – ўлчаш аниқлиги нисбатан паст ва 1:100 – 1:300 ни ташкил қиласи.

**Иккиланган тасвири компенсаторли дальномер.** Доимий параллактик бурчакли ва ўзгарувчан базисли дальномердир. Унда кўриш нури оптик призма – пона ёрдамида визирлаш ўқига нисбатан  $\beta$  бурчагига (7.10-шакл) ўзгартеришига асосланган. Призмани синдириш коэффициенти ва синиш  $\beta$  бурчагининг шундай қийматини танлаб олинадики, дальномер коэффициенти  $K = \operatorname{ctg} \beta = 100$  бўлсин (бунинг учун  $\beta = 0^\circ 34' 22,6''$  бўлиши керак).

Оптик пона труба объективи ярмини беркитадиган қилиб унинг олдига ўрнатилади. Бунда иплар тўрининг марказидан чиқсан нурлардан бири объективнинг очиқ қисмидан ўтиб, рейкани  $M$  нуқтада кесади (7.10-шакл), иккинчиси эса пона орқали ўтиб,  $\beta$  бурчагига ўзгариб, рейкани 0 нуқтада кесади.

Рейкани  $M$  ва 0 нуқталаридан объективнинг очиқ ва ёпиқ қисмлари орқали келувчи нурлар, труба кўриш майдонида бири иккинчисини устида жойлашган ва бир-бирига нисбатан силжиган рейканинг бўлаклари иккиланган тасвирини ҳосил қиласи. Горизонтал

ўрнатилган рейканинг иккиланган тасвири бўйича олинган саноқлар айрмаси  $n$  орқали масофа қўйидагича ҳисобланади:

$$D = Kn + c = 100n + c \quad (7.20)$$

Дальномер рейкасининг бўлаклари (7.20) формуладаги  $c$  миқдорини ўлчанганди масофага ўз-ўзидан қўшиладиган қилиб бўлинган.

Иккиланган тасвири дальномерда масофа ўлчаши аниқлиги ипли дальномерга қараганда 10 — 15 маротаба юқоридир. Ҳозирда бундай дальномерлар уч турда ишлаб чиқарилади: **Д-2, ДНР-5, ДН-8**. Конструкцияси бўйича бу дальномерлар икки хил кўринишда: мустақил алоҳида асбоб сифатида (Д-2) ва кўриш трубаси объективига кийдириладиган кўринишда (ДН-8, ДНР-5) чиқарилади. Масофалар горизонтал рейка (Д-2, ДН-8) ва вертикал рейка (ДНР-5) лар билан ўлчанади. Ўлчанадиган масофа 40 — 400 м (Д-2); 20 — 120 м (ДНР-5); 50 — 700 м (ДН-8); ўлчаш аниқлиги ҳар 100 м га тегишлича 2; 5; 8 см ни ташкил қиласди. Бу дальномерлар ишлаш учун оддий, чидамли, арzon, енгил ва ихчамдир.

### 7.7. Электрон дальномерлар ва улар ҳақида умумий маълумот

Фойдаланиладиган электромагнит тўлқинлар кўринишига қараб бу дальномерлар ёруғлик ва радиодальномерларга бўлинади. Улар билан чизиқ ўлчаш ўлчанаётган масофадан электромагнит тўлқинларнинг ўтиш вақтини аниқлаш орқали ўлчаш усулига асосланган.

Тебранишларни тарқатиш хусусиятига қараб ёруғлик ва радиодальномерлар импульсли ва фазалига бўлинади. Ҳамма электрон дальномерларда бир хил принципдаги блок-чизма қабул қилинган: дальномер иккита асосий қисмдан ташкил топади — қабул қилгич ва узаткич, қабул қилгич бошлангич нуқтада ўрнатилади, қайтаргич чизиқнинг охирги нуқтасида ўрнатилади.

Қабул қилгич — узатгичнинг вазифаси электромагнит тўлқинларини қайтаргич томонга юбориш, қайтарилган электромагнит тўлқинларни қабул қилиш ва уларни қабул қилгич — узатгич — қайтаргич — қабул қилгич — узатгич йўлида тарқалиши вақтини ўлчашдан иборат.

Қайтаргич юборилган электромагнит тўлқинларини тескари йўналиша қайтаради.

Дальномернинг бу ишлаш принципига асосан ўлчанганди масофа қўйидагича ҳисобланади:

$$D = \frac{1}{2} vt \quad (7.21)$$

Бу ерда:  $v$  — ўлчаш давомида электромагнит тўлқинларини ҳавода тарқалиш тезлиги;  $t$  — электромагнит тўлқинлар 2D масофани ўтиши учун сарфланган вақт.

Тезлик  $v$  ни аниқлаш учун қуйидаги бөлганишдан фойдаланылади:

$$v = \frac{c}{n}, \quad (7.22)$$

бу ерда:  $c$  — электромагнит түлкіннелерининг вакуумда тарқатыш тезлиги, ҳозир у  $299792,5 \pm 0,4$  км/с;  $n$  — ҳавонинг синдириш күрсаткичи, әдеб зичлигига бөлгик.


Амалда  $\lambda$  қийматини топиш учун чизик ўлчаш билан бирга чизик бўйлаб ҳавонинг ҳарорати, босими ва намлиги ўлчаниши керак.

Масалан:  $\frac{m_v}{v}$  қийматини 1:700000 аниқликда олиш учун ёруғлик түлкини йўлида ҳароратни ( $t$ )  $m_t = 0,7^\circ\text{C}$  ўрта квадратик хато билан ҳаво босимини  $m_p = 1$  мм см.ст. ва намликини  $m_c = 1$  мм см.ст. ўлчаш керак бўлади. Унча катта бўлмаган (1 — 2км) масофани ўлчашда асосий муҳим масала бу вақтни аниқ ўлчашдан иборат.

**Импульсли дальномер.** Импульсли дальномер масофани аниқ ўлчашни таъминлай олмайди, лекин ўлчашни тезкорлик билан бажариш имконини беради.

Одатда, импульсли дальномерлардан локатор сифатида фойдаланилади, яъни улар билан масофадан ташқари обьектга қараб йўналиш ҳам ўлчанади. Улар аниқлиги паст бўлгани сабабли геодезик ўлчаш ишларида кам қўлланилади. Бундай дальномерлардан энг аниқлари аэрофотосъёмкада қўлланилади ва съёмка давомида самолёт учиш баландлигини ўлчаш учун баландлик ўлчагич вазифасини бажаради. Радиобаландлик ўлчагич РВТД импульсли радиодальномер бўлиб, унда қайтаргич вазифасини ернинг табиий сирти (юзаси) бажаради. Аэрофотосъёмкани бажаришда у билан баландлик ўлчаш аниқлиги текис ҳудудларда 1 — 2 м ни, тоғли ҳудудларда эса 2 м ни ташкил қилади.

**Фазали дальномер.** Бундай дальномернинг ишлаш можияти ва унинг схемаси 7.11-шаклда тасвиранланган.



7.11- шакл.

Узаттич сўнмайдиган  $f$  частотали электромагнит тебранишни қайтаргичга қараб узлуксиз тарқатади. Узатгичдан бир қисм қувват шу заҳоти қабул қилгичга ва фазометрга тушади. Қолган қувват қайтаргичгача бориб яна орқага қайтиб, т вақт ўтгандан кейин қабул қилгич ва фазометрга тушади.

Тебраниш частотаси  $f$  маълум бўлганда вақт т ни аниқлаш тебраниш даврининг бутун сонлари  $N$  ва давр қолдиги  $\Delta$  ни аниқлашдан иборат бўлади.  $\Delta$  қийматига „фаза циклининг домери“ дейилади.

Фазали дальномерларда фақат  $\Delta$  ни бевосита ўлчаш имконияти яратилади ёки масалан, частота  $f$  ни ўзгартириб,  $\Delta$  ни айрим қийматларга:  $\Delta=0$ ;  $\Delta=1/4$ ;  $\Delta=1/2$  тебраниш даврининг ҳиссасига тенглаштириб олинади.

Шунга биноан масофани ҳисоблаш асосий формуласи қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$D = \frac{v}{2}(N + \Delta) \frac{1}{f} = \frac{\lambda}{2}(N + \Delta), \quad (7.23)$$

бу ерда  $\lambda = v/f$  — электромагнит тебраниш тўлқин узунлиги.

Фазали дальномерлар афзаллиги  $\Delta$  қийматини юқори аниқликда, 1:1 000 — 1:1 500 тебраниш даврининг ҳиссасига тенг ўлчашдан иборат.

Ҳозирги замон фазали дальномерларда электромагнит тебраниш частотаси  $f=10^8$  Гц, тебраниш даври  $T=10^{-8}$  с, вақт ўлчаш аниқлиги  $m=10^{-11}$  с ни ташкил қиласди.  $m$ , вақт давомида электромагнит тебранишлар ҳавода 3 мм га яқин масофани босиб ўтади.

Шундай қилиб, фазали дальномерлар масофани мм аниқликда ўлчаш имконини беради.

(7.23) формуладаги  $N$  ҳар қандай бутун сон қийматга эга бўлиши мумкин, бу эса формулани ечишда ноаниқликка олиб келади. Масалани ечиш учун бир текис частота усули ва белгиланган частота усули қўлланилади. Бу усуллардан қайси бири қўлланилганига қараб дальномернинг конструктив чизмаси ва техник кўрсаткичлари маълум даражада ўзгаради.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган дальномерларда узаттич ва қабул қилгич мосламалари бир блокда жойлашган ва у чизиқ бош уни нуқтасида марказлаштирилади, қайтаргич эса чизиқнинг охирги учидаги ўрнатилади. Уларда т қийматини ўлчаш икки усулда бажарилади: бевосита импульсли деб аталаувчи электрон секунд ўлчагич билан ва билвосита, модуляштириб қайтаргичга юборилган нур оқими билан ундан қайтиб келганини фазаси бўйича солиштириб аниқлаш усули билан.

Электрон дальномерлар бўйича қабул қилинган стандартга асосан улар аниқлиги ва вазифасига қараб 3 гурӯҳга бўлинган:  $G$ ,  $P$  ва  $T$  гурӯҳлар, уларнинг тавсифи 8-жадвалда келтирилган.

## 8-жадвал

Ёруғлик дальномерлар гурхы	Коэффициентлар қийматы		Масофа ўлчаш чегаралари, км	
	<i>a</i> , мм	<i>b</i> , мм	қүйи	юқори
Г	5; 10	1; 2	0,5	15—20
П	03; 05; 1; 2	0,5; 1; 2; 3	0,002	0,1—3
Т	5; 10	3; 2; 5	0,002	1—15

Га *П* гурұхларига киравчи дальномерлар давлат геодезик тармоқларини барпо этишда ва амалий геодезик ишларда құлланади. *T* гурұхы эса зичлаш тармоқларини барпо этиш ва топографик ишларда ишләтилади.

Улар билан масофа ўлчашда йўл қўярли ўрта квадратик хато чеки қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$m_D = a + bD10^{-6} \quad (7.24)$$

бу ерда: *a* ва *b* — коэффициентлар (қийматлари 8- жадвалда берилган);  
*D* — ўлчанадиган масофа, мм.

Дальномерлар номидаги белгилар қўйидаги маъноларни билдиради: *C* — асбоб номидаги бош ҳарф (*C* — светодальномер); *G*, *P* ва *T* — гурӯх белгилари; *H* — кўриш трубаси обьективига кийдирилади (*H* — насадка); келтирилган рақам эса ўлчанадиган масофанинг энг юқори қийматини билдиради.

Мисол: СГ-20 белгида *G* гурӯхидаги ёруғлик дальномер (светодальномер), 20 км гача масофани ўлчашга мүлжалланган; СТ-15Н белгида *T* гурӯхидаги ёруғлик дальномери, ўлчанадиган масофа 15 км гача, кўриш трубаси обьективига кийдирилади; СП-02 белгида *P* гурӯхига кирадиган ёруғлик дальномери, 2 км гача масофа ўлчашга яроқли.

Дальномерларни лойиҳалаб ишлаб чиқарадиган етакчи давлатлар — АҚШ, Германия, Россия, Швейцария, Швеция, Англия ва Япония ҳисобланади.

*G* гурӯхдаги дальномерларда ёруғлик тарқатиш манбаи бўлиб қуввати 2 — 10 мВт бўлган гелий-неон газ лазерлари хизмат қиласи. Уларга мисол қилиб, „Койфель ва Эссер“ (АҚШ) фирмасининг Рейджмастер; „АГА Геотроникс“ (Швеция) фирмасининг геодиметрлари 8 ва 600; Россиянинг „Кварц“ ва „Гранат“ ёруғлик дальномерларини кўрсатиш мумкин. Амалий геодезик ишларидан құлланадиган (*P* гурӯхи) дальномерларга МА 100 „Теллурометр“ (Англия); МСДИМ, СПОЗ (Россия); Мекометр 3000 „Керн“ (Швейцария) киради.

*T* гурӯхига кирадиган дальномерлар: 2СМ-2, СМ-5, „Блеск“ 3СМ-2 (Россия); Битл „Пресижки интернейшл“ (АҚШ); Эльди 2 „Оптон“ (Германия); 100, 112, 14 А, 120 геодиметрлар „АГА Геотроника“ (Швеция); СД-6 „Теллурометр“ (Англия).



## VIII бөб. НИВЕЛИРЛАШ

### 8.1. Нивелирлаш мөхияти ва усуллари

Нивелирлаш геодезик ишларнинг бир тури бўлиб, унинг натижасида ёрнинг табиий (физик) юзасида жойлашган нуқталарнинг бир-бирига нисбатан баландлиги (нисбий баландлиги) ўлчанали ҳамда бу нуқталарнинг бошланғич деб қабул қилинган сатҳий юзадан баландлиги аниқланади.

Нивелирлаш жой рельефининг шаклларини ўрганиш ва уларни план ва карталарда тасвирилаш ҳамда ҳар хил бино ва иншоостларни лойиҳалаш, куришда зарур бўлган нуқталар баландлигини ва улар фарқини аниқлаш учун бажарилади. Нивелирлашда геометрик, тригонометрик, физик, автоматик ва стереофотограмметрик нивелирлаш усуллари кўлланилади.

**Геометрик нивелирлаш** геодезик асбоб — нивелир ёрдамида ҳосил қилинадиган горизонтал визирлаш нури асосида бажарилади. Шунингдек, бундай горизонтал визирлаш нурини трубасида цилиндрик адилак мавжуд бўлган геодезик асбоблар — теодолит (6.6 га қаралсин) ҳамда кипрегель (13.1) ёрдамида ҳам ҳосил қилиш мумкин.

**Тригонометрик нивелирлаш** геодезик асбоб — теодолит-таксиметр ёрдамида ҳосил қилинадиган қия нур асосида бажарилади. Бу нивелирлаш икки нуқта орасидаги чизиқнинг оғиш бурчаги ва масофасини ўлчаш билан амалга оширилади.

**Физик нивелирлаш** гидростатик, барометрик ва аэродио нивелирлашта бўлинади.

**Гидростатик нивелирлаш** ўзаро уланган шиша найчалардаги суюқлик эркин сатҳининг ҳар доим бир хил баландликни эгаллаш хусусиятидан фойдаланиб, нуқталарга ўрнатилган шиша найчалар бўйича ўлчанади.

**Барометрик нивелирлашда** нуқталарга ўрнатилган барометрлар кўрсаткичи бўйича улардаги атмосфера босимининг қийматлари ўлчаниб, босим фарқи орқали нисбий баландлик ҳисобланади.

**Аэронивелирлаш** радиобаландликни ўлчаш ва статоскоп билан учиб кетаётган самолётнинг ер сиртидан баландлигини аниқлаш орқали бажарилади.

**Стереофотограмметрик нивелирлаш** жойнинг иккита бир хил аэросуратини стереометр, стереокомпаратор ва шуларга ўхшашиб махсус асбобларда рельеф моделини ҳосил қилиб, унда ўлчашни бажариш билан амалга оширилади.

**Автоматик нивелирлаш** жойнинг бирон-бир йўналиши бўйича профилини маҳсус нивелир-автомат деб аталувчи асбобда чизиб, профилдан нуқталар нисбий баландлигини аниқлаб олишга асосланган.

## 8.2. Геометрик нивелирлаш усуслари

Геометрик нивелирлашнинг икки усули мавжуд:

1. Ўртадан нивелирлаш.
2. Олдинга нивелирлаш.

**1. Ўртадан нивелирлаш.** Жойда олинган икки нуқта орасидаги нисбий баландлик  $h$  ни ўлчаш учун нивелир асбоби  $A$  ва  $B$  нуқталар орасида, улардан бир хил масофада, ишчи ҳолатга келтириб ўрнатилади (8.1-шакл). Бунда нивелир нуқталарни туташтирувчи чизиқ устида ўрнатилиши шарт эмас.  $A$  ва  $B$  нуқталарда вертикал ҳолатда рейкалар ўрнатилади (рейка шкаласининг ноль ёзуви ерга қўйиб ўрнатилади). Нивелирнинг кўриш трубаси навбати билан  $R_1$  ва  $R_2$  рейкаларга қаратилиб,  $a$  ва  $b$  саноқлари олинади.

8.1- шаклдан қўйидагини ёзиш мумкин:

$$a = h + \vartheta, \quad (8.1)$$


бундан

$$h = a - \vartheta, \quad (8.2)$$


бу ерда:  $a$  ва  $\vartheta$  – орқадаги ва олдинги рейкалардан олинган саноқлар.

Нивелирлаш  $A$  нуқтадан бошлаб  $B$  нуқта йўналиши бўйлаб олиб борилиши учун  $A$  орқадаги,  $B$  олдинги нуқта ҳисобланади. Шундай қилиб, нисбий баландлик орқадаги ва олдинги рейкалардан олинган саноқлар айримасига тенг. Агар  $a > b$  бўлса, нисбий баландлик мусбат,  $a < b$  бўлса, манфий ишорали бўлади.

**2. Олдинга нивелирлаш.** Нисбий баландликни олдинга нивелирлаш усулида ўлчаш учун нивелир асбоби шундай ўрнатиладики, унинг окуйлари  $A$  нуқтасидан ўтувчи шовун йўналишига тўғри келсин (8.2-шакл),



8.1- шакл.



8.2- шакл.

*B* нуқтасида эса рейка ўрнатилади. Нивелир ишчи ҳолатига келтирилади, рейка ёки рулетка билан асбоб баландлиги  $i$  ўлчанади, труба рейкага қаратилиб, ундан *A* саноғи олинади. Шаклдан қыйидагини ёзиш мүмкін:

$$i = h + \vartheta, \quad (8.3)$$

бундан

$$h = i - \vartheta \quad (8.4)$$

яъни нисбий баландлик асбоб баландлигидан рейкадан олинган саноғнинг айирмасига тенгдир.

Нивелирлаш натижасидан фойдаланиб, *A* нуқтасининг баландлиги  $H_A$  бўйича, *B* нуқтасининг баландлиги  $H_B$  ўлчанган нисбий баландлик ёки асбоб горизонти орқали ҳисобланishi мумкин.

8.1-шаклга асосан *A* нуқтасининг баландлиги ва нисбий баландлик орқали *B* нуқтаси баландлиги  $H_B$  қыйидагига тенг:

$$H_B = H_A + h, \quad (8.5)$$

яъни олдинги нуқтанинг баландлиги орқадаги нуқта баландлигига нисбий баландликни алгебраик қўшилганига тенг. *B* нуқтасининг баландлиги  $H_B$  асбоб горизонти орқали қыйидагича ҳисобланади (8.1-шаклга асосан):

$$H_B = H_i - \vartheta, \quad (8.6)$$

бу ерда:  $H_i$  — асбоб горизонти бўлиб, у қыйидагига тенг:

$$H_i = H_A + a. \quad (8.7)$$

Нуқталар баландлигини асбоб горизонти орқали ҳисоблаш, масалан, ерларни вертикал текислашда бир неча нуқталар лойиҳа белгисини бир станциядан (нивелир ўрнатилган жой) туриб жойга кўчиришда қулайлик тудиради.

Юқорида кўриб чиқилган икки нуқтани бир станциядан нивелирлаш оддий нивелирлаш дейилади.


Агар нивелирланадиган икки нуқта орасидаги масофа катта бўлса, нивелирлаш учун у бир нечта бўлакларга бўлинади нивелирлаб чиқилса, унга **кетма-кет нивелирлаш** дейилади.

### 8.3. Кетма-кет геометрик нивелирлаш

Кетма-кет геометрик нивелирлашда нивелирланадиган *AC* чизиги (8.3-шакл) бўлакларга бўлинади ва ҳар бир бўлак алоҳида станциядан нивелирланади. Нивелирни биринчи станция *K*, да ўрнатиб, 1-нуқтанинг *A* нуқтасига нисбатан нисбий баландлиги ўлчанади:

$$h_1 = a_1 - b_1. \quad (8.8)$$

Кейин нивелир ва рейкалар кетма-кет олиб ўтилиб, худди шу тарзда 1 ва 2; 2 ва 3 ва ҳоказо нуқталарнинг нисбий баландлиги  $h_2$ ,  $h_3$ , ...,  $h_n$  ўлчанади.



8.3- шакл.

Агар нивелирлаш и та станцияда бажарилган бўлса, умумий нисбий баландлик қўйидагига тенг бўлади:

$$h_0 = h_1 + h_2 + \dots + h_n = \sum_1^n h \quad (8.9)$$

ёки

$$h_0 = \sum_1^n (a - b) = \sum_1^n a - \sum_1^n b, \quad (8.10)$$

яъни охирги нуқта  $C$  ни бошланғич нуқта  $A$  га нисбатан нисбий баландлиги орқадаги рейка бўйича саноқлар йифиндисидан олдинги рейка саноқлари йифиндисининг айримасига тенг.

Агар нивелирлаш охирги нуқтанинг баландлиги  $H_C$ ни аниқлаш мақсадида бажарилган бўлса, бошланғич нуқта баландлиги  $H_A$ дан фойдаланиб, у қўйидагича ҳисобланади:

$$H_C = H_A + h_0. \quad (8.11)$$

Нивелирлаш  $AC$  чизигининг бўйлама профилини тузиш мақсадида бажарилса, унда 1, 2, ..., нуқталар баландлигини ҳам ҳисоблашга тўғри келади, яъни

$$\left. \begin{aligned} H_1 &= H_A + h_1 \\ H_2 &= H_1 + h_2 \\ &\vdots \end{aligned} \right\} \quad (8.12)$$

Бу формуладан күринищича 1, 2, 3, ... нүқталар орқали нивелир йўлида баландликлар кетма-кет узатилади ва уларга боғловчи нүқталар дейилади.

Амалий ишларда боғловчи нүқталар кўпинча белгиланган бир хил масофалар ( $100, 40, 20$  м)да олинади ва шунинг учун улар ҳар доим ҳам жой рельефининг паст-баланд нүқталарига тўғри келавермайди. Рельефни батафсил тасвирлаш учун бу нүқталар баландлигини ҳам топишга тўғри келади. Бундай нүқталарга оралиқ ёки плюс нүқталари дейилади ва улар орқадаги энг яқин боғловчи нүқтадан бошлаб ўлчанганд масофа билан белгиланади (8.3-шаклда  $K_2$  ва  $K_1$  станцияларидаги  $+71$  ва  $+66$  нүқталар).


Оралиқ нүқталарнинг баландлиги тегишли станцияда ҳисобланадиган асбоб горизонтни орқали топилади. Масалан,  $+71$  нүқта учун (8.6) ва (8.7) формулаларга асосан баландлик қўйидагича ҳисобланади:

$$\left. \begin{array}{l} H_{+71} = H_i - c \\ H_i = H_1 + a_2 \end{array} \right\}, \quad (8.13)$$

бу ерда:  $c$  — оралиқ нүқтасида ўрнатилган рейкадан олинган саноқ.

Тик қия жойларни нивелирлашда икки кўшни боғловчи нүқталарни бир станциядан нивелирлаш имкони бўлмай қолади (8.4-а шакл). Масалан, горизонтал нур рейка устидан ўтиши мумкин. Бундай ҳолда орада  $x$  нүқта деб аталувчи қўшимча боғловчи нүқта олинади (8.4-б шакл). Унгача бўлган масофа ўлчамайди. Шаклдан кўринишича, ўлчаниши керак бўлган умумий нисбий баландлик  $h$  алоҳида алоҳида ўлчанганд нисбий баландликлар  $h_1$  ва  $h_2$  йиғиндисига тенг. Қияликнинг катта-кичиклигига қараб икки боғловчи нүқта орасида битта ёки бир нечта икс нүқталари олиниши мумкин.

Кетма-кет нивелирлашда натижани текшириб бориш учун ҳар бир станцияда рейкаларнинг қора ва қизил томонлари бўйича ёки рейкаларнинг бир томони ва асбобнинг икки горизонтида нивелирлаш бажарилади.



8.4- шакл.

Нивелирлаш натижалари махсус журналга ёзил борилади. Бир станцияда саноқлар олиб бўлингандан кейин нисбий баландлик ҳисобланади. Бунинг учун орқалаги рейкадан олинган саноқдан олдинги рейкадан олинган саноқ айрилиши керак. Демак, бунда нисбий баландлик икки марта: қора томондан олинган саноқлар ва қизил томондан олинган саноқлар бўйича аниқланади. Нисбий баландликнинг иккала қиймати орасидаги фарқ 4 мм дан ошмаслиги керак. Бунга станциядаги текшириш дейилади. Агар шарт бажарилса, нисбий баландликнинг ўртача қиймати ҳисобланади ва нивелир билан кейинги станцияга кўчиб ўтилади. Акс ҳолда станцияда нивелирлаш қайтадан бажарилади.

#### 8.4. Геометрик нивелирлашга ер эгрилиги ва рефракциянинг таъсири

Юқорида (8.1) кўриб ўтилган геометрик нивелирлашнинг назариясида сатҳий юзани текис юза деб, трубага тушувчи нур эса тўғри чизик бўйича ўтади деб берилган эди.

Амалда сатҳий юза текисликка мос келмайди, визир нур эса ҳаво қатламининг зичлиги ҳар хил бўлгани туфайли синиб тўғри чизикдан оғади.


8.5-шаклдан визир чизиги  $MN$  сатҳий юзага параллел бўлган ҳолда  $A$  ва  $B$  нуқталари орасидаги нисбий баландлик  $h$  қўйидагига тент:

$$h = a_1 - \theta_1. \quad (8.14)$$

Визир чизик  $J$  нуқтасида эгри чизикка уринма бўлиб ўтганда, рейкалардан олинган саноқлар  $AM_1$  ва  $BN_1$  га тент бўлади ва бу ҳолда нисбий баландлик  $h$  қўйидагича топилади:

$$h = (a_1 + MM_1) - (a_1 + NN_1), \quad (8.15)$$

бу ерда:  $MM_1 = \kappa_1$ ;  $NN_1 = \kappa_2$  – ер эгрилиги учун тузатмалар бўлади.



8.5- шакл.

Ҳақиқатда ёруғлик нури фәқат ҳавонинг бир хил мұхитида түғри чизик күрнишида тарқалади.

Табиатда ҳаво қатламлари ер юзига яқын жойда нисбатан зичроқ жойлашади ва шунга күра нивелир трубасига рейкадан етиб келаёттан нур йўлда ҳавонинг ҳар хил қатламларини кесиб ўтишига түғри келади. Натижада  $M_1JN_1$  визирлаш нури (8.5-шакл)  $M_0JN_0$  эгри чизик бўйича йўналади ва  $MM_1 = k_1$  ва  $NN_1 = k_2$  қийматлари  $M_0M_1 = r_1$  ва  $N_0N_1 = r_2$  рефракция учун тузатма қийматларига камаяди. Шунга кўра рейкалар бўйича ҳақиқий саноқлар қўйидагига тенг бўлади:

$$\left. \begin{array}{l} a = a_1 + k_1 - r_1 \\ b = b_1 + k_2 - r_2 \end{array} \right\}. \quad (8.16)$$

Ер эгрилиги ва рефракция қўшма тузатмасини  $f_1 = k_1 - r_1$  ва  $f_2 = k_2 - r_2$  билан белтилаб, (8.16) дан қўйидагини ёзамиш:

$$\left. \begin{array}{l} a_1 = a - f_1 \\ b_1 = b - f_2 \end{array} \right\}, \quad (8.17)$$

бу ерда:  $f_1, f_2$  – ер эгрилиги ва рефракция учун қўшма тузатма.

Топилган  $a$ , ва  $b$ , қийматларни (8.14) формулага қўйиб топамиш:

$$h = (a - f_1) - (b - f_2) \quad (8.18)$$

ёки

$$h = (a - b) - (f_1 - f_2). \quad (8.19)$$

Ер эгрилиги учун ўлчангандан баландликка тузатма қўйидагига тенг:

$$\Delta h = k = \frac{d^2}{2R} \quad (8.20)$$

бу ерда:  $d$  – нивелирдан рейкагача масофа,

$R$  – Ернинг радиуси.

Рефракция эгриси  $R_1$  радиусга эга айлананинг ёйи деб фараз қилиб (8.21)га ўхшаш рефракция тузатмаси учун ёзамиш:

$$r = \frac{d^2}{2R_1}. \quad (8.21)$$

Рефракция эгрисининг радиуси ҳаво ҳарорати, намлиги, босими ва бошқаларга боғлиқ бўлиб, уни аниқ ифодалаб бўлмайди. Ернинг эгрилик радиуси  $R$  ни рефракция эгрилигининг радиуси  $R_1$  га нисбати қўйидагича ифодаланади:

$$K = \frac{R}{R_1}. \quad (8.22)$$

Бу нисбатта ернинг синдириш коэффициенти дейилади ва у 0,16 га тенг деб қабул қўлинганди.

(8.22) формуладан  $R$ , қийматини (8.21) га қўйиб топамиз:

$$r = 0,16 \frac{d^2}{2R}. \quad (8.23)$$

(8.20) ва (8.23) лардан ер эгрилиги ва рефракция учун умумий тузатма қўйидагига тенг:

$$f = k - r = \frac{d^2}{2R} - 0,16 \frac{d^2}{2R} = 0,42 \frac{d^2}{R}$$

ёки

$$f = 0,42 \frac{d^2}{R}. \quad (8.24)$$

Бу формула бўйича, масалан, масофалар  $d = 100$  м,  $d = 200$  м бўлганда,  $R = 6000$  км олиб тегишли натижаларни топамиз  $f = 0,7$  мм ва  $f = 3,0$  мм.

Бу тузатмани ҳисобга олиш ёки олмаслик, талаб қилинадиган иш аниқлигига ва ишни бажариш усулига боғлиқ. Нивелир ўлчана-диган нуқталардан бир хил масофада ўрнатилса, (8.19) формуладаги  $f_1$  ва  $f_2$  қийматлар бир-бирига тенг бўлади ва у қўйидаги кўринишга келади:

$$h = a - b. \quad (8.25)$$

Демак, ўртадан геометрик нивелирлашда ер эгрилигининг таъсири умуман йўқотилади, рефракцияни таъсири эса камайтирилади.

### 8.5. Нивелир турлари

Аниқлиги бўйича нивелирлар 3 турга бўлинади: юқори аниқлидаги нивелирлар — Н-05, Н-05К (Россия), рақамли нивелирлар Dini 11t, Dini 21 (Германия), NA 2002, NA 2003 (Швейцария); аниқ нивелирлар — Н-3, 2Н-3, Н-3k, 2Н-3kl (Россия), Ni-30, Ni-50 (Германия), Kernlevel-20 ва 24 (Швейцария); техник нивелирлар — Н-10, 2Н-10kl (Россия).

Юқори аниқлидаги нивелирлар 1 ва 2- класс нивелирлашда, аниқ нивелирлар — 3- ва 4- класс ва техник нивелирлар — техникавий нивелирлаш (топографик съёмкалар ва инженерлик-курилиш ишларида) да кўлланилади.


Нивелир шифридаги рақам 1 км нивелир йўлини икки томонга нивелирлашдаги йўл қўядиган ўрта квадратик хатони билдиради. Юқорида келтирилган нивелирлар 2 хил қилиб тайёрланиши мумкин: кўриш трубаси ёнида цилиндрик адилак ўрнатилган ва оғиш бурчагининг компенсатори билан таъминланган. Компенсатор ўрнатилган нивелир номига  $K$  ҳарфи қўшилади. Аниқ ва техникавий нивелирлар горизонтал лимб билан таъминланиши мумкин ва унда нивелир номига  $L$  ҳарфи қўшилади. Ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган нивелирларнинг техник кўрсаткичлари 9-жадвалда берилган.

Кўрсаткичлар	Нивелир турлари			
	H-05/H-05K	H-3/H-3K	H-10/H-10K	Dini 11t/21
I км йўлда икки томонга бажарилган нивелирлашлаги ўрта квадратик хато, мм	0,5	3	10	0,3
Трубанинг катталашибтириши, карра	40	30	20	32/26
Цилиндрик адилак бўлагининг қўймати 72 мм	10/	15/	45/	-
Визирлашнинг энг кичик масофаси, м	5	2	2	2,2
Компенсатор чегараси, мин	/±8	/±15	/±20	±15
Визир чизигини горизонтал ҳолатта келиш аниқлиги, с	/0,2	/0,5	/1,0	0,2
Компенсатор тебранишининг тинчланиш вақти, с	/2	/2	/2	2
Нивелир массаси, кг	6	3	2	3

### 8.6. Аниқ ва техник нивелирлар. Цилиндрик адилакли нивелир

Цилиндрик адилак кўриш трубасининг ёнига ўрнатилган ва труба элевацион винт (8.6-шакл) билан таъминланган. Цилиндрик адилак пуфакчasi учларининг тасвири труба кўриш майдонига узатилади. Кўриш трубаси объективи 10 нишон 13 бўйича рейкага қаратилади, у предмет тасвирини тескари ҳосил қиласди.

Н-3 нивелири (8.6-шакл), асосан, кўриш трубаси 1, цилиндрик адилак 2, доиравий адилак 3, маҳкамлаш винти 6, тўғрилаш винти 7, элевацион винт 8дан иборат. Нивелир цилиндр шаклидаги айланиш ўқи билан таглик 4 га ўрнатилган. Кўриш трубасининг чап ёнида цилиндрик адилак билан биргаликда адилак пуфакчasi ярим паллаларнинг тасвирини кўриш майдонига узатадиган призмалар жойлашган. Трубанинг ўнг ёнида кузатилаётган рейка тасвирини фокусловчи винт – кремальера 5 ўрнатилган. Рейкадан саноқ олишдан олдин элевацион винт ёрдамида цилиндрик адилак ўқи горизонтал ҳолатта келтирилади, яъни кўриш майдонидаги адилак пуфакча ярим паллаларнинг тасвири туташтирилади. Цилиндрик адилакни тузатиш учун адилак жойлашган кутининг окуляр томонида қопқоқ билан беркитиб қўйилган тўртта тузаттич винт бор. Асбоб айланиш ўқини таҳминан вертикал ҳолатта (шовун йўналишига) келтириш учун



Н-3 нивелирда  
Санаси: 1465  
Дальнометр санасдары:  
1360, 1542

8.7- шакл.

8.6- шакл.

учта күттаргич винт 11 ёрдамида доиравий адилак пуфакчаси ўртага келтирилади. Доиравий адилак зарур пайтда учта тузатгич винт 12 билан тузатилади.

Кўриш трубасининг майдонида рейка ва адилак пуфакчаси учларининг тасвири 8.7-шаклда келтирилган.


Иплар тўри окуляр 9 олдида жойлашган бўлиб, тузатиш винтларига эга эмас.

Доиравий адилак 3 (8.6-шакл) нивелир айланиш ўқини дастлабки вертикал ҳолатга келтиришга хизмат қиласи. Доиравий адилак пуфакчаси марказга келтирилса, кўриш трубаси майдонида цилиндрик адилак пуфакчаси учларининг тасвири кўринади. Улар учини ўзаро туташтириш элевацион винти 8 ни бураб амалга оширилади.

### Компенсаторли Н-3К нивелири

Бу нивелир — Н-3 нивелирининг ўзгартирилган конструкцияси бўлиб, маятникли оптик-механик компенсаторга эга. Трубанинг визир ўқи ушбу компенсатор ёрдамида ўз-ўзидан автоматик равища горизонтал ҳолатга келтирилади. Цилиндрик адилак ўрнатилмаган. Кўриш трубасининг маҳкамлаш винти йўқ, қаратиш винти эса червякли винт кўринишида бажарилган ва окуляр 5 дан қараб буралади.

Н-3К нивелири (8.8-шакл) кўриш трубаси 1, кремальера винти 2, доиравий адилак 3, объектив 4 томонида иккى ёнбошда қаратиш винтлари 6, доиравий таглик 7, кўттаргич винтлар 8 ва визир ўқини горизонтал ҳолатга келишини таъминлайдиган оптик (призмали) компенсатор билан жиҳозланган. Оптик компенсатор ишлаши учун



8.8- шакл.



Н-3К нивелирида.  
Саноқ: 0989  
Дальномер саноқлари:  
0935; 1043

8.9- шакл.

доиравий таглик қыялиги  $\pm 15'$  дан ошмаслиги керак. Шунинг учун аввал бүлак қымати  $10'$  га тенг бўлган доиравий адилак пуфакчаси учта кўттаргич винт ёрдамида ўртага (ноль пунктта) келтирилади. Труба вертикал ўқ атрофида енгил ҳаланиб, турган вазиятини яхши ва тинч сақлайди, шу сабабли у маҳкамлагич винтига эга эмас. Икки ёнбошдаги чексиз бурайдиган қаратиш винтларидан хоҳлаган биттаси билан трубани рейкага аниқ тўғрилаш мумкин.

Нивелир ўрнатгич винт ёрдамида штатив устига ўрнатилиди. Штатив ерга бошмоқлари ботирилиб ўрнаштирилганда, усти тахминан горизонтал бўлишига эътибор қилиниши керак. Шундай қилинмаса, нивелирдаги доиравий адилак пуфакчасини кўттаргич винтлар ёрдамида ўртага келтириш мумкин бўлмай қолади.

8.9-шаклда Н-3К нивелири кўриш трубасида рейка тасвири кўрсатилган.

Н-3К нивелири Н-3КЛ ва 2Н-3КЛ шифрлари билан горизонтал лимб конструкциясида чиқарилади. Лимб бўлагининг қиймати  $1'$  га тенг. Лимбдан саноқ  $0,1'$  аниқликда олинади.

### Техник Н-10 нивелири

Нивелир ички фокусланувчи кўриш трубаси 1 (8.10-шакл), предмет тасвирини тўғри ҳосил қилувчи, контактли цилиндрик адилак 2, доиравий адилак, элевацион винт 4 (цилиндрик адилак пуфакчasi учларини туаштириш учун), лимб доираси 5, штативнинг шарсимон қалпоқчаси 6, нивелир штативининг шарсимон қалпоқчаси устига ўрнattгич винт 8 ёрдамида маҳкамланади. Бу нивелир конструкция-


сининг асосий хусусияти шундан иборатки, унда кўттаргич винтлар йўқ. Доиравий адилак бўйича нивелир айланиш ўқини вертикал ҳолатга келтириши учун ўринатгич винт дастаси 9 ни озгина бураб шарсизон қалпоқча астагина бўшатилади, ке йин даста ёрдамида доиравий адилак пуфакчаси марказга келтирилади ва дастани кучсиз бураб, қалпоқча сиқиб (маҳкамлаб) кўйилади. Кўриш трубаси майдонида цилиндрик адилак пуфакчасининг тасвири кўринади. Нивелир айланувчи қисми гардишида, окуляр томондан тешикча 10 қолдирилган бўлиб, у орқали қўзғалмас индекс бўйича лимбдан саноқ олинади.

Хозир бу нивелир горизонтал лимб билан 2Н-10Л шифрда ва компенсатор билан эса 2Н-10КЛ шифрда ишлаб чиқарилмоқда.


### 8.7. Нивелирларни текшириш ва тузатиш

Нивелирлар қуидаги геометрик шартларни қаноатлантириши керак:

1. Доиравий адилак ўқи нивелирнинг айланиш ўқига параллел бўлиши керак ( $ZZ' \parallel JJ'$ , 8.11-шакл).




$VV'$  - тубанинг кўриш ўқи,  $UU'$  - цилиндрик адилак ўқи,  
 $ZZ'$  - доиравий адилак ўқи,  $JJ'$  - нивелирнинг айланиш ўқи,  
 $HH'$  - итлар тўрининг горизонтал ити.



8.10- шакл.

8.11- шакл.




8.12- шакл.

Күттаргич винтлар ёрдамида доиравий адилак пуфакчаси ноль пунктта келтирилади. Бунда аввал иккита күттаргич винт ёрдамида пуфакчани ноль пункт қаршисига олиб келинади (8.12-*a* шакл), кейин эса учинчи күттаргич винт ёрдамида ноль пунктта келтирилади (8.12-*b* шакл). Нивелир айланиш ўқи атрофида  $180^\circ$  га бурилади (8.12-*c* шакл). Агар пуфакча ноль пунктта қолса, шарт бажарилган бўлади. Агарда доиравий адилак пуфакчаси ноль пунктдан четта оғса, унда пуфакча оғиш ёйининг ярмига адилакнинг тузаттич винтлари, қолган ярмига эса, күттаргич винтлар ёрдамида ноль пунктта келтирилади. Шундан кейин шарт бажарилишини яна текшириб кўриш керак.

2. Иплар тўрининг горизонтал или нивелирнинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак ( $HH' \perp JJ'$ , 8.11-шакл). Бу шартни текшириш учун нивелирдан 5 — 8 м масофада рейка ўрнатилади ва унга кўриш трубаси қаратилади. Қаратиш винти ёрдамида кўриш майдонидаги рейка тасвири горизонтал ипнинг ўнг ва чап учларига келтирилиб саноқлар олинади. Агар саноқлар бир хил чиқса, шарт бажарилган ҳисобланади. Акс ҳолда, яъни саноқлар 1 мм дан кўпга фарқ қиласа, иплар тўри тузатилиши керак. Бунинг учун аввал саноқларнинг ўртача қиймати ҳисобланади, кейин тузаттич винтлар бўшатилиб, иплар тўри горизонтал ипнинг учида ўртача саноқ ҳосил бўлгунча бурилади. Шундан кейин тузаттич винтларни маҳкамалаб, текширишни такрорлаш керак.

3. Трубанинг кўриш ўқи цилиндрик адилак ўқига параллел бўлиши керак ( $VV \parallel UU'$ , цилиндрик адилиакли нивелирларда) ёки трубанинг кўриш ўқи горизонтал бўлиши керак (компенсаторли нивелирларда). Бунга нивелирларнинг асосий геометрик шарти дейилади. Бу шартни текшириш учун бир-биридан 50 — 70 м масофада турган *A* ва *B* нуқталарга қозик қоқилади (8.13-шакл). *A* ва *B* нуқталарнинг оралиги тўғри ва тескари йўналишда олдинга нивелирлаш усули билан нивелирланади. Бунинг учун *A* нуқта ёнига нивелир окуляри шовун чизиги бўйича нуқта (қозик) устига тўғри келадиган қилиб ўрнатилади ва қозик устидан окуляр марказигача бўлган баландлик — нивелир баландлиги  $i$ , рейка ёрдамида ўлчанади. Кейин рейка *B* нуқтадаги қозик устига вертикал қилиб кўйилади ва унга




8.13- шакл.

кўриш трубаси қаратилиб,  $\theta_1$  саноғи олинади (8.13-*a* шакл). Энди худди шундай иш тескари йўналишида бажарилади; бунда *B* нуқта ёнига ўрнатилган нивелирниң баландлиги  $i_2$  ўлчанади ва *A* нуқтасидаги қозиқ устига қўйилган рейқадан  $\theta_2$  саноғи олинади. Рейкалан саноқ олинаётган пайтларда кўриш майдонидаги адилак пуфакчаси ярим палладарининг тасвири туташтирилган бўлиши керак (цилиндрик адилакли нивелирларда) ёки доиравий адилак пуфакчаси ноль пунктда бўлиши керак (компенсаторли нивелирларда). Асосий геометрик шартнинг бажарилмаслик хатоси *x* кўйидаги ифода бўйича топилади:

$$x = \frac{\theta_1 + \theta_2}{2} - \frac{i_1 + i_2}{2}. \quad (8.26)$$

Агар *x* нинг қиймати 4 мм дан ошмаса, шарт бажарилган бўлади. Акс ҳолда, цилиндрик адилакли нивелирларда цилиндрик адилак ўқининг ҳолати, компенсаторли нивелирларда эса кўриш ўқининг ҳолати тузатилиши керак. Бунинг учун рейқадан охирги марта олинган саноқнинг тузатилган қиймати  $\theta_{2yy} = \theta_2 - x$  ҳисоблаб олинади. Кейин цилиндрик адилакли нивелирларда элевацион винт ёрдамида иплар тўрининг горизонтал или тузатилган  $\theta_{2yy}$  саноғига тўғриланади. Шунда цилиндрик адилак пуфакчаси ноль пунктдан четлашади. Цилиндрик адилакнинг юқоридаги ва пастдаги тузаттич винтлари ёрдамида кўриш майдонидаги пуфакча ярим палладарининг тасвири туташтирилади, яъни бу билан пуфакча ноль пунктга келтирилади. Компенсаторли нивелирларда эса доиравий адилак пуфакчасини ноль пункта келтириб, иплар тўрининг юқорида ва пастда жойлашган тузаттич винт-



8.14- шакл.

лари ёрдамида горизонтал ип тузатилган  $\theta_{2y}$ , саноғига тұғриланади. Энди шарт бажарылғанligига ишонч ҳосил қилиш учун текшириш тақрорланади.

4. Асбоб айланиш ўқи вертикал ҳолатда турғанда, цилиндрик адилак ўқи ва трубанинг күриш ўқи ўзаро параллел вертикал текисликларда ётиши керак. Бу шарт фақат цилиндрик адилакли нивелирларда текширилади. Күриш трубасы күттаргич винтлардан биригининг йұналиши бүйіча ұрнатылади ва адилак пұфакчаси ярим паллаларининг тасвири туташтирилиб, 50 — 70 м масофада турған рейкадан саноқ олинади. Күриш трубасы нисбатан иккі ёнбошда қолған иккита күттаргич винт қарама-қарши томонға бир неча мартта буралиб, нивелир аввал бир томонға, кейин иккінчи томонға оғдирилади. Ҳар иккала ҳолда ҳам саноқнинг ва пұфакча ярим паллалари тасвирининг үзгартасының текширилади. Агар саноқ үзгартылған ҳолда пұфакча ярим паллаларининг тасвири туташкан ҳолда қолса ёки фақат бир томонға силжиса, шарт бажарылған бўлали. Акс ҳолда, яъни саноқ үзгартылғанда пұфакча ярим паллаларининг тасвири қарама-қарши томонға силжиса, бу силжиш цилиндрик адилакнинг ёнбош тузаттыч винтлари ёрдамида бартараф қилинади. Текшириш тақрорланиши керак.

5. Компенсаторнинг тұғри ишлашига ишонч ҳосил қилиш керак (Н-3К нивелири учун). Демек, бу шарт компенсаторлы нивелирларда текширилади. Бунинг учун нивелирдан 40 — 50 м масофада рейка қўйилади ва доиравий адилакнинг пұфакчаси ноль пунктда бўлганда (8.14-а шакл) рейкадан  $\theta_1$  саноғи олинади, кейин күттаргич винтлар ёрдамида пұфакча окуляр, обьектив, чап ва ўнг томонларга бир бўлакка оғдирилиб (8.14-б, ө, ғ ва ғ шакллар), рейкадан  $\theta_2$ ,  $\theta_3$ ,  $\theta_4$  ва  $\theta_5$  саноқлари олинади. Бу саноқлар дастлабки олинган  $\theta_1$  саноғидан 1 мм дан ортиқ фарқ қылмасын керак. Акс ҳолда компенсатор нивелир ишлаб чиқарилған заводда ёки маҳсус устахоналарда созланади.

### 8.8. Нивелир рейкалари ва уларни текшириш

Нивелир рейкалари сифатли ёғочдан ясалған бўлиб, узунлиги 3 ёки 4 м (3000 ёки 4000 мм), қалинлиги 2 — 3 см ва эни 8 см га teng (8.15-шакл). Рейкага шашкасимон сантиметрли бўлаклар чизилған

ва дециметрли оралиқлар араб рақамлари билан күрсатилган. Бұлаклар ҳисоби рейканинг пастки учидан (товоридан) бошланади. Дециметрли бұлакларниң бошланиши чизиқча билан белгиланган.


Рейка эгилмайдиган ва чидамли бўлиши учун қўштавр кесимли қилиб ясалган ва иккى учига металл (тунука) қопланган. Рейкалар бир томонли (бўлаклар бир томонига чизилган) ва иккى томонли (бўлаклар иккى томонига чизилган) бўлади. Иккى томонли рейкаларниң бир томонидаги шашкасимон бўлаклар оқ ва қора, иккинчи томонидагилари эса оқ ва қизил рангта бўялган бўлади. Шунинг учун рейканинг қора рангли томони — қора томон, қизил рангли томони — қизил томон деб ажратилади.

Саноқ олиш қуай бўлиши учун ҳар дециметрли бўлакнинг дастлабки бош сантиметрли бўлаклари „E“ ҳарфи кўринишида берилади ва қиймати дм бирликда ёзилади.

Рейкаларниң қора томонида саноқ нолдан (8.15-*a* шакл), қизил томонида эса ихтиёрий сондан, масалан 4687 мм дан (8.15-*b* шакл) бошланади. Натижада нивелирлаща қўлланилаётган рейкалар жуфтининг қора ва қизил томонидан олинган саноқлар фарқи доимий қийматга тенг бўлади. Иккى томонли рейкалар қўлланилганда нивелирнинг баландлиги ўзгартирмасдан туриб нисбий баландликни иккى марта, яъни қора томондан олинган саноқлар ва қизил томондан олинган саноқлар бўйича аниқлаш мумкин.

Нивелир рейкалари уч турда: РН-05, РН-3 ва РН-10 шифрлари билан чиқарилади. Шифрдаги сонлар 1 км нивелирлаш йўлидаги хатолик қийматини мм да ифодалайди. РН-05 рейкалари I, II класс нивелирлаш, РН-3 рейкалари III, IV класс нивелирлаш ва РН-10 рейкалари техник нивелирлаш учун мўлжалланган. Бироқ техник нивелирлаща қўпроқ РН-3 рейкалари қўлланилади. Узунилиги 3000 мм ли рейкалар яхлит (8.15-*c* шакл) ёки буқланадиган қилиб чиқарилади. Баъзан буқланмасдан, сурилиб йигиладиган (йигма) рейкалар (8.15-*d* шакл) ҳам тайёрланади.

Дала ишларини бошлашдан олдин рейкаларниң бутунлиги, бўлаклар ва рақамлар бўёғининг кўчмаганлиги, маҳкамлаш мосламаларининг ишлаши (буқланадиган ёки йигма рейкаларда) ва учлардаги металл қопламаларниң мустаҳкамлиги кўриб чиқилади. Кейин қуидаги текширишлар бажарилади:



8.15- шакл.

**1. Рейкалар жуфтидаги метрли оралиқларнинг ўртача қыйматини аниқлаш.** Текшириш Женева чизгичи (занглаамайдиган оқ металдан ясалган, узунлиги 1 м, эни 40 — 55 мм, икки ёғи қия йўнилган ва бир томони 0,2 мм, иккинчи томони эса 1 мм ли бўлакларга бўлинган маҳсус чизгич) ёрдамида бино ичидаги бажарилади. Текширишни бошлашдан олдин метрли оралиқлар, яъни қора томондаги 01, 10, 20, 29; қизил томондаги 47, 57, 67, 76 дециметрли бўлакларнинг бошланиши ўткир қалам билан металл чизгич ёрдамида белгилаб олинади. Рейканни эгилмайдиган қилиб горизонтал ҳолатда ётқизилади. Кейин Женева чизгичи ёрдамида ҳар бир метрли оралиқ (01 — 10, 10 — 20, 20 — 29 ва 47 — 57, 57 — 67, 67 — 76) икки марта: тўғри ва тескари йўналишда ўлчанади. Ҳар бир метрли оралиқда Женева чизгичининг ўнг ва чап учларидан олинган саноқлар фарқи 0,1 мм дан ошмаслиги керак. Рейкалар жуфтидаги метрли оралиқларнинг ўртача қыйматлари бир-биридан 0,8 мм гача фарқ қилиши мумкин.

**2. Дециметрли бўлаклардаги хатоликни аниқлаш.** Текшириш рейканинг қора томонида 01 — 29, қизил томонида 47 — 76 оралиқда Женева линейкаси ёрдамида бажарилади. Текширишни бошлашдан олдин дециметрли бўлакларнинг четлари ўткир қалам билан металл чизгич ёрдамида белгилаб олинади. Женева чизгичининг чап учидаги лупадан қаралиб, чизгичнинг ноль ҳитрихи рейкадаги биринчи дециметр бошланиши билан туташтирилади. Кейин ўнг томондаги лупа чизгич бўйича сурилиб, дециметрли бўлаклар четига келтирилади ва саноқлар олинади. Ўлчаш ҳар метрли оралиқда икки марта бажарилади. Иккисинч мартада ўлчашдан олдин Женева чизгичи бир оз силжитилади. РН-3 рейкаларида дециметрли бўлаклар хатолиги: III класс нивелирлаш учун 0,4 мм, IV класс нивелирлаш учун 0,6 мм ва техник нивелирлаш учун 1,0 мм дан ошмаслиги керак.

Рейкадаги дециметрли бўлакларни текшириш билан биргаликда қора томондаги нолнинг рейка учидаги металл қоплама (товор) четига тўғри келиши ҳам текширилади. Техник нивелирлашда кўлланиладиган рейкаларда нолнинг товор четига тўғри келмаслик хатоси 1,0 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

РН-3 рейкаларидан саноқ миллиметр аниқлигига олинади. 8.7 ва 8.9-шаклларда Н-3, Н-3К нивелирларидан кузатилаётган рейкаларнинг кўриш майдонидаги тасвири ва уларга мос саноқлар келтирилган. Нивелирларда тескари тасвир берувчи кўриш трубалари ўрнатилгантиги учун рейка нуқтага 8.15-а, б шаклдаги ҳолда ўрнатилади. Нивелирлашда итлар тўрининг вертикал ити рееканинг ўқи бўйича жойлаштирилади ва цилиндрик адилак пулфакчаси ярим паллаларининг тасвири туташтирилади (Н-3 нивелирида) ёки доиравий адилак пулфакчаси ўртага келтирилади (Н-3К нивелирида). Рейкадан саноқ асосий горизонтал ит бўйича олинади. Саноқ олишида аввал горизонтал

### 8.9. Геометрик нивелирлаш аниқлуги

Үртадан геометрик нивелирлаш формуласи (8.2) га кўра ўлчанган нисбий баландликнинг ўрта квадратик хатоси қўйидагига тенг бўлади (V бобга қаралсин).

$$m_h = \sqrt{m_a^2 + m_b^2}, \quad (8.27)$$

бу ерда  $m_a$ ,  $m_b$  — орқадаги ва олдинги рейкалардан олинган саноқлар ўрта квадратик хатоси.

Юқорида (V бобда) кўриб чиқилганига асосан  $m_a = m_b = m_{\text{кап}}$  деб қўйидагини ёзиш мумкин:

$$m_h = m_{\text{кап}} \sqrt{2}. \quad (8.28)$$

Рейкага қараш хатоси  $m_{\text{кап}}$  қиматига таъсир этувчи хатолар қўйидагича ҳисобланади.

1. Кўриш трубасининг визир ўқини горизонтал ҳолатта келтириш хатоси  $m_{b,y}$ . Бу хато қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$m_{b,y} = \frac{m''_{\text{адл}}}{\rho''} S, \quad (8.29)$$

бу ерда:  $m_{\text{адл}}$  — цилиндрик адилак пулфакчасини ноль пунктта келтириш хатоси;  $S$  — асбобдан рейкагача бўлган масофа (мм да).

Тадқиқотлар натижасига асосланиб аниқланишича  $m_{\text{адл}} = 0,1\tau$ , бу ерда  $\tau$  — адилакнинг бўлак қимати. Агар  $\tau = 20''$  ва  $S = 100$  м бўлса,  $m_{\text{адл}} \approx \pm 1$  мм.

2. Рейкадан саноқ олишининг ўрта квадратик хатоси  $m_{p,c}$ , у қўйидагига тенг:

$$m_{p,c} = \pm(0,136 \frac{S}{V} + 0,0292t), \quad (8.30)$$

бу ерда:  $V$  — кўриш трубасининг катталаштириши;

$t$  — рейканинг бўлак қимати (мм да).

Агар  $S = 100$  м;  $V = 20''$ ;  $t = 10$  мм бўлса,  $m_{p,c} \approx \pm 1$  мм.

3. Кўриш трубасининг ҳал қилиш қобилиятига боғлиқ бўлган рейкадан саноқ олиш хатоси  $m_{x,k}$ , масофага пропорционал ҳолда таъсир этади:

$$m_{x,k} = \frac{60''}{V\rho} S, \quad (8.31)$$

$V = 20^{\circ}$ ;  $S = 100$  м бўлса,  $m_{x,k} \approx \pm 1$  мм.

4. Рейканинг дециметрли бўлақларининг тасодифий хатоси  $m_{p,b}$  ни  $\pm 0,5$  мм деб қабул қилиш мумкин.

Кўриб чиқилган хатолар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўлчаш натижасига таъсир этади деб қабул қилиб, қўйидагини ёзиш мумкин:

$$m_{\text{кап}} = \sqrt{m_{o,y}^2 + m_{p,c}^2 + m_{x,k}^2 + m_{p,b}^2} \quad (8.32)$$

Бу формулага қийматларини қўйиб чиқиб (8.28)га асосан  $m_h = 2\sqrt{2} = \pm 3$  мм ни топамиз.


Шундай қилиб, техник нивелир ва шашкали рейкалар билан битта станцияда нивелирлашнинг ўрта квадратик хатосини 3 мм деб қабул қилиш мумкин. Нивелирдан рейкагача масофа  $S = 100$  м бўлганда 1 км нивелир йўлида станциялар сони  $n = 5$  га тенг бўлади ва бу йўлнинг хатоси қўйидагига тенг:

$$m_{km} = m_{ct} \cdot \sqrt{n} = 3\sqrt{5} = \pm 7 \text{ мм.}$$

Чекли хато 1 км йўл учун  $fh_{\text{чекли}} = 3m_{km} = 3 \cdot 7 = 21$  мм, бу эса IV класс нивелирлаш аниқлигига тўғри келади.

## 8.10. Тригонометрик нивелирлаш

Тригонометрик нивелирлашда нивелирланадиган нуқталар орасидаги чизиқ узунлиги ва унинг оғиш бурчаги ўлчанади. Бу нивелирлаш ёрдамида баландлик узоқ масофага тез ва осон узатилади.



8.16- шакл.

Жойдаги  $A$  ва  $B$  нуқталар орасидаги нисбий баландлик  $h$  ни ўлчаш учун (8.16-шакл) нуқталарнинг бирига (масалан,  $A$  да) теодолит-таксеометр,  $B$  нуқтага эса рейка ўрнатилади ва кўриш трубасини рейка учига қаратиб оғиш бурчаги  $v$  ўлчаш 6.10 да берилган). Агар  $AB$  чизигининг гори-

зонтал қўйилиши  $d$  бўлса, асбоб баландлиги  $i$  ва рейка баландлиги  $I$  ни ташкил қўлса, келтирилган шаклдан қўйидагини ёзиш мумкин:

$$h + I = h' + i$$

ёки

$$h = h' + i - I. \quad (8.33)$$

Худди ўша шаклдан

$$h' = d \operatorname{tg} v$$

бўлгани учун нисбий баландлик қўймати қўйидагига тенг:

$$h = d \operatorname{tg} v + i - I. \quad (8.34)$$

Бу формула ер эгрилиги ва рефракция таъсирини ҳисобга олмасдан чиқарилди. Ер эгрилиги ва рефракция таъсири учун киритиладиган тузатма  $f$  билан ифодаланса (8.34), формула қўйидагича бўлади:

$$h = d \operatorname{tg} v + i - I + f. \quad (8.35)$$

Бу формулага тригонометрик нивелирлашнинг асосий формуласи дейилади.

Нивелиранадиган нуқталар орасидаги масофа  $d = 300$  м бўланда, (8.24) формуладан  $f = 0,01$  м бўлишини аниқлаймиз. Тригонометрик нивелирлашда, кўпинча, нисбий баландлик қўймати 0,01 м гача яхлитлаб олинади ва шунга кўра  $d = 300$  м гача бўлганда  $f$  тузатма ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар  $v$  ни ўлчашда кўриш трубаси рейкада белгиланган асбоб баландлигига тенг қилиб олинса (яъни  $i = I$ ), юқоридаги (8.35) формула қўйидаги кўринишга келади:

$$h = d \operatorname{tg} v. \quad (8.36)$$

Ипли дальномерда ўлчанганд қия чизиқ узуонлиги  $D$  нинг горизонтал қўйилиши қўймати  $d$  қўйидаги формула бўйича ҳисобланади (7.6. га қаралсин).

$$d = (Kn' + c) \cos^2 v.$$

Бундан  $d$  қўйматини (8.36) га қўйиб, оғиш бурчагининг қўймати  $10^\circ$  гача бўлганда,  $\sin 2v = \sin v$  эканини ҳисобга олиб ёзамиш:

$$h = \frac{1}{2} (Kn' + c) \sin 2v. \quad (8.37)$$

Бу формуладаги  $Kn' + c$  ўрнига  $D$  ни олиб ёзамиш:

$$h = \frac{1}{2} D \sin 2v. \quad (8.38)$$

Амалий ҳисоблашларда ушбу формула ишлатилади. Нисбий баландлик қыйматларини ҳисоблашни осонлаштириш мақсадида ишлаб чиқылган махсус „таксиметрик жадваллар“ ёки номограммалардан фойдаланиш мүмкін. Тригонометрик нивелирлашда асбоб баландлиги  $i$  ва қаратиш баландлиги  $l$  қыйматлари 0,01 м аниқликда ўлчаб топилади ва уни, кичикилиги учун, эътиборга олмаслик мүмкін. Шундай қилиб, тригонометрик нивелирлаш аниқлитетига асосан чизик узунлигининг ўлчаш хатоси таъсир этади.

Оғиш бурчагининг қыймати  $10^\circ$  гача ва масофа  $D = 100$  м бўлганда, масофа 1:200 аниқликда ўлчанса, (8.38) формула бўйича ҳисобланган нисбий баландликнинг чекли хатоси  $\Delta_h \approx \pm 4$  см ни ташкил қиласди.

### 8.11. Янги технологияга асосланган нивелирлар

Кейинги йилларда юқори аниқликдаги нивелирларнинг янги тури — рақамли нивелирлар ишлаб чиқилиб кўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб Dini 11, Dini 21 (Германия); NA 2002, NA 2003 (Швейцария) келтириш мүмкін.


Анъанавий нивелирлардан фарқ қилиб, рақамли нивелирлар электроника билан жиҳозланган ва махсус иш дастурлари билан таъминланган бўлади. Бу эса дала ўлчаш ишларини ва натижаларни ишлаб чиқиш жараёнини автоматлаштириш имконини беради, жумладан:

- штрих-кодли нивелир рейкаси бўйича саноқ олишни автоматик равища бажаради;
- ўлчаш натижаларига труба визир ўқининг цилиндрик адилак ўқига параллел эмаслик ( $i$  бурчагига), ер эгрилиги ва рефракция хатолари учун тузатмаларни автоматик равища киритади;
- нивелир билан рейка орасидаги масофа 100 м гача бўлганда горизонтал қуилишни 25 мм гача аниқликда автоматик ўлчайди;
- ўлчаш натижаларини автоматик равища ички ёки ташки ёдлаш модулига ёзади;
- нивелирлаш елкаларини (нивелирдан орқа ва олдинги рейкаларгача масофалар) тенглиги ва нисбий баландлик ўлчаш натижасини автоматик текшириб боради;
- ўлчанган натижаларни автоматик ишлаб чиқиб, нуқталар баландлигини беради;
- ўлчаб топилган маълумотларни ёзиб сақлаш учун PCMCIA картасидан фойдаланади;
- асбобни бошқариш процесси қулай, шунингдек, ундан фойдаланишини ўзлаштириб олиш осон.

Dini 11 ва Dini 21 рақамли нивелирлар (8.17-шакл) билан 1 км йүлни түғри ва тескари йүналишларда инвар рейка құллаб, 0,3 мм аниқликда, оддий буклама рейка құллаб эса 1 мм аниқликда ўлчаш мүмкін. Станцияда туриб 2,5 м дан 100 м гача масофадаги нұқталар 4 дақықа вақтда ўлчанади. Нивелирда ўрнатылған компенсаторни ишлаш чегараси  $\pm 15'$  га тенг. Нивелирда горизонтал доира ўрнатылған бўлиб, унинг бўлак қиймати  $1^\circ$  ни ташкил қилади.

Нивелирда жойлаштирилған дастур қуйидаги ишларни бажариши таъминлади: алоҳуда ўлчашни, қайта ўлчашни, ўргадан ва олдинга нивелирлашни, режалаш ишларини ва нивелир йүлини тенглашни.

Рейкалардан олинган саноқларни нивелир ёдига ёзиб сақлаш ёки асбоб дисплейи (экранни) дан ўқиб журналга ёзиш мүмкін.



8.17- шакл.



## Учинчи бўлим. ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР IX боб. ДАВЛАТ ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚЛАРИ

### 9.1. Умумий маълумотлар

Ернинг катта қисмida ёки бирон-бир давлат ҳудудида, маълум геометрик шаклда ва мумкин қадар бир хил оралиқда жойлашган, марказлари жойда мустаҳкам қилиб ўрнатилган, битта системада координаталари ( $x, y$ ) ва баландликлари ( $H$ ) маълум ёки координаталари ( $x, y$ ) ва баландликлари ( $H$ ) алоҳида аниқланган пунктлар (нуқталар) тизимига бош геодезик тармоқлар ёки давлат геодезик тармоқлари дейилади. Геодезик тармоқлар планли-баландлик ( $x, y$  ва  $H$  маълум), фақат планли ( $x, y$  маълум) ва фақат баландлик ( $H$  маълум) тармоқларига бўлинади.

Катта ҳудудда битта координаталар ва баландликлар системасида курилган геодезик тармоқлар шу ҳудудда съёмка ишларини ҳар хил жойларда, ҳар хил вақтда, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкил қилиб, уларнинг натижасидан фойдаланиб, ҳудудни умумий картасини тузиш имконини беради. Бундан ташқари геодезик ўлчашлар хатосини бутун ҳудуд бўйича тенг тарқалиш имконини беради ҳамда улар даражасини текшириб боришни таъминлайди.

Геодезик тармоқлар умумийдан хусусийга ўтиш тарзида қурилади, яъни, аввал катта ҳудудда сийрак ва жуда юқори аниқликдаги пунктлар (нуқталар) тармоғи ҳосил қилинади, кейин эса тармоқ пунктлари босқичма-босқич зичлаштирилади, бунда ҳар бир кейинги босқич олдингисига боғланади ва аниқлиги эса пасайиб боради.

Планли геодезик тармоқлар, асосан, триангуляция, полигонометрия ва трилатерация усуllibаридан қурилади. Триангуляция усулида учбурчаклар тармоғи тузилиб, учбурчакларнинг ҳамма бурчаклари ва бошлангич ҳамда охирги томонларнинг узунлиги ўлчанади. Томонлардан бирининг узунлиги ва учбурчаклар бурчаклари орқали тармоқ учбурчакларининг томонлари ҳисобланади.

Томонлардан бирининг дирекцион бурчаги ва пунктлардан бирининг координаталари орқали қолган ҳамма пунктларнинг координаталари ҳисобланади. Триангуляция усулининг асосий мазмуну шундан иборат. Лекин амалда триангуляцияни қўллаш маълум даражада мураккаб ишлар билан боғлиқ ва шунинг учун у маҳсус фан — олий геодезия томонидан амалга оширилади.

Полигонометрия усулида синиқ чизиқлардан иборат йўллар тармоғида ҳамма бурилиш бурчаклари ва томонлар узунлиги ўлчанади. Ўлчаш аниқлиги юқори даражада таъминланган бўлиши керак. Бу

усул, асосан, ўрмон ва шаҳар ҳудудларида (нукталарнинг бир-биридан кўриниши қийин шароитда) кўпроқ қўлланилади. Томонлар узунлигини электрон дальномерлар билан юқори аниқликда ўлчаш имконияти түгилгандан кейин бу усул, айникса, үнумли бўлди.

Трилатерация усулида учбұрчайлар тармоғи курилған, уларда бурчаклар үрнігінде қарастырылған, оның мөлдірдік мәнін анықтауда қолданылады.

**Планлы геодезик тармоклар давлат планлы геодезик тармоклари, 1- ва 2- разряд зиңчаш тармоклари ва съёмка тармокларига бўлинади.**

## 9.2. Давлат планли геодезик тармоқлари


Давлат геодезик тармоги барча масштабларда бажариладиган топографик съёмкаларнинг бош геодезик асоси хисобланади.

Давлат планлы геодезик тармоқлари триангуляция, полигонометрия, трилатерация усулларида қурилиб, түрт классга (1, 2, 3 ва 4) бўлинади, улар бир-биридан бурчакларни ва томонларни ўлчашаниклиги билан, учбурчак томонларининг узунлиги ва уларни куришни бирин-кетинлиги билан фарқ қилади.


Давлат геодезик тармоги маълум схема асосида умунийдан хусусийга ўтиш (юқори классдан қуий классга ўтиш) принципида курдилади.

Триангуляция усули билан давлат планлы геодезик тармогини ҳосил қилиш схемасини күриб чиқамиз. Биринчи навбатда 1- класс триангуляцияси учбурчаклари қатори меридиан ва параллеллар йү-налиши бўйича қурилади (9.1-шакл). Учбурчаклар қатори ўзаро ту-ташган полигонларни ҳосил қиласиди. Ушбу полигон учбурчаклари звеносининг узунлиги 200 км дан ошмаслиги керак.

Полигоннинг ҳар бир бурчагида базис томонлари олиниб ( $CD$ ,  $EF$ ,  $GH$ ), уларнинг узунлиги ўлчанади ёки базис тармоғи ҳосил қилиниб, унда чиқишиг томонининг узунлиги ( $AB$ ) ни ҳисоблаш учун кичик базис ўлчанади. Бундай базис узунлиги 6 км дан кичик бўлмаслиги керак ва ўлчаш аниқлиги эса 1:1 000 000 ни ташкил килиши керак.



9.1. *шаки*



9.2- шакл.

азимут аниқланади. Триангуляция звенолари ўрнига полигонометрия звенолари курилиши мумкин.


2- класс триангуляцияси 1- класс полигонини ёппасига түлди-  
рувчи учбурчаклар тармоғи күринишида (9.1-шакл) қурилади. Бұ-  
тармоқ ичидә (тахминан ўрта қысміда) базис томон  $\alpha$  (9.1-шакл)  
үлчаниб, унинг учларыда астрономик көңгілек, узоқлық ва азимут  
үлчанади. 1- ва 2- класс тармоқтарини қуришда астрономик үлчашлар  
бажарылышты туфайти үларни **астрономо-геодезик тармоқтар** дейилді.

1- ва 2- класс тармоқлари 3- класс пунктлари билан ва кейин эса 4- класс пунктлари билан зичлаштирилади. 3- ва 4- класс триангуляцияси айрим вақтларда катта бұлмаган тармоқлар (9.2-шакл) шақлида ҳам курилади. Иқтисодий томондан мақсадда мувофиқ жойларда триангуляция класслари уларға тегишли полигонометрия ёки трилатерация класси билан алмаштирилиши мүмкін. Даалат планлы геодезик тармоқларининг тавсифи қуйидаги 10-жадвалда берилген.

10-жадвал

Класс	Триангуляция				Полигонометрия		Трилатерация
	$S, \text{км}$	$m_b$	$f_{\text{текущ}}$	$m_s \cdot S$	$m_b$	$m_s \cdot S$	
1	>20	0,7 "	3 "	1:400 000	0,4 "	1:400 000	-
2	7—20	1,0	4	1:300 000	1,0	1:200 000	-
3	5—8	1,5	6	1:200 000	1,5	1:100 000	1:100 000
4	2—5	2,0	8	1:200 000	2,0	1:40 000	1:40 000

Жадвалдаги белгилар:  $S$  — томон узунлиги, км;  $m_b$  — бурчак ўлчашдаги ўрта квадратик хато, с;  $f_{\text{базис}}$  — учбуручак бурчаклари йигиндинсизнинг йўл кўярли хатоси чеки;  $m_b/S$  — базис томон узунлигини ўлчаш нисбий ўрта квадратик хатоси (полигонометрия ва трилатерацияда).




9.3- шакл.


1- ва 2- класс пунктлари жойлашмаган катта бўлмаган ҳудудларда 1:5 000 ва 1:2 000 масштаблардаги топографик съёмкалар учун геодезик асос сифатида 3- ва 4- класс мустақил геодезик тармоқларни куришга рухсат этилади. Бунда ҳар бир триангуляция тармоғида иккитадан кам бўлмаган томонлар ўлчаниши керак; полигонометрия тармоғи учун 3- классда полигон периметри 60 км дан, 4- класс учун эса 35 км дан ошмаслиги керак.

Давлат планли геодезик тармоқ пунктлари жойда узоқ муддатга қўзғалмас қилиб қўшма марказ (9.3-шакл), тоғли ҳудудларда эса турлар (9.4-шакл) билан маҳкамланади.

Пунктларнинг марказлари ернинг музламайдиган қатламидан пастда ўрнатилади. Триангуляция пунктларининг маркази устма-уст жойлаштирилган чўян қўймасидан ясалган иккита маркалардан иборат (9.3-шакл). Иккала марканинг маркази битта шовун чизигида жойлашиши керак. Кўйи марказ яхлит бетон 3, бетон лангар (якорь) 2 ва юқори марказ ҳисобланган яхлит бетон 1 дан иборат (9.3-шакл). 1 ва 3 яхлит бетонлар устига чўян маркалар цемент қориши мебошадиган яхлит бетон 4 берилади. Чўян марка 9.3-б шаклда берилади. Пункт координаталари марка тешигининг ўртасига, баландлиги эса марка ўртасидаги ярим сфера бўртиқ-



9.4- шакл.



9.5- шакл.

нинг юқори нуқтасига түгри келади. Марказ устига тупроқ уйилиб, тепача қилинади (9.3-а шакл), атрофи эса чуқурлиги 0,4 – 0,5 м түртбұрчак шаклида ариқча қилиб кавлаб қойилади. Планлы геодезик тармоқтар пунктлари орасыда ўзаро күринишни таъминлаш учун уларни марказлари устига ташқы белгилар — пирамидалар (9.4-шакл) ёки сигналлар (9.5-шакл) курилади. Пирамиданың баландлығы 10 – 12 м, сигналларның баландлығы эса 15 – 40 м гача бўлиб, ёғоч ёки металдан ясалади.

Бурчак ўлчашда теодолит пирамиданинг остига, ерга, сигналда эса сигнал юқори қисмидә жойлаштирилган маҳсус столчага ўрнатилади. Сигналнинг тепа

қисмидә кузатувчи учун маҳсус майдонча ҳам бўлади. Пирамида ва сигнал учига визирлаш цилиндри ўрнатилади.

### 9.3. Давлат баландлик геодезик тармоқлари




Давлат баландлик геодезик тармоқлари, асосан, геометрик ва тригонометрик нивелираш усуслари билан барпо этилади. Геометрик нивелираш тармоқлари иккита: давлат ва техник нивелираш тармоқларига бўлинади. Давлат нивелираш тармоқлари тўрт классга бўлинади. Дастлаб бир-биридан узоқ оралиқда I класс нивелираш йўллари ўтказилади, кейин I класс пунктлари кетма-кет II, III ва IV класс пунктлари билан тегишли класс нивелир йўлларини ўтказиш йўли билан зичлаштирилади. I ва II класс йўллари тармоғи бутун давлат ҳудуди учун ягона баландлик асос вазифасини бажаради.

I класс нивелир йўллари мамлакат чегараларида жойлашган денгизлар сатҳини тулаштирувчи йўналишлар бўйича ўтказилиб, энг юқори аниқликда бажарилади.

II класс нивелираш тармоғи I класс тармоғи пунктларига таяниб ҳосил қилинади. I ва II класс нивелир йўллари нивелираш учун кулай бўлган жойлардан (темир йўллар, автомобиль йўллар ва катта дарёлар ёқалаб) ўтказилади.

III класс нивелираш тармоғи I ва II класс пунктларига таяниб ҳосил қилинади ва периметри ўртача 150 км ни ташкил қиласи. 1:5000 масштабдаги съёмкаларни таъминлаш учун полигон периметри 60 км дан ошмаслиги керак.

IV класс нивелираш йўллари битта йўналиш бўйича юқори класс пунктлари орасыда ўтказилади. Бу йўлларнинг узунлиғи 50 км дан ошмаслиги керак. IV класс нивелираш йўлларининг пунктлари бевосита съёмкаларнинг баландлик асоси бўлиб хизмат қиласи.



9.6- шакл.

9.7- шакл.

Барча класс нивелирлаш йўллари ҳар 5 км да жойлашадиган репер (9.6-шакл) ва деворий марка ёки деворий реперлар (9.7- а, б шакл) билан мустаҳкамланади.

Грунт реперлар (9.6-шакл) яхлит бетондан ёки ост томони бетон лангарли темир трубадан ясалиб, устига марка ўрнатилади. Репернинг баландлиги марка устидаги ярим сферик бўртиқнинг юқори нуқтасига тўғри келади. Грунт реперининг маркаси ер юзидан 60 — 80 см чукурликда, лангар асоси эса ернинг музлаш чукурлигидан 0,5 м пастда жойлашиши керак. Деворий маркалар мустаҳкам биноларнинг деворига ўрнатилади. Марканинг мутлақ баландлиги марка тешигининг марказига тўғри келади. Деворий репер биноларнинг пештоқ (цоколь) қисмига ўрнатилади.

Давлат нивелирлаш тармоқлари қуйидаги аниқликда барпо этилиши керак.

I класс нивелирлаш йўлида нивелирлашнинг ўрта квадратик хатоси 1 км га  $m_h = \pm 0,5$  мм; II класс учун  $m_h = \pm 2,5$  мм; III класс учун  $m_h = \pm 5,0$  мм ва IV класс учун  $m_h = \pm 10,0$  мм дан ошмаслиги керак.

Съёмка масштабига қараб давлат планли ва баландлик геодезик асос пунктлари керакли зичлиқда курилади ва улар жойда мумкин қадар тенг масофада жойлаштирилади.




## Түртінчи бўлим. ГЕОДЕЗИК СЪЁМКАЛАРНИ БАЖАРИШ Х боб. ГОРИЗОНТАЛ СЪЁМКА

### 10.1. Теодолит съёмкаси ва унинг моҳияти


Теодолит съёмкаси дала ўлчаш ишларидан бошланиб, уни бажариша дастлаб съёмка асоси — геодезик пунктлар оралигида съёмка тармоғи барпо қилинади ва у асосида жойдаги тафсилотлар съёмка қилинади. Теодолит съёмкаси дейилишига сабаб асосий ўлчаш ишлари — горизонтал бурчаклар ва оғиш бурчаклари геодезик асбоб — теодолит билан бажарилишидир.

Теодолит съёмкасини бажаришда ёпиқ кўпбурчаклар (полигонлар) тармоғи (10.1-*a* шакл) ёки очиқ кўпбурчаклар тармогини ҳосил қилувчи теодолит йўллари (10.1-*b* шакл) съёмка тармоғи бўлиб хизмат қиласди. Бу чизиқлар учи нутқаларининг ўрни жойда маҳкамланади ва координаталари аниқланади.

Катта бўлмаган ер бўлакларини съёмка қилишда эса ёпиқ кўпбурчак (полигон) ёки очиқ кўпбурчаклар съёмка асоси вазифасини бажараради (10.2-шакл).



10.1- шакл.



10.1- шакл.

Полигон ўрта қисмida жойлашган тафсилотларни съёмка қилиш учун полигон ўртасидан күшимча йўл ўтказилса, унга **диагонал йўл** дейилади (2, 6, 7 ва 5 нуқталар, 10.1-a шакл).

Ўлчашларни бажаришдан аввал йўллар бурилиш нуқталарининг ўрни жойда ёғоч қозиклар, ёғоч устунлар (7.2 га қаралсин) ва бошқалар билан мустаҳкамланади. Нуқталар мустаҳкамлангандан кейин томонлар орасидаги бурчаклар, томонларнинг узунлиги ҳамда уларнинг оғиш бурчаклари (томонлар узунлиги горизонтал қуйилишини ҳисоблаш учун) ўлчанади.

Шундай қилиб, теодолит съёмкасини бажариш қуидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Теодолит йўли (полигон) нуқталарини жойда мустаҳкамлаш.
2. Полигон ёки очиқ йўлда томонлар узунлигини ва горизонтал бурчакларни ўлчаш.
3. Жой тафсилотларини съёмка қилиш.

Ўлчашлар натижаси маҳсус журналга ёзиб борилади. Тафсилотлар съёмкаси асосида абрис чизилади.

Дала ўлчаш натижалари камерал шароитда (хонада) математик ишлаб чиқилади ва теодолит йўли нуқталарининг координаталари топилади. Сифатли қалин чизма қофоз (ватман) олиниб, тегишли масштабда унга теодолит йўли (полигони) нуқталари ҳисоблаб топилган координаталари бўйича туширилади. Планга олиш абрисидан фойдаланиб, йўл томонларига таянган ҳолда тафсилотлар тегишли шартли белгилар билан қофозга туширилади ва теодолит съёмкасининг плани ҳосил қилинади.

Шундай қилиб, ер бўлагининг теодолит съёмкаси натижасида ушбу жойнинг фақат тафсилот ва предметлари тасвирланган плани ҳосил қилинади. Теодолит съёмкаси, асосан, иирик масштабларда бажарилади ва ер, ўрмон тузиш ишларида кенг қўлланилади.

## 10.2. Теодолит йўллари ва уларни барпо этиш

Кишлоқ хўжалиги ерларини съёмка қилишда теодолит йўллари кўпинча ердан фойдаланиш чегаралари бўйича, диагонал йўл эса худуд (полигон) ичкарисида ўтказилади.

Теодолит йўлларини ўтказиш иши, одатда, жойнинг мавжуд планларини топиш ва улар билан танишиб чиқишдан бошланади. Натижада йўл нуқталари ҳамда жойда мавжуд геодезик пунктлар ўрни аниқланиб йўлнинг дастлабки лойиҳаси тузилади. Кейин эса жойга чиқиб жой шароити билан бевосита танишиб чиқилади (рекогносцировка ишлари бажарилади), натижада лойиҳага қўшимча аниқликлар киритилади ва йўл нуқталарининг жойдаги ўрни танлаб олиниб маҳкамланади.

Теодолит йўли лойиҳасини тузиш ва рекогносцировка ишларини бажаришда қуидаги шартларга риоя қилиш керак бўлади:

1. Йўл бурилиш нуқтадарининг ўрни (ҳеч бўлмагандан учта ўзаро қўшни нуқтадар), у бир-биридан кўринишини таъминлаш мақсадида, мумкин қадар дўнглик жойларда олинниши керак.

2. Йўл томонлари текис ва ўлчов лентаси билан ўлчашга қулай жойлардан (йўллар, каналлар ёқалаб) ўтиши ва оғиш бурчаклари қиймати унча катта бўлмаслиги керак.

3. Томонларининг узунлиги 400 м дан катта ва 50 м дан кичик бўлмаслиги, ўртача 250 м атрофида бўлиши керак.

4. Умуман, томонларнинг узунлиги ўзаро бир-бирига яқин бўлса, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Томонлар орасидаги бурчаклар қиймати  $180^{\circ}$  га яқин бўлиши, яъни йўл чўзинчоқ бўлиши керак.

Теодолит йўли томонлари орасидаги бурчаклар 1 минутли ёки 0,5 минутли теодолитлар билан тўла қабулда ( $6.8$  га қаралсин), яrim қабуллар орасида эса лимб ҳолатини  $90^{\circ}$  га ўзгартириб ўлчаб чиқилади.

Ҳар бир томон узунлиги ўлчов лентаси ёки иккиланган тасвирили дальномер билан икки марта — тўгри ва тескари йўналишларда ўлчаб чиқилади. Томонлар узунлигининг горизонтал қўйилиш қийматини ҳисоблаш учун оғиш бурчаги ҳам бирданига ўлчаб кетилади. Агар томонлар узунлигини бевосита ўлчаш имкони бўлмаса (йўл дарё, жар ёки бошқа тўсиқлар орқали ўтса), узунлиги бориб бўлмас ма-софани аниқлаш усулини қўллаб топилади ( $10.3$  га қаралсин).

Бурчаклар ва томонлар узунлигини ўлчаш билан бир вақтда жойдаги предметлар ва тафсилотлар ҳам съёмка қилиниб ( $10.4$  га қаралсин) борилади.

Теодолит йўли бурчакларини, томонлар узунлигини ўлчаш ва тафсилотлар съёмкасини бажариш натижалари қўйида келтирилган дала ўлчаш журналига (11-жадвал) ёзилади ва абриси чизиб борилади.

Таянч геодезик пунктлардан ориентирлаш учун дирекцион бурчак ва координаталарни теодолит йўлига узатиш мақсадида бажарилган ўлчаш ишларига **теодолит йўлини боғлаш** деб айтилади.

Очиқ теодолит йўли иккита геодезик асос (таянч) пунктлари (нуқтадар) оралиғида ўтказилади ( $10.2$ - б шакл). Шаклда  $N$  ва  $K$  нуқтадарни йўлнинг бошлангич ва охирги боғлаш нуқтадарни ҳисобланади. Бу пунктлардан энг камида биттадан пунктларга ( $A$  ва  $B$  ларга) қараб йўналишлар (дирекцион бурчаклар  $\alpha_{AN}$  ва  $\alpha_{BK}$  ва) маълум бўлиши керак.

Теодолит йўлини геодезик таянч пунктлар  $N$ ,  $K$ ,  $A$  ва  $B$  ларга боғлаш учун  $N$  ва  $K$  нуқтадарида йўл бўйича ўнг томонда жойлашган  $\beta_N$  ва  $\beta_K$  бурчаклар ўлчанади. Текшириш учун ҳар бир нуқтада бу бурчакларни  $360^{\circ}$  га тўлдирувчи бурчаклари ҳам ўлчанади.


Ушбу боғлашга бевосита боғлаш дейилади. Агар теодолит йўлини фақат бир нуқтасигина геодезик пунктга боғланса, бунда ўлчашда йўл қўйилган хато йўлнинг умумий ҳолатига таъсир этади ва ҳамма

Нүқталар тар/рақ		Лимб доирасидан олинган саноқлар	Бурчак-нинг ҳисобланган қиймати	Бурчак-нинг ўртача қиймати	Ўлчангандай томонлар узунлиги, м	Оғиш бурчаги, м		
станция	куза-тил-лан	1	2	3	4	5	6	7
ДҮ (доира ўнг)								
	1	212°22,5'		144°52,0'				
	3	67°30,5'						
ДЧ (доира чап)								
2				144°51,5'	186,67			
	1	116°50'			(1-2)	$v = 3^{\circ}05'$		
	3	331°59'		144°51'	186,61			
					(2-1)			
						186,64		

нүқталар бир хил қийматга сурилган бўлди. Шунинг учун йўл энг камиди геодезик асоснинг иккита пунктига боғланиши керак.

### 10.3. Бориб бўлмас масофани аниқлаш

Юқорида айтиб ўтилганидек, теодолит йўлининг бирон-бир томони, масалан, дарёни кесиб ўтган бўлса, ўша томон узунлигини бевосита ўлчаб чиқиш имконияти бўлмайди ва бу ҳолатда бориб бўлмас масофани аниқлаш усули қўлланилади. Масалан, теодолит йўлининг  $AB$  томони дарёдан ўтиши керак бўлсин (10.3-шакл). Унинг узунлигини топиш учун дарё ёқаси бўйлаб лента билан ўлчаниши қулай бўлган  $AD$  чизиги олинниб, учлари ёғоч қозиқлар билан жойда мустахкамланади ва уларнинг ораси ўлчов лентаси билан мумкин қадар аниқ ўлчанади. Бу чизиқка базис дейилади.



10.3- шакл.

Хосил бўлган  $ABD$  учбурчакда иложи бўлса ҳамма бурчаклар теодолит билан ўлчанади. Агар учбурчакда фақат  $\alpha$  ва  $\beta$  бурчаклари ўлчанганд бўлса,  $\gamma = 180 - (\alpha + \beta)$  формуласи орқали ҳисоблаб топилади.

Шунда синуслар теоремасига асосан 10.3- шаклдан ёзиш мумкин:

$$AB = x = \frac{\sin \beta}{\sin \gamma} \cdot \sigma, \quad (10.1)$$

бу ерда:  $AD = \sigma$  — базис томонининг узунлиги.

Топилган қийматни текшириш учун жойда қўшимча базис  $\sigma_1$  ва бурчаклар  $\beta_1$  ва  $\alpha_1$  ўлчанади (10.3-шакл), шунда томон узунлиги қўйидаги формула билан топилади:

$$AB = x = \frac{\sin \beta_1}{\sin \alpha_1 + \beta_1} \cdot \sigma_1 \quad (10.2)$$

Томон узунлиги  $x$  ни аниқлаш учун учбурчак шундай танланиши керакки, базис ва аниқланадиган томонлар қаршисидаги бурчаклар қиймати  $30^\circ$  дан кичик ва  $120^\circ$  дан катта бўлмасин (шунда томон узунлиги аниқроқ топилади).

х қийматлари орасидаги фарқ  $1:1\ 000$  дан катта бўлмаслиги керак. Бу шарт бажарилса, қийматларнинг ўртаси олинади.


#### 10.4. Жой тафсилотларини съёмка қилиш

Ер бўлагининг чегаралари ва ўрта қисми бўйлаб теодолит йўллари ўтказилгандан сўнг тафсилотларни съёмка қилиш бошланади, кўпинча теодолит йўлларини ўтказиш билан бир вақтда тафсилотлар ҳам съёмка қилиниб борилади. Съёмка қилинадиган жойдаги тафсилотлар шаклига, чегараларининг мураккаблигига, узоқ ёки яқинлигига қараб қўйидаги усуллардан бири қўлланилади.

**Тўғри бурчакли координаталар (перпендикулярлар) усули.** Бу усул теодолит йўли томони яқинида жойлашган йўл, дарё, иморат ва шунга ўхшаашларни съёмка қилишда қўлланилади. Теодолит йўлининг томони абсцисса ўқи, нуқтаси эса бош нуқта ва съёмка қилинадиган иншоот нуқтасидан абсциссага тушириладиган перпендикуляр чизиклар узунлиги ордината деб олинади.

Масалан, 10.4-шаклла берилган 1 — 2 чизиқнинг 1-учи координата бошига, 1 — 2 чизиқ эса абсцисса ўқига қабул қилинади. Унинг яқинида жойлашган дарёни съёмка қилишда, бурилиш нуқтатари  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$  лар ўрни қўйидагича топилади.

1 — 2 чизиқ бўйлаб лента таранг тортиб қўйилади ва унга  $a$  нуқтадан перпендикуляр туширилади. Хосил бўлган 1 —  $a'$  кесим лента бўйича аниқланади,  $a$  —  $a'$  эса рулетка билан ўлчанади. Лентани 1 — 2 чизиқ бўйича бирин-кетин қўйиб, унга кейинги  $b$ ,  $c$  ва  $d$



10.4- шакл.

нүкталардан перпендикулярлар туширилади ва тегишли кесимлар олдингидай ўлчанади ( $1 - a'$ ,  $1 - b'$ ,  $1 - c'$  ва  $1 - d'$  қийматлар ошиб борали, шаклга қаралсун).

**Қутбий координаталар усули.** 10.4-шаклда бошланғич йұналишга  $3 - 4$  томон, бош нүктага эса  $3$ -нүкта қабул қилинса,  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$  нүкталарни съёмка қилиш учун  $3$  нүктага теодолит үрнатылади, горизонтал доира саноғи  $0^{\circ}00'$  га түгриланиб, күриш трубаси  $4$ -нүктага қаратылади. Лимб маңкамланади ва алидада бүшатылиб труба  $b$ -нүктадаги рейкага қаратылади ва лимбдан саноқ олинади, ипли дальномер билан масофа ўлчанади. Кейин труба  $a$ -нүктага қаратылиб худди олдингидай ўлчашлар бажарылади ва ҳоказо. Охирида труба  $4$ -нүктага қайта қаратылади ва горизонтал доирадан олинган саноқ текширилади, у  $0^{\circ}00'$  бўлса, лимб доираси қўзғалмаган бўлади. Бу нүкталарни планга туширишда транспортирдан фойдаланиш учун лимбдан олинган саноқлар  $5'$  га яхлитланиб олинади. Нүкталаргача бўлган масофа ипли дальномерда ўлчаниши учун  $1:5\,000$  масштабдаги съёмка учун қиймати  $150 - 200$  м дан ошмаслиги керак,  $1:10\,000$  масштаб учун эса  $250$  м гача олинади. Ўлчаш натижалари маҳсус жадвалга ёзилади.

**Кесиштириш усули.** Теодолит съёмкасида бу усул нисбатан кам күлланилади. Кесиштириш усули иккита — бурчак ва чизиқ кесиштиришларга бўлинади. Бурчак кесиштиришда теодолит йўли нүкталарида теодолит билан туриб съёмка қилинадиган нүктага (10.4-шаклда йўл бурилиш нүкгаси  $B$ ) қараб бурчаклар ўлчанади. Съёмка тегишли аниқлигини таъминлаш учун ўлчанаётган нүктадаги бурчак  $40^{\circ}$  дан кичик ва  $140^{\circ}$  дан катта бўлмаслиги лозим.

Бурчаклар ўрнига нүктагача бўлган масофалар (йўналишлар узунлиги) ўлчанса, чизиқ кесиштириш дейилади. Бунда чизиқлар узунлиги ўлчаш асбоби (масалан, лента) узунлигидан катта бўлмаслиги

керак. 10.4-шаклда  $B$  нүктасини съёмка қилиш учун  $\beta_1$  ва  $\beta_2$  кестирма бурчаклари ёки 4- $B$  ва 5- $B$  кестирма чизиклар узунлиги ўлчаниши керак.

Тафсилотларни съёмка қилиш иш бажарувчидан тажриба ва зъти-борни талаб қиласы.

Бунда ҳар бир съёмка қилинадиган нүктаны ўлчашда йўл кўйилган хато факат ушбу нүкта учун таъсир этади ва нүктадан нүктага узатилмайди. Шунинг учун уларни тўғрилигини таъминлаш учун синчиклаб ўлчаш ва кўз билан солишириб бориш зарур. Съёмка вақтида жойдаги қишлоқ хўжалик ер турларини тўғри аниқлаш ва абрисда кўрсатиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

### 10.5. Чизиқда дирекцион бурчакни узатиш


Теодолит йўли томонига дирекцион бурчакни узатиш қуйидаги уч усул билан амалга оширилади:

1. Астрономик ўлчаш (масалан, куёшни кузатиш йўли билан жойдаги чизиқ ҳақиқий азимутини топиш) ёки маҳсус гиротеодолит асбоби билан бевосита чизиқнинг ҳақиқий азимути ўлчаниб, унга меридианлар яқинлашиши учун тузатма киритилади. Бу усул аниқ ҳисобланади, лекин у анча мурakkab ва маҳсус асбобларни талаб қиласи.

2. Маҳсус буссолъ ёрдамида чизиқнинг магнит азимути ўлчанади ва унга магнит милининг оғиши ҳамда меридианлар яқинлашишига тузатмалар киритилади. Бу усулдан кичик ер участкаларини съёмка қилишда фойдаланилади.

3.  $A$  ва  $B$  нүкталарни туташтирувчи чизиқнинг дирекцион бурчагини нүкталарнинг маълум координаталари орқали ҳисоблаш ва уни жойда белгиланган 1- ва 2- нүкталарни туташтирувчи чизиққа узатиш (10.5-шакл). Амалда бу усул кўпроқ кўлланилади, шунинг учун уни батағсил кўриб чиқамиз.  $AB$  чизигининг берилган дирекцион бурчаги  $\alpha_{AB}$  бошлигич дирекцион бурчак дейилади. Агар  $\alpha_{AB}$  ўрнига  $A$  ва  $B$  нүкталарнинг координаталари берилган бўлса, тескари геодезик масалани ечиш орқали дирекцион бурчак топилади. 1 — 2 чизигининг дирекцион бурчаги  $\alpha_{1-2}$  ни ҳисоблаш учун жойда  $B$  ва 1-нүкталарда горизонтал бурчаклар  $\beta_B$  ва  $\beta_1$  ўлчаниши керак (10.5-шакл). Йўл бўйича бу бурчаклар ўнг бурчаклар ҳисобланади. Дирекцион бурчак чизиқнинг ҳамма нүкталарида ўзгармас бўлишига асосланиб, бошлигич дирекцион бурчак  $\alpha_{AB}$  ни  $A$  нүктасидан  $B$  га кўчирамиз (10.5-шакл) ва ушбу шаклга асосланиб қўйидагиларни ёзамиш:

$$\left. \begin{array}{l} \alpha_{B-1} = \alpha_{AB} + 180 - \beta_B \\ \alpha_{1-2} = \alpha_{B-1} + 180 - \beta_1 \end{array} \right\} \quad (10.3)$$



10.5- шакл.

(10.3) формуладан кейинги чизиқнинг дирекцион бурчаги олдинги чизиқнинг дирекцион бурчагига  $180^\circ$  ни қўшиб, ундан ўнг томонда ётган бурчакни айрилтанига тенг.

Агар чизиқлар орасидаги ўнг бурчаклар ўрнига чап томондаги бурчаклар  $\gamma_B$  ва  $\gamma_1$  ўлчантган бўлса, яна ўша 10.5-шаклга асосан (10.3) формула ўрнига қўйидагини ёзамиш:

$$\left. \begin{array}{l} \alpha_{B-1} = \alpha_{AB} + \gamma_B - 180^\circ \\ \alpha_{B-2} = \alpha_{B-1} + \gamma_1 - 180^\circ \end{array} \right\} \quad (10.4)$$

яъни, кейинги чизиқнинг дирекцион бурчаги олдинги чизиқнинг дирекцион бурчагига томонлар орасидаги ўлчантган чап бурчакни қўшиб, йигинидан  $180^\circ$  ни айрилтанига тенг.

## 10.6. Тўғри ва тескари геодезик масалаларни ечиш


Теодолит йўли нуқталари координаталарини ҳисоблашда, иншоот лойиҳасини жойга қўчиришда ва бошқа мақсадларда тўғри ва тескари геодезик масалаларни ечишга тўғри келади.

**Тўғри геодезик масалада**  $AB$  чизигининг  $A$  нуқтаси координаталари  $x_A$  ва  $y_A$  (10.6-шакл), чизиқнинг дирекцион бурчаги  $\alpha$  ва горизонтал қўйилиши  $d$  лардан фойдаланиб,  $B$  нуқтасининг координаталари  $x_B$  ва  $y_B$  топилади. Масалани ечиш учун берилган қийматлар:  $x_A$  ва  $y_A$ ;  $\alpha$  ва  $d$ . Топиш керак:  $x_B$  ва  $y_B$  ларни.

Келтирилган 10.6-шаклда  $AB$  чизиги оддий ҳолатда, координаталар системасининг биринчи чорагида, унинг дирекцион бурчаги шимоли-шарқ йўналиши бўйича олинган бўлиб, қиймати румб қийматига тенг бўлади. Шаклдан қўйидагиларни ёзамиш:

$$\left. \begin{array}{l} x_B = x_A + \Delta x \\ y_B = y_A + \Delta y \end{array} \right\}, \quad (10.5)$$

бу ерда  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  координаталар орттирумаси дейилади.



10.6- шакл.

*AB* чизигининг горизонтал қуйилиши  $d$  ва дирекцион бурчаги  $\alpha$  қийматлари берилганини ҳисобга олиб, шаклдаги түғри бурчакли учбурчакдан қўйидагиларни топамиз:

$$\left. \begin{array}{l} \Delta x = d \cos \alpha \\ \Delta y = d \sin \alpha \end{array} \right\}. \quad (10.6)$$

Ушбу формула бўйича ҳисобланадиган  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  ишоралари  $\cos \alpha$  ва  $\sin \alpha$  ларни ишорасига ёки румб бурчакларининг номига боғлиқдир. Координата орттирмаларининг ишораси 12-жадвалдан фойдаланиб аниқланади.

12-жадвал

Чораклар	Дирекцион бурчакларнинг қиймати	Румбларнинг номи	Орттирмалар ишораси	
			$\Delta x$	$\Delta y$
I	0°–90°	Ш–Ш <sub>x</sub>	+	+
II	90°–180°	Ж–Ш <sub>x</sub>	–	+
III	180°–270°	Ж–F	–	–
IV	270°–360°	Ш–F	+	–

(10.6) формулалар бўйича  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  қийматлари тригонометрик функцияли калькуляторда ҳисобланса, координата орттирмаларининг ишоралари автоматик равишда келиб чиқади. Агар ҳисоблаш жадваллари бўйича ҳисобланадиган бўлса,  $\alpha$  қийматидан румб қиймати  $r$  га маълум формулалар бўйича ўтиб, румб номига қараб, юқоридаги жадвалдан  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  ишоралари аниқланади. Шуни ҳисобга олиб (10.6) формулани қўйидагича ёзамиш:

$$\left. \begin{array}{l} \Delta x = d \cos r \\ \Delta y = d \sin r \end{array} \right\}. \quad (10.7)$$

(10.7) формулани (10.5) га қўйиб топамиз:

$$\left. \begin{array}{l} x_B = x_A + d \cos \alpha \\ y_B = y_A + d \sin \alpha \end{array} \right\}. \quad (10.8)$$

**Тескари геодезик масалада** *AB* чизигининг учлари координаталари  $x_A$  ва  $y_A$ ;  $x_B$  ва  $y_B$  лар берилган бўлиб, ушбу чизикнинг дирекцион бурчаги  $\alpha$  ва узунлиги  $d$  ҳисоблаб топилади.

(10.5) формуладан ёзамиш:

$$\left. \begin{array}{l} \Delta x = x_B - x_A \\ \Delta y = y_B - y_A \end{array} \right\}. \quad (10.9)$$

10.6-шаклдан  $AB$  чизигининг дирекцион бурчаги  $\alpha$  қўйидагига тенг:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{\Delta y}{\Delta x} = \frac{y_B - y_A}{x_B - x_A}. \quad (10.10)$$

Бу формула бўйича ҳисобланган натурал қўйматдан фойдаланиб, тригонометрик жадвал ёки калькулятор бўйича румб бурчаги топилади ва ду ҳамда  $\Delta x$  ишораларига қараб румбдан дирекцион бурчакка ўтилади. Чизик узунлигини ҳисоблаш учун (10.7) формулани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$d = \frac{\Delta x}{\cos r} = \frac{\Delta y}{\sin r}. \quad (10.11)$$

Бундан ташқари, чизик узунлиги  $d$  10.6-шаклдаги учбуручакдан қўйидагича топилиши мумкин:


$$d = \sqrt{(x_B - x_A)^2 + (y_B - y_A)^2} = \sqrt{(\Delta x)^2 + (\Delta y)^2}. \quad (10.12)$$

## 10.7. Ёпиқ полигон нуқталарининг координаталарини ҳисоблаш

Теодолит йўлларини математик ишлаб чиқиш ушбу йўллар нуқталарининг координаталарини топиш мақсадида бажарилади. Ҳисоблаш ишларининг кўплиги ва мураккаблиги ўлчаш журналидаги чиқарилган ярим қабуллардаги бурчак қўйматлари ва улар бўйича бурчакнинг ҳисобланган ўртача қўйматини қайта текшириш вазифасини қўяди. Шунинг учун дала ҳисоблаш ишларини қайта текширишга катта эътибор берилади. Журналнинг (11-жадвал) 5- ва 6-устунларида ёзилган бурчак ва чизикларнинг текширилган ўртача қўймати сиёҳ билан ёзиди чиқилади.

Бу ерда ёпиқ полигон ва унинг нуқталарига учлари билан боғланган очиқ полигон кўринишидаги теодолит йўлларини математик ишлаб чиқиш кўриб чиқилади. Мисолда олинган ёпиқ полигон ва унинг диагонал йўли 10.7-шаклда берилган.

**Бурчак боғланмаслиги қўйматини аниқлаш ва бурчакларни тенглаш.** Дала журналида ҳисобланган қўйматлар текшириб чиқиландан кейин бурчаклар ўртача қўймати журналдан координаталар



10.7- шақл.

ҳисоблаш ведомостининг (13-жадвал) 2-устунига кўчириб ёзилади ва ҳамма бурчаклар қиймати йигиндиси топилиб, ўша устуннинг остига ёзилади. Ёпиқ полигон бурчак боғланмаслиги қиймати қуидаги формула билан аниқланади:

$$f\beta = \sum_{i=1}^n \beta_i - \sum_{i=1}^n \beta_w. \quad (10.13)$$

бу ерда  $\beta$  — бурчаклар боғланмаслиги;

$\sum_{i=1}^n \beta_i$  — ўлчанган бурчаклар йигиндиси;

$\sum_{i=1}^n \beta_w$  — бурчакларнинг назарий йигиндиси.

Ёпиқ полигон бурчакларининг назарий йигиндиси қуидаги формула билан аниқланади:

$$\sum_{i=1}^n \beta_w = 180^\circ(n - 2). \quad (10.14)$$

бу ерда  $n$  — ўлчанган бурчаклар сони.

Бизнинг мисол учун (10.13) ва (10.14) формулалардан  $f\beta = -01,5'$  ни топамиз (ҳисоблаш тартиби 13-жадвал остида берилган).

Теодолит йўлларидағи бурчак боғланмаслиги қиймати чеки қуидаги формула билан аниқланади:

$$f\beta_{\text{чекл}} = 1' \sqrt{n}. \quad (10.15)$$

Бизнинг мисол учун (10.15) формуладан:

$$f\beta_{\text{чекл}} = 1' \sqrt{7} \approx 02,6'.$$

Агар ўлчанган бурчакларнинг боғланмаслик қиймати ушбу формула бўйича ҳисобланган қийматдан катта бўлса, ҳисоблаш натижалари қайта текширилади, керак бўлса, бурчакларни қайта ўлчаб хатолик топилади ва тузатилади. Боғланмаслик йўл қўярли, яъни  $f\beta \leq f\beta_{\text{чекл}}$  бўлса, у ҳамма ўлчанган бурчакларга teng ва ўзининг ишорасига тескари ишора билан тарқатиб берилади, яъни

$$v_\beta = \frac{-f\beta}{n}. \quad (10.16)$$

Ушбу формула бўйича тузатмаларни ҳисоблашда ҳамма бурчаклар teng аниқликда ўлчанган деб қабул қўлиниади. Амалда боғланмаслик камдан-кам ҳолатда бурчаклар сони  $n$  га қолдиқсиз бўлинади. Шу

**Елиқ полигон нүқталарининг координаталарини  
хисоблаш ведомости**

№	Ички бурчаклар (ұнг)		Дирекцион бур- чак- лар	Румблар	Поли- гон томон гориз. куйил. узун. (м)	Орттиrmалар (м)								Координаталар (м)				
	Үлчан- ган	Туза- тилған				Хисобланган				Тузатылған								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
B	$\beta'a=29^{\circ}08'$		227°08'	-	-													
A	128°20'	128°20'					-10								+ 4100,00	+ 2500,00		
	+0,5'		76°16'	ШШк; 76°16'	221,28	+	52,55	+	214,95	+	52,45	+	214,95					
I	97°55,5'	97°56'					-12								+ 4152,45	+ 2714,95		
	+0,5'		158°20'	ЖШк; 21°40'	254,78	-	236,78	+	94,06	-	236,90	+	94,06					
2	174°26,5'	174°27'					-08								+ 3915,55	+ 2809,01		
			163°53'	ЖШк; 16°07'	165,92	-	159,40	+	46,04	-	159,48	+	46,04					

13-жадөвәл (дағоми)

128

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
3	107°00'	107°00'				-10				+ 3756,07	+ 2855,05
	+0,5'		236°53'	ЖК: 56°53'	201,91	- 110,31	- 169,11	- 110,41	- 169,11		
4	156°31,5'	156°32'				-12				+ 3645,66	+ 2685,94
			260°21'	ЖК: 80°21'	259,25	- 43,42	- 255,59	- 43,54	- 255,59		
5	104°47'	104°47'				-09				+ 3602,12	+ 2430,35
	+0,5'		335°34'	ШШК: 24°26'	191,00	+ 173,90	- 78,99	+ 173,81	- 78,99		
6	130°57,5'	130°58'				-18	+1			+ 3775,93	+ 2351,36
			24°36'	ШШК: 24°36'	356,60	+ 324,25	+ 148,63	+ 324,07	+ 148,64		
A										+ 4100,00	+ 2500,00

$$\Sigma \beta_a = 899^{\circ}58' - 900^{\circ}00'$$

$$\Sigma \beta_a = 900^{\circ}00'$$

$$J\beta = -02'$$

$$\Sigma d = 1650,74$$

$$\Sigma +550,7$$

$$\Sigma +503,68$$

$$\Sigma +550,33$$

$$\Sigma +503,69$$

$$\Sigma -549,91$$

$$\Sigma -503,69$$

$$\Sigma -550,33$$

$$\Sigma -503,69$$

$$fx = +0,79$$

$$fy = -0,01$$

$$0$$

$$0$$

$$\sqrt{\beta_{\text{некли}}} = 1' \sqrt{n} = 1\sqrt{7} \approx 02,6'$$

$$\Sigma \beta_N = 180(n - 2) = 180(7 - 2) = 900^{\circ}$$

$$fd = \sqrt{fx^2 + fy^2} = \sqrt{(0,79)^2 + (0,01)^2} = 0,79;$$

$$\frac{fd}{\Sigma d} = \frac{0,79}{1651} = \frac{1}{2089} : \frac{1}{2100} < \frac{1}{2000}.$$

сабабли айрим бурчакларга бошқаларига қараганда каттароқ тузатма беришга тұғри келади. Қисқа томонлар орасидаги бурчаклар узун томонли бурчакларға қараганда каттароқ хатолик билан ўлчанишини ҳисобға олиб, уларға каттароқ тузатма берилади. Бурчаклар қийматини яхлит минутларға келтириш ҳисоби билан ҳам тузатма тарқатилиши мүмкін. Лекін бу томонлар узунлығы катта бўлса, йўл аниқлигининг пасайишига олиб келади. Тарқатиб берилган тузатмалар йигиндиси боғланмаслик хатоси қийматига тескари ишора билан тенг бўлиши керак, яъни

$$\sum_1^n v_{\beta} = -f_{\beta}. \quad (10.17)$$

Тарқатилган тузатмалар бурчак қийматлари устига ёзилади (2-стунга қаралсин) ва уларнинг ишораси ҳисобға олиниб тузатма киритилган бурчаклар қиймати 3-устунга ёзилади. Тузатилган бурчакларнинг йигиндиси (3-устун) назарий йигиндига тенг бўлиши керак.

**Полигон томонларининг дирекцион ва румб бурчакларини ҳисоблаш.** Нүқталар координаталарини ҳисоблаш учун тұғри геодезик масалани счиш талаб қилинади. Бунинг учун ҳар бир томоннинг дирекцион бурчагини ҳисоблаб чиқиши керак бўлади. Полигон бошланғич томонининг дирекцион бурчаги маълум бўлса, томонлар орасидаги тузатилган ички бурчаклар бўйича полигон қолган барча томонларининг дирекцион бурчаклари (10.3) ёки (10.4) формулалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Мисолимизда олинган полигон учун йўл бўйича ўнг томондаги бурчаклар ўлчанганини ҳисобға олиб, қўйидаги формулалардан фойдаланилди:

$$\left. \begin{array}{l} \alpha_2 = \alpha_1 + 180 - \beta_2 \\ \alpha_3 = \alpha_2 + 180 - \beta_3 \\ \dots \\ \alpha_7 = \alpha_6 + 180 - \beta_7 \\ \alpha_1 = \alpha_7 + 180 - \beta_1 \end{array} \right\}.$$

Ушбу тенгламаларни кетма-кет бир-бирига қўйиб бориб қўйидагини топамиз:

$$\alpha_1 = \alpha_1 + 7 \cdot 180 - \sum_1^n \beta.$$

Ўлчанган  $n$  бурчаклар учун бу тенгламани қўйидагича ёзамиш:

$$\alpha_1 = \alpha_1 + 180(n-2) - \sum_1^n \beta.$$

Бундан  $\beta$  бурчаклар тенгланганинни ҳисобга олинса, (10.14) формулага асосан күйидаги тенглик келиб чиқады:

$$\alpha_1 = \alpha_1,$$

яғни ёпиқ полигонда бошланғич дирекцион бурчак ва томонлар орасындағы тенгланган бурчаклар орқали кетма-кет уларнинг дирекцион бурчаги ҳисоблаб борилса, охирида бошланғич томон дирекцион бурчаги такроран келиб чиқади. Бу эса дирекцион бурчакларни ҳисоблаш назорати бўлиб хизмат қиласди.

Юқоридаги 10.7-шаклда берилган  $B$  ва  $A$  геодезик пунктлар координаталаридан (10.10) формула бўйича  $BA$  томон дирекцион бурчаги  $\alpha_{BA} = 227^{\circ}08'$  топтилиб, боғлаш чап бурчаги қиймати  $\beta_A = 29^{\circ}08'$  ва (10.4) формула орқали полигоннинг бошланғич томони  $A-1$  дирекцион бурчаги  $\alpha$  ни күйидагича топамиз:  $\alpha = \alpha_{BA} + \beta_A - 180^{\circ} = 227^{\circ}08' + 29^{\circ}08' - 180^{\circ} = 76^{\circ}16'$ . Полигонда ўнг бурчаклар ўлчангани учун кейинги томонлар дирекцион бурчакларини юқоридаги формулалардан топамиз:

$$\alpha_1 = \alpha + 180^{\circ} - \beta_1 = 76^{\circ}16' + 180^{\circ} - 97^{\circ}56' = 158^{\circ}20';$$

$$\alpha_2 = \alpha_1 + 180^{\circ} - \beta_2 = 158^{\circ}20' + 180^{\circ} - 174^{\circ}27' = 163^{\circ}53'$$

ва ҳоказо. Назорат ҳисоблаш:

$$\alpha = \alpha_2 + 180^{\circ} - \beta_1 = 24^{\circ}36' + 180^{\circ} - 128^{\circ}20' = 76^{\circ}16'.$$

Демак, ҳисоблашлар тўғри.

Ҳисобланган дирекцион бурчаклар 13-жадвалнинг 4-устунига ёзилади. Ҳисоблаш ишлари тригонометрик функцияли калькуляторда бажарилса, бурчаклар қийматининг минут қисми ҳам градусда ифодаланиб ёзилиши керак. Масалан,  $145^{\circ}15' = 145^{\circ} + (15:60) = 145,25^{\circ}$ .

Оддий калькуляторда ҳисоблаш ишларини бажариш учун тригонометрик функциялар жадвали ёки маҳсус ишлаб чиқилган „координаталар орттирилари жадвали“ дан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ҳамма бурчаклар градус ва минутларда ҳисобланиши керак ва кўшимча координаталар ҳисоблаш ведомостининг 5-устуни „Румблар“ ҳам тўлдирилиши керак. Полигон ҳар бир томонининг дирекцион бурчаги бўйича румб номи ва унинг қиймати (2.1) даги формулалар орқали ҳисобланиб, жадвалнинг 5-устунига ёзилади.

Жадвалнинг 6-устунига „полигон томонларининг горизонтал қўйилиши“ бурчак ўлчаш журналидан томонлар узунлигининг ўргача қийматлари кўчириб ёзилади. Бунда полигоннинг қайси томони қия чизик бўлиб, унинг оғиш бурчаги ўлчанган бўлса, (7.8) формула бўйича тузатма ҳисобланади ва чизик узунлигига киритилиб, натижада жадвалнинг 6-устунига ёзилади. Бизнинг мисолимизда полигоннинг 3 – 4 томони узунлиги  $D = 202,18$  м, оғиш бурчаги  $v = 2^{\circ}45'$  бўйича ҳисобланган тузатма  $\Delta D = 0,27$  м бўлгани учун чизикнинг горизонтал қўйилиши  $d = D - \Delta D = 202,18 - 0,27 = 201,91$  м га teng бўлади.

**Координата орттирмаларини ҳисоблаш.** Координата орттирмалари юқорида келтирилган (10.6) ёки (10.7) формулаларнинг бири билан ҳисобланади.

Олинган мисолда полигон I — 2 томони учун (10.6) формула бўйича тригонометрик функцияли калькулятордан фойдаланиб, ведомостнинг 4 ва 6 устунларидан  $\alpha$  ва  $d$  қийматларини олиб топамиз:  $\Delta x = d \cos \alpha = 254,78 \cdot \cos 158^\circ 20' = -236,78$  м,  $\Delta y = d \sin \alpha = 254,78 \times \sin 158^\circ 20' = +94,06$  м.

Худди шу чизик учун орттирмаларни оддий калькулятор ва тригонометрик функциялар жадвалидан фойдаланиб, 5-устундан румб бурчагини олиб ҳисоблаймиз:  $\Delta x = d \cos r = 254,78 \cdot \cos 21^\circ 40' = -236,78$  м,  $\Delta y = d \sin r = 254,78 \cdot \sin 21^\circ 40' = +94,06$  м.

Бу ерда орттирмалар ишорасини румб номидан (қайси чоракда жойлашганига қараб) аниқлаймиз. Олинган румб қиймати II чоракда жойлашгани учун  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  ишоралари тегишлича „—“ ва „+“ бўлади (12-жадвалга қаралсин). Ҳисобланган орттирмалар ведомостнинг 7 ва 8-устунларига ёзилади. Худди шу тартибда полигоннинг қолган томонлари учун ҳам координата орттирмалари ҳисоблаб топилади.

**Координата орттирмаларининг хатосини аниқлаш ва уларни тенглаш.** Ёпиқ полигонда координата орттирмаларининг алгебраик йигиндиси назарий жиҳатдан нолга тенг бўлиши керак, яъни

$$\left. \begin{array}{l} \sum_1^n \Delta x_n = 0 \\ \sum_1^n \Delta y_n = 0 \end{array} \right\}. \quad (10.18)$$

Амалда эса бурчак ва томонлар узунлигини ўлчашда йўл қўйилган айрим хатолар таъсири натижасида (10.18) формула шарти бажарилмайди, яъни

$$\left. \begin{array}{l} \sum_1^n \Delta x_n \neq 0 \\ \sum_1^n \Delta y_n \neq 0 \end{array} \right\}. \quad (10.19)$$

Шуни ҳисобга олиб, координата орттирмалари хатоси учун ёзамиз:

$$\left. \begin{array}{l} fx = \sum_1^n \Delta x_a - \sum_1^n \Delta x_n \\ fy = \sum_1^n \Delta y_a - \sum_1^n \Delta y_n \end{array} \right\}, \quad (10.20)$$

бу ерда  $\sum_1^n \Delta x_a$  ва  $\sum_1^n \Delta y_a$  — координата орттирмаларининг амалий йигиндиси (13-жадвал 7 ва 8-устунларининг тегишли алгебраик йигиндиси).

(10.18) формула ҳисобга олинса (10.20) қуйидаги қўринишга келади:

$$\left. \begin{aligned} fx &= \sum_1^n \Delta x_a \\ fy &= \sum_1^n \Delta y_a \end{aligned} \right\}. \quad (10.21)$$

Олинган мисолимизда ушбу формула бўйича ҳисобланган  $fx$  ва  $fy$  қийматлари ведомостнинг 7 ва 8-устунлари остига ёзилган.

Ҳисобланган ортириналар боғланмаслик қиймати йўл қўярли ёки йўқлиги текширилади. Бунинг учун  $fx$  ва  $fy$  лар бўйича полигон периметридаги боғланмаслик абсолют қиймати  $fd$  қуйидаги формуладан топилади:

$$fd = \sqrt{fx^2 + fy^2}. \quad (10.22)$$

Абсолют боғланмаслик  $fd$  нинг полигон периметрига нисбати, яъни  $fd : \sum_1^n d$  периметрдаги нисбий боғланмаслик дейилади. Кўпинча нисбий боғланмаслик сурати бирга тенг оддий каср билан ифодаланади:

$$\frac{fd}{\sum_1^n d} \leq \frac{1}{N}, \quad (10.23)$$

бу ерда  $N = \sum_1^n d : fd$  бўлади.

Периметрдаги нисбий боғланмаслик қиймати томонлар узунлигини ўтчаш шароити яхши (кулай) бўлганда 1:2 000 дан катта бўлмаслиги керак, яъни

$$\frac{fd}{\sum_1^n d} \leq \frac{1}{2000}. \quad (10.24)$$

Ўртача ўтчаш шароити учун 1:1 500 ва нокулай шароит учун эса 1:1 000 дан ошмаслиги керак.

Бизнинг мисолимизда  $fx = +0,79$  ва  $fy = -0,01$  бўлгани учун (10.22) формуладан  $f = 0,79$  бўлади.

13-жадвал 6-устунидаги ҳамма қийматларни қўшиб топамиз  $\sum_1^n d = 1650,74$  м.

Бу қийматларни (10.24) формулага қўйиб аниқлаймиз:

$$\frac{0,79}{1651} = \frac{1}{2089}; \quad \frac{1}{2100} < \frac{1}{2000}.$$

Демак, орттирмалар боғланмаслик қиймати бизнинг мисолимизда йўл қўярли чегарада экан.

Агарда ушбу шарт (10.24) бажарилмаса, боғланмаслик хатоси орқали қўйидаги формуладан дирекцион бурчак топилади,  $\varphi = f_y : f_x$  ва унга яқин дирекцион бурчакли полигон томони учун ҳисоблашлар текширилади, бўлмаса томон узунлиги жойда қайта ўлчанади.

Юқоридаги мисолда  $f_x$  ва  $f_y$  қийматлари координата орттирмаларига томонлар узунлигига пропорционал равишда тескари ишора билан тарқатиб берилади.

Орттирмалар учун тузатмалар қўйидагича пропорционал ҳисобланади:

$$\left. \begin{aligned} v_{\Delta x} &= \frac{-f_x}{\sum_1^n d} d_i \\ v_{\Delta y} &= \frac{-f_y}{\sum_1^n d} d_i \end{aligned} \right\}, \quad (10.25)$$

бу ерда  $d_i$  – тузатма бериладиган томоннинг узунлиги.

Ҳисобланган тузатмалар қийматининг каср қисмини икки хонагача яхлитлаб ёки сантиметрда ифодалаб тегишли орттирма қиймати устига ёзилади (7 ва 8-устунларга қаралсин).

Тузатмаларнинг тўғри ҳисоблаб тарқатилганини текширилганда: тузатмалар йигиндисининг боғланмаслик хатолари  $f_x$  ва  $f_y$  ларга тескари ишора билан тенг бўлиши керак, яъни

$$\left. \begin{aligned} \sum_1^n v_{\Delta x} &= -f_x \\ \sum_1^n v_{\Delta y} &= -f_y \end{aligned} \right\}. \quad (10.26)$$

Ҳар бир тузатма тегишли орттирма қийматига алгебраик қўшилиб натижা 13-жадвалнинг 9 ва 10-устунларига ёзилади. Тузатилган орттирмаларнинг йигиндиси (9 ва 10-устунлар) ёпиқ полигон учун нолга тенг бўлиши керак. Шундан кейин бошлангич нуқтанинг берилиган координаталари ва тузатилган орттирмалар қиймати орқали (10.5) формула бўйича нуқталар координаталари ҳисобланади, яъни

$$\left. \begin{aligned} x_{i+1} &= x_i + \Delta x \\ y_{i+1} &= y_i + \Delta y \end{aligned} \right\}, \quad (10.27)$$

бу ерда  $i$  – полигон нуқталарининг тартиб рақами: 1, 2, 3, ...  $n$ .

Ёпиқ полигонда нүкталар координатаси кетма-кет ҳисоблаб борилганда охирда бошланғич нүқта координаталари тақроран келиб чиқади. Бу эса ҳисоблашлар текшируви бўлади.

Олинганд мисолимизда  $A$  нүктанинг координаталари тақроран келиб чиқиши жадвалнинг 11 ва 12-устунларида кўрсатилган.

### 10.8. Очиқ полигон (диагонал йўл) нүкталарининг координаталарини ҳисоблаш

Очиқ полигон теодолит йўлида бурчак ва орттирмаларни тенглаш ёпиқ полигонга ўхшаб бажарилса ҳам бошланмасликларни ҳисоблаш ўз хусусиятига эга. Ҳисоблаш ишлари қўйидаги тартибда бажарилади:

1. 14-жадвалнинг 1-устунига полигон нүкталарининг тартиб рақами, йўлнинг бошланғич ва охирги учи таянч нүкталари билан бирга ёзилади. Жадвалда берилган мисолда 1- ва 2- нүкталар йўлнинг бошланғич, 6 ва  $A$  нүкталар эса охирги учининг таянч нүкталари ҳисобланади (10.7-шакл). 1 — 2 ва 6 — А томонларнинг дирекцион бурчаклари  $\alpha_6$  ва  $\alpha_{ox}$  ҳамда 2- ва 6- нүкталар координаталари 13-жадвалда ҳисобланган ва улар бошланғич қийматлар деб олиниб, 14-жадвалга ёзилган.

2. Жадвалнинг 2-устунига йўл бўйича ўнг бурчаклар ёки чап бурчаклар, мисолда ўнг бурчаклар, дала ўлчаш журналидан олиб ёзилади ва улар йигинидиси  $\sum \beta_n$  олиниб устун тагига ёзилади.

3. „Дирекцион бурчаклар“ устунига (4-устун) бошланғич 1 — 2 ва охирги 6 — А томонлар дирекцион бурчаклари  $\alpha_6$  ва  $\alpha_{ox}$  13-жадвал 4-устунидан олиб ёзилади.

4. Бурчаклар хатоси (10.13) формула бўйича ҳисобланади. Лекин бунда  $\sum \beta_n$  — бурчаклар назарий қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sum \beta_n = \alpha_6 + n \cdot 180^\circ - \alpha_{ox}, \quad (10.28)$$

бу срда  $\alpha_6$  ва  $\alpha_{ox}$  — йўлнинг бошланғич ва охирги томонларининг берилган дирекцион бурчаклари;  $n$  — йўлда ўлчанган бурчаклар (2-устунга ёзилган) сони.

Юқоридаги (10.28) формула йўл бўйича ўнг бурчаклар ўлчанган вақтда ишлатилади. Агар чап томондаги бурчаклар ўлчанган бўлса, формула қўйидагича бўлади:

$$\sum \beta_n = \alpha_{ox} + n \cdot 180^\circ - \alpha_6. \quad (10.29)$$

**Очиқ полигон (диагонал йўл) нуқталарининг координаталарини  
ҳисоблаш ведомости**

№	Ўнг бурчаклар		Дирекцион бурчаклар	Румблар	Полигон томон гориз. қуйил. м ҳис.	Орттирилалар (м)								Координаталар (м)			
						Ҳисобланган				Тузатилган							
	Ўлчан-ган	Тузатилган				±	$\Delta x$	±	$\Delta y$	±	$\Delta x$	±	$\Delta y$	±	x	±	y
1	2	3	4	5	6	7		8		9		10		11		12	
1																	
	-0,5		158°20'														
2	88°42,5'	88°42,2'					+8		-6					+ 3915,55	+ 2809,01		
			249°38'	ЖF:69°38'	144,26	-	50,20	-	135,24	-	50,12	-	135,30				
7	124°12'	124°11,7'					+9		-8					+ 3865,43	+ 2673,71		
		5'	305°26'	ШF:54°34'	159,50	+	92,48	-	129,95	+	92,57	-	130,03				

## 14-жадвал (давоми)

16

8	258°55'	258°55'				+18		-15					+ 3958,00	+	2543,68
	-0,5'		226°31'	ЖК:46°31'	264,85	-	182,25	-	192,17	-	182,07	-	192,32		
6	21°55,5'	21°55'											+ 3775,93	+	2351,36
			24°36'												
A															

$$\sum \beta_o = 493^\circ 45'$$

$$\sum \beta_n = 493^\circ 44'$$

$$\overline{\beta} = +01'$$

$$\Sigma d = 568,61; \Sigma \Delta x_a = -139,97; \Sigma \Delta y_a = -457,36$$

$$\Sigma \Delta x_n = (-139,62); \Sigma \Delta y_n = (-457,65)$$

$$\overline{fx} = -0,35 \quad \overline{fy} = +0,29$$

$$\beta_{\text{некор}} = 2' \sqrt{n} = 2' \sqrt{4} = 04'$$

$$fd = \sqrt{(0,35)^2 + (0,29)^2} \approx 0,45; \quad \frac{fd}{\Sigma d} = \frac{0,45}{568,61} = \frac{1}{1260} < \frac{1}{1000}$$

$$\Sigma \Delta x_n = 3775,93 - 3915,55 = -139,62$$

$$\Sigma \Delta y_n = 2351,26 - 2809,01 = -457,65$$

Бизнинг мисолимизда ўнг бурчаклар ўлчангани учун боғланмаслик (10.28) формула бўйича ҳисобланади. Бу формулага қўйиладиган қийматлар 14-жадвалнинг 4-устунидан олинади:

$$\sum_{\text{1}}^n \beta_n = \alpha_6 + n \cdot 180^\circ - \alpha_{\text{ок}} = 158^\circ 20' + 4 \cdot 180^\circ - 24^\circ 36' = 853^\circ 44'.$$

(10.28) ва (10.29) формулалари билан ҳисобланган натижаларда ортиқча  $360^\circ$  (битта давр) пайдо бўлиши мумкин ва бунда натижадан  $360^\circ$  айриб ташланиши керак бўлади. Шунга кўра юқоридаги мисолдаги натижани қўйидагича ёзамиш:

$$\sum_{\text{1}}^n \beta_n = 853^\circ 44' - 360^\circ 00' = 493^\circ 44'.$$

Шундай қилиб, бурчаклар боғланмаслик қиймати (10.13) формула бўйича қўйидагига тенг бўлади:

$$f\beta = \sum_{\text{1}}^n \beta_n - \sum_{\text{1}}^n \beta_n = 493^\circ 45' - 493^\circ 44' = 01'.$$

Чекли хато диагонал йўл учун қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$f\beta_{\text{чекли}} = 2'\sqrt{n} = 2'\sqrt{4} = 4' ,$$

бу ерда  $n$  — ўлчанган бурчаклар сони.

Ҳисобланган хато чеки қийматини ўлчанган бурчаклар хатоси билан солиштириб, ўлчаш хатоси олинган мисолда йўл қўйиладиган чегарада эканлигини кўрамиз.

Бурчаклар хатоси ёпиқ полигондагига ўхшаш тарқатилади ва бурчаклар қиймати тузатилиб, 3-устунга ёзилади.

5. Томонлар дирекцион ва румб бурчаклари ёпиқ полигонга ўхшаш ҳисобланади. Дирекцион бурчаклар тўғри ҳисобланганлигининг исботи бўлиб, охирги томоннинг олдиндан маълум бўлган дирекцион бурчагини такроран келиб чиқиши хизмат қиласи (бизнинг мисолимизда 4-устундаги 6-А томонининг дирекцион бурчаги  $24^\circ 36'$ ).

6. Томонларнинг узунлиги ўлчаш журналидан олинниб, 6-устунга ёзилади. Бунда қия чизиқлар ўлчанган бўлса, уларнинг горизонтал қўйилиши ҳисоблаб олинади.

7. Йўл томонларининг орттирмаси ёпиқ полигонга ўхшаш (10.6) ёки (10.7) формулаларнинг бири билан ҳисобланади ва 7,8-устунларга ёзилади.

8. Орттирмалар боғланмаслик очиқ полигонда қўйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$\left. \begin{aligned} fx &= \sum_1^n \Delta x_a - \sum_1^n \Delta x_n \\ fy &= \sum_1^n \Delta y_a - \sum_1^n \Delta y_n \end{aligned} \right\}, \quad (10.30)$$

бу ерда  $\sum_1^n \Delta x_n$  ва  $\sum_1^n \Delta y_n$  — орттирмалар назарий үйініндеси бўлиб, қўйидаги формулалардан топилади:

$$\left. \begin{aligned} \sum_1^n \Delta x_n &= x_{ax} - x_\delta \\ \sum_1^n \Delta y_n &= y_{ax} - y_\delta \end{aligned} \right\}, \quad (10.31)$$

бу ерда:  $x_\delta$ ,  $y_\delta$  ва  $x_{ax}$ ,  $y_{ax}$  — йўл бошлангич ва охирги таянч нуқталарининг координаталари.

Бизнинг мисолимизда 2 ва 6-нуқталар таянч нуқталар бўлиб, координаталари 13-жадвалнинг 11 ва 12-устунларидан олинниб, 14-жадвалнинг тегишли устунларига ёзилади.

Юқоридаги (10.30) ва (10.31) формулалардан фойдаланиб 14-жадвалда олинган, мисол учун,  $fx$ ,  $fy$ ,  $fd$  ва  $fd: \sum_1^n d$  қийматларни ҳисоблаш жадвалнинг пастки қисмида келтирилган. Диагонал йўл асосий (ёпиқ) теодолит йўли нуқталари орасида ўтказилганлиги учун унда йўл қўйилган хатолар таъсирида орттирмалар боғланмаслик мутлақ қиймати бирмунча каттароқ бўлади ва нисбий қиймати

$fd: \sum_1^n d \leq 1:1 000$  шартни қаноатлантириши керак. Бизнинг мисолимизда у  $1:1 260 < 1:1 000$  бўлгани учун (ҳисоблаш 14-жадвал остида келтирилган) орттирмалар хатоси йўл қўярли чегарада эканлиги тасдиқланди. Орттирмаларни боғлаш худди ёпиқ полигонга ўхшаш бажарилади. Боғланган (тузатилган) орттирмалар ва бошлангич нуқтанинг (мисолимизда 2-нуқта) координаталари бўйича кейинги нуқталарнинг координаталари ёпиқ полигонга ўхшаш кетма-кет ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблашлар охирда йўл охирги таянч нуқтасининг берилган координаталари келиб чиқиши керак. Олинган мисолда диагонал йўлнинг охирги таянч нуқтаси 6-нуқта бўлиб, координаталари 13-жадвалдан олинган. Демак, унинг координаталари 14-жадвалда қўйидагича такроран ҳисобланади (10.7-шаклга асосан):

$$\begin{aligned} x_\delta &= x_b + \Delta x = 3957,88 - 182,10 = 3775,78 \text{ м}; \\ y_\delta &= y_b + \Delta y = 2543,71 - 192,35 = 2351,36 \text{ м}. \end{aligned}$$


Бу эса ҳисоблаш тўғри эканлитини билдиради. Ҳисобланган координаталар 14-жадвалнинг 11 ва 12-устунларига ёзилади.

### 10.9. Полигонни томонлар румби ва узунлиги бүйича түзиш

Полигонни томонлар румби бүйича түзиш учун чизадиган қоғоз варағининг ўрта қисмидә қаралып көрсөткөн пастта қараб тикка чизиқ чизилади. Бу варақда полигон бошлангич нүктаси (бизнинг мисолимизда  $A$  нүкта) нинг ўрни шундай тантаб олинадыки, кейинги нүкталар туширилганда полигон варақнинг мүмкін қадар ўртасида жойлашсын.

13-жадвалнинг 5-устунидаги  $A$ -I томон румби ШШҚ:  $76^{\circ}16'$  қиймати бүйича планга қуидаги түширилди.

Транспортирнинг марказидаги 0 нүкта чизиқнинг ўрта қисмидә белгиланган нүкта билан туташтирилди, бунда румб I ва II чоракларда берилган бўлса, транспортир ёйи ўнг томонга, III ва IV чоракларда берилган бўлса, чап томонга қўйилади. Берилган румб чорагига қараб бурчак қиймати шимолдан шарққа ёки жанубдан шарққа қараб қўйилиб нүкта билан белгиланади. Мисолда румб қиймати ШШҚ:  $76^{\circ}16'$  шимолдан шарққа қараб қўйилади ва белгиланган нүкта транспортир маркази қўйилган нүкта билан чизгич ёрдамида туташтирилди. Чизгич ўзига параллел суримилиб, қоғозда белгиланган  $A$  нүктаси устига кўчирилди ва чизиқ чизилади. Бу чизиқда  $A$  нүктасидан бошлаб берилган масштабда томон узунлиги ўлчаб қўйилади ва I-нүкта ўрни планда топилади. Худди шу тарзда 2, 3, ..., 6 нүкталар ўрни планга туширилди ва охирида  $6 - A$  чизиги түширилиб,  $A$  нүктасининг ўрни тақроран топилади. Йўл қўйилган ўлчаш ва чизма ишлари хатоларининг таъсири остида полигон охирги томонининг ( $6 - A$ ) румби ва масофаси бўйича топилган  $A_0$  олдинги  $A$  нүкта устига тушмайди ва полигон  $A_0A$  кесим миқдорига ёпилмай қолади (10.8-шакл).  $A_0A$  кесими полигоннинг чизиқ боғланмаслик мутлақ қиймати дейилади. Унинг полигон периметрига бўлган нисбати сурати бирга тенг каср билан ифодаланади ва чизиқ боғланмаслик нисбий қиймати дейилади. У 1:300 дан ошмаслиги керак. Агар хато бу чекдан ошибкетса, планни томонларнинг румби бўйича ясаш ишлари қайта текширилади. Бу ҳам натижка бермаса, дала ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари қайтадан текширилади. Хато йўл қўярли бўлса, полигон график усулда боғланади. Бунинг учун полигоннинг ҳамма нүкталарида (1, 2, 3, ..., 6)  $A_0A$  кесимига параллел чизиқлар чизилади ва улардан боғланмаслик йўналиши томонга қараб тегишли тузатмалар  $1 - 1'$ ,  $2 - 2'$ ,  $3 - 3'$ , ...,  $6 - 6'$  ўлчаб қўйилади. Ҳар бир нүктадаги тузатма унинг бошлангич нүкта  $A$  дан бошлаб олинадиган масофасига пропорционал қийматда ҳисобланниши керак. Бунинг учун қуидаги тартибда тузиладиган чизмадан фойдаланилади. Полигон чизилган варақнинг қуий қисмидә полигон периметри (мисолимизда 1650,74 м) ни олиб, план масштабидан майдароқ масштабда чизамиз. 10.8-шаклда 0— $A$  кесими.  $A$  нүктадан боғланмаслик кесими  $A_0 - A$  га тенг бўлган



10.8- шакл.

перпендикуляр чизик чиқарамиз. Ҳосил бўлган  $A_0$  нуқтани 0 нуқтаси билан туташтирамиз. Энди 0 нуқтадан бошлаб  $A$  га қараб  $A-1$ , кейин  $(A-1)+(1-2)$ , ундан кейин  $(A-1)+(1-2)+(2-3)$  ва ҳоказо чизик узунликларини кетма-кет ўлчаб қўйиб, 1, 2, 3, ..., 6 нуқтагарни топамиз. Ўз навбатида уларнинг ҳар биридан перпендикуляр чиқарсан, ҳосил бўлган  $1 - 1'$ ,  $2 - 2'$ ,  $3 - 3'$ , ...,  $6 - 6'$  кесмалар тегишли нуқталардаги тузатмалар (нуқталар сурилиши керак бўлган қийматлар) га тенг бўлади. Уларнинг ҳар бирини циркуль билан ўлчаб олиб пландаги тегишли нуқталардан ўтказилган йўналишлар бўйича қўйилади ва  $1'$ ,  $2'$ ,  $3'$ , ...,  $6'$  тузатма киритилган нуқталар ўрни топилади. Улар чизиқлар билан туташтирилиб, боғланган (тузатилган) полигон ҳосил қилинади. Худди шу тартибда диагонал йўл ҳам боғланади.

Полигонни румблар бўйича чизишда румб бурчакларини қоғозда ўлчаб қўйиш учун транспортир ишлатилади. Геодезик транспортирда бурчак ўлчаш аниқлиги пастлиги ( $5'$ га тенг) учун чизилган полигон ҳам паст аниқликда бўлади.

Полигонни боғлашда нуқталар учун тузатмалар аналитик йўл билан ҳисобланиши ва киритилиши мумкин. Бунинг учун  $i$  рақамдаги нуқтанинг тузатмаси қўйидагига тенг бўлади:

$$v_i = \frac{fd}{\sum d} (d_1 + d_2 + \dots + d_i), \quad (10.32)$$

бу ерда:  $d_1 + d_2 + \dots + d_i$  – тузатма ҳисобланадиган нуқтагача бўлган масофа.

Бу формулада  $fd = \sum d$  қиймати ҳамма нүқталар учун ўзгармас бўлади. Ҳисобланган тузатма қиймати план масштабида тегишли нүқтада ўлчаб қўйилади.

Теодолит съёмкаси планини етарли аниқликда ҳосил қилиш учун полигоннинг ҳар бир нүқтаси координаталари бўйича планга туширилади, бунда нүқталар ўрни планда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда топилади.


### 10.10. Теодолит съёмкаси планини координаталар бўйича тузиш

Полигоннинг шимолдан жануб томон катталиги нүқталар абсциссанинг энг катта ва энг кичик қийматлари айрмаси, гарбдан шарққа эса ординаталар энг катта ва энг кичик қийматларининг айрмаси билан белгиланади. Уларни план масштабига келтириб, сантиметрда ҳисобласак, план чизиладиган қофоз варагининг ўлчамини аниқлаган бўламиз.


Ҳисоблаш асосида танлаб олинган ватман қофозида томонлари  $10 \times 10$  см бўлган квадрат катаклар ясалади. Бу иш маҳсус металл чизгич – Дробишев чизгичи ёки ЛБЛ чизгичи ёрдамида бажарилади. Улар бўлмаган тақдирда квадрат катакларни каттароқ узунликдаги оддий чизгич, кўндаланг масштаб ва циркуллардан фойдаланиб ясаш мумкин.

Дробишев чизгичи металдан ясалган, унинг ўрта қисмида 6 та тўғри бурчакли тешиклар жойлашган бўлиб, улар ҳар бирининг чап қирраси, чизгичнинг узунасига битта ён қирраси ва охирги уни қирраси йўнилган бўлади (10.9-шакл). Биринчи тешик йўниғида перпендикуляр йўналишида штрих чизилган бўлиб, у 0 билан белгиланган. Қолган тешикларнинг йўнилган қирралари нолдан ҳисоблагандан, 10, 20, ..., 50 см ва чизгич охирги уни йўнилган қирраси эса 70, 71 см ёзувлар билан белгиланган. Бундай чизгичдан фойдаланиш принципи катетлари 50 см, гипотенузаси эса 70, 71 см га teng тўғри бурчакли учбурчакни ясашга ( $50^2 + 50^2 = 70, 71^2$ ) асосланган.

Ушбу чизгич ёрдамида қофозда квадрат катакларни ясаш тартибини кўриб чиқамиз.



10.9- шакл.




10.10- шакл.

Бунда дастлаб қофознинг пастки қиррасига Дробишев чизғичи параллел қилиб қўйилади, биринчи ва охирги тешиклар йўнилган қирраси бўйича қалам билан ингичка қилиб чизиқчалар чизилади (10.10-шакл). Ноль билан белгиланган чизиқчадаги нуқтага чизғич ноль нуқтасини туташтириб, у қофоз чап қиррасига параллел ҳолда ўрнатилади ва биринчи ҳамда охирги тешикчаларнинг йўнилган қирраси бўйича 0 ва 5' билан белгиланган чизиқчалар чизилади.

Сўнгра чизғичнинг ноль нуқтасини 5 нуқта билан туташтириб, чизғич диагонал йўналиши бўйича қўйилади ва чизғични йўналган учини 5' чизиқча билан кесиштирилади. Натижада 0, 5, 5' рақамлар билан белгиланган тўғри бурчакли учбурчак учлари топилади. Сўнгра чизғичнинг ноль нуқтасини 5 нуқта билан туташтириб, у қофоз ўнг қиррасига параллел қўйилиб, охирги тешикча қиррасидан 5" чизиқча чизилади. Чизғич ноль нуқтаси қофоздаги 0 нуқтага қўйилиб, диагонал 0 — 5" бўйича йўналтирилади ва чизғич учи йўналган қирраси билан 5" чизиқча кесиштирилади.

Шундай қилиб, бурчак учлари 0, 5, 5" нуқталардан иборат иккинчи тўғри бурчакли учбурчак ҳосил бўлди. 0, 5, 5' ва 0, 5', 5" учбурчаклар қўшилиб, томонлари  $50 \times 50$  см, учлари 0, 5'; 5", 5 нуқталардан иборат квадратни ташкил этади. Бажарилган ишлар тўғрилигини текшириш учун чизғичнинг ноль нуқтаси 5' нуқта билан туташтирилиб, қофозни юқори қиррасига параллел қўйилса, унинг охирги тешигининг йўнилган қирраси билан 5" нуқта туташиши



10.11- шакл.

керак. Туташмаслик қиймати 0,2 мм дан ошмаслиги керак. Шундан кейин квадратнинг тўрт томони чизгичнинг тешикчалари орқали 10 см ли бўлакларга бўлиб чиқилади ва қарама-қарши томонларда ҳосил бўлган нуқталар чизгичнинг йўнилган қирраси билан туташтирилиб чизиқлар чизилади ва квадрат катаклари тўри ҳосил қилинади. Квадратларнинг ўзаро тенглигини текшириш учун улардан бирининг диагонали циркуль билан олинниб қолганларининг диагонали бўйича қўйиб чиқилганда улар teng бўлиши ёки уларнинг фарқи 0,2 мм дан ошмаслиги керак.

Бундай маҳсус чизгич қўл остида бўлмаса, оддий йўл билан квадрат катаклар тўрини ҳосил қилиши мумкин. Бунинг учун олинган қоғоз варагининг қарама-қарши бурчакларидан оддий чизгич билан диагонал чизиқлар ўтказилади. Уларнинг кесишган нуқтаси 0 дан бошлаб тўртта бурчакларга қараб қабул қилинган узунликдаги кесимлар қўйиб чиқилади ва  $A$ ,  $B$ ,  $C$  ва  $D$  нуқталари топилади (10.11-шакл). Бу нуқталарни туташтириб, тўғри бурчакли тўртбурчак ҳосил қилинади.  $A$  нуқтадан  $B$  нуқтага қараб кўндаланг масштабдан циркуль ёрдамида аниқ ўлчаб олинган 10 см га teng кесим кетма-кет қўйиб чиқилиб нуқталар белгиланади (10.11-шакл).

Сўнгра циркулда олинган ўша 10 см ли кесим  $A$  нуқтадан бошлаб  $D$  нуқтага қараб бирин-кетин қўйилиб, нуқталар белгиланади. Ҳудди шу тарзда  $DC$  томон  $D$  нуқтадан,  $BC$  томон эса  $B$  нуқтадан бошлаб олдингидай кесимларга бўлинади. Қарама-қарши томонлардаги teng нуқталардан чизиқлар ўтказилиб, 10x10 см бўлган квадрат катаклар ҳосил қилинади. Уларнинг тенглигини текшириш юқоридаги каби бажарилади.

Квадрат катаclar түрини ясаб бўлингач, чизиладиган план масштаби ва теодолит полигони нуқталарининг координаталари қийматидан келиб чиқиб, квадрат катаclar тўри координата қийматлари билан белгилаб чиқилади. Бизнинг мисолимизда теодолит полигони нуқталарининг 13-жадвалдаги  $x$  ва у қийматларига қараб 1:2 000 масштаб учун 10.10-шаклдаги координаталар тўри соңлар билан ёзиб чиқилган. Полигон нуқталарини координаталари бўйича планга тушириш бошланғич нуқта (13-жадвалда  $A$  нуқта) дан бошланади. Бунинг учун ушбу нуқта координаталарининг ишораси ва қийматига қараб нуқта жойлашадиган квадрат аниқланади.  $A$  нуқтасининг координатлари  $x = +4100,00$  м ва  $y = 2500,00$  м бўлгани учун нуқта жойлашадиган квадратнинг пастки чап учи координатлари  $x = 4000$  м ва  $y = 2500$  м бўлади. Демак, ундан бошлаб шимолга  $4100 - 4000 = 100$  м, шарқقا  $2500 - 2500 = 0$  м масштабда ўлчаб қўйилса,  $A$  нуқта топилади (10.10-шакл).

Координатлари  $x = +4152,42$  м ва  $y = +2714,95$  м бўлган 1-нуқта (13-жадвал) пастки чап учи координатлари  $x = 4000$  м ва  $y = 2700$  м га тенг квадратда жойлашади. Ундан юқорига (шимолга)  $4152,42 - 4000 = 152,42$  м ва ўнг томонга (шарқقا)  $2714,95 - 2700 = 14,95$  м ни план масштабида ўлчаб қўйиб (10.10-шакл) топилган нуқталардан квадрат томонларига параллел чизиклар чизилса, уларнинг кесишишидан 1-нуқтанинг пландаги ўрни ҳосил бўлади. Полигон қолган нуқталарининг ўрни ҳам планда шу тартибда топилади.

Планга нуқталар тўғри туширилганини текшириш учун биринкетин туширилган икки нуқта оралиги масштабда циркуль билан ўлчаниб, ведомостдаги (13-жадвал) чизикнинг горизонтал қўйилиши қиймати билан солиширилади. Агар улар бир-бирига тенг чиқса, нуқталар планга тўғри туширилган бўлади, акс ҳолда улар ўрнини планда қайта топилади.

Туширилган ҳар бир нуқта ёнига унинг тартиб рақами ёзилади. Айнан шу тарзда планга диагонал йўл нуқталари ҳам туширилади.

Пландаги теодолит йўли нуқталари чизиклар билан ўзаро туташтириб чиқилади ва планда полигон ҳосил бўлади.

Шундан кейин жойда съёмка қилинган тафсилотлар планга йўл нуқталари ва томонларидан тегишли ўлчангандан қийматларни ўлчаб қўйиб туширилади. Бунда дала съёмкасида олиб борилган абрисдан фойдаланилади. Перпендикулярлар усули билан съёмка қилинган тафсилот нуқталари эса планга циркуль, чизгичлар (оддий ва учбурчак) ҳамда кўндаланг масштаб ёрдамида туширилади. Перпендикулярлар узунлиги ва уларнинг асосигача ўлчангандан масофаларни учбурчак ва оддий чизгичлар ёрдамида кўндаланг масштаб ва циркуль ёрдамида ўлчаб қўйиб, тафсилот нуқталари планга туширилади.

Кутбий координаталар усулида съёмка қилинган нуқталарни транспортир, циркуль ва кўндаланг масштаб ёрдамида ўлчаб қўйилади.

Үлчанган қутбий бурчакларни қоғозда ясаш учун транспортир маркази теодолит үрнатилган нұқтага, унинг ноль диаметри эса жойда бошланғич йұналиш қилиб олинган томон билан туташтириб олинади. Ҳар бир туширилган бурчакни чегараловчи йұналиш бүйіча теодолит үрнатилған нұқтадан бошлаб тегишли масофалар масштабда қўйилиб топилған нұқталар бүйіча тафсилот чегараси чизиб кўрсатылади.

Бурчак кесишириш усули билан съёмка қилинған нұқталарни планга транспортир ва чизғич ёрдамида туширилади. Бунда бурчаклар қайси томондан бошлаб үлчанған бўлса, транспортир билан ўша томондан ўлчаб қўйилади.

Шундай қилиб, планга чегаралари туширилған тафсилотлар тегишли топографик шартли белгилар жадвалига асосан чизиб чиқылади.

Планнинг рамкаси ва рамкадан ташқари ёзувлари ҳам худди шу шартли белгилар жадвалининг талаби асосида бажарилади.

Якуний чизилған план рангли (қора, кўк, жигар ранг ва яшил) тушда чизиб чиқылади.

### 10.11. Юзани ҳисоблаш усуллари

Ер бўлакларининг хўжалик аҳамиятига, уларнинг шаклига, катта-кичикликкига, үлчашда ишлатиладиган асбоблар ва керакли маълумотларнинг бор-йўқлигига қараб юзани ҳисоблашнинг кўйидаги усуллари кўлланилади:

1. **Аналитик усул** — юза жойда үлчанған чизиқлар ва бурчаклар орқали геометрия, тригонометрия ва аналитик геометрия формуулалари бўйича ҳисобланади. Масалан, томорқалар, қурилиш майдончаси ер бўлаклари, якка иморат ёки иншоот билан банд майдонларни ҳисобга олиш ва ҳар хил мақсадлар учун ер бўлакларини ажратиш учун уларни оддий геометрик шаклларга — учбурчак, тўғри бурчакли тўртбурчак, айрим вақтларда трапецияга бўлиб олиб, ҳар бирининг юзаси тегишли оддий формулалар билан ҳисобланади ва уларнинг йиғиндинсини олиб умумий юза топилади.

Катта майдонлар, масалан, хўжаликлар ери уларнинг чегара нұқталари координаталари бўйича ҳисобланishi қулай бўлади ва аниқ натижга беради (10.12 га қаралсин).

2. **График усул** — майдонлар юзаси план ва карталар бўйича ўлчаб аниқланған чизиқлар узунлиги орқали ҳисобланади, яъни ер бўлаклари план ёки картада учбурчак, тўртбурчак ёки трапецияга бўлиниб, уларнинг асос ва баландлиги масштабдан фойдаланиб үлчанади ва тегишли формулаларга қўйиб ҳисобланади. Палеткалар ёрдамида юза ҳисоблаш ҳам шу усулга киради (10.13 га қаралсин).

3. **Механик усул** — юза план ёки картада маҳсус асбоб — планиметр ёрдамида ўлчанади (10.14 га қаралсин). Юқорида кўриб ўтилған усуллар хўжаликлар ихтиёрида бўлган ерлар юзасини ҳисоблашда,

ер тузишда, шунингдек, ердан фойдаланиш чегараларини аниқлашда, хўжаликлараро ер тузиш ишларини бажаришда ва бошқаларда кенг кўлланилади.

### 10.12. Бурилиш нуқталари координаталари орқали полигон юзасини ҳисоблаш

Бирон-бир ер бўлагининг чегаралари бўйича теодолит йўли ўтказилиб, бурилиш нуқталарининг координаталари топилган бўлса, унинг юзаси тегишли формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Бу формулалар исботини 10.12-шаклда келтирилган оддий 1, 2, 3, 4 тўртбурчак мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу полигон юзи  $P$  билан белгиланиб, уни шаклда ҳосил бўлган  $1, 2, 2', 1'; 2', 2, 3, 3'; 3, 4, 4', 3'$  ва  $1, 4, 4', 1'$  трапециялар юзаларининг алгебраик йиғиндиси сифатида ҳисоблаш мумкин. Трапеция юзини ҳисоблаш формуласига асосан полигон юзи  $P$  учун 10.12-шаклдан ёзамиз:

$$P = \frac{1}{2}(y_2 + y_3)(x_2 - x_3) + \frac{1}{2}(y_3 + y_4)(x_3 - x_4) - \frac{1}{2}(y_1 + y_2)(x_2 - x_1) - \frac{1}{2}(y_1 + y_4)(x_1 - x_4).$$


Бундан 2 ни умумий маҳраж қилиб, қавсларни очиб, ишораларига қараб тегишли қисқартиришларни бажариб бўлиб, у бўйича қўшилувчиларни йиғиб, умумий кўпайтувчиларни қавсдан чиқарсан қуидагига эга бўламиз:

$$2P = y_1(x_4 - x_2) + y_2(x_1 - x_3) + y_3(x_2 - x_4) + y_4(x_3 - x_1).$$

Ушбу формуладан келиб чиқадиган қоидани  $n$  та бурчакли полигонга тадбиқ қилиб, умумий кўринишда қуидаги формулани ёзиш мумкин:

$$2P = \sum_{i=1}^n y_i(x_{i-1} - x_{i+1}), \quad (10.33)$$

бу ерда  $i = 1, 2, 3, \dots, n$  — полигон нуқталарининг тартиб рақами.



10.12- шакл.

Агар полигон бурилиш нүқталарини ординатта ўқига проекцияланса, яна ўша 10.12-шаклга ассоан ёзамиз:

$$2P = x_1(y_2 - y_4) + x_2(y_3 - y_1) + x_3(y_4 - y_2) + x_4(y_1 - y_3)$$

ёки күпбұрчаклы полигон учун:

$$2P = \sum_{i=1}^n x_i(y_{i+1} - y_{i-1}) . \quad (10.34)$$

Ушбу формулага ассоалын қойидағи таърифни ёзиш мүмкін: полигоннинг иккіланған юзи ҳар бир нүқта абсциссасини олдинги ва орқадаги нүқталар ординаталари айрмасында күпайтириб, умумий йигіндисини олишга баробардир. Ҳисоблаш ишларини текшириб бориш (10.33) ва (10.34) формулаларнинг қавс ичидеги ҳадлари орқали амалға оширилади. Епік полигон учун ушбу формулалардан қойидағини ёзамиз:

$$\sum_{i=1}^n (x_{i-1} - x_{i+1}) = \sum_{i=1}^n (y_{i+1} - y_{i-1}) = 0 . \quad (10.35)$$

Битта полигон учун (10.33) ва (10.34) бүйіча ҳисобланған юза қийматлари ўзаро тенг чиқиши керак. Ҳисоблашни осонлаштириш мақсадида координаталар қиймати 0,1 м гача яхлитлаб ёзилади. Ҳи-

### 15-жадәвап

Нүқталар т/p	Координаталар (м)		Айрмалар (м)		Күпайтмалар (м <sup>2</sup> )	
	x	y	$x_{i-1}-x_{i+1}$	$y_{i+1}-y_{i-1}$	$x_i(y_{i+1}-y_{i-1})$	$y_i(x_{i-1}-x_{i+1})$
1	2	3	4	5	6	7
A	+4100,0	+2500,0	-376,6	+363,6	+1490760	-941500
1	+4152,4	+2715,0	+184,5	+309,0	+1283092	+500918
2	+3915,5	+2809,0	+396,4	+140,0	+548170	+1113488
3	+3756,0	+2855,0	+269,9	-123,1	-462364	+770564
4	+3645,6	+2685,9	+154,0	-424,6	-1547922	+413629
5	+3602,0	+2430,4	-130,2	-334,5	-1204869	-316438
6	+3775,8	+2351,4	-498,0	+69,6	+262796	-1170997
-						
			+1004,8	+882,2	+3584818	+2798599
			-1004,8	-882,2	-3215155	-2428935
			0	0	+369663	369664
					2P = 369664 м <sup>2</sup>	
					P = 184832 м <sup>2</sup> = 18,48 га	

соблаш маҳсус жадвалда микрокалькулятор ёрдамида бажарилади. Мураккаб ва кўп бурилиш нуқталаридан ташкил топган полигонлар юзи компьютерда маҳсус дастур асосида ҳисобланиши мумкин.

13-жадвалда топилган координаталар бўйича полигон юзасини ҳисоблаш юқоридаги 15-жадвалда келтирилган.

### 10.13. Палетка ёрдамида юзани ҳисоблаш


Чегаралари эгри чизиқдан ташкил топган майдадан контурлар юзасини ҳисоблаща палеткалар қўлланилади. Палеткалар тўғри ва эгри чизиқли бўлади. Тўғри чизиқли палеткаларга энг кўп тарқалган квадрат ва параллел палеткалар киради.

Квадрат палетка — оралари 1 ёки 2 мм дан шаффоф цеплулоидда ўзаро перпендикуляр ўтказилган чизиклардан иборат. Перпендикуляр чизиқлар кесишиб квадратлар тўрини (томонлари  $1 \times 1$  ёки  $2 \times 2$  мм) ҳосил қиласди (10.13-а шакл).

Айрим вақтда палетканни тўғри бурчакли катаклардан ҳам ясаш мумкин. Берилган шакл юзаси унинг ичидаги жойлашган палетка бутун катаклари сонига тўламас катаклар сонини кўз билан чамалаб аниқлаб қўшиб, битта катак қўйматига қўпайтириб топилади.

Мисол, 1:1 000 масштабдаги планда олинган шакл юзаси, палетка катагининг томонлари  $2 \times 2$  мм бўлса, 10.13-а шаклга асосан қўйидагида ҳисобланади. Битта квадратнинг томонлари олинган масштабда  $2 \times 2$  м бўлса, майдони  $4 \text{ m}^2$  га teng. Бутун катаклар сони 14 та, бутун бўлмаган катаклар сонини чамалаб ҳисобласак, улар 7 та чиқади, жами эса 21 та катакни ташкил этади. Шунда умумий юза қўйидагига teng  $21 \times 4 \text{ m}^2 = 84 \text{ m}^2$  бўлади.

Палеткалар ёрдамида планда катталиги  $2 \text{ cm}^2$  дан ортиқ бўлган юзаларни ҳисоблаш тавсия этилмайди. Бутун бўлмаган катаклар сонини кўз билан чамалаб ҳисоблаш ўлчаш аниқлигини пасайтиради.



10.13- шакл.

Юзаларни параллел чизиқли палеткалар билан аниқлаш учун шаффофф це́ллюолд варақчасига 2 мм оралықдан параллел чизиқлар чизилади (10.13-б шакл).

Юзаларни бу палетка билан қүйидагича ҳисобланади. Юзаси ҳисобланадиган шаклда палетка шундай қўйиладики, унинг энг четдаги  $m$  ва  $n$  нұқталари параллел чизиқлар орасига тўғри келсин (10.13-б шакл).

Шунда шаклнинг бутун юзи параллел чизиқлар ёрдамида бир хил баландликка эга трапецияларга бўлинади. 10.13-б шаклда  $ab$ ,  $cd$ ,  $e\mathfrak{c}$ , ...,  $kl$  чизиқлар билан трапецияларнинг ўртача асоси, узиқ чизиқлар билан эса трапецияларнинг асослари кўрсатилган. Шунда трапециялар юзаси йигиндиси ёки ҳисобланадиган шакл юзи қўйидагича топилади:

$$P = ab \cdot h + cd \cdot h + e\mathfrak{c} \cdot h + \dots + kl \cdot h.$$

Трапециялар баландлиги  $h$  бир хил бўлгани учун бу формулани қўйидагича ёзамиш:

$$P = h (ab + cd + e\mathfrak{c} + \dots + kl).$$

Демак, юза қийматини топиш учун ўрта чизиқлар узунлиги йигиндисини олиб  $h$  баландлик – параллел чизиқлар орасидаги ма-софага кўпайтириш керак бўлади.


Ҳисоблашни осонлаштириш учун ўрта чизиқлар йигиндиси циркуль билан кетма-кет ўлчаниб, унинг иккита оёқчалари нинаси орасида йигилади. Бунинг учун  $ab$  кесим циркулда олинади ва уни ўзгартирасдан чап нинаси  $d$  нұқтасига, ўнг нинаси эса чап нина билан битта горизонтал чизиқда жойлаштирилади. Шундан кейин чап нинасини кўтариб сурилади ва с нұқтаси билан туташтирилади. Натижада циркулда  $ab+cd$  чизиқлар йигиндиси ҳосил бўлади. Худди шу тартибда кейинги чизиқлар узунлиги циркулда ўлчаб топилади. Охиригача циркулда йигилган кесим узунлигини кўндаланг масштабга қўйиб умумий узунлик топилади ва баландлик  $h$  га кўпайтириб юза топилади.

Ҳисоблаш ишларини осонлаштириш мақсадида палетка остига маҳсус шкала чизилиб, унинг бўлаклари қиймати тегишли масштаб учун ҳисоблаб ёзиб қўйилади (чизиқли масштабга ўхшаш). 1:10 000 масштаб учун шкала асосининг қийматини ҳисоблаймиз. Параллел чизиқлар ораси 2 мм бўлса, берилган масштабда шкаланинг ҳар бир см ли бўлаги 0,20 га ни ташкил қиласи, яъни  $20 \times 100 = 0,2$  га. Аниқликни ошириш учун шкаланинг чап томондаги бир бўлаги (1 см) 10 бўлакка бўлиб қўйилади (10.13,б-шакл). Бундай палетка билан планда юзаси  $10 \text{ cm}^2$  дан катта бўлмаган тафсилотлар майдони ўлчанади.


### 10.14. Планиметрнинг тузилиши ва уни текшириш

Механик усулда план ва карталарда контурлар юзаси планиметр ёрдамида аниқланади. Чизиқли, қутбли ва электрон планиметрлар мавжуд бўлиб, ҳозирги пайтда кўп қўлланиладигани қутбли планиметрдир.

Қутбли планиметр (10.14 ва 10.15-шакллар), асосан, қутб ричаги 1, айлантириш ричаги 2 ва каретка (саноқ олиш механизми) 3 дан ташкил топган. Қутб ричагининг бир учидаги қутб – нина билан юкча 4, иккинчи учидаги эса шарсимон бошли штифт 5 жойлашган. Штифт кареткалаги чуқурликка жойлаштирилади. Юк остидаги нина (қутб) таҳта ёки столга ёзилган план ёки картага санчиб қўйилади. Айлантириш ричагининг бир учидаги металл гардишга олинган лупа ўрнатилган бўлиб, унинг остики сиртига айлантириш индекси – нуқта 6 қўйилган. Шакл юзаси аниқланадиган пайтда айлантириш секин юргизилади. Айлантириш ричагида шкала 12 тусирилган бўлиб, у орқали ричагнинг узунлиги верньер 8 ёрдамида аниқланади (10.16-шакл). Кареткада



10.14- шакл.



10.15- шакл.


саноқ олиш механизми жойлашган бўлиб, у горизонтал доира — циферблат 9, ҳисоб фидираги 10 ва ҳисоб фидирагидан саноқ олиш мосламаси верньер 11дан иборат. Циферблат 10 та тенг бўлакка, ҳисоб фидирагининг цилиндрик сирти 100 та тенг бўлакка бўлинган. Верньер 11 да эса ҳисоб фидирагининг 9 та бўлагига тенг оралиқ 10 та тенг бўлакка бўлинган.

Саноқ олиш механизмидан олинган саноқ тўртга рақамдан иборат бўлиши керак. 10.16-шаклда келтирилган саноқда биринчи рақам циферблатдан — 3 (кўрсатгич 17 жойлашган оралиқнинг кичик рақами), иккинчи ва учинчи рақамлар ҳисоб фидирагидан — 54 (верньернинг ноль штрихигача бўлган тўлиқ бўлаклар сони), тўртинчи рақам эса верньердан — 8 (верньердаги ҳисоб фидирагининг бирон-бир штрихи билан туашган штрих номери) олинади. Демак, саноқ: 3548.


Иш бошлашдан олдин ҳамма геодезик асбоблар сингари планиметр ҳам текширилиб, зарур ҳолларда тузатилади.

Ишга яроқли планиметрлар қуйидаги шартларни қаноатлантириши керак.

1. Ҳисоб фидираги ўз ўқида эркин ва верньерга тегмасдан айланиши керак. Бу шартни текшириш учун айлантириш ричаги қўлга олинниб, бармоқ билан ҳисоб фидираги айлантириб юборилади, шунда фидирак ўз инерцияси билан үзоқ (бир неча секунд) айланиб туриши керак. Бунинг учун верньер билан ҳисоб фидираги ораси қозоз қалинлигидан ошмаслиги, фидирак ўқини тутиб турган 13 ва 14 винтлар (10.16-шакл) етарли буралган бўлиши керак. Агар шарт бажарилмаса, 15 ва 16 винтлар бўшатилиб, верньер билан ҳисоб фидираги ораси тўғриланади ва 13, 14 винтлар етарли даражада буралади. Кейин 15, 16 винтлар маҳкамланиб, текшириш такрорланади.



10.16- шакл.



10.17- шакл.

2. Ҳисоб ғилдирагининг гардишига туширилган рифелли штрихлар йўналиши айлантириш ричагининг ўқига параллел бўлиши керак. Текшириш учун кутб нуқтаси 0 ўзгартирилмасдан бирон шакл, масалан, доира чегараси икки кутб ҳолатида: ўнг кутб (ЎК) ва чап кутб (ЧК) да айлантириб чиқлади (10.17-шакл). Айлантириш хатосининг таъсирини камайтириш учун маълум радиусли маҳсус нинали чизғичдан фойдаланилади. Айлантиришда планиметрнинг иккала ричаги орасидаги бурчак  $90^\circ$  атрофида бўлиши керак. Кутбнинг ўнг ва чап ҳолатида олинган саноқлар айрмалари  $\Delta_i$ , ва  $\Delta_i$ , бир-биридан уч бўлакдан ортиқ фарқ қиласлиги керак. Агар бу шарт бажарилмаса, ҳисоб ғилдираги гардишидаги рифелли штрихлар йўналишининг ҳолати тузатгич винт ёрдамида тўғриланади. Шундан кейин текшириш яна тақорланиши керак.

### 10.15. Планиметрнинг бўлак қийматини аниқлаш

Планиметрнинг бўлак қиймати деб планиметрнинг кичик бир бўлагига (верньер бўлагига) планда ёки жойда тўғри келадиган с юзага айтилади.

Планиметрнинг бўлак қиймати с маълум бўлса, шакл юзаси  $P$  куйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$P = c \Delta u , \quad (10.36)$$

бу ерда  $\Delta u$  — планиметрдан айлантириш бошида ва охирида олинган саноқлар айрмаси.

Планиметр бўлагининг қиймати с куйидаги ифодадан топилади:

$$c = \frac{P_n}{\Delta u} , \quad (10.37)$$

бу ерда  $P_n$  — планда олинган геометрик шаклнинг (квадрат, доира ва ҳ.к.) маълум юзаси.

Амалда планиметр бўлагининг қиймати с ни топиш учун планда юзаси маълум бўлган шакл, масалан, квадрат танлаб олиниб, унинг чегараси бўйича айлантириш нуқтаси кутбнинг ЎК ва ЧК ҳолатларида икки мартадан айлантириб чиқлади. Бунда айлантириш ричагининг узунлиги аниқтанган бўлиб, у ўзгармай туриши керак. Саноқлар ва ҳисоблашлар куйидаги 16-жадвалда келтирилган.

16-жадвал

**Планиметр ПП-М № 170;  $R = 163,5$ ;  $P = 300$  га; М 1:10 000.**

Саноқлар, $u_1$ $u_2$ $u_3$	Саноқлар айрмаси, $u_2 - u_1$ , $u_3 - u_2$	Саноқлар айрмасининг ўртасаси, $\Delta u_{sp}$	Ўнг ва чап қутблардан ўртасаси, $\Delta u$	Планиметр бўлагининг қиймати, $c = \frac{P_n}{\Delta u}$
2516	3152	Ўнг кутб (ЎК)		
5668	3150	3151		$c = \frac{300}{3150,5} =$
8818		Чап кутб (ЧК)	3150,5	$= 0,0952$ га
1111	3151	3150		
4260	3149			
7411				

Пландаги шакллар юзасини ҳисоблаш қулай бўлиши учун планиметр бўлагининг қийматини яхлит сонга келтириб олиш керак. Агар мисолимизда планиметр бўлагининг қийматини  $c_1 = 0,0952$  га ва унга мос ричаг узунлигини  $R_1 = 163,5$  деб олсак, планиметр бўлагининг қиймати яхлит сон  $c_2 = 0,1$  га бўлиши учун ричаг узунлиги  $R_2$  нинг қиймати қўйидаги ифодадан топилади:

$$R_2 = \frac{c_2}{c_1} \cdot R_1 ,$$

яъни

$$R_2 = \frac{0,1}{0,09522} \cdot 163,5 = 171,7 .$$

Энди айлантириш ричагининг узунлиги  $R_2$  қийматга келтириб, планиметрнинг бўлак қийматини яна аниқлаб кўрилади.

### (10.16.) Планиметр ёрдамида юзани аниқлаш ва боғлаш

План ёки карта столга (таттага) текис қилиб ёйиб қўйилади. Планиметрнинг қутби шундай жойлаштирилиши керакки, шакллар айлантириб чиқилаётганда ричаглар орасидаги бурчак  $30^\circ$  дан кичик,  $150^\circ$  дан катта бўлмаслиги ва саноқ олиш механизми пландан таш-қарига чиқмаслиги керак.

Шакл чегарасида бошланғич нуқта белгилаб олинниб, айлантириш нуқтаси шу нуқтага қўйилади ва саноқ  $u_1$  олинади. Кейин шакл чегараси бўйлаб айлантириш нуқтаси текис, бир тезликда соат мили

юриши бўйича юргизилиб, бошланғич нуқтага қайтиб келинганда  $u_2$  саноғи олинади. Кейин яна иккинчи марта айлантириб, бошланғич нуқтага келинганда  $u_3$  саноғи олинади. Бунда икки марта айлантириш натижасида олинган  $u_1$ ,  $u_2$ ,  $u_3$  саноқларнинг айрималари тенг ёки фарқи шакл юзаси 200 бўлаккача бўлса, 2 дан; 200 дан 2000 бўлаккача бўлса, 3 дан; 2000 бўлакдан ортиқ бўлса, 4 дан кўп бўлмаслиги керак. Саноқлар айрималари ушбу шартни қонаотлантируса, айрималарнинг ўртача қиймати ҳисобланади. Акс ҳолда ўлчаш қайтадан бажарилади.

Агар  $u_2$  саноғи  $u_1$  саноғидан ёки  $u_3$  саноғи  $u_2$  саноғидан кичик бўлса, унда саноқлар айримаси олинаётганда кичик саноқقا 10000 кўшиб олиниши керак.

Натижалар маҳсус ҳисоблаш жадвалига ёзиб борилади (17-жадвал).

17-жадвал

#### Планиметр ПП-М № 1410, $R = 171,7$ ; $c = 0,1$ га; М 1:10 000

Шакл-лар	Саноқлар	Саноқлар айримаси	Саноқлар айримаси ўртачаси	Ўлчанган юза, га	Тузатма, га	Тузатилган юза, га
I	5820	3339 3343	ЎҚ ЧҚ 3342,2			
	9159					
	2502					
	3129			334,22	+0,58	334,80
	6474					
	9816					
II	1667	2344 2343	ЎҚ ЧҚ 2344,8			
	4011					
	6354					
	8196			234,48	+0,40	234,88
	0541					
	2888					
III	6544	2293 2294	ЎҚ ЧҚ 2295,0			
	8837					
	1131					
	5527			229,5	+0,40	229,90
	7824					
	0120					
				798,20	1,38	799,58

Ҳамма шаклларнинг юзаси аниқланиб бўлингандан кейин уларнинг йигиндиси  $\sum P_a$  умумий юзанинг амалий қиймати деб олиниб, у анализик усулда топилган ва назарий қиймат деб қабул қилинган  $\sum P_n$  билан солиштирилади. Бунда ўлчаш хатоси қуйидагича топилади:

$$f_p = \sum P_a - \sum P_n. \quad (10.38)$$

Ҳатонинг чекли қиймати қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$f_{P_{\text{чекли}}} = 0,7c\sqrt{n} + 0,05 \frac{M}{10000} \sqrt{P} \text{ га}, \quad (10.39)$$

бу ерда  $c$  — планиметрнинг бўлак қиймати,  $n$  — юзаси аниқланган шакллар сони,  $M$  — план масштабининг маҳражи,  $P$  — умумий юзанинг яхлитланган қиймати, га.

Агар ўлчаш хатосининг қиймати ҳатонинг чекли қийматидан кўп бўлмаса, яъни  $f_p \leq f_{P_{\text{чекли}}}$  бўлса, ўлчаш хатолиги  $f_p$  тескари ишора билан ўлчанган юзалар қийматига пропорционал тарқатилади ва юзаларнинг тузатилган қиймати ҳисобланади.

Умумий юзанинг амалий қиймати  $\sum P_a = 798,20$ .

Умумий юзанинг назарий қиймати  $\sum P_n = 799,58$ .

Ўлчаш хатоси  $f_p = -1,38$ :


Чекли хато  $f_{P_{\text{чекли}}} = 1,53$ .

Ўлчанган юзаларга тузатмалар қуйидагича ҳисобланади:

$$v_i = \frac{-f_p}{\sum P} P_i, \quad (10.40)$$

бу ерда  $v_i$  —  $i$  сонли шакл юзасига тузатма,  $-f_p$  — ўлчаш хатосининг тескари ишорадаги қиймати,  $\sum P$  — умумий юзанинг яхлит қиймати,  $P_i$  —  $i$  сонли шакл юзасининг яхлит қиймати.

Планиметрнинг афзаллиги шундан иборатки, унинг ёрдамида маълум математик шакл (доира, кўпбурчак, тўртбурчак, учбурчак) кўринишида бўлмаган шакллар (экин майдонлари, кўллар, яйловлар ва ҳ.к.) юзасини етарли аниқликда ўлчаш мумкин.



## XI бөб. ЧИЗИҚЛИ ИНШООТЛАР ТРАССАСИННИ НИВЕЛИРЛАШ

### 11.1. Трасса ўқини жойда ўтказиш

Йұллар, каналлар, қувурлар, электр узатиши линиялари ва шунга ўшаш чизиқли иншоотларни лойиҳалаш ва куриш мақсадида баҗариладиган инженерлик-техник нивелирлаш олдиндан жойда белгилаб чиқылған, трасса ўқи деб аталаған (курилиши мүлжалланған иншоот ўқи) чизик бүйіча баҗарилади. Бунда жойда баҗариладиган геодезик ишлар мажмусаси қуидагилардан иборат: берилған йұналиш ва нишаблик бүйіча жойда чизиқни (ўқни) аниқлаш; уни белгилаш ва маҳкамлаш; трасса бурилиш бурчакларини үлчаш; пикет ва попе-речникларға бўлиб чиқиши; эгриларни бўлиш; трасса бўйлаб тор энли ер бўлагини съёмка қилиши; трасса ва попе-речникларни нивелирлаш; трассани реперларга боғлаш.

Берилған йұналиш бүйіча чизиқни жойда белгилашда дастлаб чизиқнинг бошланғич йұналишини карта бүйіча қабул қилинған бирон-бир йұналишга нисбатан (жойда ўтган темир йўл, автомобиль йўли, канал ва ҳоказо) азимути ёки орасидаги бурчаги ўлчаб олинади.

Карталар ҳақиқий меридианлар бүйіча ориентирлаб тузилади, трасса ўқи эса жойда, күпинча, теодолит ва буссолдан фойдаланиб, магнит азимути бүйіча ўтказилади. Бунинг учун картадан олинған ҳақиқий азимутдан магнит азимутига ўтилади, яни ушбу худудга тўғри келадиган магнит милининг оғиш бурчаги ва йұналиши олинниб ҳақиқий азимут қийматига тузатма киритилади ва магнит азимути топилади.

Трассани бош нүктасида теодолит ўрнатилиб, унинг кўриш трубаси трасса ўқининг бошланғич магнит азимути қиймати бүйіча йұналтирилади. Бу йұналиш бүйіча асбобдан мумкин қадар узоқроқда, ҳар 250 — 350 м да, биттадан веха теодолит трубаси орқали кўйилиб, чизик жойда белгилаб борилади. Чизиқнинг давомини дурбин ёрдамида белгилаш ҳам мумкин. Якуний қидирув ишларида чизиқларни жойда белгилаш теодолит билан олиб борилади.

Трасса ўқини берилған нишаблик бүйіча жойда танлаб белгилаш учун берилған нишаблик қиймати  $i$  га тўғри келувчи вертикал бурчак қиймати  $\psi$  маълум формула  $tgy = i$  бүйіча ҳисобланади.

Трассанинг бошланғич нүктасида берилған нишаблик  $i$  бүйіча ҳисобланған вертикал бурчак  $\psi$  ни жойга кўчириш учун теодолит бошланғич нүктага ўрнатилади ва унинг трубаси шундай йұналтириладики, бунда вертикал доирадан олинған саноқ ҳисобланған  $\psi$

қийматига мос келсин. Рейкада асбоб баландлиги  $i$  ни ип билан белгилаб қўйилиб, рейка трассанинг мўлжалдаги йўналиши бўйича маълум масофада қўйилади ва трубанинг вертикал ҳолатини ўзгартирасдан рейкага қаратилади, шунда кўриш трубаси иплар тўрининг маркази рейкада ип билан қайд қилинган белгига тўғри келса, рейка турган нуқта жойда мустаҳкамланади, акс ҳолда рейка токи ундаги белги труба иплар тўри марказига тўғри келгунча чапга ёки ўнгга суриласди. Бу шарт амалга ошса теодолит ва рейка турган нуқталарнинг туваштирувчи чизик нишаблиги берилган нишабликка тенг бўлади.

Сўнгра теодолит рейка турган нуқтага ўрнатилади, асбоб баландлиги  $i$  рейкада белгиланади ва рейка трасса йўналиши бўйича маълум масофада қўйилади ва худди олдингига ўхшашиб навбатдаги нуқта ўрни топилади ва ҳоказо. Бунда топилган бурилиш нуқталари жойда маҳкамланади, улар орасидаги масофа ва бурчаклар аниқ ўлчаб чиқилади.

## 11.2. Трасса бурилиш бурчакларини ўлчаш ва томонларнинг дирекцион бурчагини ҳисоблаш


Трасса ўз бошлангич йўналишини ўзгартирадиган нуқтада (11.1-шаклда  $B$  нуқтаси) теодолит асбоби ўрнатилиб тўла қабул усулида  $\beta$  бурчаги ўлчанади. Лекин трассани жойда белгилаш билан боғлиқ бўлган ҳисоблаш ишларида бурилиш бурчаги  $\phi$  қийматидан фойдаланилади. Ушбу бурчак қийматига қўшимча бурилиш чап ёки ўнг томонга деб кўрсатилади. Шунга кўра ўнг ва чап томон бурилиш бурчакларини бир-биридан ажратиш учун уларни тегишлича  $\phi$  (ўнг) ва  $\phi'$  (чап) билан белгилашга тўғри келади.

11.1-шаклга асосан ўлчангандай  $\beta$  бурчаги орқали ўнг томон бурилиш бурчаги  $\phi$  қўйидаги формуладан ҳисоблаб топилади:


$$\phi = 180 - \beta ,$$

чап томон бурилиш бурчаги  $\phi'$  эса қўйидагига тенг бўлади:

$$\phi' = \beta - 180 .$$



11.1- шакл.



11.2- шакл.

Агар трасса бошланғич томонининг дирекцион бурчаги  $\alpha_0$  берилган (11.2-шакл) ва трассанинг бурилиш бурчаклари  $\phi_1, \phi'_2, \phi_3, \dots, \phi'_n$ , теодолит билан үлчаб топилған бўлса, трасса қолган томонларининг дирекцион бурчаклари  $\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3, \dots, \alpha_n$  юқоридаги шаклга биноан қўйидагича топилади:

$$\left. \begin{aligned} \alpha_1 &= \alpha_0 + \phi_1 \\ \alpha_2 &= \alpha_1 - \phi'_2 \\ \alpha_3 &= \alpha_2 + \phi_3 \\ &\vdots \\ \alpha_n &= \alpha_{n-1} - \phi'_n \end{aligned} \right\} \quad (11.1)$$

Яъни олдинги томон дирекцион бурчаги орқадаги томон дирекцион бурчагига ўнгта бурилиш бурчаги  $\phi$  ни қўшишга ёки чапга бурилиш бурчаги  $\phi'$  ни айришга тенг.

(11.1) формулада биринчи қаторни иккинчисига, иккинчисини учинчисига ва ҳоказо кетма-кет қўйиб топамиз:

$$\left. \begin{aligned} \alpha_2 &= \alpha_0 + \phi_1 - \phi'_2 \\ \alpha_3 &= \alpha_0 + \phi_1 - \phi'_2 + \phi_3 \\ &\vdots \\ \alpha_n &= \alpha_0 + \sum_1^n \phi - \sum_1^n \phi' \end{aligned} \right\}$$

ёки

$$\alpha_n - \alpha_0 = \sum_1^n \phi - \sum_1^n \phi'. \quad (11.2)$$

Бу формула трасса томонлари дирекцион бурчагини ҳисоблашни текшириш формуласи бўлиб хизмат қўлдади. Агар ҳисоблашлар тўғри бажарилган бўлса, олинган (11.2) формулани чап ва ўнг томонларининг қиймати бир-бирига тент бўлиши керак.

Ўлчанган бурчаклар хатоси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$f\beta = \sum_i \varphi - \sum_i \varphi' - (\alpha_n - \alpha_0), \quad (11.3)$$

бу ерда:  $\alpha_0$ ,  $\alpha_n$  — трасса бошланғыч ва охирги томонларининг дирекцион бурчаги.

Ушбу формулани ечиш учун трассанинг бошланғич ва охирги томонлари геодезик тармоқ пунктларига боғланган бўлиб, у орқали  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  лар топилган бўлиши керак.

Хисобланган хато қиймати (10.15) формула бүйича топиладиган чекли қийматдан ошмаслыги керак.

**11.3.** Доиравий эгри чизиқнинг бош нуқталарини режалаш. Трассани жойла белгилаш

*AB* йўналишининг *BC* га ўзгаришида қуриладиган иншоот, масалан, автомобиль йўли ўқи бу икки томонни ўзаро қўшувчи эрги *AEC* (11,3- шакл) чизиги бўйича ўтади.

Бундай эгри чизик вазифасини ҳар хил күриништаги эгри чизиклар бажариши мумкин, булардан энг одийиси доиравий эгри чизик ҳисобланади. Бундай эгри чизиқни жойда режалаш учун унинг күйидаги элементлари маълум бўлиши керак: бурилиш бурчаги  $\varphi$ ; эгри чизиқнинг доиравий радиуси  $R$ ; урималарнинг  $AB=BC$  узунлиги ёки тангенс қиймати  $T$ ;  $AEC$  эгри чизиқнинг узунлиги –  $AEC = K$ ; биссектриса  $BE = B$ ; дөмөр  $2T - K = D$ .

Бурилиш бурчаги ф жойда трассани режалашда ўлчанган β бурчаги орқали ҳисобланади ( $11.2 \text{ га}$  қаралсин) ёки жойда бевосита теодолит билан ўлчаниши мумкин, радиус  $R$  эса жой шароити ва иншоотни куриш учун қабул килинган техник меъёрларга кўра белгиланади.


Агарда  $\phi$  ва  $R$  маълум бўлса, қолган бошқа элементлар 11.3-шаклга асосан куйидаги формулалар бўйича ҳисоблаб топишади:

$$T = R \operatorname{tg} \frac{\varphi}{2}, \quad (11.4)$$

$$K = \frac{\phi \cdot R}{\sigma''}, \quad (11.5)$$

$$B = OB - OE = \\ = 2R \sin^2 \frac{\Phi}{4} / \cos \frac{\Phi}{2}, \quad (11.6)$$

$$D = 2T - K \quad (11.7)$$



### 11.3-шакл

Бу формулалардан күриниб турибдики, берилган  $\phi$  учун  $T$ ,  $K$ ,  $B$  эгрининг элементлари эгрининг радиуси  $R$  га тўғри пропорционалдир. Юқорида келтирилган формулалар асосида доиравий эгри элементларини ҳисоблаш учун маҳсус жадваллар тузилган. Масалан, Ганышин ва Хренов жадваллари; Кутузов жадваллари; Важевский жадваллари ва ҳоказолар. Бу жадваллардан  $\phi$  ва  $R$  қийматлари бўйича  $T$ ,  $K$ ,  $B$  қийматлари танлаб олинади.

Доиравий эгри чизиқнинг бош нуқталарига эгри чизиқнинг боши (ЭБ), эгри чизиқнинг ўртаси (ЭЎ) ва эгри чизиқнинг охири (ЭО) қабул қилинади. Мисол, берилган бурилиш бурчаги  $\phi = 39^{\circ}15'$  ва  $R = 100$  м учун юқорида кўрсатилган формулалардан калькулятор билан ҳисоблаб топамиз:  $T = 35,66$  м;  $K = 68,50$  м;  $B = 6,17$  м;  $D = 2,82$  м.

Жойдаги  $B$  нуқтада (11.3-шакл) теодолит ўрнатиб, унда ўлчанган  $\beta$  бурчагининг ярми ўлчаб қўйилиб, биссектрисса йўналиши топилади ва у бўйича  $B = 6,17$  м лента ёки рулеткада ўлчаб қўйилиб  $E$  нуқтаси топилади, у эгри чизиқнинг ўртаси (ЭЎ) бўлади.

$B$  нуқтасидан ҳар иккала томон,  $BA$  ва  $BC$  лар бўйича  $T = 35,66$  м кесимларни ўлчаб қўйиб тегишли эгри чизиқнинг боши (ЭБ) бўлмиш  $A$  нуқтани ва эгри чизиқнинг охири (ЭО) бўлмиш  $C$  нуқталарини жойда топилади.


Ўлчаш натижаларини ёзиб бориш ва ҳисоблаш учун бурчак ўлчаш журнали тутилади ва унга қуидагилар ёзилади: бурилиш бурчагининг тартиб рақами; бурилиш бурчаги учининг пикетаж белгиси; бурилиш бурчагининг йўналиш томони — ўнг ёки чап; бурилиш бурчагининг қиймати; буссол ёрдамида ўлчанган томонларнинг магнит азимути ёки румби; белгилаб олинган радиус қиймати; эгри чизиқ элементларининг қиймати.

Трасса бурилиш бурчакларининг учи жойда ерга чуқур ўрнатилган ёғоч устун билан мустаҳкамланади (узунлиги 50 см йўғонлиги 7 — 10 см) ва нишон қозиқ билан белгиланади.

Устун устига баландлиги 50 см га тенг тупроқ уйилади ва атрофи ариқча кавлаб ўралади. Бурилиш учи нуқтасидан биссектириса йўналиши бўйича 2 м масофада ерга 1 м чуқурликда йўғонлиги 12 — 16 см бўлган ёғоч белги устуни кўмид жойлаштирилади.

Бундан ташқари, ер ишлари ҳудудидан ташқарида, трасса ўқлари йўналишида қўшимча равишда яна иккита нуқта қозиқ қоқиб белгилаб қўйилади (11.4-шакл). Бурилиш бурчаги учини жойдаги доимий предметларга боғлаб абриси чизиб қўйилади. Трасса ўқининг узун томонлари шундай нуқталарда белги устунлар билан мустаҳкамланади, унинг ҳар биридан орқадаги ва олдинги яқин белги устунлар кўринсин. Трассанинг бошлангич ва охирги нуқталари жойда ерга кўмилган ёғоч устунлар билан мустаҳкамланади ва атрофдаги мавжуд доимий предметларга боғланиб абриси чизилади.

Трассага иккى турдаги — доимий ва  
вақтнинчали реперлар ўрнатилади. Доимий  
репер вазифасини капитал бино ва ин-  
шоотлар пойдеворида ёки түсінларидан  
ўрнатиладиган деворий реперлар ўтайди.  
Бундай бино ва иншоотлар бўлмаган жой-  
ларда дўнг жойлар танлаб олиниб, у ер-  
ларга металл қувур ёки рельс парчасидан  
тупроқ реперлари ўрнатилади. Бундай ре-  
перлар асоси ерни музлаш қатламидан чу-  
курроқда жойлашиши керак. Доимий ре-  
перлар ҳар 15 км дан узоқ бўлмаган оралиқда ўрнатилади, вақтин-  
чалик реперлар эса ҳар 2 — 3 км да, тоғли ҳудудларда улар ҳар 1 км  
да ўрнатилади.



11.4- шакл.

#### 11.4. Трассани пикетларга бўлиш. Кўндаланг қирқим нуқталарини жойда белгилаш


Трассани йўналиши бўйича унинг ўқи горизонтал қуйилиш бў-  
йича ҳар 100 м дан бўлакларга бўлинниб, уларни бош ва охирги  
нуқтасининг ўрни қозиқ қоқиб белгилаб қўйилади. Бу нуқталарга  
пикетлар дейилади ва улар ПК белги билан ифодаланиб, тартиб  
рақами 0 дан бошлаб трасса охирига қараб ошиб боради: ПК0,  
ПК1, ПК2, .... Бундай белгилашда пикетнинг тартиб рақами трассани  
бошидан ушбу пикетгача бўлган юз метрлар сонига тўғри келади.

Ҳар қайси пикетнинг жойдаги ўрнига ёғоч қозиқлар ер юзаси  
билин баробар қилиб қоқилади (11.5-шакл). Бу қозиқлар ёнига „қо-  
ровул қозиқлар“ ер юзидан 20 см ча чиқиб турадиган қилиб қоқилади.  
Уларга пикетларнинг тартиб рақами ёзиб қўйилади.

Трассани пикетларга бўлишда трасса ўқи бўйича учрайдиган  
рельефни характерли нуқталари (рельефни ўзгарган нуқтаси, канал,  
дарё, кўл ва бошқалар суви сатҳининг кесими) ҳамда жойда мавжуд  
иншоотлар (йўл, кўприк ва бошқалар) билан кесишган нуқталари  
ҳам оралиқ нуқта деб олиниб ор-  
қадаги яқин пикетдан уларгача  
бўлган масофалар ўлчанади ва  
уларнинг қиймати қозиқларга  
ёзилиб, қозиқлар қоқиб чиқи-  
лади.

Пикетларга бўлишда масофа  
текширилган 20 м ли пўлат лен-  
та ёки рулеткалар (30, 50 метр-  
ли) билан ўлчанади.

Лента билан қияликлар бў-  
йича ўлчашда масофа горизонтал



11.5- шакл.

қүйилишига тузатма ҳисобланиб, бирданига жойда қўйиб борилади. Бурилиш эгри чизик бош нуқталарининг пикетлаш белгиси ҳисобланади. Бунда масофалар ҳисоби эгри чизик (ёй) бўйича олиб борилади, нуқталарни ўлчаб топиш эса уринмалар (тангенслар) бўйича олиб борилади.

11.3 даги элементлари ҳисобланган эгри учун бурилиш нуқтаси ПК1 +55,0 да жойлашган бўлсин. Эгрининг бош нуқталарини пикет ўрни қўйидаги кетма-кетликда ҳисобланади:

$$\begin{array}{r}
 - \text{БУ... ПК1} + 55,0 \\
 \text{T..} \quad \underline{35,66} \\
 + \text{ЭБ...ПК1} + 19,34 \\
 \text{К} \quad \underline{68,50} \\
 \hline
 \text{ЭО...ПК1} + 87,84
 \end{array}$$


Бош нуқталар ўрнини ҳисоблаш натижаси қўйидагича текширилади:

$$\begin{array}{r}
 + \text{БУ..ПК1} + 55,0 \\
 \text{T} \quad \underline{35,66} \\
 - \text{ПК1} + 90,66 \\
 \text{Д} \quad \underline{2,82} \\
 \hline
 \text{ЭО...ПК1} + 87,84
 \end{array}$$

демак, ҳисоблашларнинг тўғрилиги тасдиқланди.

Бизнинг мисолда трасса ўқи бўйича навбатдаги ПК2 ни жойда топиш учун ЭО нуқтасидан трасса давомида  $100 - 87,84 = 12,16$  м ни ўлчаб, нуқта қозик билан маҳкамланади. Трассани пикетларга бўлиш шу тарзда давом эттирилади.

Трассанинг танланган жойларида ўқса кўндаланг йўналишда кўндалант қирқим олинади. Кўндаланг қирқим трасса ўқига перпендикуляр, айрим ҳолларда қия йўналишида олинади. Ўқдан ўнгта ва чапга олинадиган кўндалант қирқим узунлиги иншоот турига, жой рельефига ва бошқаларга қараб ҳар хил бўлади. Умуман, кўндалант қирқим узунлиги ҳар бир томонга қараб 20 м дан кичик бўлмайди. Кўндалант қирқимнинг ўнг ва чап томонларида олинадиган нуқталар сони жой рельефи мураккаблигига боғлиқ. Кўндаланг қирқимни ўлчашда уларда ётган ҳамма нуқталар ўрни 11.6-шаклда кўрсатилгандай +60 м нуқтадан бошлаб масофалари ўлчаниб, „ўнг“ ва „чап“ деб ёзиб белгиланади. Ўлчанган нуқталар ўрнига ер юзаси билан баробар қилиб қозиклар қоқилади.



### 11.5. Трасса бўйлаб тор энли жойни съёмка қилиш ва пикетлаш дафтарчасини юритиш


Трассани пикетларга бўлиш билан бир вақтда тор энли жойдаги тафсилотлар ҳам съёмка қилиб борилади. Автомобиль йўллари учун трасса ўқидан ҳар икки томонга эни 50 м гача жой тафсилотлари асбоб билан ёки кўз билан чамалаб съёмка қилинади. Шундай қилиб тўла 100 метр энли жойдаги тафсилотлар — пичанзор, ўтлок, ўрмон, ҳайдалма ер, ботқоқлик, дарё, ҳовуз, кудук, бино ва иншоотлар, трасса ўқи билан кесиб ўтадиган мавжуд темир ва автомобиль йўллар, аҳоли яшаш жойлари ва бошқалар съёмка қилинади. Съёмка (10.4) да кўриб ўтилган усууллардан бири қўлланилади. Съёмка натижалари пикетлаш дафтарчасида қайд этиб борилади. Одатда, пикетлаш дафтарчаси миллиметрли қофоздан ўлчами 10×15 см қилиб ясалади. Унда пикетлар, оралиқ нуқталари, эгри чизиқ бош нуқталари ва кўндаланг қирқимлар кўрсатилган бўлади. Съёмка қилинган тафсилотларнинг чегараси, иншоотларнинг ўрни, трасса ёқалаб жойда ўрнатилган реперларнинг ўрни шартли белгилар билан кўрсатилади. Пикетлаш дафтарчаси бирон-бир ихтиёрий масштабда, масалан, 1:1 000 ёки 1:2 000 масштабда чизилади.

Пикетлаш дафтарчасида трасса ўқи тўғри чизиқ кўринишида, бурилиш нуқталари мил белгиси билан кўрсатилган бўлади. 11.7-шаклда пикетлаш дафтарчасининг бир бети кўрсатилган. Дафтарча ўлчамига кўра 1:2 000 масштабда унинг бир бетида 2 та пикет оралиғи (200 м) сифади.


Тафсилотларнинг шартли белгиси ўрнига уларнинг номини ёзиш мумкин. Пикетлаш дафтарчасида масштаб доимий бўлмаслиги ҳам мумкин — текис ва тафсилотлар кам оддий жойда масштаб кичик, аксинча, тафсилотлар кўп мураккаб жойда эса иирик олиниши мумкин.

### 11.6. Доиравий эгри чизиқни жойда батафсил режалаш

Доиравий эгри чизиқни бош нуқталаридан ташқари улар оралигини кўшимча нуқталар билан (ўзаро бир хил масофада жойлашадиган) жойда белгилаб чиқишига эгри чизиқни батафсил режалаш дейилади. Бундай нуқталар ораси эгри чизиқ радиуси қийматига, иншоотни мұхимлигига ва хусусиятига қараб 5, 10, 20 м дан бўлиши мумкин.



11.7- шакл.



11.8- шакл.

қыймати  $K$  бўлсин (11.8-шакл). Эгри чизиқда  $A$  нуқтада уринма бўлиб ўтган  $AB$  чизиги (тангенс) абсцисса ўқи,  $A$  нуқтани эса бошлангич нуқта деб қабул қилиб ўша нуқталарнинг эгри чизик устидаги ўрни  $(x_1, y_1)$ ,  $(x_2, y_2)$  ... тўғри бурчакли координаталар билан аниқланиши мумкин. Шу мақсадда  $K$  ёйга тўғри келувчи марказий бурчак қыймати  $\phi$  ни топамиз.

$$\frac{\phi}{K} = \frac{360^\circ}{2\pi R},$$

бундан

$$\phi = \frac{K}{R} \cdot \frac{180^\circ}{\pi}. \quad (11.8)$$

11.8-шаклдан қуйидагиларни топамиз:

$$\left. \begin{array}{l} x_1 = R \sin \phi; \quad y_1 = R - R \cos \phi = 2R \sin^2 \frac{\phi}{2} \\ x_2 = R \sin 2\phi; \quad y_2 = R - R \cos 2\phi = 2R \sin^2 \phi \\ x_n = R \sin n\phi; \quad y_n = R - R \cos n\phi = 2R \sin^2 \frac{n\phi}{2} \end{array} \right\} \quad (11.9)$$

Бу координаталар билан нуқталар ўрнини жойда эгри чизик орқали топиш учун абсцисса бўйича  $x_1, x_2, \dots$  қыйматлари қўйилиб топилган нуқталардан перпендикуляр йўналишда  $y_1, y_2, \dots$  лар ўлчаб қўйилиб  $P_1, P_2, \dots$  нуқталар ўрни топилади (11.8-шакл).

Одатда, эгри чизикни бўлиш унинг бош ва охирги нуқталаридан бошланади ва эгри чизик ўртасига қараб олиб борилади. (11.9) формула бўйича ҳисобланадиган координаталар амалда махсус ишлаб чиқилган доиравий эгри чизикларни бўлиш жадвалидан олинади. Бу жадвалиларда абсцисса қыйматлари ўрнига „абсциссасиз эгри“ фарқи берилади. Бу ҳолда уринма  $AB$  чизигида абсцисса нуқтасини  $(x_1)$  топиш учун  $A$  нуқтадан  $B$  га қараб  $K$  (эгри кесими) қыймат ўлчаб қўйилиб

Батафсил режалаш иншоотни бевосита қуриш пайтида бажарилади ва қуйидаги усувларда амалга оширилади: тўғри бурчакли координаталар усули, кутбий усул, давом эттирилган ватарлар усули.

**Тўғри бурчакли координаталар усули.**  $R$  радиусга эга доиравий эгри чизиқда берилган  $P_1, P_2, P_3, \dots$  нуқталар ўрнини жойда топиш керак бўлсин. Улар орасидаги ёй кесимлари

топилган нүктадан „абсциссасиз эгри“ қиймати  $k-x$  орқага ( $A$  нүктага) ўлчаб нүкта топилади, ундан эса перпендикуляр бўйича  $y_1$  қиймат ўлчаниб  $P_1$  нүктаси жойда топилади.

Колган  $P_2, P_3, \dots$  нүкталари ҳам шу тарзда топилади. Эгри чизиқда ҳосил бўлган  $P_1, P_2, \dots$  нүкталар ўрни бу усулда бир-бирига боғланмаган ҳолда топилади ва аниқлиги етарли даражада таоминланади. Бу усулни кўпроқ очиқ жойларда қўллаш қулади.

**Кутбий усул.** Учи доирадаги бирон-бир  $A$  нүктада олинган уринма билан кесувчи чизиқ орасидаги тент гесимдаги ёйларга эга бўлган бурчаклар ўзаро тент бўлиб, тегишли марказий бурчакнинг ярмига тент (11.9-шакл).

Ушбу шаклдан кўринишича, ватар узунлиги қўйидагига тент:

$$S = 2 \sin \frac{\Phi}{2} R, \quad (11.10)$$


бундан

$$\sin \frac{\Phi}{2} = \frac{S}{2R}. \quad (11.11)$$

Агарда  $R$  ва  $S$  қийматлари берилган бўлса (11.11), формуладан фойдаланиб  $\Phi/2$  бурчак қийматини топамиз.  $A$  нүктада теодолит ўрнатиб, горизонтал доира саноғини  $0^{\circ}00'$ га келтириб, лимб бўшатилади ва кўриш трубаси  $B$  нүктага қаратилади. Лимб доираси маҳкамланиб, алидада бўшатилади ва унда  $\Phi/2$  бурчак қиймати қўйилади. Топилган йўналиш бўйича  $A$  дан бошлаб лента билан  $S$  қиймати ўлчаб қўйилиб, 1 нүкта ўрни топилади. Кейин доирада  $\Phi$  бурчаги яна ўша  $AB$  йўналишидан бошлаб қўйилади. Лента учи жойдаги 1 нүктада қўйилиб, у труба визир ўқи йўналишига қараб тортилади ва  $S$  масоғани визир ўқ билан кесишган жойда 2 нүкта топилади. Шу йўл билан 3 ва ҳоказо нүкталар жойда топилиб қозик билан маҳкамланади. Бу усулда нүкталар бир-бирига нисбатан толиб бориши учун католик ошиб боради.

## 11.7. Трассани нивелирлаш. Нивелирлаш журналини ишлаб чиқиш

Трасса ўқини жойга кўчириб пикет, оралиқ, кўндаланг қирқим нүкталари ва эгри чизиқ бош нүкталарини режалаб, маҳкамлаб чиқилгандан кейин трасса нивелирлаб чиқилади. Нивелирлаш учун аниқ нивелир (НВ-1, Н-3, Н-3К ва ҳ. к.) ёки техник нивелир (Н-10, 2Н-10Л ва ҳ.к.), бир жуфт 3 ёки 4 м ли букланма шашкали рейка олинади. Рейкалар бир (қора томон) ёки икки (қора ва қизил) томонли бўлиши мумкин.



11.9- шакл.

Үртадан нивелирлаш усулида ҳар бир станцияда натижә текшириб борилади. Пикетлар боғловчи нүқталар ҳисобланыб, ҳар иккала құшни пикетлар орасига, улардан бир хил масофада, нивелир ўрнатилади. Асбоб ўрнатылған ер станция деб аталади. Нивелир станциясы ПК 0 ва ПК 1 орасыда олинган бўлса, ПК 0 га орқадаги ва ПК 1 га олдинги пикет дейилади. Бу пикетларда ўрнатылған рейкаларга тегишлича орқадаги ва олдинги рейка дейилади. Станцияда дастлаб пикетлар нивелирланади ва натижә текширилади, у тўғри чиқса, навбатда, оралиқ нүқта нивелирланади.

Икки томонли (қора ва қизил) рейкалар билан ҳар бир станцияда нивелирлаш қўйидаги тартибда олиб борилади:

а) нивелирнинг кўриш трубасини орқадаги рейкага қаратиб, рейкани қора томонидан саноқ олинади  $a_{\text{кор}}$ ;

б) нивелирнинг кўриш трубаси олдиндаги рейкага қаратилади ва рейканинг қора томонидан саноқ олинади  $b_{\text{кор}}$ ;

в) олдиндаги рейкани қизил томонидан саноқ олинади  $c_{\text{кор}}$ ;

г) нивелирнинг кўриш трубаси орқадаги рейкага қаратилиб, рейкани қизил томонидан саноқ олинади  $d_{\text{кор}}$ .

Бу саноқлар орқали нисбий баландлик қўймати қўйидагича ҳисобланади:

$$h = a_{\text{кор}} - b_{\text{кор}} ;$$

$$h = a_{\text{кор}} - c_{\text{кор}} .$$

Икки марта ҳисоблаб чиқарилған қўйматлар ўзаро тенг бўлса ёки улар орасидаги фарқ 4 мм дан ошмаса, нивелирлаш натижаси тўғри ҳисобланади. Агар шарт бажарилмаса станцияда рейкалардан саноқлар қайтадан олинади. Шундан кейин нивелирни ўрнидан қўзғатмасдан туриб орқадаги рейка оралиқ нүқталарга бирин-кетин қўйилиб унинг қора томони бўйича ҳар бир нүқтадан биттадан саноқ олинади. Олинган саноқлар нивелирлаш журналининг (18-жадвал) 3, 4 ва 5-устунларига, тегишли нүқталар қаторига ёзиб борилади. Шу билан ушбу станцияда нивелирлаш ишлари тугатилади ва нивелир билан кейинги станцияга ўтилади.

Нивелир ПК1 ва ПК2 оралигига ўрнатилиб, нивелирлаш бундан олдинги станциядагига ўхашаш бажарилади. Икс ( $x$ ) нүқталар ва уларни нивелирлаш (8.3) да ёзилған тартибда бажарилади. Шу тарзда кетма-кет олинган станцияларда нүқталар нивелирланиб, трасса охиригача борилади. Агар нивелирлаш учун бир томонли рейкалар олинган бўлса, ҳар бир станцияда рейкалардан саноқ нивелирни икки горизонтида (асбоб баландлигини ўзгартириб) олинади.

Нивелирлашнинг ҳар бир станциядаги назорат ҳисоблаш натижаси журналнинг (18-жадвал) 6-устунига ва бу қўйматларнинг ўртачаси 7-устунига ёзиб борилади.

## Трассаны нивелирләши журнали

Стан- ция- лар	Пикет- лар ва масо- фалар	Рейка саноқлари (мм)			Нисбий баландлик h(мм)			Асбоб гори- зонти Hi (м)	Нүк- талар баланд- лиги H (м)
		Орқа- даги (a)	Ол- динги (в)	Ора- лик (c)	Хи- соб- лан- гани	Ўтра- часи	Туз- тил- гани		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Реп.14 ПК 0	1464 6250	0863 5651		+0601 +599	+1 +0600	+0601		410.755
									411.356
2	ГК 0 +75 ГК 1	2984 7671	0253 4940	0254	+2731 +2731	+1 +2731	+2732	414.340	411.356
									414.086
3	ГК 1 ГК 2	2670 7460	0660 5448		+2010 +2012	+1 +2011	+2012		414.088
									416.100
4	ГК 2 ГК 3	2972 7657	2392 7078		+0580 +0579	+1,5 +0579,5	+0581		416.100
									416.681
5	ГК 3 Х	2759 7545	0756 5541		+2003 +2004	+1,5 +2003,5	+2005		416.681
									418.686
6	Х ГК 4	2899 7686	0307 5092		+2592 +2594	+1 +2593	+2594		418.686
									421.280

18-жадвал (давоми)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
7	ГК 4 +60 Күнд.қир. Үнг+6,0 Үнг+10,0 Чап+3,0 Чап+10,0 ГК 5	0381 5162		1847 2640 1980 1037 0354	-2486 -2487	+1,5 -2486,5	-2485	421.661	421.280 419.814 419.021 419.681 420.624 421.307 418.795
8	ГК 5 реп.15	0208 4896	1674 6359		-1466 -1463	+1,5 -1464,5	-1463		418.795 417.332

$$\Sigma_a = 70664; \Sigma_s = 57530; \Sigma_x = +21036; \Sigma_y = +10518$$

$$\Sigma = -7902; \Sigma = -3951$$

$$\frac{70664 - 57530}{2} = +6567 \quad \Sigma h_x = +\frac{13134}{2} \quad \Sigma h_{ypt} = +6567 \\ = +6567$$

$$fh = \Sigma h_{ypt} - (H_{pen15} - H_{pen14}) = 6567 - (417,332 - 410,755) = 6567 - 6577 = -10 \text{ мм.}$$

$$fh_{\text{текширув}} = 50\sqrt{Z} = 50\sqrt{1} = 50 \text{ мм.}$$


Журналнинг ҳар бир бети тўлганда унда бетма-бет текшириш ишлари бажарилади. Бунинг учун журналнинг ҳар бир бети тагида 3, 4, 6 ва 7-устунларда ёзилган сонлар йигинидиси топилиб ёзилади. Юқорида кўрсатилган устунлар йигинидисини  $\Sigma_a$ ,  $\Sigma_s$ ,  $\Sigma h_x$ , ва  $\Sigma h_{ypt}$  десак, у вақтда текширув натижаси қуйидаги шартни таъминлаши керак:

$$\frac{\Sigma_a - \Sigma_s}{2} = \frac{\Sigma h_x}{2} = \Sigma h_{ypt}.$$

Нивелирлаш журналида берилган мисол учун бетма-бет текшириш натижаси журнал бетининг тагида ҳисоблаб келтирилган.

Трассани нивелирлаш билан бир вақтда кўндаланг қирқим нуқталари ҳам нивелирлаб борилади. Бунинг учун, агар жой рельефи текис бўлса, пикетларни нивелирлаш станциясидан кўндаланг қирқим ҳамма нуқталари оралиқ нуқталар каби нивелирланади (11.10-а шакл) ва олинган саноқлар журналнинг 5-устунига ёзib борилади (18-жадвалда 7-станцияга қаралсин). Акс ҳолда (рельеф нотекис бўлса) кўндалант қирқим нуқталари бир неча станциядан туриб нивелирланиши мумкин (11.10-б шакл).

Трассани нивелирлаш натижасини текшириш ва нуқталар (пикетлар) баландлигини давлат баландлик системасида ҳисоблаш учун



11.10- шакл.

трассанинг боши ва охири жойда мавжуд репер ёки маркаларга бөгланади. Бундай таянч пунктлар яқин орада жойлашмаган бўлса трасса икки марта — тўғри ва тескари йўналишларда нивелиранади (тескари йўналишда фақат пикетлар нивелиранади) ва бошланғич деб қабул қилинган пикет баландлиги шартли қилиб олинади. Шунга кўра нивелирлаш журналини ишлаб чиқишида трасса бўйича нивелирлаш хатоси қуидаги икки усулда ҳисобланиши мумкин:

1) агар трассанинг бош ва охирги нуқталари реперларга бөгланган бўлса

$$f h = \sum h_{pp} - (H_{o,pen} - H_{b,pen}), \quad (11.12)$$

бу ерда  $\sum h_{pp}$  — трасса бўйича (репердан-репергача) ўлчанган нисбий баландликлар ўртача қийматлари йигиндиси;  $H_{b,pen}$ ;  $H_{o,pen}$  — бошланғич ва охирги реперларнинг баландлиги;

2) трасса тўғри ва тескари йўналишларда нивелиранган бўлса, нивелирлаш хатосининг миқдори қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$f h = \sum h_{t\bar{y}} - \sum h_{tcc}, \quad (11.13)$$

бу ерда  $\sum h_{t\bar{y}}$ ;  $\sum h_{tcc}$  — тўғри ва тескари йўналишдаги ўртача нисбий баландлик йигиндиси.

(11.12) ва (11.13) формулалар бўйича ҳисобланган нивелирлаш хатосининг чекли қиймати қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$f h_{\text{чекл}} = 50\sqrt{L} \text{ мм}, \quad (11.14)$$

бу ерда  $L$  — трасса узунлиги (репердан-репергача) км да олинади.

18-жадвалда олинган мисолда трассанинг бош ва охирги нуқталари Реп.14 ва Реп.15 га бөгланган. Шуни ҳисобга олиб нивелирлаш хатосини (11.12) формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$fh = \sum h_{\text{pp}} - (H_{\text{pen.15}} - H_{\text{pen.14}}) = 6567 - (417,332 - 410,755) = \\ = 6567 - 6577 = -10 \text{ мм.}$$

$\Sigma h_{\text{pp}}$  қиймати 18-жадвал 7-устун тагида чиқарилган;  $H_{\text{pen.14}}$ ,  $H_{\text{pen.15}}$  – реперлар баландлиги берилган. Сүнгра (11.14) формула бўйича трассани нивелирлаш хатосининг чекли қийматини ҳисоблаймиз:  $fh_{\text{чекли}} = 50\sqrt{1} = 50 \text{ мм}$ . Бу ерда трасса узунлиги 0,5 км (ПК 0 дан ПК 5 гача), ПК 0 дан реп.14 гача шартли 250 м, ПК 5 дан реп.15 гача 250 м деб ҳисобласак, шунда умумий масофа  $L = 1 \text{ км}$  га teng бўлади.

Мисолда  $fh < fh_{\text{чекли}}$  бўлгани учун нивелирлаш хатоси  $fh = -10 \text{ мм}$  тескари ишораси билан ўргача нисбий баландликларга тенг тарқатилиб уларнинг устига ёзилади (18-жадвалнинг 7-устунинг қаранг). Одатда, тузатмалар яхлит мм да тарқатиб берилади.

Хар бир ўргача нисбий баландлик унга берилган тузатма ишорасига қараб тузатилади ва натижা 8-устунга ёзилади.

(11.13) формула бўйича трассани нивелирлаш хатоси ҳисобланса, топилган  $fh$  қийматининг ярми олинади ва у тескари ишора билан трассани тўғри йўналишида ҳисобланган ўргача нисбий баландликларга тарқатиб берилади.

Бошланғич репернинг берилган баландлиги ва тузатилган нисбий баландлик қиймати бўйича пикет нуқталарнинг (боғловчи нуқталар) баландлиги (8.2) да келтирилган формулалар бўйича ҳисобланади. Олинган мисол учун:

$$\begin{aligned} H_{\text{пк0}} &= H_{\text{pen}} + h_1, \\ H_{\text{пк1}} &= H_{\text{пк0}} + h_2, \\ &\dots \\ &\dots \\ H_{\text{пкn}} &= H_{\text{пкn-1}} + h_n. \end{aligned}$$

Ушбу формулалар бўйича 18-жадвалнинг 10-устунида ёзилган пикет нуқталарнинг баландлиги ҳисобланган.

Пикет нуқталар баландлиги тўғри ҳисобланганлигини текшириш учун охирги пикет баландлигига шу пикет билан репер орасидаги тузатилган нисбий баландлик қўшилади, шунда ушбу репернинг олдиндан маълум бўлган (берилган) баландлиги келиб чиқиши керак.

Бизнинг мисолимизда бу қуйидагича бўлади:

$$H_{\text{pen.15}} = H_{\text{пк5}} + h_8 = 418,795 + (-1,463) = 417,332 \text{ м},$$

яъни реп.15 ни берилган баландлиги келиб чиқди, демак пикетлар баландлиги тўғри топилган.

Сүнгра оралиқ ва күндаланг қирқим нұқталарининг баландлиги ҳисобланади. Оралиқ ёки күндаланг қирқим нұқталари қайси станцияда нивелирланған бўлса, ўша станцияда асбоб горизонти (8.7) формула бўйича ҳисобланади. Бизнинг мисолда 18-жадвалга кўра асбоб горизонти 2- ва 7-станцияларда ҳисобланади. Масалан, 7-станцияда асбоб горизонти қўйидагича ҳисобланади:

$$H_i = H_{PK4} + a_{kop} = 421,280 + 0,381 = 421,661 \text{ м.}$$

Бу ерда  $a_{kop}$  — ПК4 даги рейканинг қора томонидан олинган саноқ ( $a_{kop} = 0381$ ).

Асбоб горизонтидан фойдаланиб, ушбу станцияда нивелирланған оралиқ ва күндаланг қирқим нұқталар баландлиги қўйидагича топлади.

$$\begin{aligned} H_{+60} &= H_i - c = 421,661 - 1,847 = 419,814, \\ H_{yur+6} &= H_i - c = 421,661 - 2,640 = 419,021 \text{ ва ҳ.к.} \end{aligned}$$

бу ерда  $c$  — тегишли оралиқ ёки күндаланг қирқим нұқтасидаги рейкадан олинган саноқ.

Ҳисоблаб топилган натижалар жадвалнинг 10-устунига тегишли нұқталар қаторига ёзилади.


Шуни айтиш керакки, оралиқ ва күндаланг қирқим нұқталарининг баландлигини тўғри ёки нотўғри ҳисобланғанligини якуний текшириш имконияти йўқ, шунинг учун ҳар бир ҳисоблаш ишини синчилаб, керак бўлса такроран ҳисоблаб кўриш лозим.

Шу билан нивелирлаш журналини ишлаб чиқиш тутатилган ҳисобланади ва нұқталарнинг топилган баландлигидан фойдаланиб, трассанинг бўйлама ва күндаланг профилларини чизишга ўтилади.

## 11.8. Трассанинг бўйлама ва күндаланг профилини тузиш

Трассанинг бўйлама ва күндаланг профили нивелирлаш журналини пикетлаш дафтарчаси асосида миллиметровка қофозида чизилади. Профиль горизонтал ва вертикаль масштабларда чизилади. Горизонтал масштаб лойиҳаланаётган иншоот турига, трасса ўтган жой хусусиятига боғлиқ бўлиб, асосан, йирик масштабда (1:500-1:10 000) олинади. Масалан, автомобиль йўлларини қуриш учун муҳим йўналишларни қидириш ишларида рельефи текис жойларда 1:5 000, тоғли жойларда 1:2 000 ва ундан йирикроқ; каналларни лойиҳалашда 1:1 000 дан 1:5 000 масштабигача олинади.

Профилга аникроқ кўриниш бериш учун вертикаль масштаби горизонтал массофалар масштабига нисбатан 10 марта йирик (кўпинча 1:100, 1:200) қилиб олинади.



11.11- шакл.

Бүйлама профилни чизиш профиль түрини түзишдан бошланади. Профиль масштаби ва түринген мазмуну қуриладиган иншоот турита, унинг хусусиятига ва бошқаларға қараб ҳар хил бўлади.

Кўйидаги 11.11-шаклда келтирилган профилда унинг тўри умумий қўринишида берилган бўлиб, қурилаётган иншоот хусусиятига қараб қўшимча қаторлар киритилиши мумкин. Профиль түрини ясаш учун шаклда унинг қаторлари ўлчами сантиметрда келтирилган. Улар бўйича чизилган қаторларга қаторлар номи шаклда берилгандай ёзib чиқилади.

Профиль тўри қаторларини тўлдириш „Масофалар“ қаторидан бошланади. Нивелирлаш журналининг (18-жадвал) 2-устунидан олинган пикетлар ва оралиқ нүқталари масофаси қабул қилинган горизонтал масштаб, мисол, 1:5 000 да кетма-кет бу қаторга қўйиб чиқилади ва уларнинг ўрни топилиб масофа қиймати ёзилбўйилади. Пикетдан пикетгача бўлган 100 м масофа одатда ёзилмайди. Икки қўшни пикетлар орасида ёзилган оралиқ нүқталари масофаси йиғиндиси 100 м га teng бўлиши керак.

Топилган ҳар бир нүқта ёнига „Ер нүқталари баландлиги“ қаторида журналнинг 10-устунидан олинган баландлик см гача яхлитланиб ёнига ёзил чиқилади (11.11-шаклта қаралсин). Профиль түринген юқо-

ридан биринчи горизонтал чизиги шартли горизонт дейиллиб, унинг баландлиги журналда ҳисобланган нуқталар баландлигига қараб қабул қилинади. Бунда чизиладиган профилнинг энг паст нуқтаси ушбу горизонт чизигидан 2 — 4 см юқорида бўлиши ҳисобга олинади.

Бизнинг мисолимизда шартли горизонт баландлиги 406,0 м деб қабул қилинган. Профилнинг энг паст нуқтаси ПК1 бўлиб, унинг баландлиги 411,36 м га тенг ва у шартли горизонтдан 411,36 — 406,0 = 5,36 м ёки 1:200 вертикал масштабда 2,5 см ча юқорида жойлашади.

Профилнинг вертикал шкаласи сантиметрли бўлакларга бўлинниб, ҳисобланган нуқталар баландлиги қийматидан энг кичиги яхлит метрда олинниб, шкаланинг 2 ёки 3- бўлагига ёзилади ва кейинги бўлаклар қиймати вертикал масштабдан фойдаланиб ёзиб чиқилади. Мисолимизда шкаланинг иккинчи бўлаги энг кичик баландлик 410 м билан ёзилиб 1:200 вертикал масштабда кейинги бўлаклар белгилаб чиқилган (масштабда 1 см 2 м га тенг). Сўнгра „Масофалар“ қаторидаги ҳар бир нуқтадан перпендикуляр чизик йўналишида ушбу нуқтанинг баландлиги вертикал шкаладан фойдаланиб ўлчаб қўйилиб нуқталар билан белгиланади. Бу нуқталарни чизғич ёрдамида тўғри чизиқлар билан туташтириб профиль чизиги ҳосил қилинади.

Тўғри ва эгри чизиқлар қаторига эгри чизиқнинг ҳисобланган бошлангич ва охирги учи қийматлари горизонтал масштабда қўйилади. Эгрининг боши ва охири орасидаги чизик ёй кўринишида чизилади ва унинг бўртиғи ўнг бурилиш учун юқорига, чап бурилиш учун пастга қаратиб қўйилади.

Ёй ичига эгрининг элементлари ёзилади. Трасса ўқи тўғри кесимлари устида уларнинг румби, остида эса кесим узунлиги ёзилади. Бурилишдан кейинги тўғри чизик азимуги (11.1) формула бўйича ф орқали ҳисобланниб, ундан румбга ўтилади.

„Трасса ўқи бўйича жой плани“ қаторида пикетлаш дафтарчасидан фойдаланиб съёмка қилинган трасса ўқи, жой ва предмет тафсилотлари, бурилиш нуқталари ва бошқалар кўрсатилади.

Кўндаланг профиль ҳам миллиметровка қофозида, нивелирлаш журналидан олинадиган қийматлар бўйича горизонтал ва вертикал масофалари бир хил йирик масштабда (1:200 ёки 1:500) чизилади. 11-шаклда бу профиль келтирилган.

## 11.9. Ишоот элементларини бўйлама профилда лойиҳалаш

11.11-шаклда автомобиль йўлининг бўйлама ва кўндаланг профиллари берилган. Бўйлама профилда лойиҳа чизигини ўтказиш билан боғлиқ бўлган техник шартлар маҳсус кўлланмаларда берилади. Булардан умумийлари куйидагилар:

1. Профилда қазилма ва күттарма юзалари таҳминан бир хил бўлиши керак.

2. Лойиҳа чизигининг нишаблиги белгиланган қийматдан ошмаслиги керак.

3. Қазилма чукурлиги ва күттарма баландлиги ўта катта бўлмаслиги керак ва бошқалар.

Юқоридаги шартларни ҳисобга олиб, профилга туширилган лойиҳа чизигининг бошланғич ва охирги нуқталари баландлиги профиль вертикал шкаласидан аниқлаб ёзилади. Масалан, 11.11-шаклда бу нуқталар баландлиги тегишлича 415,0 ва 420,0 м га тенг.

Бу қийматлар „Лойиҳа чизик нуқталари баландлиги“ қаторида тегишли ПК0 ва ПК5 нуқталарига ёзилади.

Чизик нишаблигини ҳисоблашда маълум формуладан фойдаланилади. Кўриб чиқаёттган мисолимизда чизик нишаблиги қўйидагича ҳисобланган:

$$i = \frac{H_o - H_\delta}{L} = \frac{420,0 - 415,0}{500} = 0,01,$$

бу ерда  $L$  – лойиҳа чизик узунлиги.

Профилдаги лойиҳа чизигининг бошқа ҳар қандай нуқтаси учун баландлик қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$H_i = H_{i-1} + i \cdot d \quad (11.15)$$

яъни кейинги ( $i$ ) нуқтанинг лойиҳа баландлиги олдинги ( $i-1$ ) нуқтанинг лойиҳа баландлигига чизик нишаблигини бу нуқталар орасидаги горизонтал масофага кўпайтириб қўшилганига тенг.

Мисол:  $H_{PK_1} = H_{PK_0} + i \cdot d = 415,00 + 0,01 \cdot 100 = 416,00$ .

(11.11-шаклга қаралсин). Бу йўл билан нуқталарнинг ҳисобланган лойиҳа баландлиги профилнинг тегишли қаторига ёзилади. Профиль ҳар бир нуқтасини лойиҳа баландлигидан ер баландлиги айрилиб мусбат ишорали қиймат — лойиҳа чизикни устига, манфий ишоралиси эса чизик остига ёзив борилади. Бу қийматларга ишчи баландликлар дейилади.

Ер юзаси чизигининг (профиль чизигининг) лойиҳа чизиги билан кесишган нуқтасига ноль ишлари нуқтаси дейилади.

Ноль нуқтасининг орқадаги ва олдинги яқин профиль нуқталаригача бўлган масофалари 11.12-шаклга кўра қўйидаги формулалардан ҳисобланади:

$$x_1 = \frac{a}{a+\theta} d,$$


$$x_2 = \frac{\theta}{a+\theta} d.$$

Бу оддий формулаларда  $a$  ва  $\sigma$  орқадаги ва олдинги профиль нүқталаридағи ишчи баландлик,  $d$  эса бу нүқталар орасидаги горизонтал масофа.

11.12-шаклдаги 0 нүқта учун  $x_1$  ва  $x_2$  масоफаларни ҳисоблаймиз:

$$x_1 = \frac{1,32}{1,32+2,28} \cdot 100 = 36 \text{ м};$$

$$x_2 = \frac{2,28}{1,32+2,28} \cdot 100 = 64 \text{ м}.$$



11.12- шакл.

Ҳисоблаш ишларининг тўғрилиги кўйидагича текширилади.  $x_1 + x_2 = 36 + 64 = 100$  м. Ноль ишлари нүқтасининг баландлиги кўйидагича топилади:

$$H_0 = H_a + ix_1 = 418,0 + 0,01 \cdot 36 = 418,36 \text{ м},$$

бу ерда:  $H_a$  — ноль ишлари нүқтасидан орқадаги энг яқин нүқтанинг лойиҳа баландлиги.

Ҳисоблаб топилган масофалар ва баландлик 11.11-шаклда ёзиб кўрсатилган жойларда ёзилади. Ҳисобланган баландлик  $H_0$  кўк баландлик дейилади ва кўк рангда ёзилиши керак.


Чизиб туталланган профиль тегишли рангдаги тушлар билан тушланади. Бунда қизил ранглар билан — трасса ўқи, тўғри ва эгри чизиқлар, лойиҳа баландликлари, „нишаблик“ қаторидаги қийматлар, лойиҳа чизиқ ва ишчи баландликлар (уйма ва кўтарма); қолган ҳамма элементлар (сув манбааларидан ташқари) — қора рангдаги туш билан тушланади.

## 11.10. Юзани нивелирлаш

Ерларга сув чиқариш, майдонларни суғориш, иншоотларни қуриш ва бошқа шу каби мақсадлар учун лойиҳа тузиш ишлари жой рельефи аниқ тасвирланган йирик масштабли топографик планларда бажарилади. Рельефи текис бўлган жойларда бундай топографик планлар асосан юзани нивелирлаш орқали тузилади.

Жой рельефнинг характеристига, уни планда тасвирлаш аниқлигига, лойиҳаланадиган иншоот турига ва ҳусусиятига ҳамда бошқа бир қанча шартларга қараб нивелиранадиган нүқталар ораси ёки квадратлар томони 10 дан 100 м гача бўлиши мумкин. Юзани нивелирлаш икки усулда-квадрат катаклар усули ва магистраллар усулида бажарилади.

**Квадрат катаклар усулида нивелиранадиган майдон теодолит ва ўлчов лентаси ёрдамида квадратларга бўлинади. План масштаби ва куриладиган иншоотнинг турига қараб квадрат томонлари  $10 \times 10$ ;  $20 \times 20$ ;  $40 \times 40$  м бўлиши мумкин.**



11.13- шакл.

нуқталари жойда маҳкамланади (11.13-шакл). Кейин  $1a$  ва  $5a$  нуқталарига теодолит ўрнатиб,  $1a - 5a$  ва  $5a - 1a$  йўналишига нисбатан  $90^\circ$  ли бурчак ясаб  $1a - 1e$  ва  $5a - 5e$  йўналишлар ҳосил қилинади ва улар бўйича квадрат томонининг қабул қилинган қийматини кетма-кет қўйиб чиқиб,  $1a, 1b, 1e, 1g, 1d, 1e$  ва  $5a, 5b, 5g, 5d, 5e$  нуқталари топилиб қозиклар қоқиб маҳкамланади. Ташки асосий квадрат ичидаги ётган квадратлар учун  $1b - 5b, 1e - 5e$  ва бошқа томонлар бўйича веҳадан веҳагача лента билан ўлчаб топилади ва қозиклар билан маҳкамланади, қозикларга тегишли квадрат учун нуқтасининг тартиби рақами  $1a, 1b, 1e, \dots; 2a, 2b, 2e, \dots$  ёзиб қўйилади.

Асосий квадрат томонларининг узунлиги 100 м бўлса, нивелир ҳар бир бундай квадрат ўрта қисмida ўрнатилиб, олдин асосий квадратларнинг учлари, кейин эса ички кичик квадратлар учлари нивелирланади.

Нивелирлашша нуқталарда ўрнатилган рейкадан олинган саноқлар олдиндан тайёрлаб олинган чизманинг тегишли нуқталари ёнига ёзиб борилади.

Станцияда асосий квадрат учларини нивелирлаш натижасини текшириш учун қўшни станциялардан нивелирланган иккита боғловчи нуқталар, масалан 11.13-шаклда  $1b$  ва  $2b$  нуқталар, орасидаги нисбий баландлик саноқлар бўйича ҳисобланади. Шаклдаги  $a_1$  ва  $b_1$  саноқлар биринчи станциядан,  $a_2$  ва  $b_2$  саноқлар иккинчи станциядан олинган. Бу саноқлар орқали  $1b$  ва  $2b$  нуқталар орасидаги нисбий баландлик икки марта топилади:

$$h = a_1 - b_1; h = a_2 - b_2,$$

булардан

$$a_1 - b_1 = a_2 - b_2,$$

ёки

$$a_1 + b_2 = a_2 + b_1,$$

(11.16)

ёзиш мумкин.

Бундай квадрат катакларни ясаш учун майдон аввал томонлари  $100 \times 100$ ,  $200 \times 200$  м бўлган катта квадратларга бўлинади ва жойда квадрат учлари қозиклар билан маҳкамланади. Бунинг учун жойда  $1a$  нуқтасини маҳкамлаб  $1a - 5a$  йўналиш белгилаб олинади (олинган ер майдонининг чегараси ёқалаб). Шу йўналишда лента билан квадрат томонининг қабул қилинган узунлиги кетма-кет ўлчаб қўйилиб  $2a, 3a, 4a$  ва  $5a$

(11.16) формуладан күринишича, ҳар бир квадрат томонида қарама-қарши ётган саноқлар йигиндиси үзаро тенг бўлиши керак. Бу йигиндилар фарқи 5 мм дан ошмаслиги керак.

Юқорида кўриб чиқилган тартибда ҳамма асосий квадратлар учи нуқталари орасидаги нисбий баландлик ҳисоблаб чиқилади. Дастрраб, асосий квадрат учлари  $1a$ ,  $1e$ ,  $5e$ ,  $5a$  орасидаги нисбий баландликлар йигиндиси топилиб, нивелирлаш хатоси ҳисобланади. Назарий жиҳатдан ёпиқ полигонда нисбий баландликлар йигиндиси  $\sum h = 0$  бўлиши керак, амалда ноль ўрнида келиб қиқсан қийматга нивелирлаш хатоси дейилади ва у қуйидаги чекдан ошмаслиги керак:

$$f h_{\text{чеки}} = 6\sqrt{n}, \text{ мм } (n - \text{станциялар сони}).$$

Ушбу қийматдан ошмаган хатолик тарқатилиб, нисбий баландликлар боғланади ва асосий квадрат учи нуқталарининг баландлиги ҳисобланади. Сўнгра  $1a$  ва  $1e$  ҳамда  $5a$  ва  $5e$  нуқталар орасида жойлашган  $1b$ ,  $1e$ , ... ва  $5b$ ,  $5e$ , ... нуқталар баландлиги ҳисобланади.

Асосий квадрат ичидаги нуқталар нисбий баландлиги қаторлар бўйича, мисол,  $1b$  —  $5b$  қатори бўйича олинниб, бош ва охирги нуқталарнинг ҳисобланган баландлигидан фойдаланиб тенгланади ва улар орасидаги нуқталар баландлиги ҳисобланади. Кейин  $1e$  —  $5e$  қаторига ўтилади ва олдинги қатёрдагига ўхшаш ҳисоблашлар бажарилади ва ҳоказо.


Томонлари  $10 \times 10$  ёки  $20 \times 20$  м ката克拉рга бўлинган майдонда квадратлар учлари бир ёки бир нечта станциядан туриб нивелирланади (11.14-шакл).

Бу шаклда  $1$ ,  $2$ ,  $3$  ва  $4$  нивелир станциялари;  $a$ ,  $e$ ,  $c$  ва  $d$  станциялар орасида олинган боғловчи нуқталар бўлади. Майдонни квадратларга бўлиш билан бир вақтда майдондаги тафсилотлар ҳам съёмка қилинади.

11.14-шаклда  $1$ ,  $2$ ,  $3$  ва  $4$ -станциялардан нивелирланган боғловчи нуқталар  $a$ ,  $e$ ,  $c$  ва  $d$  йўғон чизиқлар билан, оралиқ нуқталар сифатида нивелирлангани эса узуқ чизиқлар билан кўрсатилган. Боғловчи нуқталар рейканинг қора ва қизил томонлари, оралиқ нуқталар эса фақат қора томони бўйича нивелирланади.

Олинган саноқлар чизмада тегишли нуқта ёнига ёзиб борилади. Боғловчи нуқталар орасида ўлчанган нисбий баландлик қиймати қора ва қизил саноқлар бўйича ҳисобланади ва булар үзаро тенг бўлиши ёки фарқи 3 — 4 мм дан ошмаслиги керак. Нисбий баландлик қийматларининг ўртачаси олинади. Шаклдан кўринадики, боғловчи нуқталар ёпиқ йўлни ташкил қиласди.

Бу ёпиқ йўлда ўртача нисбий баландликлар йигиндиси қуйидаги шартга жавоб бериши керак, яъни  $\sum h_{\text{юрт}} = 0$ . Амалда бу йигинди нолдан фарқ қиласди ва унга нивелирлаш хатоси дейилади. Бу хато




11.14- шакл.

$6\sqrt{n}$  мм дан ошмаслиги керак ( $n$  — станциялар сони). Шарт бажарылса, хатолик нисбий баландликтарга тескари ишора билан бўлиб берилиб, тузатилади. Бошлангич нуқта  $a$  нинг баландлиги берилган бўлса, тузатилган нисбий баландликлар орқали қолган  $b$ ,  $c$  ва  $d$  лар баландлиги ҳисобланади. Ҳар бир станцияда асбоб горизонти топилиб, ундан оралиқ нуқталардан олинган саноқлар айрилиб, бу нуқталар баландлиги топилади. Ҳисобланган баландликлар алоҳида чизмада тегишли нуқталар ёнига ёзилади.

**Магистраллар усули.** Бу усул жой рельефи нотекис, кичик ва чўзинчоқ бўлган ерларда кўлланилади. Бунинг учун майдон ўртасидан узун томони бўйлаб магистрал чизиқ назардада сўнгра бу чизиқ ҳар 20 м дан пикетларга бўлиб чиқилади (11.15-шакл). Шундан сўнг ҳар бир топилган нуқтадан магистрал чизиқقا перпендикуляр чизиқлар ўтказилади ва улар ҳам 20 м дан пикетларга бўлиб чиқилади ва қозиқлар қоғилади. Шундан кейин бу нуқталар нивелирлаб чиқилади, нуқталар баландлиги топилади.

Квадратлар ёки магистрал чизиқлар қозода берилган масштабда чизилади. Ҳосил бўлган квадратлар уни нуқталари ёнига уларнинг ҳисоблаб топилган баландлиги ёзилади. Бу



11.15- шакл.

баландликлар бүйича қабул қилингандык рельеф кесими баландлигига горизонталлар үтказилади. Горизонталларнинг ўрни интерполяция қилиниб топилади. Съёмка қилингандык тафсилотлар қабул қилингандык шартли белгиларда планга туширилиб, жойнинг топографик плани хосил қилинади.

Планда үтадиган горизонталлар ўрнини топиш учун бир хил йўналишдаги қиялика жойлашган қўшни квадратлар учи нуқталари баландлиги ва рельеф кесими баландлигига қараб аналитик ёки график усулда интерполяция үтказилади.

**Аналитик усулда** агар иккى қўшни  $A$  ва  $B$  нуқталари (11.16-шакл) баландлиги берилган бўлса, ( $H_A = 410,70$  м;  $H_B = 412,25$  м) қуйидагича иш бажарилади: кесим баландлиги  $h = 0,5$  м бўлсин, шу нуқталарни туташтирувчи қрия чизиқдаги  $H_A = 410,70$  м ва  $H_B = 412,25$  м баландликка эга нуқталар оралиғига кесим 0,5 м га қолдиқсиз бўлинадиган қийматлар аниқланади, булар 411,0; 411,50 ва 412,0 м дир.

Пландаги  $AB$  чизиги узунлиги 4 см бўлса,  $A$  нуқтага яқин үтадиган 411,0 горизонтал ўрнини ( $A$  ва  $B$  нуқталар оралиғига) топиш учун қуйидаги нисбатни ёзамиш:

$$\frac{h'}{\Delta h} = \frac{d}{d_1},$$

бундан

$$d_1 = \frac{\Delta h}{h'} \cdot d, \quad (11.17)$$

бу ерда:  $d_1$  — баландлиги кичик нуқтадан ( $A$  дан) унга яқин горизонталгача (411,0 м) бўлган масофа;  $\Delta h$  — кичик нисбий баландлик ( $H_A$  ва унга яқин горизонтал орасидаги нисбий баландлик);  $h'$  — берилган  $A$  ва  $B$  нуқталарининг нисбий баландлиги;  $d$  — планда чизилган квадрат томонининг узунлиги (см).

(11.17) формула учун қуйидаги қийматлар ҳисобланади:

$$h' = H_B - H_A = 412,25 - 410,70 = 1,55 \text{ м};$$


$$\Delta h = 411,0 - 410,70 = 0,30 \text{ м};$$

$$d = 4 \text{ см.}$$

Шунда


$$d_1 = \frac{0,30}{1,55} \cdot 4 = 0,8 \text{ см};$$

$$d_2 = \frac{0,5}{1,55} \cdot 4 = 1,3 \text{ см},$$



бу ерда 0,5 — рельеф кесими баландлиги.

11.16- шакл.



11.17- шакл.

Интерполяция қилинадиган  $A$  ва  $B$  нүқталарига туташтириб қўйилади ва бу нүқталар қофозда белгилаб олинади. Ҳосил бўлган  $B$  нүқтасидан вертикаль чизик бўйича иҳтиёрий масштабда (масалан, 1:100 да) унинг баландлиги қўйилади ва  $B_1$  нүқта топилади. Бунда миллиметровка қиррасининг баландлиги  $A$  нүқта баландлигига тенг деб олинади (11.17-шакл).  $BB_1$  чизигида ўша масштабдан фойдаланиб,  $AB$  оралиғидаги горизонталлар баландлиги (юқоридаги мисолда 411,0; 411,50; 412,0 м) қўйилиб нүқталар белгиланади. Улардан ўтувчи, миллиметровка горизонтал чизиқларининг  $AB_1$  билан кесишган нүқталари проекцияси қофоз қиррасига туширилади ва планда  $a_1$ ,  $a_2$ ,  $a_3 \dots$  нүқталари белгиланади. Бу нүқталар тегишли горизонталларни пландаги ўрни бўлади.

Кўриб чиқилган усуллардан бирида нүқталар баландлиги интерполяция қилиниб горизонтал ўтувчи нүқталар ўрни планда топилади ва бир хил баландликка эга бўлган нүқталарни силлиқ эгри чизиқлар билан туташтириб горизонталлар ҳосил қилинади.

Олган мисолимизда  $d_3$  ҳам айнан 1,3 см бўлади. Топилган  $d_1$ ,  $d_2$ ,  $d_3$  масофалар планда  $A$  ва  $B$  нүқталар орасида кетма-кет ўлчаб қўйилиб, 411,0 м; 411,5 м; 412,0 м баландликка эга горизонталлар ўрни топилади.

Юқоридаги ҳисоблашларни аниқ тасаввур қилиш учун 11.16-шаклга қаралсин.

**График усулда** миллиметровка қозозининг бир бўлгали олинниб, унинг қирраси ин-



*Бешинчи бўлим.*  
**ТОПОГРАФИК СЪЁМКА**  
**XII боб. ТАХЕОМЕТРИК СЪЁМКА**

**(12.1) Тахеометрик съёмка ва унинг моҳияти**

Тахеометрия — грекча сўз бўлиб, тез ўлчаш деган маънони англатади. Тахеометрик съёмка деганда горизонтал ва вертикаль съёмкаларни бир вақтнинг ўзида тахеометр деб аталувчи асбоб билан бажариш тушунилади.

Тахеометр асбоби ўрнатилган нуқтага станция дейилади ва ундан ҳар бир съёмка қилинадиган тафсилот ва рельеф нуқтасига қараб бир вақтда горизонтал бурчак (бирон-бир бошланғич йўналишга нисбатан), вертикаль бурчак ва дальномер билан (оддий доиравий тахеометрларда ипли дальномер билан) масофа ўлчанади.

Тахеометрик съёмкада кутбий координаталар системаси усули билан нуқталарнинг пландаги ўрни ва тригонометрик нивелирлаш усули билан эса уларнинг баландлиги топилади. Ўлчаш натижаларини ишлаб чиқиб ер бўлганинг йирик масштабли топографик плани тузилади.

Тахеометрик съёмка, асосан, рельефи нотекис, майдони унча катта бўлмаган, эни тор ва бўйига چўзилган тафсилотлари мураккаб бўлган жойларда қўлланилади.

Тахеометрик съёмкада ўлчаш шарт-шароитларини тўла таъминлай оладиган энг оддий тахеометр бўлиб вертикаль доирага эга бўлган теодолит асбоби хизмат қилади. Бундай асбобга **теодолит-таксиметр** (доиравий тахеометр) дейилади.

**(12.2) Тахеометрик съёмкани бажариш учун ишлатиладиган геодезик асбоблар**

Тахеометрик съёмка ҳозирги кунда, асосан, оддий геодезик асбоб — теодолит-таксиметр (доиравий тахеометр) ёрдамида бажарилади. Съёмка жараёнида керакли ўлчашларни амалга ошириш учун мазкур асбобнинг горизонтал ва вертикаль доиралари ҳамда кўриш трубасидаги ипли дальномер чизиқлари хизмат қилади.

Горизонтал доира ёрдамида съёмка қилинадиган ҳар бир нуқтага (бундан кейин пикет нуқта дейилади) қараб, кутбий горизонтал бурчакни, вертикаль доира ёрдамида вертикаль (огиш) бурчакли ва ипли дальномер билан пикет нуқтагача масофани ўлчаш (6.8), (6.10) ва (7.6) мавзуларда батафсил баён этилган ва керакли формулалар келтирилган. Ўлчанган вертикаль бурчак ва дальномер масофаси бўйича нисбий баландликни ҳисоблаш эса (8.10) мавзуда тўла-тўқис ёритилган.

Хозирги кунда ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган ҳамда янги ишлаб чиқариладиган техник аниқлиқдаги ва аниқ таҳеометрларнинг барчаси доиравий таҳеометрлар бўлиб хизмат қила олади (2Т30П, 3Т30П, 4Т30П, 4Т15П, 2Т5К ва бошқалар).

Кейинги йилларда таҳеометрик съёмкани бажаришда ҳар хил типдаги таҳеометрларнинг шундай турлари ишлатилмоқдаки, улар ёрдамида нуқталарнинг нисбий баландлиги ва масофанинг горизонтал қўйилиши автоматик равишда рейкадан олинган саноқ сифатида аниқланади.

Бундай принципда ўлчайдиган таҳеометрларга *ТД* – нисбий баландлик ва масофанинг горизонтал қўйилишини горизонтал ўрнатиладиган рейка орқали аниқлаш имконини берувчи иккиланган тасвири автотедукцияли таҳеометр; *ТН* – труба кўриш майдонида кўринадиган номограмма (эгри чизиқлар) ва вертикал ўрнатилган рейка бўйича нисбий баландлик *h* ва горизонтал масофа *d* ни ўлчашни таъминлайдиган номограммали таҳеометр; *ТЭ* – электрооптик (электрон) таҳеометр, горизонтал ва вертикал бурчакларни ҳамда масофани ўлчаб натижаларни автоматик равишда ёзиб ҳисоблаб борадиган асбоблар киради.

Хозирги пайтда ишлаб чиқариладиган электрон таҳеометрлар ўлчаш-ҳисоблаш системасидан ташкил топиб унга ихчам масофа ўлчаш электрон дальномери, горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчаб, натижасини табло (монитор) га чиқариб ва бирданга хотирага ёзиб қайд қилиб борувчи электрон таҳеометр, натижаларни дастлабки ишлаб чиқиш учун кичик компьютерлар киради.

Хозирги замон электрон таҳеометрларини такомиллаштириш асбобнинг ўзида ўрнатиладиган ва ташқи ёдда сақлайдиган модуллар билан жиҳозлашга қаратилган. Хозирги электрон таҳеометрларнинг таснифига кўра улар системали ҳамда кундалик съёмкаларда ишлатиладиган таҳеометрларга бўлинади ва бир-биридан аниқлиги ҳамда автоматлаштирилган даражасига қараб фарқ қиласди. Системали таҳеометрларга EltaS10, S20 (Германия), TPS-Sistem-1000 (Швейцария) ва бошқалар киради. 12.1-шаклда берилган EltaS10 системали таҳеометрлар билан бурчак ўлчаш аниқлиги 1", масофа ўлчаш аниқлиги эса 1 мм + 2ррт. У моторлаштирилган бўлиб, қўйидаги имкониятларга эга: ўлчаш жараёнини тўла автоматлаштириш, фойдаланувчи томонидан дастур ишлаб чиқиб ундан фойдаланиш, мўлжални (қайтаргични) автоматик тўла доира бўйлаб



12.1 - шакл.

қидириш ва автоматик равишда ўлчаш, ўлчаш натижаларини хотирага ёзиб олиш, тахеометрни масофадан туриб радиомодем орқали бошқариш ва ҳоказо.

Кундалик ишлатиладиган ўрта аниқликдаги тахеометрлар TC 600 (Швейцария), Elta R55 (Германия), ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган тахеометрлар бўлиб, бурчак ўлчаш аниқлиги 3 – 5", чизик ўлчаш аниқлиги эса 3мм + 3рр – 5мм + 5ррт. Уларнинг конструкциясида кўйидагилар кўзда тутилган: ўлчанганд натижани хотираасига ёзиш, ассобга киритилган стандарт дастур, ўлчаш жараёнларини дастур асосида бошқариш, ҳамда жойда стандарт геодезик машқуларни бажариш ва бошқалар.

Elta R55 тахеометри (12.2-шакл) тагликдаги кўтаргич винтлар 14, горизонтал доира алидадасининг маҳкамлагич винти 13 ва қараттич винти 11, трегерда ўрнатилган доиравий адилак 10, трегерни маҳкамлагич винти 8, клавиатура 9, дисплей 7, қараш трубасини маҳкамлагич винти 6 ва қараттич винти 4, қараш трубаси окуляри 5 ва фокуслаш винти 3, ассоб баландлигини ўлчаш учун белги 2 ва трубани қаратиш коллиматори 1 дан иборат.


Тахеометр дисплей икки бетдан иборат бўлиб, биринчисида ўлчашлар ва ҳисоблашлар, иккинчисида эса нуқталар тартиб рақами, коди ва ёдлаш манзили берилади. Хоҳлаган дақиқада бир бетдан иккисинчи бетта ўтиш мумкин. Клавиатурадаги *ON* ва *PN*, кнопкаларни босиб, нуқталар номери ва кодини киритишига тайёрланади.

Функционал клавишилар „←“ ва „→“ га кетма-кет босиб, керакли позицияларга ўтилади.

Нуқталар координаталари интерфейс порти орқали ёки ассоб клавиатураси орқали қўлда киритилиши мумкин.

Бурчак ўлчаш аниқлиги 5", масофа ўлчаш аниқлиги 5 мм + 3 pp, труба катталашибиши 26<sup>o</sup>, бурчак градус, минут, секундда ўлчани, компенсаторнинг ишлаш чегараси ± 2'40", битта призма билан масофа ўлчаш 1,3 км гача, учта билан – 1,6 км, ўлчашга сарфланадиган вақт 3с.

Тахеометрда жойлашибирилган дастур қўйидагиларни таъминлайди: асбобни баландлик бўйича боғлаш, асбобни маълум нуқтага боғлаш, тескари кесишибириш, кутбий кесишибириш, перпендикуляр узунликни аниқлаш, вертикал текисликда нуқта ўрнини аниқлаш, нуқталар орасидаги масофани аниқлаш, объектлар баландлигини аниқлаш, режалаш ишларини бажариш ва бошқалар.



12.2- шакл.

Клавиатураси 7 та клавишдан иборат, улар ҳар хил функцияларни бажаради. Ёдга ёзиши – тахминан 1400 сатрга мүлжалланган ёдлаш қажмига эга. Ток билан таъминлаш аккумулятор батареясидан амалга оширилади. Тахеометрнинг иш хусусиятлари: горизонтал ва вертикал доираларни электрон сканерлаш, масофаларни фазани солишириш усулида электрон-оптик ўлчаш, визирлаш чизиги йўналишида асбоб ўқини компенсатор билан вертикал ҳолга келтириш, коллимация ва компенсатор хатоларига автоматик тузатма киритиб бориш, маълумотларни киритиш ва чиқариш интерфейси, график режимда ишлайдиган дисплей ( $128 \times 32$  пиксел), оддий фойдаланадиган ва осон ўзлаштириш имконини берадиган фойдаланувчи интерфейси, асбобга киритилган унумли амалий дастур, ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларини доимий ва ишончли назорат қилиш ҳамда аниқ маслаҳат бериш тизими ҳисобланади.

### **(12.3.) Тахеометрик съёмка асоси. Тахеометрик йўллар**

Тахеометрик съёмкани бажариш учун жойда мавжуд геодезик асос пунктлари ва съёмка асос нуқталари зичлиги шундай даражага етказилиши керакки, улар оралиғида 19-жадвалда кўрсатилган табларни таъминлаган ҳолда тахеометрик йўлларни ўтказиш мумкин бўлсин. Тахеометрик йўл дастлаб мавжуд топографик картада, жойдаги геодезик асос пунктлари орасида лойиҳаланади. Жойга чиқиб лойиҳаланган йўл нуқталарининг ўрни танланади. Сўнгра танланган нуқталарнинг жойдаги ўрни қозиқ қоқиб маҳкамланади.

**19-жадвал**

Съёмка масштаби	Йўлнинг максимал узунлиги, м	Чизиқлар максимал узунлиги, м	Йўлдаги томонлар максимал сони
1:5 000	1200	300	6
1:2 000	600	200	5
1:1 000	300	150	3
1:500	100	100	2

Тахеометрик йўлда томонлар орасидаги горизонтал бурчак тўла қабул усулида, вертикал бурчаклар ДЎ ва ДЧ да тўғри ва тескари йўналишда, томонлар узунлиги эса ипли дальномерда (лента, рулетка) тўғри ва тескари йўналишда ўлчаниб журналга ёзилади (21-жадвал). Ўлчаш натижалари шу жойда ҳисобланниб назорат қилиб борилади. Бунда иккита ярим қабулла ўлчангандай горизонтал бурчак қиймати 1'дан, вертикал доира ноль ўрни (НЎ) эса доимий бўлиши

фарқи 1' дан ошмаслиги керак. Түгри ва тескари йұналишларда үлчанған масофа фарқи 1:400 дан катта бўлмаслиги керак. Масофа горизонтал қыйилиши ва нисбий баландлик үлчанған масофа ҳамда вертикал бурчак бўйича махсус тахеометрик жадваллардан олинади ёки (8.10) да берилган формулалар бўйича калькуляторда ҳисобланади.

Түгри ва тескари йұналишларда үлчаб топилган нисбий баландлик қийматлари фарқи ҳар 100 метр масофа учун 4 см дан катта бўлмаслиги керак.

#### **(12.4.) Тафсилотлар ва рельефни съёмка қилиш**

Тафсилотлар ва рельеф съёмка қилиш ишлари тахеометрик йўлни ўтказиш билан бир вақтда олиб борилиши мумкин.

Тахеометрик съёмкани бажаришда белгиланған съёмка масштаби ва рельеф кесими баландлигидан келиб чиқиб қуидаги 20-жадвалда (жадвал қисқартириб берилди) келтирилган шартлар таъминланиши керак.

*20-жадвал*

Съёмка масштаби	Кесими баландлиги, м	Пикет нуқталар орасидаги энг катта масофа, м	Асбобдан рейкагача энг катта масофа, м	
			рельеф съёмкасида	тафсилотлар съёмкасида
1:2 000	0,5	. 40	200	100
	1,0	40	250	100
1:5 000	0,5	60	250	150
	1,0	80	300	150
	2,0	100	350	150

Съёмка тахеометрик йўлни ҳосил қилиш билан бир вақтда олиб борилса, станцияда бажариладиган үлчаш ишлари қуидаги тартибда олиб борилади:

1. Тахеометр йўл нуқталаридан бирида ўрнатилиб ишчи ҳолатга келтирилади ва асбоб баландлиги үлчаниб, рейкада белгилаб қўйилади.


2. Дў ва ДЧ ҳолатларида тахеометрик йўлнинг горизонтал бурчаги, йўл орқадаги ва олдинги нуқталарига қараб вертикал бурчак ва дальномерда масоफалар үлчанади. Үлчашлар натижаси тахеометрик съёмка журналига ёзиб борилади (21-жадвал).

3. ДЧ ҳолатда горизонтал доира саноғи нолга қўйилиб алидада маҳкамланади, лимб эса бўшатилиб кўриш трубаси тахеометрик йўл олдинги нуқтасига қаратилади.

4. Лимбни маҳкам қолдирилиб алидада бўшатилади ва труба пикет нуқтада ўрнатилган рейкага қаратилиб, ундан дальномер ип-

**Тахеометрик съёмка журнали**  
**Станция II;  $H_{II} = 450,65$  м;  $i = 1,55$ ;  $\bar{H} = 0^{\circ}00'$**

Куза-тилган нүкталар т/р	Саноқтар			Бурчаклар		Куза-тиш баланд-лиги, / (м)	Масо-фанинг гори-зонтал қуи-лиши	$h'(\text{м})$	$h(\text{м})$	Баланд-лик $H$ (м)	Изоҳ
	Даль- номер бўйича	Гори- зонтал доира бўйича	Верти- кал доира бўйича	Гори- зонтал	Верти- кал						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Дў											
I	115,5	0°10'	-1°22'		+1°22'	$/ = 2,0$	115,5	+2,71	+2,26		
				242°33'							
III	130,2	243°43'	+2°01'		-2°01'	$/ = i$	130,2	-4,61	-4,61		
ДЧ											
I	115,7	173°12'	+1°23'		+1°23'	$/ = 2,0$	115,7	+2,76	+2,31		
				242°33'							
III	130,4	55°45'	-2°00'		-2°00'	$/ = i$	130,4	-4,55	-4,55		
III		0°00'									
1	34,5	2°40'	-2°05'		-2°05'	$/ = i$	34,5	-	-1,27	449,38	-
2	34,0	34°25'	+0°06'		+0°05'	$/ = i$	34,0	-	+0,04	450,69	йўл
3	25,5	85°55'	+1°07'		+1°07'	$/ = i$	25,5	-	+0,48	451,13	-



12.3- шакл.

лари, горизонтал ва вертикаль доиралар бүйича саноқлар олинади. Вертикаль доиралдан саноқ олишда труба рейкада белгиланған асбоб баландлигига қаратиласы. Рейка навбатдаги пикет нұқтасы қўйилади, алидада бўшатилиб, труба унга қаратиласы ва олдингига ўшаш саноқлар олинади, кейин навбатдаги нұқтасы ўтилади ва ҳ.к.

5. Съёмка охирида труба яна бошланғич йўналишга, йўлни олдинги нұқтасига қаратиласы, шунда горизонтал доиралдан олинган саноқ ноль ёки ундан 2'дан ортиқ фарқ қымаслиги керак. Тафсилотлар чегарасини съёмка қилишда дальномер иплари рейканни ўрта қисмига (асбоб баландлигига яқин қисмига) қаратилиб масофа ўлчаниди.

Шунда труба визир ўқининг оғиш бурчаги ўлчанаёттани чизик оғиш бурчагига яқин бўлади.

Рельефи текис жойларда съёмка бажаришда нисбий баландликлар горизонтал нур ёрдамида ўлчаниши мумкин. Бунинг учун кўриш трубасида ўрнатилган цилиндрик адилакдан фойдаланилади. Кўриш трубаси пикет нұқтада ўрнатилган рейкага қаратилиб, адилак пулфакчаси трубанинг қаратиш винти ёрдамида ўртага келтирилади ва рейкадан саноқ олинади. Нисбий баландлик қиймати маълум,  $h = i - v$  формуласи орқали ҳисобланади ( $i$  – асбоб баландлиги,  $v$  – рейкадан олинган саноқ).

Съёмка жараёнида тахеометрик журнални тўлдиришдан ташқари кроки ҳам чизиб борилади (12.3-шакл). Крокидаги станция, ундан орқада (I нұқта) ва олдинда (III нұқта) жойлашган йўл нұқталари ҳамда пикет нұқталари ўрни чизма равищда кўрсатилиб тартиб рақами ёзилади. Бундан ташқари қияликлар йўналиши, рельефи мураккаб жойларда унинг тахминий шакли горизонталлар чизиб кўрсатиласы. Кўшини станциялардан туриб съёмкани бажаришда улар орасида съёмка қилинмаган жойлар қолмаслиги керак. Текшириш учун кўшини

станциялардан туриб съёмка қилинган жойда икки станциядан бир-бирини қоплаб тушадиган нүкталар олинади ва уларни планли ўрни ҳамда баландлиги ўлчанади, улар яқин атрофда туширилган пикет нүкталарга мос келиши керак.

### 12.5. Тахеометрик съёмка натижасини ишлаб чиқиш

Юқорида келтирилган 21-жадвалдаги натижалар 2Т30П теодолитда ўлчаб олинган. Шуни ҳисобга олиб тахеометрик йўл нүкталари орасидаги вертикал бурчаклар қиймати жадвални 4-устунидаги саноқлар бўйича қўйидаги формулалар орқали ҳисобланган:

$$H\ddot{y} = 1/2 (L + R),$$

$$v = H\ddot{y} - R,$$

$$v = L - H\ddot{y}.$$

Станцияда орқадаги ва олдиндаги нүкталар саноғи бўйича ҳисобланган  $H\ddot{y}$  қиймати тенг бўлиши ёки фарқи 1'дан ошмаслиги керак.

Ҳисобланган вертикал бурчаклар қиймати жадвалнинг 6-устунига ёзилган. Масофаларнинг горизонтал қўйилиши вертикал бурчак  $v$  ва қия масофа  $D$  бўйича маҳсус тахеометрик жадваллардан олинади ёки калькуляторда қўйидаги

$$\Delta D = D \sin^2 v$$

формула бўйича қия масофага тузатма ҳисобланади ва у ўлчанган қия масофа  $D$ дан айрилиб горизонтал қўйилиши топилади. Вертикал бурчак қиймати  $3^\circ$  дан ошмас,  $\Delta D$  қиймати кичик бўлади ва у ҳисобга олинмаслиги мумкин. Станциядан ҳар бир пикет нүктага қараб нисбий баландлик қўйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$h' = \frac{1}{2} D \sin 2v,$$

$$h = h' + i - l = \frac{1}{2} D \sin 2v + i - l. \quad (12.1)$$

21-жадвалда келтирилган қийматлар бўйича 1 нүктага қараб  $h'$  ва  $h$  қийматлари қўйидагича топилган:

$$h' = \frac{1}{2} \cdot 115,5 \cdot \sin 2(+1^\circ 22') = +2,71 \text{ м.}$$

$$h = 2,71 + 1,55 - 2,0 = +2,26 \text{ м.}$$

Ҳисоблаш тригонометрик функцияли калькуляторда осон ба-жарилади. Ҳисоблаш натижалари жадвалнинг 9 ва 10-устунларига тегишили нүкталар қаторига ёзилади.

Координаталар ҳисоблаш ведомостида (жадвалда) тахеометрик йўл нуқталари координаталари ҳисоблаб чиқилади. Горизонтал бурчакларни ўлчаш хатоси ва унинг чекли қиймати (10.13) ва (10.15) формулалар бўйича ҳисобланниб улар боғланади.

Тахеометрик йўл периметридаги орттирмалар абсолют хатоси-нинг қиймати қўйидагидан ошмаслиги керак:

$$f_{\text{чекл}} = \frac{\sum d}{400\sqrt{n}}, \quad (12.2)$$

бу ерда:  $\sum d$  — йўл периметри;  $n$  — йўл томонлари сони.

Йўл қўйилган хато қиймати хато чекидан кичик бўлса, у тескари ишора билан тарқатилиб орттирмалар тузатилади. Сўнгра, улар орқали нуқталарнинг координаталари ҳисобланади. Тахеометрик йўл нуқталари баландлигини ҳисоблаш учун журналдан (21-жадвал) тўғри ва тескари йўналишларда ўлчанган нисбий баландликлар ўртача қиймати олиниб уларни хатоси қўйидагича топилади:

$$\int h = \sum h_{y_p} - (H_{ax} - H_b),$$

бу ерда:  $\sum h_{y_p}$  — йўл бўйича ўртача нисбий баландликлар йигинидиси;  $H_b$ ,  $H_{ax}$  — йўл бошлангич ва охирги нуқталарнинг баландлиги.

Нисбий баландликларнинг (12.2) формула бўйича ҳисобланган хатоси қўйидаги чекдан ошмаслиги керак:

$$\int h_{\text{чекл}} = 0,04 \frac{\sum d}{\sqrt{n}} (\text{см}), \quad (12.3)$$

бу ерда:  $n$  — йўл томонлари сони.

Нисбий баландликлар хатоси (12.3) бўйича ҳисобланган қийматдан ошмаса, улар тескари ишораси билан нисбий баландликларга тарқатилиб тузатилади ва нуқталар баландлиги қўйидагича топилади:

$$\begin{aligned} H_1 &= H_0 + h_1, \\ H_2 &= H_1 + h_2 \\ &\dots \end{aligned}$$

Йўл нуқталарнинг баландлиги журналдаги тегишли станция баландлигига кўчириб ёзилади.

Шундан кейин журналда пикет нуқталар баландлиги қўйидагича ҳисобланади:

$$H_n = H_{ct.} + h_n,$$

бу ерда  $h_n$  — пикет нуқта нисбий баландлиги.

21-жадвалда келтирилган қийматлар бўйича топамиз:

$$H_1 = H_{ct.} + h = 450,65 - 1,27 = 449,38,$$

$$H_2 = H_{ct.} + h = 450,65 + 0,04 = 450,69 \text{ ва ҳоказо.}$$

## **12.6. Таксиметрик съёмка планини тузиш**

Планни тузиш қуйидаги тартибда бажарилади.

1. Ватман қоғозыга координаталар түри чизилади.
2. Таксиметрик йўл нуқталари тегишли координаталари бўйича планга туширилади.
3. Кроки ва журналдан фойдаланиб, планга туширилган йўлнинг ҳар бир нуқтасидан транспортир ёрдамида пикет нуқталар туширилади. Планга туширилган пикет нуқтасининг ёнига унинг тартиб рақами ва баландлиги ёзилади.
4. Планга туширилган тафсилот ҳамда рельеф нуқталари бўйича крокидан фойдаланиб тафсилотлар чизилади ва нуқталар баландлиги бўйича горизонталлар ўтказилади.
5. План қабул қилинган шартли белгилари асосида чизилади, сўнгра уни жой билан солиштириб кўрилади ва тушда чизилади.

Юқоридаги 1- ва 2- бандларда кўрсатилган ишлар тартиби (10.10) да батафсил баён этилган.

Пикет нуқталарини планга тушириш учун станция (нуқта) га транспортир маркази қўйилиб, унинг шкаласининг ноли қараш трубаси ориентирланган (21-жадвалдаги мисолда II — III томон) йўналишга туаштирилади. Таксиметрик съёмка журналида ёзилган ушбу станцияда (мисолимизда II станция ) пикет нуқталарига қараб горизонтал доирадан олинган саноқлар бирин-кетин транспортирда қўйиб чиқилади ва топилган нуқталарга қараб тегишли масофа план масштабида қўйилса, пикет нуқталарнинг пландаги ўрни аниқланади.

Аниқланган нуқталар тафсилот нуқталари бўлса (крокига қаралади), уларни бирлаштириб тафсилотлар контури ҳосил қилинади, агар улар рельеф нуқталари бўлса, ёнларига аниқланган баландликлари ёзилади. Крокида кўрсатилган қияликлар йўналиши бўйича қабул қилинган кесим баландлигида интерполяция ёрдамида бир хил баландликка эга бўлган нуқталарнинг ўрни топилади, сўнгра уларни бирлаштириб горизонталлар ўтказилади.

Махсус шартли белгилар жадвали асосида тафсилотлар чизилади.



## XIII бөб. МЕНЗУЛА СЪЁМКАСИ

### 13.1. Мензула съёмкаси ва унинг моҳияти

Мензула съёмкаси топографик съёмканинг бир тури бўлиб, бунда съёмканинг дала ва камерал ишлари мензула ва кипрегель ёрдамида бир вақтда жойнинг ўзида бажарилади. Агар теодолит съёмкасида горизонтал бурчаклар жойда ўлчаниб журналга ёзib борилса, бундай план олишида горизонтал бурчаклар ўлчанмай, аксинча, улар планда график усул билан ҳосил қилинади. Бунинг учун ватман қоғозининг бир вараги мензула таҳасининг устки текислигига маҳкамлаб қўйилади ва бу таҳта горизонтал ҳолатда ўрнатилади. Кўпинча, мензула таҳасига ватман қоғози сифатли қилиб елим билан ёпиштирилган фанер ёки алюминий вараги қирғоқларидан михчалар билан қоқиб маҳкамланади. Бундай варага планшет деб аталади. Ушбу планшеттага жойдаги бурчак томонларининг горизонтал қўйилишига параллель бўлган чизиқлар чизилади ва улар орасида жойдаги бурчак ҳосил бўлади. Шунинг учун мензула съёмкасини, кўпинча, бурчак чизиб съёмка қилиш ҳам дейилади.


Мензула съёмкасида жойдаги тафсилотлар билан бир вақтда рельеф нуқталари ҳам планшеттага туширилиб уларнинг баландлиги ўлчаб аниқланади ва пландаги нуқта ёнига ёзилади. Бу баландликлар бўйича, сўнгра, интерполяция ўtkазилиб рельеф шу жойни ўзида горизонталлар усули билан тасвирлаб борилади. Тафсилотларни ва жой рельефини планга олиш, асосан, қутбий координаталар усули билан бажарилади.

Мензула съёмкасида абрис кроки чизиб борилмайди, ўлчанган масофанинг горизонтал қўйилиши циркуль-ўлчагич билан съёмка масштабида планшеттага бир йўла туширилади.

Съёмка жараёнида мензула таҳаси теодолит горизонтал доираси лимбининг вазифасини бажаради ва шунинг учун у қўзғатилмасдан съёмка охиригача горизонтал ҳолатда туриши керак. Алидада вазифасини эса кипрегель деб аталувчи геодезик асбоб чизиғичи бажаради.

Жойда олинган *VAC* горизонтал бурчагини мензула планшетида график йўлда чизиб ҳосил қилишни 13.1-шаклда кўрсатилган. Мензула асбоби бурчак учи бўлган *A* нуқтага ўрнатилган, *B* ва *C* нуқталар жойда вехалар билан белгиланган. Жойдаги *AB* ва *AC* томонлар кипрегель чизиғичи қирраси бўйича планшеттага туширилиб *av* ва *ac* йўналишлар билан ифодаланган.

Мензула съёмкасининг бошқа съёмкалардан афзаллиги шундаки, бунда планга туширилаётган майдон (жой) ҳамма вақт съёмка ба-



13.1- шакл.

жарувчининг кўз олдида бўлади, бу эса планни жой билан таққослашга, жойдаги тафсилотлар ва рельефни планда аниқ ва мукаммал тасвирлашга имкон беради.

### 13.2. Мензула ва унинг жиҳозлари


Мензула ва унинг жиҳозлари ер участкасининг топографик планни тузиш учун ишлатилади.

Мензула жиҳозлари (13.2-шакл) мензула, кипрегель, ориентирлаш буссоли, марказлаштириш вилкаси, дальномер рейкаси ва зонт (соябон) дан иборат.

Мензула (13.2-б шакл) планшет деб аталувчи 60x60x3 см ўлчамили квадрат тахта 1 ва таглик 2дан ташкил топган. Тагликдаги кўтаргич винтлар Зёрдамида планшет горизонтал ҳолатта келтирилади. Таглик ва планшет ўрнатгич винт 5ёрдамида штативга маҳкамланади. Планшетни ориентирлаш пайтида уни кичик бурчакка буриш учун тагликлда қаратиш винти 4 ўрнатилган. Шовун осилган вилка мензулани нуқта устига марказлаштириш учун хизмат қилади. Ориентирлаш буссолидан планшетни магнит азимути бўйича ориентирлашда фойдаланилади.

Кипрегель — мензула съёмкасини бажариш вақтида планшет (чизма қозоғ ёпиштирилган мензула тахтаси) устига қўйилиб, нуқталарга визирлаш йўналишларни чизиш, масофа, нисбий баландликларни ўлчаб нуқталарнинг пландаги ўрнини белгилаш учун мослаштирилган геодезик асбоб.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган номограммали кипрегель КН амалда кўп қўлланилади. Бу кипрегелга тўғри тасвир берувчи кўриш трубаси ўрнатилган. Шу сабабли дальномер рейкасидаги дециметрли бўлаклар қиймати тўғри ёзилган. Дальномер рейкаси худди нивелир рейкасига ўхшашиб шашкасимон сантиметрли бўлакларга бўлинган ва унинг ноль ёзилган учини асбоб баландлигига мослаб кўтариб-тушириш учун сурилма қилиб ясалган.



13.2- шакл.

КН кипрегели, асосан, кўриш трубаси 1, вертикал доира 2, колонка (устун) 3 ва чизғич 4 дан ташкил топган (13.2-а шакл). Кўриш трубасидаги окуляр тирсаги 8 буқланган ва кузатиш пайтида уни буриб кўзга қаратилади. Кузатилаётган нуқта ёки рейка тасвирини фокусга келтириш учун трубага кремальер винт 10 ўрнатилган. Кўриш трубаси нуқтага қаратилгандага қимирдамаслиги ва аниқ қаратилиши учун маҳкамлаш винти (ричаги) 11 ва қаратиш винти 12 га эга. Кўриш майдонидаги номограммалар (эгри чизиқлар) бўйича рейкадан саноқ олишдан олдин колонка устига ўрнатилган цилиндрик адилак 7 пуфакчаси элевациян винт 13 ёрдамида ўртага келтирилади. Кўриш трубаси билан бирга айланадиган вертикал доира устига ўрнатилган цилиндрик адилак 6 труба кўриш ўқини горизонтал ҳолатга келтириб, кипрегелдан нивелир ўрнида фойдаланишга имкон беради. Цилиндрик адилаклар тепасига ўрнатилган ойначалар 14 орқали пуфакча ҳолатини окуляр ёнида туриб кузатиш мумкин.

Колонканинг пастки қисмига асосий (калтароқ ва кенгрок) чизгич 4 маңкамланган бўлиб, у кипрегелга таглик сифатида хизмат қилади. Асосий чизгич ёнига унга параллел ҳаракатланадиган ёрдамчи чизгич 15 бирлаштирилган. Съёмка пайтида жойдаги нуқта ўрнини планда белгилаш учун ёрдамчи чизгич устида суриувчи ва учига нина ўрнатилган масштаб чизгичи 16 дан фойдаланилади. Асосий чизгич устидаги цилиндрик адилак 5 ёрдамида планшет горизонтал ҳолатга келтирилади.

Дала ишларини бошлашдан олдин кипрегелни кўрикдан ўтказилади, текширилади ва зарур ҳолларда тузатилади.

### **13.3. Мензула ва кипрегелни текшириш ва тузатиш**

Съёмка ишларини бошлашдан аввал мензула ва кипрегелни текшириш керак. **Мензула қўйидаги талабларга жавоб берини керак:**

1. Ўрнатилган мензула турғун (мустаҳкам) бўлиши керак. Текшириш учун ўрнатилган мензула тахтасига кипрегель қўйилиб, кипрегелнинг кўриш трубаси жойдаги узоқ бир нуқтага қаратилади. Кейин мензула тахтасининг окуляр томонидаги чети бармоқ билан бир оз босилади. Бунда, албатта, нуқта тасвири кўриш майдонида сильжийди. Аммо бармоқ тахта четидан олингач, нуқта тасвири ўз ўрнига яна қайтиб келса, шарт бажарилган ҳисобланади.

2. Мензула тахтасининг устки сирти текис бўлиши керак. Бу шартни текшириш учун текширилган оддий чизгич ёки кипрегель чизгичининг қирраси тахта устида ҳар хил йўналишда қўйиб чиқилади. Шунда тахта сирти билан чизгич қирраси орасидаги тирқиши кенглиги 0,5 мм дан ошмаслиги керак.

3. Мензула тахтасининг устки сирти унинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун кипрегель чизгичидаги текширилган адилак ёрдамида мензула тахтаси горизонтал ҳолатта келтирилади. Кейин мензула тахтаси ўз ўки атрофида айлантирилиб, адилак пуфакчасининг ҳолати кузатилади. Агарда пуфакча ноль пунктта нисбатан икки бўлакдан ортиқ силжимаса, шарт бажарилган ҳисобланади.

Мензулани текширишда аниқланган носозликлар устахонада бартараф қилинади.

**Кипрегель қўйидаги талабларга жавоб берини керак:**

1. Кипрегель чизгичининг йўнилган қирраси тўғри, унинг пастга қараган томони эса текис бўлиши керак. Бунинг учун планшетда кипрегель чизгичи қарама-қарши йўналишларда қўйилиб, йўнилган қирраси бўйича тўғри чизиқлар чизилади. Чизиқлар бир-бирининг устига тўғри тушса, шарт бажарилган бўлади. Чизгич остики сиртининг текислиги бирон-бир текис сиртга қўйиб текширилади. Шартлар бажарилмаган тақдирда чизгич ишга яроқсиз ҳисобланади ва у алмаштирилиши ёки маҳсус устахонада тузатилиши керак.

2. Кипрегель чизгичидаги цилиндрик адилак ўқи чизгичнинг остки сиртига параллел бўлиши керак. Бу шартни текшириш учун кипрегель планшетга тагликдаги икки кўтаргич винт йўналиши бўйича қўйилиб, ўша винтлар ёрдамида цилиндрик адилак пулфакчаси ноль пунктга келтирилади. Чизгичнинг йўнилган қирраси бўйича қалам билан чизиқ чизилади. Кейин кипрегелни  $180^{\circ}$  га айлантириб, чизгичнинг йўнилган қиррасини чизиққа тескари йўналишида қўйилади. Шунда адилак пулфакчаси ўртада (ноль пунктда) қолса ёки икки бўлакдан ортиқ оғмаган бўлса, шарт бажарилган ҳисобланади. Акс ҳолда пулфакча оғиш ёйининг ярмига адилакнинг тузатгич винтлари ёрдамида, қолган ярмига эса, кўтаргич винтлар ёрдамида қайтарилиб ноль пунктга келтирилади. Шундан кейин текшириш такрорланиши зарур.

3. Трубанинг кўриш ўқи труба айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Бу шартни текшириш учун узоқда аниқ кўринадиган бирорта нуқта танлаб олиниб, кўриш трубаси шу нуқтага тўғриланади, яъни иплар тўрининг вертикал или билан бош эгри чизиқ кесишган нуқтаси кузатилаётган нуқта тасвирига туташтирилади ва кипрегель чизгичнинг йўнилган қирраси бўйича планшетга чизиқ чизилади. Кейин кўриш трубаси зенит орқали айлантирилиб, кипрегель  $180^{\circ}$  га бурилади. Кўриш трубаси яна ўша нуқтага тўғриланади ва чизгичнинг йўнилган қирраси бўйича иккинчи чизиқ чизилади. Агар иккала чизиқ устма-уст тушса ёки ўзаро параллел бўлса, шарт бажарилган бўлади. Акс ҳолда чизгич қирраси иккала чизиқ ҳосил қилган бурчак биссектрисаси (бурчакни иккига бўлувчи чизиқ) бўйича қўйилади. Шунда кўриш майдонида кузатилаётган нуқта тасвири вертикал ип билан бош эгри чизиқ кесишган нуқтадан силкиган бўлади. Бу силжиш иплар тўри призмасини сурин орқали бартараф этилиши мумкин. Бундай камчиликни устахонада тузатилади.

4. Трубанинг айланиш ўқи чизгичнинг остки сиртига параллел бўлиши керак. Бу шартни теодолитнинг учинчи шартига ўхшаш (6.7) текшириб кўрилади. Мензула бирон-бир бино деворидан  $20 - 30$  м масофада ўрнатилиб, планшет горизонтал ҳолатга келтирилади. Деворнинг баландроқ қисмida аниқ кўринадиган  $M$  нуқта танлаб олиниб, кўриш трубаси шу нуқтага тўғриланади. Кейин объектив кўриш трубаси тахминан горизонтал ҳолатга келгунча пасайтирилади ва деворда ўша нуқтанинг проекцияси  $m_1$  қалам билан белгиланади. Труба зенит орқали айлантирилиб, кипрегель  $180^{\circ}$  га бурилади ва яна аввалгидек  $M$  нуқта иккинчи марта проекцияланиб, деворда  $m_2$  нуқта белгиланади.  $M$  нуқтанинг проекциялари —  $m_1$  ва  $m_2$  нуқталар бир-бирининг устига тушса, шарт бажарилган бўлади. Аслида бу шартнинг бажарилиши асбоб ишлаб чиқарилган заводда таъминланган бўлади. Агарда шарт бажарилмай қолса, бунга текширишни бир неча марта тақрорлаб, ишонч ҳосил қилингач, асбоб маҳсус устахонага юборилади.

5. Иплар түрининг вертикал ипи трубанинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Бу шартни текшириш учун узокдан яхши кўринадиган битта нуқта таинлаб олиниб, кўриш трубаси шу нуқтага тўғриланади. Бунда кўриш майдонида иплар түрининг вертикал ипи билан бош эгри чизик кесишган нуқта кузатилаётган нуқта тасвирига туаштирилган бўлади. Кўриш трубаси қаратиш винти ёрдамида секин пастта бурилади. Агар кузатилаётган нуқта тасвири кўриш майдонининг юқори четига вертикал ип бўйича силжиса, шарт бажарилган бўлади, акс ҳолда иплар тўри призмасини буриш йўли билан камчилик бартараф қилинади. Тузатиш устахонада бажарилади.

6. Кўриш трубасининг коллимацион текислиги (кўриш ўқи орқали ўтувчи вертикал текислик) чизгичнинг йўналган қиррасидан ўтиши ёки унга параллел бўлиши керак. Кўриш трубаси узокдаги яхши кўринадиган предметга тўғриланади ва чизгичнинг йўнилган қирраси учлари ёнига тик қилиб иккита нина қадалади. Кейин кузатилаёттан нуқтага шу икки нина йўналиши бўйича қаралади. Агар ниналар орқали ўтаётган кўриш нури кузатилаётган нуқта орқали ўтса, шарт бажарилган ҳисобланади. Акс ҳолда, планшет бурилиб ниналар орқали ўтаётган кўриш нури кузатилаётган нуқтага тўғриланади. Шунда трубадан қаралганда, кўриш майдонида кузатилаёттан нуқта тасвири силжишган бўлади. Бу силжишни бартараф қилиш учун колонка билан чизгични бирлаштирувчи винтлар бир оз бўшатилиб, колонка бурилиб кўриш трубаси нуқтага тўғриланади ва бўшатилган винтлар маҳкамланади. Бироқ бу тузатишни бажармаслик ҳам мумкин, чунки съёмка пайтида ўлчаш кипрегелнинг фақат бир вазиятида (масалан, ДЧ да) бажарилади ва католик съёмка аниқлигига таъсир этмайди.

КН кипрегелининг вертикал доирасида лимбдаги градусли бўлаклар 0 дан чапга +45 гача, ўнга -45 гача ёзиб чиқилган. Ҳар бир градусли бўлак узунроқ чизиқчалар билан олтига 10' ли бўлакка, улар эса, ўз навбатида қисқароқ чизиқчалар билан иккита 5' ли бўлакка бўлинган. Демак лимбнинг кичик бир бўлаги қиймати 5' га тенг. Лимбдан саноқ вертикал чизик (ип) билан бош эгри чизик кесишган нуқтага нисбатан олинади (13.3-шакл). 13.3-а шаклда вертикал доиралан олинган саноқ  $B_1 = 0^{\circ}00'$ , 27-б шаклда эса саноқ  $B_2 = +3^{\circ}43'$  эканлиги кўрсатилган.

Вертикал доира кўриш трубасига нисбатан ўнгда жойлашган пайтда, яъни кипрегелнинг ДУ вазиятида лимб шкаласи кўриш майдонининг юқори қисмида кўринади.

Вертикал доиранинг ноль ўрни (НЎ) деб трубанинг кўриш ўқи горизонтал ҳолатда бўлиб, колонка устига ўрнатилган шилиндрик адилак пуфакчаси ўртада турган пайтда лимбдан олинган саноқга айтилади.

Амалда НҮ қийматини аниқлаш учун узоқда аниқ күрінадиган иккі ёки уcta нұқта таңлаб олинади ва бу нұқтапарга күриш трубаси қаратилиб, кипрегелнинг иккі вазиятида (ДЧ ва ДҮ да) вертикал доирадан  $B_y$  ва  $B_z$  саноқлари олинади. Албатта, ҳар саноқ олишдан олдин колонка устидаги адилак пұфакчаси ўртага көлтирилиши керак. Ҳар бир нұқтага қаратиб олинган  $B_y$  и  $B_z$  саноқлари бүйича НҮ қиймати қуйидаги ифодадан топилади:

$$НҮ = \frac{B_y - B_z}{2}.$$

Ҳар бир нұқтага қаратиб олинган саноқлар бүйича аниқланған НҮ қийматлари ўзаро тенг ёки 1,5' дан ортиқ фарқ қылmasлиги керак. НҮ нинг ўртача қиймати нолга тенг ёки 1' дан ошмаслиги керак.

Акс ҳолда НҮ нинг қиймати нолга көлтирилади. Бунинг учун колонка устидаги цилиндрик адилак пұфакчаси ўртага көлтирилиб, күриш трубасининг қаратиш винти ёрдамида вертикал доирада НҮ нинг ўртача қийматига тенг саноқ қўйилади. Кейин элевацион винт ёрдамида вертикал доирадаги саноқ нолга көлтирилади. Шунда колонка устидаги цилиндрик адилак пұфакчаси ноль пунктдан силжиган бўлади. Адилакнинг тузаттич винтлари ёрдамида пұфакча ноль пункта көлтирилади.


НҮ қиймати нолга көлтирилганligига ишонч ҳосил қилиш учун унинг қийматини яна икки-уч мартада аниқлаб күриш керак.

### **13.4. КН кипрегелида нисбий баландлик ва масофаларнинг горизонтал қўйилишини ўлчаш**

КН номограммали кипрегелида кузатилаётган нұқтанинг нисбий баландлиги, нұқтагача бўлган масофанинг (чизиқ узунлигининг) горизонтал қўйилиши кўриш майдонидаги рейка тасвири устига тушиб турган номограмманинг эгри чизиклари орқали автоматик равишда аниқланади (13.3-шакл).

Номограммада ноль нұқтаси  $H$  белгиси билан белгиланган, ундан икки томонга қараб қия эгри чизиклар чизилган бўлиб, уларга нисбий баландлик эгри чизиклари дейилади. Улар устига +10 ва -10 коэффициент қийматлари ёзилган. Кузатилаётган нұқта тепада жойлашган бўлса, +10 коэффициентли; пастда жойлашган бўлса, -10 коэффициентли эгри чизиклар кўринади.

Трубанинг кўриш майдонида эгри чизикларнинг тасвири жойдаги қиялик бурчагига қараб ўзгаради. Жой қиялиги, яъни кузатилаётган йўналиш қиялиги  $\pm 6^\circ$  гача бўлганда кўриш майдонида рейка тасвири устига  $\pm 10$  коэффициентли эгри чизик; қиялик  $\pm 6^\circ$  дан  $\pm 11^\circ$  гача бўлганда  $\pm 20$  коэффициентли эгри чизик; қиялик  $\pm 11^\circ$  дан ортиқ бўлганда эса  $\pm 100$  коэффициентли эгри чизик тушади.



Үлчаш пайтида ёнига құшимча рейка жипслаштирилган сурилма рейка құлтанилади. Асосий рейканинг ноль штрихи құшимча рейка ёрдамида асбоб баландлигига мослаб маълум баландликка күтариб қўйилади. Кузатишда вертикаль чизиқ рейканинг бўйлама ўқига, бош эгри чизиқ рейканинг ноль штрихига тўғриланади. Нисбий баландликни аниқлаш учун қия эгри чизиқнинг вертикаль чизиқ билан кесишган нуқтаси бўйича рейкадан саноқ  $l_h$  олинниб, уни коэффициент  $K_h$  га кўпайтирилади, яъни  $h = K_h l_h$ .

13.3-б шаклла  $l_h = 0126$  мм ёки  $0,126$  м;  $K_h = +10$ . Демак,  $h = (+10) \cdot 0,126$  м =  $+1,26$  м.

Масофанинг горизонтал қўйилишини топиш учун бош эгри чизиқдан юқорида иккита горизонтал чизиқлар чизилган бўлиб, улар устига D 200, D 100 сонлари ёзилган. Булар масофанинг горизонтал қўйилиши эгри чизиқлари дейилади. Масофа 200 м гача

бўлганла иккала чизиқ ҳам рейка тасвири устига тушиб туради. Бироқ ҳисоблаш қулагай бўлиши учун Д 100 коэффициентли эгри чизиқдан саноқ олингани маъқул. Масофа 200 м дан ортиқ бўлганда (бундай масофалар съёмка пайтида кам учрайди) рейка тасвири устида Д 200 коэффициентли эгри чизиқ ётади, унда шу чизиқ бўйича саноқ олинади. Масофанинг горизонтал қўйилишини аниқлаш учун рейкадан эгри чизиқ бўйича олинган саноқ  $I_d$  эгри чизиқ коэффициентига кўпайтирилиши керак, яъни  $d = K_d I_d$ .

13.3-б шаклда Д 100 эгри чизигидан олинган саноқ  $I_d = 0,194$  мм ёки 0,194 м;  $K_d = 100$ . Демак, масофанинг горизонтал қўйилиши  $d = 100 \cdot 0,194$  м = 19,4 м.

### 13.5. Мензулани нуқтага ўрнатиш

Мензулани съёмка асоси нуқтасига аввал тахминан, кейин аниқ ўрнатилади. Тахминий ўрнатишда кўзда чамалаб планшет ориентирланади, планшет сирти горизонтал ҳолатга келтирилади ва съёмка бажариладиган нуқтанинг планшетдаги ўрни унинг ердаги ўрнига тўғри келтирилиб, штатив ерга маҳкам ўрнаштирилади.


Мензулани аниқ ўрнатиш учун аввал планшет марказлаштирилади, яъни планшетда белгиланган нуқта жойдаги нуқта устига вертикал чизиқ (шовун чизифи) бўйича тўғри келтирилади. Съёмка 1:500, 1:1 000, 1:2 000 масштабларда бажарилаётганда, планшет шовун осилган вилка ёрдамида аниқ мәрказлаштирилади. 1:5 000 ва ундан майда масштабли съёмкаларда планшет кўзда чамалаб марказлаштирилиши мумкин. Марказлаштириш аниқлиги съёмка масштаби аниқлигининг ярмидан ошмаслиги керак.

Марказлаштиришдан кейин планшет аниқ горизонтал ҳолатга келтирилади. Бунинг учун кипрегель чизғичини икки кўтаргич винт йўналишига кўйилади ва шу икки кўтаргич винт ёрдамида чизғичдаги цилиндрик адилак пуфакчаси ўргага келтирилади. Кейин чизғич учинчи кўтаргич винт йўналишига кўйилади ва шу винт ёрдамида адилак пуфакчаси яна ўргага келтирилади.

Текшириш учун кипрегель чизғичи ҳар хил йўналишларда кўйиб кўрилади, шунда адилак пуфакчаси ноль пунктдан 2 – 3 бўлакдан ортиқ оғмаслиги керак.

Планшетни ориентирлаш буссолъ ёрдамида ёки жойда ва планшетда белгиланган нуқталар орасидаги чизиқ йўналишлари бўйича бажарилиши мумкин.

Планшетни буссолъ ёрдамида магнит меридиани бўйича ориентирлаш учун магнит мили бўшатилиб, буссолъ планшет рамкасининг бир томонига параллел кўйилади. Кейин планшет ўз ўқи атрофида секин айлантирилиб, магнит милининг учи буссолнинг ноль штрихига тўғриланади.



13.4- шакл.

Планшетни жойда ва планшетда белгиланган нуқталар орасидаги чизиқ йўналишлари бўйича ориентирлаш учун мензулани *A* нуқтага (13.4-шакл) ўрнатилиди. Планшет горизонтал ҳолатта келтирилгандан кейин кипргель чизгичининг йўнилган қирраси *ac* чизиги бўйича қўйилади. Планшет ўз ўқи атрофида секин айлантирилиб қўриш тубаси *B* нуқтага тўғриланади.

Планшетни тўғри ориентирланганини текшириб қўриш учун кипргель чизгичининг йўнилган қирраси *ac* чизиги бўйича қўйилади. Шунда трубадан қаралганда *C* нуқтасининг тасвири иплар тўридаги вертикал чизиқда ётиши ёки унга жуда яқин бўлиши керак.

Планшетни чизиқ бўйича ориентирлаш буссоль бўйича ориентирлашга нисбатан аниқ бўлади. Одатда, ориентирлашни аниқ бажариш учун планшетдаги узун чизиклар танлаб олинади.

### 13.6. Планшетни тайёрлаш

Планшетни тайёрлаш учун юқори сифатли (зичлиги юқори) ватман қофозидан фойдаланилди. Қофозни фанер ёки алюмин варағига ёпиштиришдан олдин унинг бир томони сувда енгил ҳўлланади ва шу ҳолда озроқ қолдирилади. Ёпиштириш учун тухум оқлиғи ажратиб олинади ва унга оз миқдорда сув қўшилиб аралаштирилади. Фанер варағининг юзига бу суюқлик суртиб чиқилади қофозни ҳўлланган томони билан планшет устига ёпилади ва марказ қисмидан четларига томон кафт билан босиб тортилади. Қофоз планшетта жилс ёпишгач, фанерадан ортиб қолган четлари варақ орқа томонига бувланиб ёпиштирилади. Шундан кейин бу планшет оғир юк остига қўйилиб, 1 – 2 кун прессланади.

Тайёр бўлган планшетта Дробишев чизгичи ёрдамида квадратлар тўри ( $10 \times 10$  см) чизилади. Улар тайёрланган съёмка асоси нуқтала-

рининг координатасига қараб абсцисса ва ордината қийматлари билан масштабга қараб белгилаб чиқылади. Ҳар бир съёмка асоси нұқтаси ҳисобланған координаталари бүйича масштабда қўйиб чиқилиб планшетта туширилади. Туширилган нұқтанинг ёнінга суратидә нұқтанинг номи (тартиб рақами), маҳражда эса унинг баландлиги ёзиб қўйилади. Дала шароитида планшетни кир бўлишдан сақлаш учун унинг усти шаффоф қоғоз (калька) билан ёпилади. Шундан кейин планшет тайёр ҳисобланади ва у мензула таҳтасига қирғоқлари бүйича калта михлар билан қоқиб маҳкамланади.


### 13.7. Мензула тўғри ва тескари кесиштириш

Жойдаги икки нұқта ўрни планшетта туширилган бўлса, мензула тўғри ва тескари кесиштириш усулини қўллаб, жойдаги бошқа бир қанча нұқталарнинг планшетдаги ўрнини топиш мумкин.


**Тўғри кесиштириш.** Фараз қиласлик, жойда белгиланган  $A$  ва  $B$  нұқталарининг ўрни планшетда ( $a$  ва  $b$  нұқталари) берилган бўлсин (13.5-шакл), жойдаги  $C$  нұқтанинг ўрнини планшетда аниқлаш талаб қилинсин.

Бунда  $A$  нұқтага мензула,  $B$  ва  $C$  нұқталарга эса вехалар ўрнатилади. Сўнгра, мензула ишчи ҳолатига келтирилади ва планшет *ав* чизиги бўйича ориентирланади.

Планшет (мензула таҳтаси) маҳкамланади, кипргель чизғиchinинг йўнилган қирраси планшетдаги  $a$  нұқтага қўйилиб, қараш трубаси жойдаги  $C$  нұқтага қаратилади ва планшетта кипргель чизғичи бўйича  $ac'$  чизиги чизилади. Сўнгра мензула  $B$  нұқтага олиб ўтилиб ўрнатилади ва планшет *ва* чизиги бўйича ориентирланади. Планшетни маҳкамлаб, кипргель чизғиchinинг йўнилган қиррасини  $B$  нұқтага қўйилади ва труба жойдаги  $C$  нұқтага қа-



13.5- шакл.



### 13.6- шакл.


ратилади ҳамда чизгич бўйича  $ac'$  чизиқ чизилади. Планшетга чизилган  $ac'$  ва  $ac''$  чизиқларининг кесишган нуқтаси  $c$  жойдаги С нуқтасининг планшетдаги ўрни бўлади.

**Тескари кесиштириш** (ён томондан кесиштириш). Планшетда ўрни маълум бўлган икки нуқтадан бирига, масалан, А нуқтага мензула ўрнатилиб, бунда тўғри кесиштирища бажарилган ишларнинг айнан ўзи такрорланади ва планшетда  $ac'$  чизиги чизилади (13.6-шакл). Сўнгра мензуланни С нуқтага ўрнатиласди ва мензула тахминан марказлаштирилади, чунки бу нуқтанинг планшетдаги ўрни с ҳозирча аниқланмаган. Мензуланни ишчи ҳолатига келтириб таҳтаси  $c'a$  чизиги бўйича ориентирланади ва маҳкамланади. Шундан кейин кипрегель чизгичининг қирраси планшетдаги  $a$  нуқта билан туташтирилиб труба жойдаги  $B$  нуқтага қаратиласди ва чизгичнинг йўнилган қирраси бўйича  $c'b$  чизиги чизилади (13.6-шакл). Планшетда чизилган  $ac'$  ва  $c'b$  чизиқларининг кесишган нуқтаси  $c$  жойдаги С нуқтанинг планшетдаги ўрни бўлади. Шу ҳолда планшетдаги  $c$  нуқтаси жойдаги С нуқта устига тўғри келса ёки фарқи масштаб аниқлигининг ярмидан ошмаса, ечилик масала тўғри ҳисобланади. Акс ҳолда планшетни аниқроқ С нуқта устига марказлаштириб,  $B$  нуқтага қайта қаратилиб, с нуқтасининг ўрнига аниқлик киритилади. Амалда бундай ҳолат кам учрайди.

Тўғри ва тескари кесиштирища ўрни планшетта тушириладиган нуқтада кесишадиган чизиқлар орасидаги бурчак қиймати  $40^\circ$  дан кичик ва  $140^\circ$  дан катта бўлмаслиги таъминланиши керак.

### 13.8. Геометрик тармоқни куриш

Тармоқни куришда танлаб олинадиган базис чизигини съёмка қилинадиган майдон ўртасида жойлашишини таъминлаш керак. Базиснинг иккиси учидаги нуқталардан атрофдаги жой яхши кўриниши



13.7- шакл.

керак. Базис чизигининг узунлиги планшетда 5 — 10 см узунликда бўлиши керак. Базис учи нуқталари жойда маҳкамланиб, узунлиги лента билан камида 2 марта тўғри ва тескари йўналишида ўлчаниши керак. Геометрик шахобча нуқташари жойда шундай танланиши керакки, уларни туташтирувчи чизиклар тенг ёқли учбуручаклар ҳосил қилинган ва ҳар бир танлаб олинган нуқтадан камида учта қўшни нуқта кўринисин. Бу нуқталар қозиқлар билан маҳкамланади ва ҳар бирига веха ўрнатилади. Шундан кейин базис учи нуқталаридан бирига, масалан, 1-нуқтага (13.7-шакл) мензула ўрнатилиб ишчи ҳолатига келтирилади ва планшет буссолъ ёрдамида ориентиранади. Планшетда ўша 1-нуқтанинг ўрни белгилаб олинади. Бу нуқтага кипргель чизғичининг йўнилган қирраси кўйилиб, труба базиснинг 2-нуқтасига қаратилади ва чизғич бўйича 1-нуқтадан базис узунлиги план масштабида кўйилиб 2-нуқтанинг ўрни планшетта туширилади.

Сўнгра чизғич қирраси 1-нуқтага кўйилиб труба жойдаги 3, 4 ва 5 нуқталарга қаратилади ва чизғич қирраси бўйлаб планшетга чизиклар чизилади. Бу чизикларнинг давоми трапеция рамкасидан ташқарида 1 — 2 см узунликда давом эттирилиб, унга станция ва қаратилган нуқтанинг номи ёки тартиб рақами ёзиб кўйилади.

Юқорида кўрсатилган ишлар кипргегелнинг фақат ДЧ ҳолатида бажарилади. Станциядан ҳамма йўналишлар чиқариб бўлингандан кейин 1 — 2 йўналиш бўйича планшет ориентири бузилмаганligини қайта текширилади, яъни планшетдаги 1 ва 2 нуқталар чизғич қирраси билан туташтирилади ва трубага қаралади, шунда трубанинг вертикал или 2 нуқтадаги вехани тўсиши керак. Агар шарт бажа-

рилмаса, кузатишларни қайтариш керак. Сүнгра мензула жойдаги 2 нұқтага үрнатилади, ишчи ҳолатига келтирилади ва планшет 2 — 1 чизиги бүйіча ориентирланади (13.7-шакл) ва 1 нұқтада бажарилған ишлар тақрорланади.

Шунда планшетдеги 1 ва 2 базис нұқталаридан туриб кесиштириш билан топилған 3-, 4- ва 5- нұқталар планшетде вәқтінча доирача белгиси билан чизиб қойылады, доимий белгилаш учун эса уларни үчинчи нұқтадан туриб ҳам кесиштириб чиқиб текшириш керак бўлади. Бунинг учун мензула планшетта туширилған нұқталардан бирига, мақсадга мувофиқ  $90^\circ$  га яқин бурчак остида кесиштириб топилғанига үрнатилади, 13.7-шаклга кўра бу 4 нұқта бўлади. Планшет 4 — 1 йўналиш бүйіча ориентирланади ва 4 — 2 йўналиш бүйіча текширилади. Бунинг учун кипрегель чизғичи билан планшетдеги 4 ва 2 нұқталар туташтирилади ва трубага қаралади, агар трубанинг вертикал или 2 нұқтадаги вехага тўғри келган бўлса, ишлар тўғри бажарилған ҳисобланади. Шундан кейин 4 нұқтанинг ўрни планшетда циркуль билан санчиб белгиланади. Кипрегель чизғичи 4 нұқтага қўйилиб трубы жойдаги 3 ва 5 нұқталарга қаратилади ва йўналишлар чизилади. Бу йўналишлар планшетдеги 3 ва 5 нұқталар устидан ўтса, улар тўғри туширилған ҳисобланади ва уларнинг ўрнини ҳам планшетта игна санчиб белгиланади. Шу тарзда ўрни жойда танлаб маҳкамланған геометрик шахобча нұқталари энг камида учта нұқта бүйіча кесиштириб ўрни планшетта туширилади. Геометрик шахобча нұқталарининг баландлиги тригонометрик нивелирлаш усули билан аниқланади. Бунда нисбий баландлик қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$h = d \operatorname{tg} v + i - l + 0,43 \frac{d^2}{R}.$$

Чизиқнинг горизонтал қўйилиши  $d$  планшетдан план масштабида ўлчагич циркуль ёрдамида ўлчаб олинади;  $i$  — ҳар бир станцияда ўлчаб олинадиган асбоб баландлиги ;  $l$  — вехалар баландлиги, рулеткада ўлчаб ёзилади.

Вертикал бурчак  $v$  ҳар бир вехага қараб кипрегелнинг Дў ва ДЧ ҳолатида ўлчанади (масалан, 13.7-шаклда 1 дан 3 га қараб), кейин эса тескари йўналишда — 3 дан 1 га қараб ўлчанади.

Юқоридаги формула бўйича ҳисобланган тўғри ва тескари йўналишлар нисбий баландлиги ўзаро тенг (фақат ишоралари қарама-қарши бўлади) бўлиши керак ёки фарқи нұқталар орасидаги масофанинг ҳар  $100\text{ m}$  га  $\pm 4\text{ cm}$  дан ошмаслиги керак.

### 13.9. Ўтиш нұқталари

Геометрик тармоқ нұқталарининг зичлиги олинган ер бўлаги съёмкасини тўла-тўқис бажаришни тъминлай олмайди. Шу сабабдан, геодезик асос пунктларидан ташқари планшетда ўтиш нұқталари

ўрнини ҳам топишга тўғри келади ва улар съёмка нуқталари бўлиб хизмат қилади. Ўтиш нуқталари бўлмаса, геометрик шоҳобча ҳар бир нуқтасидан маълум радиусгача жой съёмка қилинади. Масалан 1:10 000 масштаб учун мензула станциясидан 250 — 300 метргача узоклиқда жойлашган нуқталарни съёмка қилиш мумкин. Агар геометрик шоҳобча қўшини нуқталари ораси ўртача 1 км бўлса, уларнинг ҳар биридан 250 — 300 м гача жой туширилса, демак, икки станция орасида 200 — 250 м гача радиусдаги жойда съёмка асоси нуқтаси етишмай қолади. Шунинг учун бу оралиқда қўшимча ўтиш нуқтасини олишга тўғри келади. Ўтиш нуқталари кўриш шароити қийин жойларда — ўрмонларда, шаҳар ҳудудида ва шунга ўхшаш шароитида ҳам олиниши керак бўлади.


Ўтиш нуқталари ўрнини аниқлашни бир қанча усуллари мавжуд: қутбий усул; тўғри кесиштириш; тескари кесиштириш; створ бўйича; учта берилган нуқта бўйича тўртингчи нуқта ўрнини топиш.

Булардан энг оддийси қутбий координата усулидир. Бунда геометрик шоҳобча  $A$  пункти (13.8-шакл) планшетдаги ўрни  $a$  дан ўтиш нуқтаси  $C$  га қараб йўналиш чизилиб, у планшет четларида ҳам чизиб қўйилади, ипли дальномерда  $AC$  чизиги узунлиги (горизонтал қуйилиши) ўлчанади ва  $a$  нуқтадан қабул қилинган масштабда ўлчаб қўйилиб,  $c$  нуқта планшетга туширилади. Мензула билан  $C$  нуқтага ўтиб планшет унда чизилган  $ca$  йўналиш бўйича ориентирланади ва геометрик тармоқни кўринадиган бошқа нуқталари, масалан,  $B$  ва  $E$  бўйича текширилади. Агар бундай нуқталар кўринмаса, дальномер бўйича  $A$  нуқтагача бўлган масофа  $CA$  тескари йўналишда ўлчаниб олдингисига солиштирилади. Ўтиш нуқтасининг баландлигини аниқлаш учун унга қараб Дў ва ДЧ да вертикал бурчак тўғри ва тескари йўналища ўлчанади. Сўнгра топилган нисбий баландлик қийматларининг ўртачаси олинади.


Ўтиш нуқталарини тўғри ва тескари кесиштириш усули билан аниқлаш (13.7) да кўриб чиқилган ва шунинг учун бу ерда у қайта тақорорланмади.

Жойдаги учта нуқта ва уларнинг планшетдаги ўрни ёрдамида жойдаги тўртингчи нуқтада мензулани ўрнатиб, ушбу нуқтанинг планшетдаги ўрнини аниқлашга **Патенот масаласи** дейилади.

Бу масалани аналитик ва график усулларда ечиш мумкин. Кўйида график усулда яқинлашиш ёки буссолъ билан олдиндан ориентирлаш йўли билан ечишни кўриб чиқамиз.



13.8- шакл.




13.9- шакл.

Мензула жойда танланган  $M$  ўтиш нүктасига ўрнатилади (марказлаш бажарилмайды) ва планшет буссоль ёрдамида ориентирланади. Кипрегель чизгичининг қирраси  $n$  нүктага қўйилиб труба жойдаги  $N$  нүктага қаратилади ва  $kn$  чизиги чизилади (13.9-шакл). Кейин чизгич қирраси  $m$  нүктага қўйилиб труба  $M$  нүктага қаратилади ва  $km$  чизиги чизилади. Охирида чизгич қирраси  $p$  нүктага қўйилиб труба жойдаги  $P$

нүктага қаратилади ва  $kp$  чизиги чизилади. Агар планшет тўғри ориентирланган бўлса, ҳар учала чизик  $k$  нүктасида кесишади (13.9-шакл) ва бу нүкта жойдаги  $K$  нүктанинг планшетдаги ўрни бўлади. Акс ҳолда, чизиклар бир нүктада кесишмай хатолар учбурчагини ташкил қиласди, бу эса планшетни етарли аниқликда ориентирланмаганини билдиради. Уни тузатиш учун планшет бир томонга салгина бурилиб, ишлар қайта такрорланади. Агар бунда хатолар учбурчаги катталашса, демак, планшет тескари йўналишида салгина бурилиб олдинги ишлар қайта такрорланиши керак. Шу йўл билан—кетма-кет яқинлашиш йўли билан хатолар учбурчаги бартараф этилади.

**Болотов усули.** Жойда танланган  $M$  ўтиш нүктасига мензула ўрнатилиб планшет ориентирланмасдан унинг устига шаффоф қоғоз (калька) маҳкамланади. Калькада ихтиёрий  $m$  нүктаси белгиланиб кипрегель чизгичининг қирраси унга қўйилиб труба ўрни планшетда маълум жойдаги  $A$ ,  $B$  ва  $C$  нүкталарга кетма-кет қаратилади ва калька қоғозида  $mA$ ,  $mB$ ,  $mC$  йўналишлар чизилади (13.10-а шакл).



13.10- шакл.

Калька қоғози бүшатилиб, у шундай сурилиб жойлаштирилалар, унда чизилган йұналишлар бир вақтнинг ўзида планшетдаги *a*, *b*, *c* с нұқталардан ўтсін: *mA*—*a* нұқтасидан, *mB*—*b* ва *mC*—*c* нұқталаридан.

Шу ҳолатда калькадаги *m* нұқтасининг ўрни планшетта игна санчыб белгіланади (13.10-б шакт).

Бу нұқта жойдаги *M* ўтиш нұқтасининг планшетдаги ўрни бўлади. Шундан кейин кипрегель чизғичи *ta* чизиги бўйлаб қўйилиб, планшетни айлантириб труба *A* нұқтага қаратилади ва у маҳкамланади. Шундай ориентирланган планшетни қўшимча *B* ва *C* нұқталари бўйича текширилади. Ўтиш нұқтаси ўрнини планшетда аниқлашнинг энг қулай ва осони—бу мензулавий тўғри кесиштириш усулидир. Кўриб ўтилган усулларда ўрни планшетта туширилган ўтиш нұқталари баландлигини энг камида иккита съёмка асоси нұқталарига қараб вертикал бурчакларни ўлчаб ҳисобланган нисбий баландликлар орқали топилади.

Ўтиш нұқталари ўрнини мензула йўли орқали топиш. Ўрни планшетта туширилган нұқтага мензула ўрнатилади. Планшет ориентирланади ва ўтиш нұқтасига рейка ўрнатилади. Кипрегель трубаси рейкага қаратилиб масофа (горизонтал қўйилиши) ўлчанади ва у планшетда чизилган йұналишда масштаб бўйича қўйилиб нұқта ўрни топилади. Бу нұқтага қараб *D* ё ва *D* ҳолатида вертикал бурчак ўлчанади. Сўнгра мензула бу ўтиш нұқтасига ўрнатилади ва планшет орқадаги нұқтага қараб ориентирланади. Атрофдаги съёмка асоси нұқталари бу станциядан қўринса, улар бўйича планшет ориентирлангани текширилади. Рейка орқадаги нұқтада ўрнатилиб, масофа ва вертикал бурчак тескари йұналишда ўлчанади ва тескари йұналиш нисбий баландлиги ҳисобланади. Тўғри ва тескари йұналиш нисбий баландлиги фарқи ҳар 100 м масофа учун  $\pm 4$  см дан ошмаса, уларнинг ўртача қиймати олинади ва нұқта баландлиги ҳисобланади. Шу йўл билан текширилган нұқта планшетда маҳкамланади ва ёнига баландлиги ёзилади. Бу топилган нұқтадан навбатдаги ўтиш нұқтаси олдинги станцияда бажарилган ишларни қайтариб планшетта туширилади ва ҳоказо. Мензула йўли съёмка асосининг икки нұқтаси орасида ўтказилиб бу нұқталарга боғланади. Бир неча томондан (2 — 5) иборат мензула йўлининг узунлиги 1:5 000 масштаб учун 800 м дан, 1:2 000 масштаб учун эса 400 м дан ошмаслиги керак.

Мензула йўлини съёмка асоси нұқталарига боғлаганды келиб чиқкан хатолик планшетда 0,8 мм дан ошмаслиги керак. Йўл қўярли хато параллел чизиқлар усули билан тузатилади (10.9).

### 13.10. Мензула съёмкасини бажариш

Мензула съёмкасида тафсилотлар ва жой рельефини планга тушириш съёмка асоси бўлиб хизмат қиласидан нұқталардан туриб қутбий координаталар усули билан бажарилади. Съёмка масштаби

1:5 000 ва ундан майда бўлса, мензула асбоби жойдаги съёмка асоси нуқтаси устига кўз билан чамалаб, ундан йирик масштабларда эса вилка билан марказлаштирилади. Кипрегель чизғичидаги цилиндрик адилак ёрдамида мензула тахтаси горизонтал ҳолатга келтирилади. Иш вақтида адилак пуфакчasi 2 – 3 бўлаккача марказдан сурилган бўлса, ишни давом эттиравериш мумкин. Планшетни асос нуқталари бўйича ориентирлагандага асбобдан олинган нуқтагача масофа 300 м дан кам бўлмаслиги керак. Мензуладан съёмка қилинадиган тафсилот ва рельеф нуқталаригача масофа қўйидаги формула билан ҳисобла-надиган қийматдан ошмаслиги керак:

$$d \leq (2,5\sqrt{M}) \text{ м.}$$

Бу ерда  $M$  – съёмка масштабининг маҳражи. Чегараси аниқмас тафсилотлар учун бу масофа 1,5 баробар оширилиши мумкин.

Тафсилотлари кичик майдонли ва рельефи мураккаб жойларда ўтиш нуқталари ўзаро яқинроқ олиниб, асбобдан пикет нуқталаргача масофа мумкин қадар қисқароқ бўлиши керак. Бунда съёмка ишлари ҳам тезлашади. Тик қияликлар, чуқурликлар, жарларнинг тик қирғоқлари қарама-қарши томондан, яъни яхши кўринадиган томондан туриб съёмка қилинади.

Тафсилот ва рельеф нуқталари фақат ДЧ ҳолатида съёмка қилинади – чап кўл кипрегелни ушласа, ўнг кўл қалам ва циркулни ушлайди. Пикет нуқталарининг ўрни планшетда нина билан санчиб белгиланали. Тафсилот чегарасини съёмка қилишда рейка бирин-кетин тафсилот чегарасини бурилган нуқталарига қўйилиб съёмка қилинади. Ёпик шаклдаги чегарада съёмка ишлари бир нуқтадан бошланиб яна ўша нуқтада тутатилиди. Тафсилот нуқталари планшетта туширилгандан кейин уларни бирин-кетин ўзаро туташтириб чегараси ҳосил қилиниб борилади (орада адашиб қолдириб кетмаслик учун). Чегаранинг тўғри чизиқли қисмлари чизғич билан туташтирилади. Ҳар бир кейинги станцияда съёмка ишлари олдинги станциядан съёмка қилинган жойдан бошланади ва шу билан олдинги ишнинг тўғрилиги текширилади.

Рельеф нуқталарининг съёмкаси тафсилотлар съёмкаси билан бир вақтда олиб борилади. Тафсилотлар чегараси бўйича олинган нуқталарнинг баландлиги рельефнинг фақат характерли нуқталарида аниқланади.

Тафсилотларни ушбу станциядан съёмка қилиб бўлингандан кейин горизонталлар ўтказиш учун етмайдиган рельефнинг характерли нуқталарига рейка қўйилиб уларга қараб масофаларининг горизонтал қўйилиши ва нисбий баландлик ўлчаб топилади. Текис рельефли жойда мураккаб рельефли жойга қараганда пикетлар сийракроқ

олинади. Рельеф характерли нүқталари жуда кам ёки ўзаро узоқ жойлашган жойларда, пикет нүқталарнинг ораси қуидаги масофадан ошмаслиги керак:

$$d \leq (80\sqrt{h}) \text{ м},$$

бу ерда  $h$  — рельеф кесими.

Рельеф кесими 1 м ва ундан ортиқ бўлганда нүқта баландлиги планшетда 0,1 м гача яхлитлаб ёзилади, кесим 0,5 м бўлганда 0,01 м гача ёзилади.

Хар бир станцияда съёмка ишлари тамом бўлгандан кейин, шу станцияда туриб горизонталлар билан рельеф чизилади. Агар станциядан қайси бир бўлакнинг рельефи яхши кўринмаса, мензула билан ўша ерга яқинроқ жойлашган нүқтага ўтилади ва горизонта́ллар чизилади.

Рельефи текис бўлган жой бўлагида берилган рельеф кесимида горизонтал тасвирланмаса, у ерда ярим горизонтал чизишга тўғри келади (рельеф кесимининг ярми олиниади).

Агар жой участкаси бир нечта планшетда жойлашса, уларни туташ чегаралари бўйича тафсилотлар ва рельефни тасвирловчи горизонталлар ўзаро тўғри тугашишини таъминлаш учун трапеция чегарасидан ташқарига 4 см гача жой кўшимча съёмка қилиниади.

Съёмка пайтида ўлчанган масофа, нисбий баландлик ва ҳисобланган баландликлар журналга ёзиб борилади.

Съёмка рельефи текис жойларда бажарилса, нүқталар ўрни планга кипрегель ёрдамида туширилади. Нүқталар баландлиги эса нивелир билан ўлчаб топилади.

Хар куни иш охирида планшетга туширилган нүқталарнинг аниқланган баландликлари — баландликлар калькасига, тафсилотлар контури эса контурлар калькасига кўчириб борилади. Кейинчалик бу калькалардан планшетни тушь билан чизишида учрайдиган баъзи бир ноаниқликни текширишда фойдаланилади. План, дастлаб, қаламда, сўнгра у текширилиб, хато жойлари тузатилгандан сўнг съёмка қилинган барча тафсилот, объектлар ва рельеф шартли белгилар билан тушда чизилади. Планшет рамкаси ва рамкадан ташқаридаги ёзувлар қўйилган талабларга мувофиқ бажарилади.



## Олтынчи бўлим. ЗИЧЛАШ ТАРМОҚЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

### XIV боб. ПЛАНЛИ ЗИЧЛАШ ТАРМОҚЛАРИ

#### 14.1. Геодезик зичлаш тармоқлари ҳақида маълумот

Турли инженерлик иншоатларини қуриш мақсадида жойда олиб бориладиган қидирив ишларида мавжуд геодезик тармоқ пунктлари етарли бўлмаслиги ёки иншоот айнан қуриладиган ҳудудда давлат 3- ва 4- класс таянч тармоғи умуман бўлмаслиги мумкин. Бундай вақтда давлат таянч тармоғи пунктлари орасида қўшимча пунктлар ўрнатилади, бу ишга геодезик тармоқларни зичлаш (кўпайтириш) дейилади.

Планли зичлаш тармоғи икки усуlda қурилиши мумкин:

- 1) 1- ва 2- разрядли триангуляция усулида;
- 2) 1- ва 2- разрядли полигонометрия усулида.

Триангуляция ва полигонометрия усулларида қуриладиган зичлаш тармоқлари қуйидаги 22-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар билан тавсифланади.

22-жадвал

Триангуляция				Полигонометрия		
Разряд	Томон узунлиги, (км)	Бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатоси	Чиқиш томони-нинг нисбий хатоси	Томонлар узунлиги, (м)	Бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатоси	Йўл нисбий боғлан-маслик хатоси
1	2 – 5	5 "	1:50 000	120 – 600	5 "	1:10 000
2	0,5 – 3	10 "	1:25 000	80 – 400	10 "	1:5 000

Зичлаш учун аналитик тармоқ дейиладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тармоқ барпо этилади.

Аналитик тармоқ давлат геодезик тармоқларидан учбурчак томонлари ва ўлчаш аниқлигининг пастлиги билан фарқ қиласди. Аналитик тармоқ давлат геодезик тармоқларининг томонларига асосланган (боғланган) бўлиши керак. Лекин яқин атрофда геодезик тармоқ пунктлари бўлмаса, мустақил равишда аналитик тармоқ барпо этилиши мумкин. Бунда базис ўлчаниши шарт.

## 14.2. Зиғлаш тармогини триангуляция усулида күраш

Аналитик тармоқ 1- ва 2- разрядга бўлинади:


1-разряд триангуляция яхлит тармоқ ёки учбурчаклар қаторидан иборат бўлиб, учбурчаклар томонларининг узунлиги 2 — 5 км, бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатоси  $\pm 5''$  дан, учбурчак бурчаклари йигиндисидаги хато  $\pm 20''$  дан, чиқиш томон узунликларини ўлчашдаги нисбий хато 1:50 000 дан катта бўлмаслиги керак.

2-разрядли тармоқ учбурчакларининг томонлари узунлиги 0,5 — 3 км, бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатоси  $\pm 10''$  дан, учбурчак бурчаклари йигиндисидаги хато  $\pm 40''$  дан, чиқиш томон узунлигини ўлчашдаги нисбий хато 1:25 000 дан катта бўлмаслиги керак.


Кичик ҳудудларда йирик масштабдаги съёмкаларни бажариш учун таянч тармоқ барпо этиладиган бўлса, съёмка масштабига қараб учбурчак томонларининг узунлиги 300 — 600 м га teng олиниши мумкин. Бундай тармоққа микротриангуляция дейилади.

Аналитик тармоқ учбурчаклари қаторини қўйидаги шаклларда барпо этиш мумкин:

1. Юқори класс триангуляциясининг иккита томони ёки иккита базиси орасида (14.1-шакл).
2. Қатъий бурчак орасида (14.2-шакл).
3. Юқори класс триангуляциясининг иккита пункти орасида.
4. Юқори класс триангуляциясининг битта томони билан бигга пункти орасида.
5. Осма тармоқ шаклида.



14.1- шакл.



14.2- шакл.

14.3- шакл.

14.4- шакл.

Баъзан учбурчаклар шундай жойлаштирилади, улар битта умумий учга эга бўлади (14.3-шакл).

Бундай тармоққа марказий система дейилади. Агарда тўртбурчакда иккала диагонали ўtkазилса, унда тўртта бир-бирини қопловчи учбурчаклар ҳосил бўлади. Бундай тармоққа геодезик тўртбурчак дейилади (14.4-шакл).

Шундай қилиб, триангуляция усулида жойда кетма-кет бир-бираига ёндошган учбурчаклар қатори ясалиб, уларнинг ҳамма бурчаклари ва бошлангич базис томонларининг узунлиги ўлчанади (14.1-шаклга қаранг). Бошлангич томон  $MN$  узунлиги  $\theta$  ва  $A_1, B_1, C_1, A_2, B_2, C_2, \dots, A_n, B_n, C_n$  ўлчангандан ички бурчаклар орқали синуслар теоремаси бўйича учбурчаклар томонни ҳисобланади.

$a_1, a_2, \dots, a_n$  томонлар ва уларнинг қаршисидаги  $A_1, A_2, \dots, A_n$  ҳамда  $B_1, B_2, \dots, B_n$  бурчакларга боғловчи томонлар ва бурчаклар дейилади.  $C_1, C_2, \dots, C_n$  бурчаклар ва  $c_1, c_2, \dots, c_n$  томонларга оралиқ бурчак ва томонлар дейилади.

Агарда томонлардан бирининг дирекцион бурчаги ва нуқталардан бирининг координаталари маълум бўлса, ўлчангандан бурчаклар бўйича қолган томонларнинг дирекцион бурчаклари, кейин координата ортигималари ва ниҳоят, пунктларнинг координаталари топилади ( $X$  бобга қаранг).

### 14.3. Геодезик зичлаш тармоқларининг лойиҳасини тузиш

Юқорида кўрсатилган тартибда боғловчи томонлар узунлигини кетма-кет ҳисоблаб бориб, охирги томон узунлигига (14.1-шаклга қаранг) қуийдагини ёзиш мумкин:

$$a_n = \frac{\sin A_1 \sin A_2 \dots \sin A_n}{\sin B_1 \sin B_2 \dots \sin B_n}. \quad (14.1)$$

Триангуляцияда бурчаклар ўлчаниб, улар орқали томонлар узунлигини ҳисоблаш аниқлиги, асосан, бурчаклар ўлчашиб аниқлигига боғлиқ. Базис узунлиги юқори аниқлик билан ўлчаниши туфайли, ундағи хатони инобатта олмаса ҳам бўлади.

Агарда (14.1) формула бўйича томон узунлигини ҳисоблашда логарифмлашни қўлласак,  $n$ - учбурчак томони логарифмасидаги хато  $m_{\lg S}$  қуийдагича топилади:

$$m_{\lg S} = \pm m_u \sqrt{\frac{2}{3} \sum (\alpha^2 + \alpha\beta + \beta^2)}, \quad (14.2)$$

бунала  $m_u$  — бурчак ўлчашиб хатоси,  $\alpha$  ва  $\beta$  — боғловчи бурчаклар синуслари логарифмаларининг  $1''$  га ўзгариши.  $\alpha^2 + \alpha\beta + \beta^2 = R$  — ифодасига геометрик боғланиш хатоси дейилади.

Бу ифодани (14.2) га киритсак,

$$m_{\text{б.с}} = \pm m_\nu \sqrt{\frac{2}{3} \sum R} \quad (14.3)$$

бўлади.

Триангуляция усули билан геодезик таянч тармоқларини лойиҳалашда  $R$  қийматидан кўпроқ фойдаланилади. Бунинг учун маҳсус жадваллар тузилган. Уларда  $R$  қиймати логарифманинг б-ҳади бирлигига берилган.

Томон узунлигини ҳисоблашдаги нисбий хато

$$\frac{m_a}{a} = \frac{m_{\text{б.с}}}{M}, \quad (14.4)$$

формуласи бўйича топилади. Бу ерда  $M$  – логарифмалар модули ( $M = 0,04343$ ).

(14.3) тенгламадан учбурчакда геометрик боғланиш хатоси  $R$  қанчалик кичик бўлса, тармоқ томоннинг узунлиги шунчалик аниқ топилишини кўрамиз.

Шунга кўра боғловчи бурчаклари  $90^\circ$  га яқин бўлган учбурчакликларни энг қулай шакл дейилади.

Масалан,  $A_1 = 75^\circ$  ва  $B_1 = 80^\circ$  бўлганда (14.1-шаклга қаранг),  $R = 1$  бўлади.  $A_1 = 75^\circ$  ва  $B_1 = 30^\circ$  бўлганда эса  $R = 16$  га тенг. Аммо боғловчи бурчакларни  $90^\circ$  га яқин қилиб олганда, берилган ҳудудда геодезик тармоқни барпо этиш учун учбурчаклар сонини оширишга тўғри келади, бу эса улардаги геометрик боғланиш хатосининг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун энг қулай шакл деб тенг томонли учбурчаклар қабул қилинган. Аммо учбурчакларни ҳамма вақт тенг томонли қилиб олиш имкони бўлмайди, шунга кўра учбурчак томонларининг тенг бўлмаслиги маълум бир чекдан ошмаслиги керак. Геодезик зичлаш тармоқларида боғловчи бурчаклар  $30^\circ$  дан кичик бўлмаслиги лозим.

Тармоқ лойиҳасини тузишда пунктлар ўрни картада шундай белгиланадики, учбурчаклар томонлари маълум узунликда ва мумкин қадар тенг томонли бўлсин, жойда пунктлар бир хил оралиқда жойлашсин, ҳар пунктдан атрофдаги ҳамма пунктлар кўринисин ва ҳоказо.

Тармоқ лойиҳасини тузишда талаб қилинган аниқликка эътибор бериш керак. Бунинг учун лойиҳаланган учбурчакларнинг боғловчи бурчакларини транспортир билан ўлчаб, юқорида эслатилган жадваллар ёрдамида лойиҳаланган тармоқдаги геометрик боғланиш хатолари йиғиндиси  $\Sigma R$  ҳисобланади. Сўнгра (14.3) ва (14.4) формулалар билан охирги томоннинг нисбий хатоси топилади.

Масалан, лойиҳаланган тармоқда  $\Sigma R = 132$ , бурчак ўлчаш чекли хатоси  $\pm 20''$  бўлса, (14.3) формула бўйича

$$m_{\text{б.5}} = \pm 20'' \sqrt{\frac{2}{3} \cdot 132} = 188,$$

чекли нисбий хато

$$\frac{m_a}{a} = \frac{188}{0,4343 \cdot 10^6} = \frac{1}{2300}$$

га тенг бўлади.

Охирги томон аниқлитетини олдиндан белгилаб,  $\Sigma R$  қийматининг чекини аниқлаш мумкин.

Масалан, чекли нисбий хато 1:5 000 бўлса,

$$\frac{1}{5000} = \frac{m_{\text{б}}}{0,4343 \cdot 10^6}$$

бўлади. Бу ердан

$$m_{\text{б}} = \frac{0,4343 \cdot 10^6}{5000} = 87,$$

(14.3) формула бўйича

$$\Sigma R = \frac{87^2}{20^2 \cdot \frac{2}{3}} = 28.$$

Тармоқдаги энг узоқ пункт планли ҳолатидаги  $M$  хатони топиш учун нуқтанинг бўйлама  $t$  ва кўндаланг  $q$  силжишидан фойдаланилади.

$M$  хатоси қийидаги формуладан топилади:

$$M = \sqrt{t^2 + q^2}. \quad (14.5)$$

Тармоқдаги бўйлама ва кўндаланг силжиш бурчаклар хатосига боғлиқ бўлиб, улар қийидаги формулалардан топилади:

$$t = Z \frac{m_u}{p} \sqrt{\frac{4n' + 3}{9}}, \quad (14.6)$$

$$q = Z \frac{m_u}{p} \sqrt{\frac{n' + 2,5}{6}}, \quad (14.7)$$

бу ерда:  $Z$  — учбурчаклар қатори узунлиги;  $n'$  — қатордаги оралиқ томонлар сони.

#### 14.4. Тармоқ лойиҳаси бўйича жойда рекогносцировка ўтказиш ва пунктларни маҳкамлаш

Рекогносцировка қилишдан мақсад, тармоқ лойиҳаси тўғри бажарилганини текшириш ва лойиҳалаш вақтида ҳисобга олинмаган шаротларни аниқлаштириш. Агар берилган ҳудуднинг картаси бўлмаса, тармоқ лойиҳаси рекогносцировкага асосланниб тузилади.

Агар мустақил тармоқ қуриладиган бўлса, рекогносцировка қилиш вақтида текис жойдаги тармоқ томонларидан бири базис деб қабул қилинади.

Базис томоннинг қиялиқ бурчаги  $3 - 5^{\circ}$  дан катта бўлмаслиги керак. Базисни йўл четида, дарё соҳили ва умуман текис жойлардан олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар тармоқ юқори класс триангуляция томонларидан бошланса, рекогносцировкани ўша томондан бошлаш керак. Юқори класс томонларидан бошланса, геодезик тўртбурчак ёки марказий системаларни кўллаш яхши натижка беради.

Пунктлар ўрнини белгилашда биринчи галда учбурчакларнинг қулий шаклда бўлишга ва томон узунлигига эътибор бериш керак. Пунктлар ўрни баланд ва очиқ, бошқа пунктларни иложи борича ердан кузатадиган жойларда танланади. Пунктларни экинзор чегараларида, йўллар бўйида, ҳайдашга яроқсиз ерларда жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Рекогносцировка қилиш вақтида журналга пункт номи, уни қаерда жойлашганлиги, пунктда қандай қурилиш ишлари бажарилиши кераклиги ва ҳоказолар ёзилади. Ҳар бир пунктда ён атрофдаги тафсилотларнинг ихтиёрий масштабда чизмаси чизилади, унда пункт ўрни кўрсатилади ва бўлажак йўналишлар чизилади ҳамда уларнинг азимутлари ёки румблари ёзилади.

Рекогносцировкадан кейин тармоқни охирги — якуний лойиҳаси тузилади.

Тармоқнинг аниқлитетини оширишга учбурчаклар шаклини ўзгартириш, улар сонини камайтириш ёки маълум учбурчаклардан кейин кўшимча базислар ўлчаш орқали эришиш мумкин.

Одатда, зичлаш тармоқ пунктлари икки марказ билан маҳкамланади. Биттаси ер остига кўмилади, унга ер ости (куйи) марказ дейилади, иккинчиси ер устида маҳкамланади. Унга ташқи (юқори) марказ дейилади. Иккала марказ нуқталари битта вертикаль чизиқда ётиши керак.

Ер ости маркази бетондан паралелепипед шаклида ясалади. Унинг тепа қисмида диагоналлар чизилади ва буларнинг кесишган нуқтаси марказ вазифасини бажаради. Марказ 0,8 м чукурликка қўйилиб, устига 0,1 м қалинликда тупроқ ётқизилиб, шиббаланади. Шундан кейин унинг устига йўғонлиги 15 см ва узунлиги 1,4 м га тенг ёғоч устун — ташқи марказ ўрнатилади. Устун тепа томони конус шаклида йўнилиб, учига марказ вазифасини бажарувчи мих қоқилади, михнинг қалпоғи марказ бўлади. Устунни паст қисмiga крест шаклида иккита лангар чўп қоқилади.

Бир пунктдан бошқалари яхши кўринишини таъминлаш учун, пункт маркази устига ташқи геодезик белгилар-вехалар, пирамидалар ва сигналлар ўрнатилади (IX бобга қаранг).

### 14.5. Аниқ теодолитлар ҳақида маълумот


Ҳозирги вақтда зичлаш тармоқларида бурчак ўлчаш учун T5-K, T5 ва бошқа турдаги аниқ оптик теодолитлар күлланади. 14.5-шаклда T5 теодолит шкалалы микроскопининг кўриш майдони кўрсатилган.

Шкала штрихларининг ноль пункти жойлашган  $N$  ва  $Ni$  (бу ерда  $i$  — лимб бўлакларининг қиймати) бўлакларга кичик ва катта бўлаклар дейилади. Шкалани ноль пунктига тўғри келган саноқ  $M$  лимб кичик штрихи бўйича  $N$  саноқقا микроскоп шкаласи бўйича олинган  $\Delta N$  санофининг кўшилганига teng, яъни


$$M = N + \Delta N. \quad (14.8)$$

14.5-шаклда T5 теодолит шкалалы микроскопининг кўриш майдонини юқори қисмida „B“ ҳарфи билан вертикал доира бўлаклари ва шкаласи, пастьда эса „Г“ ҳарфи билаң горизонтал доира лимбининг бўлаклари ва шкаласи кўриниб турибди. Лимбнинг бир бўлаги шкала ёрдамида 60 та бўлакка бўлинган. Шунга кўра шкаланинг бир бўлагининг бурчак қиймати  $1'$  га teng. Саноқни  $0',1$  гача аниқликда олиш мумкин. 14.5-шаклда келтирилган шкалалы микроскоп кўриш майдонидаги доиралар бўйича саноқлар — горизонтал доира бўйича  $174^{\circ}55,0'$ ; вертикал доира бўйича  $+2^{\circ}04,4'$ .

T5 теодолити (14.6-шакл) аниқ шкалалы оптик теодолит бўлиб, саноқлар доиралар бўйича кўриши трубасининг окуляри ёнида жойлашган шкалалы микроскоп ёрдамида олинади.



14.5- шакл.



14.6- шакл.

T5 теодолитининг асосий қисмлари бўлиб, кўтаргич винтлар 1, таглик 2, горизонтал доира алидадасининг маҳкамлагич ва қаратиш винтлари 3, шкалади микроскоп окуляри 4, визирлаш нишони 5, кўриш трубасининг объективи 7, микроскопни ёритгич ойначаси 8, труба окуляри 9, горизонтал доира лимбини айлантириш винти 10 ва кўриш трубасини маҳкамлагич ҳамда қаратиш винти хизмат қиласи.

T5-K теодолити T5 теодолитининг компенсаторли тури бўлиб, бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатоси  $\pm 5''$ . Саноқлар бу теодолитда ҳам доиралар бўйича кўриш трубасини ёнида жойлашган шкалади микроскоп ёрдамида олинади.

T5 теодолитини ҳозирги кунда чиқарилаётган сериялари ҳақида маълумот (6.5) да берилган.

Оптик теодолитлар билан бурчак ўлчашдан олдин уларни текшириш керак. Текшириш натижасида уларга қўйиладиган геометрик шартларни қай даражада таъминлаши аниqlанади.

Оптик теодолитлар қуйидаги асосий шартларга жавоб бериши керак:

1. Горизонтал доира устидаги цилиндрик адилакнинг ўқи теодолит айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак.

2. Доиравий адилак ўқи теодолит айланиш ўқига параллел бўлиши керак.

3. Труба иплар тўрининг горизонтал ипи теодолит айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак.

4. Кўриш трубасининг кўриш ўқи труба айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак.

5. Оптик шовуннинг кўриш ўқи теодолит айланиш ўқида ётиши керак.

6. T-5K теодолитининг компенсатори асбоб айланиш ўқи 3' гача оғса ҳам вертикал доира бўйича бир хил саноқ олинишини таъминлаши керак. 1 — 4 шартлар T30 теодолитидаги каби текширилади. Текшириш қонда ва йўллари асбоб паспортида тўла кўрсатилган.

Оптик шовунни текшириш учун теодолитни ўрнатиб, штатив тагига оқ қофоз қўйиб, унда шовун иплари тўрининг кесишган нуқтаси белгиланади. Шундан кейин алидадани айлантирганда, қофзда белгиланган нуқта иплар тўрини кесишган нуқтасидан чиқиб кетмаслиги керак. Тузатиш учун махсус винтлар ёрдамида теодолитни пастки қисмида жойлашган шовун объективи бирозгина сийжитилади.

Компенсаторни текшириш учун горизонтал ҳолатга келтирилган теодолитнинг кўриш трубасини бир кўтаргич винт йўналишида қўйилади. Кейин шу винтни бураб, асбоб айланиш ўқини энкайтирилади, яъни адилак пуфакчасини 4 — 5 бўлакка сурилади. Шу турища трубани нуқтага қаратиб, вертикал доирадан саноқ олинади. Шундан кейин асбоб айланиш ўқини тескари томонга энкайтириб,

яна вертикал доирадан саноқ олинади. Шунда саноқлар айрмаси  $0'1$  дан катта бўлмаслиги керак. Айрма катта бўлса, асбоб устахонада тузатилади.

Юқоридаги шартларни текшириб бўлгач, шкалали микроскоп ёки оптик микрометрнинг рени, бир томонлама саноқ олиш мосла-малари ўрнатилган оптик теодолитларнинг горизонтал доиралари алидадасининг эксцентриситети текширилади.

#### 14.6. Зичлаш тармоғида бурчакларни ўлчаш

Зичлаш тармоқларида марказ ва белгиларни қуриб бўлгандан кейин T5-K, T5 ва бошқа аниқ оптик теодолитлар билан горизонтал йўналишларни ўлчаб, бурчаклар ҳисобланади.

Зичлаш тармоқларида доиравий қабуллар ва такрорлаш усувлари билан горизонтал бурчаклар ўлчанади.


**Доиравий қабул усули.** Тармоқ пунктларидағи йўналишлар иккитадан кўп бўлса, яъни бир жойдан туриб биттадан кўп бурчакни ўлчаш керак бўлса, доиравий қабул усули қўлланилади. Ўлчаш қўйидаги тартибда бажарилади.

Теодолит 43- нуқтада (14.7-шакл) ўрнатилиб, ишчи ҳолатига келтирилади, яъни марказлаштирилади, лимб доираси горизонтал ҳолатга келтирилади. Ўлчаш ишлари вертикал доиранинг чап (ДЧ) ҳолатида бошланади. Кўриш трубасини бошлангич, яъни бурчакларга нисбатан чап томондаги пунктга шундай қаратиш керакки, бунда лимб саноги  $0^\circ$  дан  $2 - 3'$  каттароқ бўлсин. Мисолимизда бошлангич пункт 42 ҳисобланади. Лимб бўшатилиб, труба визир ўқини 42 пунктга қаратиб, лимб маҳкамланади, саноқ олиб журналга ёзилади (масалан,  $0'03,0'$ ). Кейин алидадани бўшатиб, труба соат мили йўналиши бўйича кетма-кет 26, 27, 28, 44 ва яна 42 пунктларга (14.7-шакл) қаратилиб олинган саноқларни журналга (23-жадвалга) ёзилади. 42-

пунктдан бошлаб унга яна қайтиб келинганда горизонт ёпилган бўлади. Бу ўлчаш биринчи ярим қабулда ташкил қиласди.

Иккинчи ярим қабулда бошлаш учун кўриш трубасини зенит орқали айлантириб доира ўнг (ДЎ) ҳолатига келтирилади.

Алидадани бўшатиб, трубани 42 пунктдан бошлаб, кетма-кет соат милига тескари йўналишда 44, 28, 27, 26 ва яна 42 пунктларга қаратиб горизонтал доирадан олинган саноқларни журналга ёзилади.



23-жадвал.

**Доиралык қабуллар усулида зигзаг тармогыда горизонтал  
бүрчакларни ўлчаш журнали. Пункт №43**

Сана — 7.07.2001й.

Хаво — очиқ

Күриниши — 3 км

$t = +30^\circ$

Вақт 7 с. 20 м

Тасвир — аник

Йұна- лишлар номи	Доира холати	Лимб штрихидан олинган саноқлар	Шкаладан олинган саноқлар	$\frac{\chi + \psi (\pm 180)}{2}$	0 га келтирилган йұналишлар
1	2	3	4	5	6
<b>I қабул</b>					
Пункт 42	Ч ў	0° 180	03,0' 02,8	0°03'00 —0°02',90	0°00',00
26	Ч ў	52 232	11,9 12,0	52°11,95	52°08',95
27	Ч ў	90 270	55,5 55,6	90°55',55	90°52',55
28	Ч ў	137 317	31,5 31,5	137°31',50	137°28',50
44	Ч ў	202 382	52,2 52,3	202°52',25	202°49',25
42	Ч ў	0 180	03,2 03,0	0°03',10	0°00',00
Горизонт ёпилмаслиги $\Delta_\chi = +0,2$ ; $\Delta_\psi = +0',2$ ;				$\delta_k = -\frac{\Delta_{\psi_{pt}}}{n} (k - 1)$	
<b>II қабул</b>					
Пункт 42	Ч ў	60° 240	02,8' 03,0	60°02',95 —60°02',90	0°00',00
26	Ч ў	112 292	11,8 12,0	112°11',90	52°08',95
27	Ч ў	150 330	55,6 55,7	150°55',65	90°52',70
28	Ч ў	197 17	31,5 31,7	197°31',60	137°28',65
44	Ч ў	262 82	52,2 52,4	262°52',30	202°49',30
42	Ч ў	60 240	02,9 03,1	60°03',0	0°00',00

23-жадвал (давоми)

III қабул					
Пункт 42	Ч ў	120° 300	04,0' 03,8	120°03',95 120°03',90	0°00',00
26	Ч ў	172 352	12,8 13,1	172°12',95	52°09',00
27	Ч ў	210 30	56,6 56,6	210°56',60	90°52',65
28	Ч ў	257 77	32,6 32,7	257°32',65	137°28',70
44	Ч ў	322 142	53,3 53,4	322°53',35	202°49',40
42	Ч ў	120 300	04,1 03,9	120°04',00	0°00'.00

Жадвалда берилган формулауда:  $\delta_x$  – йўналишга киритиладиган тузатма;  $k$  – қабулда кузатилган йўналишлар номери;  $n$  – қабулда ўлчанган йўналишлар сони.

$\Delta_x = a_{x,0} - a_{x,6}$ ;  $\Delta_y = a_{y,0} - a_{y,6}$ , бу ерда  $a_{x,0}$ ,  $a_{x,6}$  – чап доирада олинган охирига ва бошлангич саноқлар;  $a_{y,0}$ ,  $a_{y,6}$  – ўнг доирада олинган худди шундай саноқлар.

Чап доира билан ўнг доирадаги қузатишлар битта тўлиқ қабулни ташкил этади. Биринчи ярим қабулда ўлчаш натижалари юқоридан пастга қараб, иккинчи ярим қабулда ўлчаш натижалари пастдан юқорига қараб ёзилади.

Бошлангич пунктта иккинчи марта қаратиш (горизонтни ёпиш) ярим қабул давомида горизонтал доира лимби қўзғалмаганини текшириш учун керак. Бошлангич пунктта қаратиб ярим қабул бошида ва охирида олинган саноқларининг ўртача қиймати бир-бирига тўғри келиши ёки улар орасидаги фарқ теодолитдан саноқ олиш аниқлигини иккиланганидан катта бўлмаслиги керак. Агарда бу фарқ йўл қўярли бўлмаса, ярим қабулда ўлчаш такрорланади.

Йўналишларнинг ўлчаш натижалари аниқлигини ошириш учун ўлчаш бир неча қабулда бажарилади. Лимб доирасининг хатоси таъсирини камайтириш, ўлчаш натижаларини текшириш учун ва бажариладиган ишларнинг аҳамиятига қараб қабуллар сони бир нечта бўлиши мумкин.

Бир қабулдан иккинчисига ўтишда лимбни

$$\delta' = \frac{180^\circ}{m}$$

бурчагига бурилади, бу ерда:  $m$  – қабуллар сони.

Агар бурчакларни 3 та қабулда ўтчамоқчи бўлсак,  $\delta' = \frac{180^\circ}{3} = 60^\circ$  ни ташкил қиласди.

Демак, I қабулда саноқ  $0^\circ$  дан бошланган бўлса, II қабулда  $60^\circ$ , III қабул эса  $120^\circ$  дан бошланади.

Учала қабулда ҳисобланган ва 0 га келтирилган йўналишлардан ўртачасини ҳисоблаб, улар айрмасидан бурчаклар ҳисобланади ( $24 - 25$ - жадваллар).

#### 24-жадвал

Қабуллар	Пунктлар				
	42	26	27	28	44
I	0°00',00	52°08',95	90°52',55	137°28',50	202°49',25
II	0°00',00	08',95	52',70	28',65	49',30
III	0°00',00	09',00	52',65	28',70	49',40
Ўртacha	0°00',00	52°08',97 52°08',58,2"	90°52',63 90°52',37,8"	137°28',62 137°28',37,2"	202°49',32 202°49'19,2"


Масалан, 26- пунктнинг ўртача йўналиши  $52^{\circ}08'58,2''$ ; 42-пунктнинг ўртача йўналиши  $0^{\circ}00'00,0''$  бўлганда, бурчак  $52^{\circ}08'58,2'' - 0^{\circ}00'00,0'' = 52^{\circ}08'58,2''$  га тенг бўлади.

Яъни умумий қоидага асосан, ўнг томон йўналишидан чап томон йўналишини айрсак, улар орасидаги горизонтал бурчак келиб чиқади.

24-жадвалда ўртача йўналишлар минути юздан биргача ҳисоблаб ёзилиб, уларнинг остида секундга келтирилган қийматлар берилган.

#### 14.7. Учбурчаклар томонларини дастлабки ҳисоблаш

Ўлчантган йўналишга марказлаштириш ва редукция тузатмалари-ни ҳисоблаб, уни киритиш учун учбурчаклар томонларининг узунлиги дастлабки ҳисобланиши керак. Топиладиган тузатмалар кичик бўлганидан тузатилмаган бурчаклар бўйича томонларнинг тахминий узунлиги топилса кифоя. Шунинг учун бу ҳисоблашни дастлабки ҳисоблаш дейилади. Томонлар узунлигини дастлабки ҳисоблаш учун синуслар теоремасига асосан учбурчаклар ечилади. Бунинг учун аввал ҳар бир учбурчакда бошлангич томон узунлигини унинг қаршисидаги бурчак синусига бўлиб ташки чизилган доира диаметри  $D$  топилади. Шундан кейин  $D$  ни қолган иксита бурчак синусларига кўпайтириб, улар қаршисидаги томонлар узунлиги топилади. Шулардан охиргиси



14.8- шакл.

лар, 42, 43 бурчаклар эса боғловчи бурчаклар бўлади. Ушбу тармоқнинг томонлари узунлиги 25-жадвалда келтирилган кетма-кетликда хисоблаб топилган.

боғловчи бурчак қаршисида ётганлиги учун кейинги учбурчакни ечишда боғловчи томон бўлиб хизмат қиласди.

14.8-шаклда келтирилган I ва II учбурчаклар учун умумий бўлган томонлар боғловчи томонлар бўлиб, улар қаршисидаги бурчаклар эса боғловчи бурчаклар бўлади. I учбурчак учун 42 ва 26 ҳамда 26 ва 43 нуқталар ораси боғловчи томон-

#### 25-жадвал

#### Томонларни дастлабки ҳисоблаш

Учбурчак	Бурчак белгиси	Үлчанган бурчак	Тузатма (")	Тузатилган бурчак	Бурчак синуси	Томон узунлиги $d$ (м)
I	43 26 42	52°08'58" 45°01'45" 82°49'18" 180°00'01"	-1	52°08'57" 45°01'45" 82°49'18" 180°00'00"	$\Delta = 1458,9$ 0,789605 0,70747 0,992163	1152 1032,2 1447,5
II	27 43 26	89°21'46" 38°43'40" 51°54'36" 180°00'02"	-1 -1	89°21'45" 38°43'39" 51°54'36" 180°00'00"	$\Delta = 1447,6$ 0,999938 0,625613 0,787042	1447,5 905,7 1139,4
III	28 43 27	67°26'47" 46°35'59" 65°57'17" 180°00'03"	-1 -1 -1	67°26'46" 46°35'58" 65°57'16" 180°00'00"	$\Delta = 1233,7$ 0,923519 0,726568 0,913222	1139,4 896,4 1126,6
IV	44 28 43	65°32'32" 49°06'46" 65°20'43" 180°00'01"	-1	65°32'31" 49°06'46" 65°20'43" 180°00'00"	$\Delta = 1233,7$ 0,910265 0,755996 0,908848	1126,6 935,7 1124,9

Ҳар бир учбұрчакда бириңчи қаторға бошланғич томон (42 ва 26) қаршиисидаги боғловчы бурчак қиймати ёзилади (43-бурчак). Иккінчи боғловчы бурчак (42) қиймати охирғи (учинчи) қаторға ёзилади (25-жадвал). Жадвалдаги бириңчи учбұрчак охирғи томони узунлиги 1447,5 м иккінчи учбұрчакни бошланғич томон узунлигига күчирилади. Шу тартибда ҳисоблашни давом эттирилади. Ҳисоблашлар тригонометрик функцияли калькуляторларда бажарылыш мүмкін.

Томонлар узунлигининг дастлабки қиймати аниқланғач, марказлаштириш ва редукция тузатмаларини ҳисоблаш бажарылади.

### 14.8. Йұналишларни пунктлар марказынан көлтириш

Кузатиши натижасыда марказға көлтирилған йұналишлар қийматини олишга ҳар доим имкон бўлавермайди. Амалда, кўпинча, асбобни пункт маркази устига ўрнатиб бўлмайди. Масалан, пирамида оёғи кузатиши ишларига халақит берса, асбобни марказдан четроққа (марказға яқин жойга) ўрнатиласди. Бундай вақтда тузатма киритиш орқали ўлчангандык йұналишларни марказға көлтирилади. Бундай тузатмага марказға көлтириш тузатмаси дейилади ва у қуйидаги формула бўйича топилади:

$$c'' = \frac{e}{s} \rho'' \sin(M + \theta), \quad (14.9)$$


бу ерда  $c''$  — марказға көлтириш тузатмаси,  $e$  — марказлаштиришнинг чизик элементи,  $s$  — пунктлар орасидаги масофа,  $\rho = 206265''$ ,  $M$  — бошланғич пункт билан ушбу пункт орасидаги ўлчангандык бурчак (йұналиш қиймати),  $\theta$  — марказлаштиришнинг бурчак элементи, асбоб ўрнатилган нуқтада марказ билан бошланғич пункт орасида ўлчангандык бурчак (14.9-шаклга қаранг).

Кузатиладиган пунктлар устига ўрнатилган пирамидалар визир цилиндрининг маркази пункт маркази билан битта шовун чизиқда ётмаслиги мүмкін. Бундай вақтда ўлчангандык йұналишга редукция тузатмаси киритилади. Бу тузатма қуйидаги формула билан ҳисобланади:


$$r'' = \frac{e_1}{s} \rho'' \sin(M_1 + \theta_1), \quad (14.10)$$

бу ерда  $r''$  — редукция тузатмаси,  $e_1$  — редукциянинг чизик элементи,  $M_1$  — бошланғич пункт билан ушбу пункт орасидаги бурчак йұналиш қиймати,  $\theta_1$  — редукциянинг бурчак элементи (14.10-шаклга қаранг).


Юқоридаги формулалар бўйича тузатмаларни ҳисоблаш учун пункт маркази  $C$  (14.11-шакл), асбоб ўрнатилган нуқта



14.9- шакл.



14.10- шакл.



14.11- шакл.

*J* ва визир цилиндрининг ўқи *S* проекцияларининг горизонтал тескилдаги ўрнини ҳамда *CJ* ва *CS* чизиқларининг пунктда ўлчантан йўналишларга нисбатан йўналишини аниқлаш керак. *CJ* ва *CS* чизиқларининг йўналиши  $\theta$  ва  $\theta_1$ , бурчаклари билан ифодаланади. Бу бурчаклар пункт маркази *C* га бўлган йўналишга нисбатан соат мили йўли бўйича бошланғич йўналишгача ўлчанади.  $e$ ,  $e_1$ ,  $\theta$  ва  $\theta_1$ , ларга келтириш элементлари дейилади. Агарда чизиқли элементлар  $e$  ва  $e_1$  унча катта бўлмаса ( $0,5$  м дан катта бўлмаса), уларни график ясаш орқали топган мақсадга мувофиқ. Бунинг учун устига оқ чизма қоғоз ёпиштирилган марказлаштириш столчаси пункт марказига ўрнатилади. Шундан кейин қоғоз устига марказдан  $20 - 30$  м узоқликда ўрнатилган теодолит ёрдамида *J*, *C* ва *S* нуқталар (14.11-шакл) проекцияланади. Проекциялаш уч нуқтадан туриб бажарилади. Шунинг учун *J*, *C* ва *S* нуқталар учта тўғри чизиқларнинг кесишишидан ҳосил бўлади. Бунда теодолитни шундай ўрнатиш керакки, тўғри чизиқлар бир-бирини  $120^\circ$  ли бурчак остида кесиб ўтсин. Баъзида уч чизиқ бир нуқтада кесишмай, хато учбурчаги ҳосил бўлади. Агарда учбурчак кичик бўлса, унинг ўртаси тегишли нуқта деб қабул қилинади. Қоғозда топилган *J* ва *S* нуқталарга визир чизиғини қўйиб, бошланғич пунктика йўналишлар чизилади. *J* ва *S* нуқталар *C* нуқта билан туташтирилади. Ҳосил бўлган  $e$  ва  $e_1$  элементларни циркуль билан  $\theta$  ва  $\theta_1$  ни транспортир билан ўлчанади.

Агарда чизиқ элементлар  $e$  ва  $e_1$  катта бўлса, *J*, *C* ва *S* нуқталар ернинг ўзига проекцияланади ва  $e$ ,  $e_1$ , элементлар рулетка билан,  $\theta$ ,  $\theta_1$ , эса теодолит билан ўлчанади.

14.8-шаклдаги шахобчанинг 43-пунктидан туриб ўлчантан йўналишларга киритиладиган марказлаштириш тузатмаси 26-жадвалда келтирилган.

Ушбу тузатмалар ўз ишоралари билан ўлчангандан йўналишларга қўшилади.

Худли ўша 14.8-шаклдаги тармоқда 43 пунктта қараб ўлчангандан йўналишлар қийматига киритиладиган редукция тузатмаси 27-жадвалда ҳисобланган.

26-жадвал

Пункт: 43,  $e = 0,15$  м,  $\theta = 42^\circ 10'$ .

Формулалар	Күзатылған пункттар				
	42	26	27	28	44
$M$	00°00'	52°09'	90°53'	137°29'	202°49'
$\theta + M$	42°10'	94°19'	133°03'	179°39'	244°59'
$\rho'' e$	30940"	30940"	30940"	30940"	30940"
$S, \text{м}$	1032	1448	1139	1127	936
$\rho'' e : S$	30,0"	21,4"	27,2"	27,4"	33,1"
$\sin(\theta + M)$	0,671289	0,997163	0,730758	0,086286	-0,906185
$c''$	20,1"	21,3"	19,9"	2,4"	-30,0"

27-жадвал

Пункт: 43,  $e_i = 0,10$  м,  $\theta_i = 50^\circ 00'$ .


Формулалар	Күзатылған йұналишлар				
	42	26	27	28	44
$M$	00°00'	52°09'	90°53'	137°29'	202°49'
$\theta_i + M$	50°00'	102°09'	140°53'	187°29'	252°49'
$\rho'' e_i$	20626"	20626"	20626"	20626"	20626"
$S, \text{м}$	1032	1448	1139	1127	936
$\rho'' e_i : S$	20,0"	14,2"	18,1"	18,3"	22,2"
$\sin(\theta_i + M)$	0,766044	0,000625	0,630902	-0,130238	-0,955364
$r''$	+15,3"	00,0"	+11,4"	-2,4"	-21,2"

Пунктларда ҳар бир йұналишга марказлаштириш ва редукция тузатмалари ҳисоблаб чиқылғандан сүнг пункт марказига келтирилған йұналишлар жадвали тузилиб, унга  $c''$  ва  $\psi''$  қыйматлари күчириб ёзилади ва улар орқали пунктлар марказига келтирилған йұналишлар ҳисобланади.

### 14.9. Тұғри кесиштириш

Ишлаб чиқарыпда геодезик тармоқ умумий системасига киритилмаган нүкталарни жойда белгилаб, уларнинг координаталарини ҳисоблашга тұғри кесиштириш деійнілді.

Жойдагы нүкта ўрнини бошқа, ўрни маълум бўлған иккى пункт (оддий кесиштириш) ёки ундан ортиқ пунктлар (кўп карралы кесиштириш) дан туриб триангуляция ечими йўли билан аниқлашга тұғри кесиштириш дейилді. Амалий ишларда кўп карралы кесиштириш қўлланилиб, нүкта ўрнини топиш аниқтеги оширилади. Куйидаги 14.12-шаклдагы  $P$  нүктасининг ўрни ( $x_p, y_p$ ) оддий кесиштириш



14.12- шакл.

Бу қийматлардан фойланиб,  $ABP$  учбурчаги қыйыдаги формулалар орқали ечилади:

$$s = \frac{p \sin \beta_2}{\sin(\beta_1 + \beta_2)}; \quad a = \frac{p \sin \beta_1}{\sin(\beta_1 + \beta_2)}.$$

2.  $AP$  ва  $BP$  томонлар дирекцион бурчаги топилади:

$$\alpha_{AP} = \alpha_{AB} - \beta_1; \quad \alpha_{BP} = \alpha_{BA} + \beta_2;$$

3.  $AP$  йүналиши бўйича тўғри масала ечилиб,  $x_p$  ва  $y_p$  топилади:

$$x_p = x_A + s \cos \alpha_{AP}; \quad y_p = y_A + s \sin \alpha_{AP}.$$

28-жадвал

Белгилар	Натижалар	Белгилар	Натижалар
$x_A$	4136,14	$y_A$	4383,45
$x_B$	4241,52	$y_B$	5282,95
$\Delta x = x_B - x_A$	+105,38	$\Delta y = y_B - y_A$	+899,5
$\operatorname{tg} \alpha_{AB}$	8,53577	$\beta_1$	61°11' 22"
$\alpha_{AB}$	83°19' 05"	$\beta_2$	80°59' 13"
$\cos \alpha_{AB}$	0,11639	$\sin \beta_1$	0,876218
$\sin \alpha_{AB}$	0,99320	$\sin \beta_2$	0,987653
$p$	905,65 м	$\sin(\beta_1 + \beta_2)$	0,61328
$s$	1458,5 м	$p : \sin(\beta_1 + \beta_2)$	1476,73
$a$	1293,94 м	текшириш	
$\alpha_{AP}$	22°07' 43"	$\alpha_{BP}$	344°18' 18"
$\cos \alpha_{AP}$	0,92635	$\cos \alpha_{BP}$	0,96272
$\sin \alpha_{AP}$	0,37673	$\sin \alpha_{BP}$	-0,27051
$a \cos \alpha_{AP}$	1351,08	$a \cos \alpha_{BP}$	1245,70
$a \sin \alpha_{AP}$	549,49	$a \sin \alpha_{BP}$	-350,02
$x_p$	5487,22	$x_p$	5487,22
$y_p$	4932,94	$y_p$	4932,93

Текшириш учун  $BP$  йұналиши бүйіча түғри масала ечиліб,  $x_p$  ва  $y_p$  қайта топилади. Ҳисоблаш ишлари калькулятор ёки компьютерда осон бажарилади.

14.12-шаклдагы Рнұқтанинг координаталарини ҳисоблаш тартиби 28-жадвалда келтирілген.

### 14.10. Тескари кесиштириш

Тескари кесиштиришнинг мөхияти шундаки, координаталари маълум бўлган учта таянч пунктлар орқали тўртинчи нуқта координатаси аниқланади. Бу масалани ечиш учун аниқланадиган  $P$  нуқтадан туриб таянч пунктлар  $A$ ,  $B$ ,  $C$  га қараб жойда  $\alpha$  ва  $\beta$  горизонтал бурчаклар ўлчанади (14.13-шакл).

Масалани ечиш учун бошланғич маълумотлар сифатида пунктлар координаталари ва бурчаклар қыймати  $\alpha$  ва  $\beta$  ишлатилса, ҳисоблаш ишлари кўп вақт талаб қиласи. Ечишни осонлаштириш учун  $AP$  томонни бошланғич деб қабул қилиб, қуйидаги Деламбр формуласи орқали унинг йўналиши (дирекцион бурчаги) ҳисобланади:

$$\operatorname{tg}(AP) = \frac{(y_B - y_A)\operatorname{ctg}\alpha + (y_A - y_C)\operatorname{ctg}\beta + (x_C - x_B)}{(x_B - x_A)\operatorname{ctg}\alpha + (x_A - x_C)\operatorname{ctg}\beta + (y_B - y_C)} = \frac{\Delta y}{\Delta x}. \quad (14.11)$$

Шундан кейин ўлчангандай горизонтал бурчаклар  $\alpha$  ва  $\beta$  ҳамда  $(AP)$  йўналиш орқали қолган йўналишлар  $(BP)$  ва  $(CP)$  қуйидагича топилади:

$$(BP) = (AP) + \alpha;$$

$$(CP) = (AP) + \beta.$$


Масаланинг қолган қисми қуйидаги формулалар бўйича ечилади:

$$x_p = \frac{x_A \operatorname{tg}(AP) - x_B \operatorname{tg}(BP) + (y_B - y_A)}{\operatorname{tg}(AP) - \operatorname{tg}(BP)}, \quad (14.12)$$

$$\left. \begin{aligned} y_p &= y_A + (x_p - x_A) \operatorname{tg}(AP) \\ y_p &= y_C + (x_p - x_C) \operatorname{tg}(CP) \end{aligned} \right\}. \quad (14.13)$$

Қуйидаги берилган бошланғич маълумотлар:

$$\begin{aligned} x_A &= 7293,67; y_A = 7079,40; x_B = 5326,53; \\ y_B &= 7002,62; x_C = 2855,53; y_C = 5789,70; \\ \alpha &= 27^{\circ}10'01"; \beta = 92^{\circ}27'50" \text{ни (14.11) —} \\ (14.13) \text{ формулаларга} &\text{ қўйиб ҳисоб-} \\ \text{лаймиз:} & \end{aligned}$$



14.13- шакл.

$$\begin{aligned} \operatorname{tg}(AP) &= \frac{(7002,62 - 7079,40)\operatorname{ctg}27^{\circ}10'01'' + (7079,40 - 5789,70)\operatorname{ctg}92^{\circ}27'50'' +}{(5326,53 - 7293,67)\operatorname{ctg}27^{\circ}10'01'' + (7293,67 - 2855,53)\operatorname{ctg}92^{\circ}27'50'' +} \\ &\quad + \frac{(2855,53 - 5326,53)}{+(7002,62 - 5789,70)} = 0,951957; \end{aligned}$$

$$(AP) = 43^{\circ}35' 24,3'';$$

$$(BP) = (AP) + \alpha = 43^{\circ}35'24,3'' + 27^{\circ}10'01'' = 70^{\circ}45'25,3'';$$

$$\operatorname{tg}(BP) = 2,864686;$$

$$(CP) = (AP) + \beta = 43^{\circ}35'24,3'' + 92^{\circ}27'50'' = 136^{\circ}03'14,3'';$$

$$\operatorname{tg}(CP) = 0,963871;$$


$$\begin{aligned} x_p &= \frac{x_A \cdot \operatorname{tg}(AP) - x_B \cdot \operatorname{tg}(BP) + (y_B - y_A)}{\operatorname{tg}(AP) - \operatorname{tg}(BP)} = \\ &= \frac{7293,67 \cdot 0,951957 - 5326,53 \cdot 2,864686 + (-76,78)}{0,951957 - 2,864686} = 4387,64; \end{aligned}$$

$$y_p = y_A + (x_p - x_A) \operatorname{tg}(AP) = 7079,40 + (4387,64 - 7293,67) \times \\ \times 0,951957 = 4312,98 \text{ м};$$

$$y_p = y_C + (x_p - x_C) \operatorname{tg}(CP) = 5789,70 + (4387,64 - 2855,53) \times \\ \times (-0,963871) = 4312,96 \text{ м}.$$

Назорат ҳисоблашда келиб чиққан 2 см га тенг фарқ ҳисоблашдаги яхлитлаш таъсириди.

Ҳозирги вақтда бундай масалалар мавжуд дастурлар орқали калькулятор ёки компьютерлар ёрдамида тез ва осон ечилади.



## XV боб. IV КЛАСС ВА ТЕХНИК НИВЕЛИРЛАШ ТАРМОҚЛАРИ

### 15.1. Нивелирлаш тармоғи лойиҳасини түзиш. Нивелир белгиларини жойда үрнатыш

IV класс ва техник нивелирлаш I, II ва III класс давлат ұивелир тармоқларини зичлаш ва 1:5 000, 1:2 000, 1:1 000 ва 1:500 масштабдардаги топографик съёмкаларни баландлик съёмка тармоқлари билан таъминлаш мақсадыда бажарилади.

Баландлик тармоқларининг зичлиги ва аниқлиги жой түзилишига, рельефнинг кесими баландлығига, топографик съёмка усули ва масштаби каби ҳолларга боғлиқ бўлиб, келгусида шу ҳудудда бажариладиган мұхандислик-геодезик, ер түзиш ва бошқа ишларни баландлик таянч пунктлар билан тўлиқ таъминлашни кўзда тутиши керак.

IV класс нивелирлаш йўлининг узунлиги 50 км дан ошмаслиги керак. Бунда нивелирлаш фақат бир йўналишда бажарилади. Нивелирлаш хатоси  $f h = \pm 20\sqrt{L}$  мм дан ошмаслиги керак. Бу ерда  $L$  — км да ифодаланган нивелирланган йўл узунлиги ёки полигон периметри.

1:5 000, 1:2 000, 1:1 000 ва 1:500 масштаблардаги съёмкаларни бажариш учун давлат геодезик тармоқларига таяниб кўшимча техник нивелирлаш тармоғи қурилади. Одатда, бу тармоқ ўзидан юқори класс нивелир йўлининг энг камида учта пунктига боғланиши керак. Техник нивелирлаш тармоғига планли тармоқ пунктлари киритилиши керак. Йўл охирги нуктасини пунктта боғлашни иложи бўлмаган ҳолларда осма (муаллақ) техник нивелир йўли, яъни фақат битта пунктта боғланган нивелир йўли қуришга рухсат этилади. Бунда нивелирлаш тўғри ва тескари йўналишда бажарилиши керак.

Техник нивелирлаш йўллари ёки полигонларида нивелирлаш хатоси қўйидагидан ошмаслиги керак:  $\pm 50\sqrt{L}$  мм, бу ерда  $L$  — км да ифодаланган йўл узунлиги ёки полигон периметри. Агар 1 км узунликдаги нивелирлаш йўлида нивелир станцияларининг сони 25 та дан ошиб кетса, хато қўйидагича ҳисобланиши мумкин:  $\pm 10\sqrt{n}$  мм, бу ерда  $n$  — станциялар сони. Топографик съёмка масштабига, рельефнинг кесим баландлығига ва мураккаблигига қараб юқори класс нивелирлаш тармоғининг пунктлари орасида ўтказиладиган техник нивелирлаш йўлларининг узунлиги 29-жадвалда көлтирилган миқдорлардан ошмаслиги керак.

Техник нивелирлаш йўлининг ўтказилиши	Техник нивелирлаш йўли узунлиги (км), қўйидаги рельеф кесимларида		
	0,25 м	0,5 м	1 м ва ундан ортиқ
Юқори класс пунктлари орасида	4,0	8,0	16
Юқори класс пункти ва тутун нуқта орасида	3,0	6,0	12
Икки тутун нуқта орасида	2,0	4,0	8

IV класс давлат нивелир йўли ҳар 5 км дан ортиқ бўлмаган оралиқда доимий грунт, қоя ёки деворий реперлар билан маҳкамланиди. Топографик съёмкаларда техник нивелирлаш йўллари ҳар 1 — 2 км оралиқда кўшимча доимий ва вақтингча реперлар кўйиб, маҳкамлаб чиқилади. 1:5 000 масштабдаги съёмка учун ҳар 10 — 15 кв. км га, 1:2 000 масштаб учун эса 5 — 7 кв. км га 1 тадан репер тўғри келиши керак.

Йирик масштабли съёмкаларни бажариш учун нивелир тармоғини қуриш лойиҳаси планли тармоқни лойиҳалаш билан бирга олиб борилади. Планли тармоқнинг ҳар бир пункти учун баландлик ҳам топилиши керак, шунинг учун дастлаб планли тармоқ лойиҳаси тузилади ва баландлик тармоғини лойиҳалашда планли пунктлар нивелир йўлига кўшиб олинади. Масалан, планли тармоқ полигонометрия усулида ҳосил қилинса, нивелир йўллари полигонометрия томонлари билан кўшилади. Нивелир тармоғини лойиҳалашда ишлар қўйидаги тартибда бажарилади:

1. Ушбу жойда илгари бажарилган нивелирлаш ишлари тўғрисида маълумотларни тўплаш.

2. Нивелир тармоғи лойиҳасини тузиш.

3. Лойиҳаси мавжуд жой картасида тузилган нивелир йўллари жойга чиқиб танишиб аниқлик киритилади.

IV класс ва техник нивелир йўллари 1:10 000 — 1:25 000 масштабдаги топографик карталарда лойиҳаланади. Бундай картага илгари қурилган планли ва баландлик тармоқлар пунктлари ва янги лойиҳаланаётган тармоқ пунктлари туширилади.

Янги лойиҳаланаётган IV класс ва техник нивелирлаш тармоқларини жойда илгари қурилган тармоқ пунктларига улашда қўйидагилар ҳисобга олиниши керак:

1. Лойиҳаланаётган йўлнинг бошланғич ва охирги учлари шу классдаги ёки ундан юқори классдаги илгари қурилган тармоқ пунктларига боғланиши керак.

2. Лойиҳаланаётган IV класс ва техник нивелирлаш йўлларини илгари қурилган йўллар билан боғлаш бу йўл пунктларидан бирини қурилаётган йўлга кўшиб олиш билан амалга оширилади.

3. Лойиҳаланаётган йўллар ёқалаб 3 км гача масофада жойлашган илгари қурилган йўл пунктлари янги йўлга кўшиб олинади.

IV класс ва техник нивелирлаш йўлларини лойиҳалашда уларга қўйидаги талаблар қўйилади: йўл мумкин қадар нишаби кичик бўлган жойлардан ўтиши керак; у мумкин қадар жарлик, дарё, ботқоқтлик ва бошқа тўсикларни кесиб ўтмаслиги керак.

Нивелирлаш учун қулай трассалар бўлиб грунт йўллар, шоссе, дала йўллари ва шунга ўхшашлар хизмат қиласди. Лойиҳаланаётган нивелир йўлларида ўрнатиладиган нивелир белгиларининг ўрни ер қатлами мавсумий муздайдиган минтақаларда рельефнинг баландроқ, ҳамда грунти қумлок ва ерости сувларининг сатҳи 3 — 4 м дан паст бўлган жойларда танланиши керак.

Кўчки, карст, ўпирилиш ва шунга ўхшаш ҳодисаларга дучор бўлган жойларда белги ўрнатилиши ман этилади.

Нивелир йўлларида ўрнатиладиган белгилар конструкцияси грунт мұхитида узоқ муддатга сақланиши ва қўзғалмай туришини таъминлаши керак.

Белгиларни тайёрлаш учун асосий материал бўлиб бетон, темир бетон ва металли қувурлар хизмат қиласди. Нивелир белгилари сифатида ишлатиладиган грунт репер, деворий репер ва маркалар турлари 9.6- ва 9.7-шаклларда берилган.

Деворий репер ва маркалар 3 — 4 йил илгари қурилган иморат ва ишшоотлар деворида, ердан 0,4 — 0,6 м баландликла ўрнатилиши керак.

## 15.2. IV класс нивелирлашни бажариш

IV класс нивелирлаш ўргадан нивелирлаш усулида бажарилади. Станцияда ўрнатилган нивелирдан рейкаларгача масофалар қиймати ўртacha 100 м, визирлаш нурининг ер сиртидан баландлиги 0,2 м дан кам бўлмаслиги, нивелирдан рейкаларгача масофаларнинг станциядаги фарқи 5 м дан, нивелир йўлининг секциясидаги фарқи 10 м дан ошмаслиги керак.

Нивелир трубасининг катталаштириши  $30^{\times}$  ва трубада тасвир равшан бўлса, рейкагача масофа 150 м гача олиниши мумкин. Нивелирлаща рейкагача масофа қадамлаб ўлчанади ва у трубанинг ўргадаги илини сурʼидан бирини бўйича олинган саноқлар айирмаси бўйича текшириб борилади ( $30 \times 30$  см).

Нивелирлаш Н-3, Н-3К ва шу аниқликдаги бошқа нивелирлар ҳамда РН-3 шашкали нивелир рейкалари ёрдамида бажарилади (бу нивелир ва рейкаларнинг тузилиши VIII бобда кўриб чиқилган).

**IV класс нивелирлаш журналининг нусхаси  
(қора ва қызил томонли рейкалар)**

Йўл: 606 грунт репердан 227 грунт репергача.

Сана: Бошланди: Тутатиди: Об-ҳаво:

Станция № Рейка №	Орқадаги ва олдинги рейкалар- гача далъиномер бўйича масофа	Рейкалар саноқлар		Нисбий баландлик (мм)	Ўртacha нисбий баландлик (мм)
		Орқадаги	Олдинги		
1 грунт репер 6 06 2-1	375(7) 372(8)	1185(1) 1560(2) 6247(6) 4687(9)	1058(3) 1430(4) 6217(5) 4787(10)	+130(11) +30(12) +100(14)	+130(13)
2 — 1-2	260 263	1005 1265 6052 4787	1209 1472 6159 4687	-207 -107 -100	-207
3 — 2-1	311 313	617 928 5615 4687	798 1111 5848 4787	-183 -283 +100	-183
...	...	...	...	...	...
Бет бўйича йигинлилар	$\Sigma 3506(21)$ $-43472(16)$ $-1460(19)$	$\Sigma 42012(15)$	$\Sigma 43472(16)$	$-1460(17)$ $-730(20)$	-730(18)
...	...	...	...	...	...
32 — 1-2 грунт репер 227	380 380	1544 1924 6711 4787	615 995 5681 4686	+929 +1030 -101	+930
606-сон грунт репердан 227-сон грунт репергача секция бўйича ҳисоблаш					
	$\Sigma 29010(21)$	$\Sigma 414508(15)$ $-\Sigma 402784(16)$ $+11724(22)$	$\Sigma 402784(14)$	$\Sigma +11724(17)$ $+5862(23)$	$\Sigma +5862(18)$
$S=5.8 \text{ км } (24)$ $n=32 \text{ штат. } (25)$		Умумий нисбий баландлик $h = +5862 \text{ мм}$			

Нивелирлашда рейкалар металл бошмоқ (15.1-а шакл), костил (15.1-б шакл) ёки ерга қоқилган ёғоч қозикқа ўрнатилади.

Станцияга нивелир ўрнатилиб ишчи ҳолатига келтирилади, кўриш трубаси навбати билан орқадаги ва олдинги рейкаларга қаратилиб саноқлар олинади. Ҳар бир саноқ олишдан аввал, агар

цилиндрик адилакли нивелир олинган бўлса, адилак пуфакчаси ўрта ҳолатга элевацион винт билан келтирилади.

Олинган нивелир рейкалари турига қараб нивелирлаш станцияда қуйидаги тартибда бажарилади. Икки ёкли (қора ва қизил) рейкалар олинган бўлса:

1. Орқадаги рейканинг қора томонидан ўрта ип ва дальномер юқори или бўйича саноқлар олинади.

2. Оддинги рейканинг қора томонидан ўрта ип ва дальномер юқори или бўйича саноқлар олинади.

3. Оддинги рейканинг қизил томонидан ўрта ип бўйича саноқ олинади.

4. Орқадаги рейканинг қизил томонидан ўрта ип бўйича саноқ олинади.

Олинган саноқлар нивелирлаш журналининг тегишли қатор ва устунларига ёзилади (30-жадвал). Бу жадвалда биринчи станция мисолида саноқ олиш ва журналга ёзиш ишлари тартиб рақами қавсларда берилган.

Бир ёкли (қора томонли) рейкалар олинган бўлса:

1. Орқадаги рейкадан саноқлар (ўрта ва дальномер юқори ипидан) олинади.

2. Оддинги рейкадан саноқлар (ўрта ва дальномер юқори ипидан) олинади.

3. Нивелир баландлиги ўзгартрилади.

4. Оддинги рейкадан саноқ олинади.

5. Орқадаги рейкадан саноқ олинади.

Рейкаларнинг қора томони бўйича ўлчанган нисбий баландлик билан қизил томонлар бўйича ўлчанган нисбий баландлик фарқи 95 — 105 мм орасида бўлиши мумкин. Аслида олинган бир жуфт рейкалар қизил томонлари нолининг фарқи 100 мм га teng бўлиши керак.

Нивелирлаш журналининг (30-жадвал) ҳар бир бети остида журнални бетма-бет текшириши бажарилади.

Журналда ҳар бир нивелирлаш секцияси бўйича ҳам ҳисоблаш ишлари ва натижаларни текшириш иши олиб борилади. 30-жадвалда бу иш журнал бетининг остида келтирилган.



15.1- шакл.

### 15.3. Техник нивелирлашни бажариш

Техник нивелирлаш учун Н-3, Н-3К, Н-10 сериялардаги нивелирлар ва шашкали нивелир рейкалари ишлатилади (улар тўғрисидаги маълумотлар VIII бобда берилган).

Техник нивелирлаш йўллари жойда доимий ва вақтингчалик белгилар ҳамда ёғоч қозиқлар билан маҳкамланади. Техник нивелирлаш ўрталан нивелирлаш усулида бажарилади. Нивелирлаш йўлнинг тўғри йўналиши бўйича бажарилади. Нивелирдан рейкагача масофа 120 м гача, кузатиш учун қулай шароитда эса 200 м гача олиниши мумкин. Визир нурининг ер сиртидан баландлиги 0,2 м дан кам бўлмаслиги, яъни ўрта ипдан саноқ 200 мм дан кичик бўлмаслиги керак. Нивелирдан рейкаларгача масофанинг станциядаги фарқи 10 м дан, нивелирлаш секцияси бўйича йифиндиси 50 м дан ошмаслиги керак. Нивелир билан ўлчовчи киши орқадаги рейкадан бошлаб керакли масофани олдинга қараб қадамлаб ўлчаб нивелирни ўрнатади. Олдинги нуқтада рейка тутувчи нивелирдан олға қараб шунча масофани қадамлаб ўлчаб рейкани ўрнатади.

Техник нивелирлаш ёғоч қозиқлар, металл бошмоқ ёки костил бўйича бажарилади.

Съёмка асосини ҳосил қилишда техник нивелирлаш IV класс нивелирлашдаги тартибида ва кетма-кетликда бажарилади, яъни орқадан қора, олдиндан қора ва олдиндан қизил, орқадан қизил саноқлар олинади. Техник нивелирлашда дальномер или бўйича саноқ олинмайди. Техник нивелирлаш журналининг шакли айнан IV класс нивелирлаш журналига ўхшаш бўлади. Фарқи шуки, дальномер масофаси устунига қадамлаб ўлчанган масофа ёзилади. Станцияда нивелирлаш натижаларини ёзиш ва уларни ҳисоблаб чиқиш тартиби IV классдагига ўхшаш бажарилади.



## Еттинчи бўлим. СЪЁМКА ТАРМОҚЛАРИ XVI боб. СЪЁМКА ТАРМОҚЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

### 16.1. Съёмка тармоқлари ҳақида маълумотлар

Тафсилотлар ва рельефни съёмка қилишда кўшимча съёмка қилиш нуқталарини жойда белгилаб, давлат геодезик тармоқлари ва зичлаш тармоқларига боғлаб, планли ва баландлик ҳолати аниқланса, бунга **съёмка тармоқлари** дейилади.

Съёмка тармоқлари нуқталарининг планли ва баландлик ҳолати триангуляция, аналитик шахобча, теодолит, мензула, тахеометрик ва нивелир йўлларини ўтказиш билан аниқланади. Учбурчаклар тизимини тузишда, албатта, доимий координаталар ва баландликка эга бўлган давлат геодезик тармоқлари ва зичлаш тармоқларига асосланади.

Булардан ташқари, съёмка тармоқлари нуқталарининг ўрнини геодезик таянч пунктларга боғлаб мензула ва кипрегель ёрдамида геометрик тармоқ ҳосил қилиб ҳам аниқлаш мумкин.

Кичик ҳудудлар учун юқори класс тармоқларига боғланмасдан туриб ҳам мустақил асос қуриб съёмка ўтказишга рухсат этилади.

Съёмка тармоқлари пунктларининг зичлиги — съёмка усули ва масштаби, жой рельефининг мураккаблигига, контурларнинг катта-кичилигига, ҳудуднинг дараҳтзорлар билан қопланганлигига ва бошқа шу каби омилларга боғлиқ. Съёмка шахобчаси нуқталарининг зичлик даражасини станциядан рейка нуқтасигача йўл қўйиладиган масофани иккиланган қийматидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин.

Шунга асосан, съёмка асосининг битта нуқтасидан қўйидаги ўлчамдаги майдонлар съёмкасини таъминлаш мумкин:

- 1:2 000 масштабда 4 — 5 гектарни;
- 1:5 000 масштабда 10 — 15 гектарни;
- 1:10 000 масштабда 20 — 25 гектарни.

Съёмка тармоқлари нуқталари ҳам жойда мустақам ўрнатилади, уларнинг координаталари ва баландликлари умумий системада ҳисобланади. Юқори класс пунктлари орасида ўтказилган теодолит ва нивелир йўллари, полигонлар ёки очиқ йўл турларини ташкил этиб, улар бир ёки бир неча тутун нуқталарга туташади.

### 16.2. Аниқлиги юқори теодолит йўллари

Умуман, теодолит йўллари жойнинг характеристига қараб 1:2 000 — 1:1 000 аниқликда ўтказилади. Уларни триангуляция ёки полигонометрия пунктлари орасида тутун нуқталар ҳосил қилувчи йўллар ёки ёпиқ полигон шаклида қурилади.

Унча катта бўлмаган ер бўлакларини (майдони 1000 дан 2000 гектаргача) йирик масштабларда (1:2 000 ва 1:5 000) съёмка тармоғидан фойдаланиб планга туширилади. Бунинг учун аниқлиги 1:4 000 дан паст бўлмаган теодолит йўллари орқали съёмка тармоғини куришга тўғри келади. Бундай йўллар аниқлиги юқори теодолит йўллари дейилади. Булар иложи борича чўзиқ теодолит йўли бўлиб, томонлар орасидаги бурчак  $180^\circ$  га яқин бўлиши керак. Бундай йўллар ўлчаш ишларини кам ҳажмда талаб қиласи ва аниқлиги юқори бўлади. Агар жой шароитига қараб йўналиш ўзгарадиган бўлса, бурилиш нуқтасини тутун нуқта қилиб олинади.

Теодолит йўли жойда бурчак ва чизиқ ўлчашга қулай бўлган йўл ёқаси бўйлаб, дарё бўйларидан, текис ва очиқ жойлардан ўтказилиши керак, бунда ўлчаш ишлари осонлашади.

Иложи борича, томонлар узунлиги бир-бирига тенг бўлиши керак, шунда станцияларда трубанинг фокуси ўзгартирилмайди, бурчак ўлчаш аниқлиги эса анча ошади.

Съёмка асоси нуқталарини геодезик асос пунктларига нисбатан ўрнини аниқлаш чекли хатоси планда 0,2 мм дан ошмаслиги керак.

Агар масштаб 1:5 000 бўлса, жойда бу хатолик 1 метрга, 1:2 000 бўлса, 0,4 м га тенг бўлади. Бу хатони периметридаги чекли хато деб қабул қиласа бўлади.

Полигон периметрдаги хатони  $f_s$  билан, периметрини  $\Sigma S$  ва йўлнинг қабул қилинган чекли хатосини  $1:T$  деб олиб қуидагиларни ёзиш мумкин:

$$\Sigma S = f_s \cdot T; f_s = \frac{\Sigma S}{T}.$$

Шунга асосан аниқлиги оширилган теодолит йўли чекли узунлигини топиш мумкин. Агар  $T = 4000$  бўлса:

1:5000 масштабда  $\Sigma S_{\text{чекли}} = 4000$  м;

1:2000 масштабда  $\Sigma S_{\text{чекли}} = 1600$  м бўлади.

Дала ишларини бошлашдан олдин теодолит йўлининг дастлабки лойиҳаси тузилиши лозим. Бунинг учун ҳамма мавжуд план-картографик ҳужжатлардан фойдаланилади. Жойда рекогносцировка ўтказилади.

Рекогносцировка вақтида жой билан танишилади, дастлабки лойиҳанинг тўғрилиги текширилади, аниқлик киритилади ва лойиҳа йўл нуқталарининг бир-биридан кўриниши, тутун нуқтадан эса ҳамма кўшни нуқталар кўриниши таъминланади. Танланган нуқталарнинг жойдаги ўрни қозик қоқиб маҳкамланади.

Агар теодолит йўлини жойдаги юқори класс таянч пунктларга боғлаш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда нуқталарнинг қўшни пунктлардан кўриниши ҳам таъминланishi керак. Рекогносцировка вақтида бориб бўлмас масофани аниқлаш учун учбурчаклар ўрни, керак бўлса базис ҳам танланади.

Такрорий усулда бурчак ўлчаш теодолитдан саноқ олиш хатоси таъсирини бир оз камайтиради. Бу усулда бурчак ўлчаш тартиби қўйидагича: лимбда  $0^\circ$  га яқин (яъни  $2 - 5'$ ) саноқни қўйиб алидада винти маҳкамланади ва лимб вингини бўшатиб трубани чап томондаги пунктта қаратиб маҳкамланади ва доирадан саноқ *a* олинади. Шундан сўнг лимбни қўзғатмасдан алидада винтини бўшатиб, труба ўнг томондаги пунктта қаратилади ва назорат саноқ олиб журналга ёзилади. Бу ҳар иккала иш (лимбни бўшатиб трубани чап томондаги предметга қаратиб маҳкамлаш ва алидадани бўшатиб трубани ўнг томондаги предметта қаратиш) битта такрорлашни ташкил этади. Кейин алидада ва лимб бирга маҳкамланган ҳолда лимб винти бўшатилади, труба қайта чап томондаги пунктга қаратилиб лимб қотирилади ва алидадани бўшатиб, трубани ўнг томондаги пунктта қаратиб иккинчи такрорлаш тутатилади.

Натижада лимбда ўлчанаётган бурчакнинг иккиланган қиймати йигилади. Агар шу тартибда учинчи ва тўртинчи такрорлашни бажарсан, лимбда тегишли учланган ва тўргланган бурчак қийматлари йигилади. Тўртинчи такрорлаш охирида лимбдан *a* санофини олиб, уни бошлангич саноқ *a* дан айриб (*a* – *a*) натижани 4 га бўлинса, бурчак қиймати чиқади.

Такрорлаш сони *n* та бўлса, бурчак қиймати қўйидагича топилади:  $\beta = \frac{a-a}{n}$ , бу ерда *a* ва *a* – ўлчашнинг бошида ва охирида олинган саноқлар. Шундай қилиб, бурчакни *n* марта ўлчашда горизонтал доирадан икки марта саноқ олинади холос, натижада ўлчанган бурчак қийматига саноқ олиш хатосининг таъсири камаяди.

Агар ўлчанаётган бурчак қиймати катта бўлса, такрорлашда алидада ноль индекси бир ёки бир неча маротаба лимб нолидан ўтиб кетган бўлади. Бунда бурчак қийматини ҳисоблаш учун охирги саноқга  $360^\circ$  ни бир ёки бир неча марта кўшиб ҳисоблашга тўғри келади. Буни ҳисобга олиш учун биринчи такрорлашда доирадан назорат саноғи олиниб журналга ёзилади (31-жадвал).

Бурчакнинг тақрибий қиймати  $202^\circ 51'$  бўлгани учун алидада ноли лимб нолидан 2 марта ўтгани кўриниб турибди. Шунинг учун охирги саноқ  $91^\circ 19,3'$  га икки марта  $360^\circ$  кўшилади, яъни

$$\theta = 91^\circ 19,3' + 2 \times 360^\circ = 811^\circ 19,3'.$$

Бурчак қиймати ДЧ да юқоридаги формула бўйича топилади:

$$\beta = \frac{\theta-a}{n} = \frac{811^\circ 19,3' - 0^\circ 02,5'}{4} = 202^\circ 49,2'.$$

Коллимация хатоси ва труба горизонтал ўқини лимб текислигига параллелмаслик хатоси таъсирини камайтириш учун бурчакни доиранинг бошқа ҳолатида (ДЎ) (иккинчи ярим қабул) ўлчаш керак.

31-жадвал

**Такрорлаш усулида горизонтал бурчак ўлчаш журнали**

Сана: 7 июль  
Вақт: соат 12-00

43-пункт

Хаво: очиқ  
Күриниши: яхши

Күзатылган пункттар номи (№)	Такрорлаш сони	Горизонтал доирадан саноқ	Бурчак и- каррали ўлчангани	$\frac{1}{2} (\text{ДЧ} + \text{ДҮ})$
42 Назорат саноқ 44	4	ДЧ 0°02,5' 202°51' 91°19',3	<u>91°16',8</u> <u>202°49',2</u>	
42 44		ДҮ 0°02',9 91°20',5	<u>91°17',6</u> <u>202°49',4</u>	202°49',3

Бунинг учун лимб ва алидада ўзаро күзгалмас ҳолда трубани зенит орқали айлантириб трубани ўнг томондаги нуқтага қаратилади ва  $a'$  саноги олинади (бу биринчи ярим қабулни охирги саногига яқин бўлади). Кейин алидада бўшатилиб труба чап томондаги нуқтага қаратилади. Шундан сўнг лимб бўшатилиб, (алидада маҳкам ҳолда), труба ўнг томондаги нуқтага қаратилади, лимб маҳкамланади ва ҳоказо. Ярим қабул охирда труба чап нуқтага қаратиб  $a'$  саноги олинади, у биринчи ярим қабулнинг биринчи саногига яқин бўлиши керак. Бурчак қиймати ДҮ да куйидагига тенг бўлади:

$$\beta = \frac{a' - a'}{n} = \frac{(91°20,5' + 2 \times 360') - 0°02,9'}{4} = 202°49,4'.$$

Алидада ва лимб иккала ярим қабулда ҳам соат мили йўналиши бўйича буралади. Шу билан алидада лимбни суриб кетиш хатосининг таъсири камайтирилади.



## XVII бөб. ОДДИЙ ТАРМОҚ ВА СИСТЕМАЛАРНИ ТЕНГЛАШ

### 17.1. Ўлчанган миқдорларнинг математик шартлари.

Бизга ўлчанган бурчакларни қуидаги математик шартлари маълум:

1. Ёлиқ полигоннинг ички бурчаклари йигиндиси – бурчаклар сонидан 2 ни айриб  $180^\circ$  га кўпайтмасига тенг:

$$\sum \beta = 180^\circ(n - 2),$$

бундан

$$\sum \beta - 180^\circ(n - 2) = 0. \quad (17.1)$$

2. Дирекцион бурчаклари маълум икки чизиқ орасида ўтказилган теодолит йўли бурчакларининг йигиндиси  $180^\circ$  ни бурчаклар сонига кўпайтириб, унга дирекцион бурчаклар айримасини қўшишга тенг:

$$\sum \beta = 180^\circ n + \alpha_{\text{бошл}} - \alpha_{\text{оҳир}}, \text{ ўнг бурчаклар учун;}$$

$$\sum \beta = 180^\circ n + \alpha_{\text{оҳир}} - \alpha_{\text{бошл}}, \text{ чап бурчаклар учун;}$$

ёки

$$\left. \begin{array}{l} \sum \beta - (180^\circ n + \alpha_{\text{бошл}} - \alpha_{\text{оҳир}}) = 0 \\ \sum \beta - (180^\circ n + \alpha_{\text{оҳир}} - \alpha_{\text{бошл}}) = 0 \end{array} \right\}. \quad (17.2)$$

3. Бурчаклар умумий учи бўлган бир нуқта атрофидаги бурчаклар йигиндиси  $360^\circ$  га тенг (горизонт шарти):

$$\sum \beta = 360^\circ$$

ёки

$$\sum \beta - 360^\circ = 0. \quad (17.3)$$

4. Бирон  $A$  бурчагини тўлдирувчи бурчаклар йигиндиси ушбу бурчакка тенг (йигинди шарти):

$$\sum \beta = A$$

ёки

$$\sum \beta - A = 0. \quad (17.4)$$

Шунга ўшаш координата орттирмалари ва нисбий баландлик-ларнинг қўйидаги шартлари маълум.

5. Ёпиқ полигоннинг координата орттирмалари йигиндиси 0 га тенг:

$$\Sigma \Delta x = 0, \quad \Sigma \Delta y = 0. \quad (17.5)$$

6. Икки таянч пунктлар орасида ўтказилган очиқ полигон йўлни координата орттирмалари йигиндиси охирги пункт координатасидан бошланғич пункт координатасини айрганига тенг:

$$\Sigma \Delta x = x_{\text{охир}} - x_{\text{бошл}}; \quad \Sigma \Delta y = y_{\text{охир}} - y_{\text{бошл}};$$

ёки

$$\Sigma \Delta x - x_{\text{охир}} - x_{\text{бошл}} = 0; \quad \Sigma \Delta y - y_{\text{охир}} - y_{\text{бошл}} = 0. \quad (17.6)$$

7. Ёпиқ полигонда нисбий баландликлар йигиндиси нолга тенг бўлиши керак:

$$\Sigma h = 0. \quad (17.7)$$

8. Икки таянч реперлар орасида ўтган очиқ нивелир йўлида нисбий баландликлар йигиндиси реперлар баландлиги айрмасига (охиридан бошланғич айрилади) тенг бўлиши керак:

$$\Sigma h = H_{\text{охир}} - H_{\text{бошл}};$$

ёки

$$\Sigma h - (H_{\text{охир}} - H_{\text{бошл}}) = 0. \quad (17.8)$$

Миқдорларни ўлчаш амалиётида хатоларга йўл қўйилиши муқаррарлиги туфайли ўлчанган натижа математик талабга тўғри келмасдан, бироз фарқ қиласди. Масалан, ёпиқ полигоннинг ўлчаган ички бурчаклари йигиндиси назарий қийматдан бир оз фарқ қилса, унга **боғланмаслик** дейилади.

Боғланмаслик ишораси ва қиймати ўлчанган қийматдан назарий қийматни айришдан келиб чиқади.

Ўлчанган қийматлар билан назарий қийматлар тенг бўлмаса, тенгламалардаги ноллар ўрнига боғланмасликлар қиймати келиб чиқади. Шундай қилиб, (17.1) — (17.8) тенгламалар боғланмаслик қийматини ҳисоблаш формулалари бўлади.

## 17.2. Якка йўлларни тенглаш принципи

Маълумки, ўлчанган миқдорларга бир қанча математик шартлар қўйилади. Бу шартларни бир-бирига боғлаб бажариш мурakkab ҳисоблаш ишларини талаб қиласди ва улар таянч тармоқларни тентлашда бажарилади.

Оддий шароитларда алоҳида тенглаш шартларини бажариш билан кифояланади. Яъни шартларни бир-биридан ажратган ҳолда алоҳида алоҳида бажарилади. Бу тартибдаги тенглашлар теодолит, нивелир ёки мензула якка йўлларида қўлланади.

Тенглаш қоидасига асосан: тузатмаларни йигиндиси тескари ишораси билан боғланмасликка тенгдир, яъни тузатмалар билан боғланмаслик йигиндиси нолга тенг.

Тузатмаларни  $v_1, v_2, \dots, v_n$  ва боғланмасликни  $f$  ҳарфи билан белгиласак, бу қоидани шундай ёса бўлади:

$$v_1 + v_2 + \dots + v_n = -f,$$

ёки

$$v_1 + v_2 + \dots + v_n + f = 0. \quad (17.9)$$

Бу тенгламада боғланмаслик  $f$  маълум қиймат бўлиб,  $v_1, v_2, \dots, v_n$  тузатмалар изланаётган номаълум сонлардир.

Ҳар қандай математик шартдан тузатмаларни битта шартли тенгламаси чиқади. Изланаётган тузатмалар сони бирдан кўп бўлганидан тузатмаларни шартли тенгламаси ҳам номаълум бўлади. Лекин ўлчанган миқдорларга вазнни киритсак, алоҳида тенглашларда номаълумлик йўқолади. Агар ўлчаш вазнлари бир хил бўлса, яъни тенг аниқли ўлчашларда, улардан ҳар бири боғланмасликни йиғилишига бир хил даражада қатнашган бўлади. Шунинг учун уларни тузатмаси ҳам бир хил бўлади. Агар вазн кичик бўлса, у боғланмасликни йиғилишига кўпроқ қатнашган бўлади ва аксинча. Бундай шароитда вазни кичик ўлчаш натижасига кўпроқ тузатма тарқатиш керак бўлади. Бундан тенглашни қуйидаги асосий принципи келиб чиқади: тузатмалар қиймати вазнларга тескари пропорционал бўлиши керак.

Шу принципга асосан, пропорционал бўлиш қоидасига риоя қилиб тузатмалар ҳисобланади.

Ўлчанган миқдорларни вазни ўрта квадратик хато орқали аниқланиши керак, лекин оддий ҳолатларда уларни шартли олинади.

Масалан, координата орттирумаларини тенглашда уларни аниқлиги фақат ўлчанган чизиклар узунлигига боғлиқ деб ҳисобланади, аслида эса чизик узунлиги билан бирга чизикни дирекцион бурчагига ҳам боғлиқ, чунки дирекцион бурчакни ҳисоблашда бурчакларни ўлчаш хатолари ҳам иштирок этган бўлади.

Шунга асосан, маълум узунликдаги чизиқقا тўғри келган координата орттирумаларига ихтиёрий 100 м ёки 1 км га тенг чизик узунлиги вазнини бирга тенг деб ёки оддий сон  $k$  деб олинади.

Шундан сўнг ҳамма орттирумалар вазни, ушбу орттирумаларга тўғри келувчи чизиклар узунлигини юзлик метр ёки километр қийматда ифодаланиб, пропорционаллик коэффициентини 1 деб олиб ҳисобланади.

Масалан, 568,70 м; 1344,0 м ва 215,6 м узунликдаги чизиқлар орттиrmалари вазни (юзлик м ҳисобида) қуидагида бўлади:  $\frac{1}{5,7} = 0,18$ ;  $\frac{1}{13,4} = 0,07$ ;  $\frac{1}{22} = 0,45$ . Ушбу вазнлар орқали ҳар бир ортирма тузатмаси ҳисобланади.

Якка йўллар ўлчанган бурчакларини, одатда, тенг аниқли деб қабул қилинади. Агар ҳисоблашларга бир неча бурчакларнинг йиғинди киритилса, йиғинди вазни қуидаги формула билан тошилади:

$$p = \frac{k}{n}, \quad (17.10)$$

бунда  $n$  – қўшиладиган бурчаклар сони,  $k$  – бир бурчакнинг вазни бўлиб, кўп ҳолларда уни  $k = 1$  деб қабул қилинади.

### 17.3. Тутун нуқта усулида теодолит йўлларини тенглаш

Геодезия амалиётида қўпинча якка теодолит ва нивелир йўлларини ўтказиб, уларда горизонтал бурчаклар, томонлар узунлиги ва нисбий баландликлар ўлчанади.

Бир нечта таянч пунктлар орасида ўтказиладиган йўллар бирон-бир умумий нуқтада бир-бири билан кесишади. Кесишган нуқтани тутун нуқта, тутун нуқта билан туашган томонлар бирини тутун томон дейилади.

Теодолит ёки нивелир йўлларини ўлчаш ишлари таянч нуқта ва томондан бошланади.

17.1-шаклда 22, 41 ва 9 рақамли таянч пунктлар орасида теодолит йўли ўтказилиб, улар 5-тутун нуқтада кесишган бўлсин. Йўллар  $N_1$ ,  $N_2$ ,  $N_3$  билан белгиланган бўлиб, таянч пунктлардан бошланаб тутун нуқтада тутайди. Тутун томон дирекцион бурчаги алоҳида йўллар бўйича қуидаги формулалар бўйича ҳисобланиши мумкин:

Ўнг бурчаклар ўлчанган бўлса,

$$\alpha_{\text{охир}} = \alpha_{\text{боси}} + 180^\circ \cdot n - \sum \beta. \quad (17.11)$$


Чап бурчаклар ўлчанган бўлса,

$$\alpha_{\text{охир}} = \alpha_{\text{боси}} + \sum \beta - 180^\circ \cdot n. \quad (17.12)$$

17.1-шаклдаги тутун чизиқ дирекцион бурчагини ҳисоблаш 32-жадвалда келтирилган.

Тутун нуқтада туашувчи ҳамма йўллар орқали қуидагилар ҳисобланади:

- бурчакларни тенглаш учун тутун томонни дирекцион бурчаги;
- координата ортиrmаларини тенглаш учун тутун нуқтани абсцисса ва ординатаси;



17.1- шаги.

в) нисбий баландликларни тенглаш учун тугун нүктанинг баландлиги.

Тугун нүқтали теодолит ёки нивелир йўлида қатнашаётган якка йўлларини сонига қараб тугун томонни ҳисобланган дирекцион бурчаги, тугун нүктанинг ҳисобланган абсцисса ва ординаталари ҳамда тугун нүктанинг баландлик қийматлари сони ҳам шунча бўлади (17.1-шакл). Келтирилган 17.1-шаклда учта йўл олиниб, 5-нүқта тугун нүқта, 5 – 6 чизиги тугун томон деб белгиланган. Тугун томонни учта йўл бўйича ҳисобланган дирекцион бурчаги қийматларидан вазнлар орқали унинг эҳтимолий қиймати топилади.

32-жадвал

Йўллар	Бошлангич томонлар дирекцион бурчаги	Йўл бурчаклари сони	Йўл горизонтал бурчаклари йигиндиси, $\Sigma\beta$	180°	Тугун томон дирекцион бурчаги
$N_1$	17°40' 30"	6(ўнг)	1000°23' 55"	1080	97°16' 35"
$N_2$	77°46' 59"	5(ўнг)	880°30' 58"	900	97°16' 01"
$N_3$	357°56' 07"	4(чап)	639°20' 26"	720	277°16' 33" (97°16' 33")

Жадвалдан кўринишича бурчак ўлчашда йўл қўйилган хатолар таъсирида тугун томонни учала йўлдан ҳисобланган дирекцион бурчаги бир-бираидан фарқ билан чиқади.

Ҳар бир йўлдаги бурчаклар сонига қараб алоҳида йўллар вазнини топиб, улар орқали дирекцион бурчак эҳтимолий қиймати ҳисобланади.

Мисолимизда биринчи йўлнинг вазни  $p_1 = \frac{1}{6} = 0,17$ , иккинчи йўлнинг вазни  $p_2 = \frac{1}{5} = 0,2$ , учинчи йўлнинг вазни  $p_3 = \frac{1}{4} = 0,25$ .

Тугун томон дирекцион бурчагининг эҳтимолий қиймати қўйидагича топилади:

$$\alpha_0 = \frac{\alpha_1 p_1 + \alpha_2 p_2 + \alpha_3 p_3}{p_1 + p_2 + p_3}, \quad (17.13)$$

$$\alpha_0 = 97°15'50" + \frac{45.0.17+11.0.2+43.0.25}{0.17+0.2+0.25} = 97°16'23".$$

Шундан сўнг ҳар бир йўл учун қўйидаги формула билан тузатмалар ҳисобланади:

$$\left. \begin{aligned} \delta_1 &= \alpha_0 - \alpha_1 \\ \delta_2 &= \alpha_0 - \alpha_2 \\ \delta_3 &= \alpha_0 - \alpha_3 \end{aligned} \right\}. \quad (17.14)$$

Яъни ҳисобланган дирекцион бурчак эҳтимолий қийматидан алоҳида ҳисобланган йўлларни дирекцион бурчагини айриб эҳтимолий хато ҳисобланади. Куйидаги 33-жадвалда тузатмалар ҳисобланиб, аниқлиги баҳоланган.

### 33-жадвал

Йўллар	$\alpha$	$p$	$\delta$	$p\delta$	$\delta^2$	$p\delta^2$
$N_1$	97°16' 35"	0,17	-12"	-2,04	144	24,5"
$N_2$	16' 01"	0,20	+22"	+4,4	484	96,8
$N_3$	16' 33"	0,25	-10"	-2,50	100	25
$\alpha_0 = 97^{\circ}16'23''$	0,62	00"	-0,14		146,3"	

Ҳисобланган  $\delta$  тузатмалар бўйича вазн бирлигининг ўрта квадратик хатоси  $\mu$  ни ҳисоблаб топилади:

$$\mu = \sqrt{\frac{[p\delta^2]}{n-1}} = \sqrt{\frac{146,3}{2}} = \pm 8''.$$

Эҳтимолий қийматни ўрта квадратик хатоси  $M = \frac{\mu}{\sqrt{[p]}}$  бўйича ҳисобланади, яъни  $M = \frac{8''}{\sqrt{0,62}} = \pm 11''$ .

Шундан сўнг тузатмалар алоҳида ҳар қайси йўлнинг бурчакларига тарқатилади. Ўнг бурчаклар учун тескари ишора билан, чап бурчаклар учун эса ўз ишораси билан (33- ва 34-жадвалларга қаралсин). тарқатилади.

34-жадвалда йўлларнинг ҳар бир томони учун тенгланган дирекцион бурчакларни ҳисоблаш келтирилди.

### 34-жадвал

Пунктлар	Ўлчанган бурчаклар	Тузатма	Тузатилган бурчак	Чизиқларнинг дирекцион бурчаги
$N_1$ йўл, ўнг				
21				
				17°40'30"
22	185°21' 29"	+2"	185°21' 31"	
				12°18' 59"
1	105°06' 28"	+2"	105°06' 30"	
				87°12' 29"
2	168°54' 46"	+2"	168°54' 48"	
				98°17' 41"

34-жадвал (давоми)

3	200°17' 16"	+2"	200°17' 18"	
				78°00' 23"
4	156°05' 10"	+2"	156°05' 12"	
				101°55' 11"
5	184°38' 46"	+2"	184°38' 48"	
				97°16' 23"
6	-			
	$\Sigma\beta=1000^{\circ}23' 55"$	+12"	1000°24' 07"	
	<i>N<sub>1</sub></i> йүл ўнг			
40				
				77°46' 59"
41	143°42' 32"	-4"	143°42' 28"	
				114°04' 31"
42	210°59' 40"	-4"	210°59' 36"	
				83°04' 55"
43	269°07' 22"	-4"	269°07' 18"	
				353°57' 37"
27	189°39' 00"	-5"	189°38' 55"	
				344°18' 42"
5	67°02' 24"	-5"	67°02' 19"	
				97°16' 23"
6				
	$\Sigma\beta=880^{\circ}30' 58"$	-22"	880°30' 36"	
	<i>N<sub>1</sub></i> йүл чап			
10				
				357°56' 07"
9	170°43' 37"	-2"	170°43' 35"	
				348°39' 42"
8	106°32' 45"	-3"	106°32' 42"	
				275°12' 24"
7	162°45' 19"	-3"	162°45' 16"	
				257°57' 40"
6	199°18' 45"	-2"	199°18' 43"	
				277°16' 23"
5	-			(тескариси)
				97°16' 23"
6	-			(түғриси)
	$\Sigma\beta=639^{\circ}20' 26"$	-10"	639°20' 16"	

Худди шу тартибда координата орттирмаларини тенглаштирилади. Бунинг учун ҳар бир йўлни томонлари дирекцион бурчаги ва масо-фаси орқали тутун нуқтагача координата орттирмалари ҳисобланади. Бошланғич таянч нуқталар координаталари ва томонлар орттирмалари орқали тутун нуқтанинг дастлабки координаталари ҳисобланади:

$$x_{\text{тут}} = x_{\text{бош}} + \sum \Delta x, \quad y_{\text{тут}} = y_{\text{бош}} + \sum \Delta y. \quad (17.15)$$

Нечта теодолит йўли тутун нуқтада туташса, шунча  $x$  ва у қийматлари топилади. Бу координаталардан вазнни ҳисобга олиб, юқорида кўрилганидай эҳтимолий қиймат ҳисобланади. Кейин тутун нуқта координаталари эҳтимолий ва дастлабки қийматлари фарқи олинниб, тузатмалар топилади ва ҳар бир йўлни координата орттирмалари якка йўлни тенглаш услубида тенглаштирилади.

Нивелирлаш йўллари ҳам шу тартибда тенглаштирилади.

#### 17.4. Кетма-кет яқинлашиш усулида нивелир йўлларини тенглаш

Тенглаш учун дастлаб тутун нуқталарни баландлиги ҳисобланади.

Масалан, агар 17.2-шаклдаги нивелир йўлларини тенглаш керак бўлса, қўйидагича иш тутилади.


Нивелирлашни  $A, B, C, D, E$  таянч маркаларидан бошлаб 1, 2, 3, 4, 5 тутун нуқталар (реперлар) гача бажариб ҳар бир йўлни нисбий баландликлари аниқланган. Нивелирлаш йўналиши кўрсатгич мил билан, масофа  $L$  км ва станциялар сони  $n$  билан кўрсатилган. Шаклда 10 та алоҳида нивелир йўллари берилган бўлиб, шулардан, масалан, 6-йўл 1- тутун нуқта (репер) дан бошлаб, 2- тутун нуқтагача нивелирланган ва йўлнинг умумий нисбий баландлиги  $h = + 21,844$  м, узунлиги  $L = 14,1$  км, станциялар сони 91 тага тенг.

17.2-шаклда шу тартибда ҳамма нивелирланган йўллар бўйича маълумотлар берилган. Маркаларнинг баландлиги II класс нивелирлаш натижаларидан олиниб, тутун нуқталаргача IV класс нивелирлаш бажарилган.

Тутун нуқталарни эҳтимолий баландлигини ҳисоблаб, ишлар аниқлигини баҳолаш 35-жадвалда берилган.

Жадвалнинг 1-устунида тутун нуқта (репер) номери, 2-сида ушбу нуқтага энг яқин таянч марка ва реперлар номери ёзилган.

3-устунда бошланғич марка баландлиги, 4-да алоҳида йўлларнинг нисбий баландликлари берилган. Масалан,  $A$  маркадан 1-репергача ўлчанган нисбий баландликлар йигиндиси — 6,911 м нивелирлаш йўналишига тўғри келганлиги учун — 6,911 ёзилади, 2-репердан 1-репергача нисбий баландликлар йигиндиси нивелирлаш йўналишига тескари бўлгани учун — 21,844 ёзилади ва ҳоказо.



17.2- шакл.

				Вазн												Яқынлашишлар			Түзатма, v (мм)				
Түтүн нүкталар			Башланғыч пункттар			Баландлик белгиси, H (м)			Станциялар сони, n			$P = \frac{k}{n}$		$P' = \frac{P}{[P]}$		I	II	III	IV	V	VI	pv	pv <sup>2</sup>
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16								
I	A	116,486	-6,911	104	0,96	0,34	109,575	109,575	109,575	109,575	109,575	109,575	+6	+5,6	34								
	2		-21,844	91	1,10	0,39			586	589	594	595	596	-15	-16,5	16							
	5		+8,582	135	0,74	0,27			563	566	567	567	568	+13	+9,6	247							
вазнли ўрта қыймат					2,80	1,00	109,575	109,576	109,578	109,580	109,581	109,581		-1,3									
2	B	122,715	+8,726	87	1,15	0,37	131,441	131,441	131,441	131,441	131,441	131,441	-11	-1,2	1								
	I		+21,844	91	1,10	0,36		419	420	422	424	425	425	+15	+16,5								
	5		+10,655	121	0,83	0,27	-		441	454	457	458	459	-19	-15,8	299							



5-устунда ҳар бир йўлдаги станциялар сони, 6-да ҳар бир йўл бўйича нисбий баландликлар вазни ҳисобланниб тутун нуқталар учун уларнинг йигиндиси ёзилади.

Вазн қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланган:

$$P = \frac{k}{n}, \quad (17.16)$$

бу ерда:  $k$  – ихтиёрий коэффициент бўлиб, мисолда вазнни бирга яқин қийматга келтиришни ҳисобга олиб 100 қабул қилинган;  $n$  – йўллардаги станциялар сони.

Еттингчи устунда бир бутунга келтирилган вазнлар қўйидаги формула билан ҳисобланган:

$$P' = \frac{p}{[p]}, \quad (17.17)$$

бу ерда:  $p$  – йўллар бўйича нисбий баландликлар вазни;  $[p]$  – аниқланаётган тутун нуқталаги вазнлар йигиндиси.

Масалан, биринчи тутун нуқтага қарашли вазнлар 35-жадвал 6-устундан олинниб,  $p'$  қиймат ҳисобланган.

Келтирилган вазнлар йигиндиси 1,00 бўлиши ҳисоблашнинг тўғрилигини кўрсатади.

Тутун нуқтада туташган йўлларнинг келтирилган вазни жадвалнинг 7-устунида ёзилган.

Жадвалнинг 8, 9, 10, 11, 12, 13-устунлари яқинлашиш босқичлари бўлиб, биринчя яқинлашишда 1- тутун нуқта учун баландлик битта қиймати, 2, 3, 4- тутун нуқталар учун баландликлар иккитадан қиймати, 5-тутун нуқта учун баландлик учта қиймати ҳисобланниб, ҳар бирининг ўртача қиймати топилади, яъни:

а) 1-тутун нуқта учун  $A$  пунктидан ҳисобланган баландлик 109,575 бўлган, 2 ва 5- тутун нуқталардан баландликни ҳисоблаб бўлмаслиги учун унинг ўртасини 109,575 деб қабул қилинган;

б) шу тартибда 2, 3, 4-тутун нуқталар баландлиги икки мартадан ҳисобланган, уларнинг ўртача арифметик микдори 131,430; 120,785; 115,340 бўлади;

в) 5-тутун нуқта учун баландликнинг учта қиймати ҳисобланган, чунки  $E$  пунктидан ташқари 1 ва 4-тутун нуқталарнинг баландлиги юқорида ҳисобланган эди.

Шунинг учун 5-тутун нуқта баландлиги ўртача қийматини ҳисоблаш учун ҳар бир йўлдан топилган баландлик қийматини шу йўлни келтирилган вазни  $p'$  га кўпайтириб, йигиндиси жадвалга ёзилади:

$E$  маркадан  $100,970 \times 0,42 = 42,407$ ;

4-тутун нуқтадан  $100,989 \times 0,35 = 35,346$ ;

1-тутун нуқтадан  $100,993 \times 0,23 = 23,228$ ;

Жами:  $100,981$  бўлади.

II яқынлашишдан бошлаб 5- тутун нүктада ўртача баландликлар ҳисобланғандек иш тутилади.

Масалан, I-тутун нүктаның баландлигі 2-тутун нүктаның би-ринчи яқынлашишдеги ҳисобланған ўртача баландлигиге нисбий баландлигини алгебраик құшиб топилади: 131,430 га  $-21,844$  ни ал-гебраик құшсак, 109,586 бўлади ва ҳоказо.

Тутун нүқталар баландлиги охирги иккита яқынлашишда бир хил чиқмагунча ҳисоблашлар давом эттирилади.

Тутун нүқталарни ҳисобланған баландлиги чизмада тегишли тутун нүқта тагида ёзилади.

Ҳисоблашларни бажариш ва даала ўлчаш ишларини назорат қилиш учун йўллар бўйича нисбий баландликлар тузатмаси ү ҳисобланади. Тузатма ү ҳар бир тутун нүқта баландлиги вазнили ўрта қиймат билан охирги яқынлашишда топилган баландлик қиймати айирмасига тенг. Ҳисоблаш натижаси жадвалнинг 14- устунига ёзилган.

Нивелирлаш натижаларининг аниқлиги қуйидаги формуулалар билан ҳисобланади:

$$\mu = \sqrt{\frac{[pv^2]}{N-t}} = \sqrt{\frac{2654}{10-5}} = 23 \text{ мм},$$

$$m_{\text{км}} = \frac{\mu}{\sqrt{k}} = \frac{23}{\sqrt{100}} = 2,3 \text{ мм},$$

бунда:  $N$  – тармоқдаги йўллар сони;  $t$  – тутун нүқталар сони;  $m_{\text{км}}$  – бир километр йўлни нивелирлашнинг ўрта квадратик хатоси.

### 17.5. В.В.Попов (қизил рақамлар) усулида нивелир полигонларини тентглаш

17.3-шаклда нивелир маркасидан бошлаб нивелир йўллари ўтказиб, ёндош полигонлар I, II, III ҳосил этилган. Йўлларни кесишган нүқталарида реперлар белгилаб, улар жойда мустаҳкамланган. Бу реперлар ва улар орасидаги нүқталари топографик съёмкаларни бажариш учун асос бўлади.


Нивелир йўллари  $Z_1, Z_2, Z_3, Z_{1-2}, Z_{1-3}, Z_{2-3}$ , ёндош полигонлар тартиб рақами, йўллар бўйича ўлчанган нисбий баландликлар  $h$ , йўл узунлиги  $L$ , станциялар сони  $n$ , 17.3-шаклда кўрсатилган.

Шаклда кўрсатилган йўллар нисбий баландликлари йигиндила-ридан полигон нисбий баландликлар боғланмаслиги ҳисобланади.

Масалан, I полигоннинг боғланмаслиги қуйидагича топилади:

$Z_1$  – йўли бўйича нисбий баландликлар йигиндиси  $h = +8,369$  м (йўлнинг йўналиши соат мили йўналишига мос келса ўз ишораси, унга қарши келса, тескари ишора олинади).

$Z_{1-2}$  – йўли бўйича нисбий баландликлар йигиндиси  $h = -3,642$  м,  $Z_{1-3}$  – йўли бўйича нисбий баландликлар йигиндиси  $h = -4,671$  м бўл-



### 17.3- шакл.

ган. Буларни алгебраик йиғиндиси  $(+8,369) + (-3,642) + (-4,671) = +56 \text{ мм}$  бўлади. Демак, боғланмаслик  $f h = +56 \text{ мм}$  га тент.


Шу тартибда бошқа полигонларни ҳам нисбий баландликлар боғланмаслиги ҳисобланиб, чизмадаги полигон тартиб рақами тагида ёзиб кўйилади.

Ҳар бир полигон учун нисбий баландликлар боғланмаслиги чекли қиймати  $f h_{\text{чекли}} = \pm 20 \text{ mm} \sqrt{L}$  Формуласи билан ҳисобланади, бундаги  $L$  – километрда ифодаланган йўл узунлигидан.

Юқоридаги формулага асосан ҳамма полигонлар учун нисбий баландликлар боғланмаслиги чекли қиймати ҳисобланиб, полигон ўртасидаги нисбий баландлик боғланмаслиги тагига ёзиб кўйилади.

Масалан, I полигонда йўл узунлигининг йиғиндиси 19,1 км бўлганлигидан нисбий баландликлар боғланмаслиги

$$f h_{\text{чекли}} = 20\sqrt{L} = 20\sqrt{19,1} \cong \pm 87 \text{ mm} \text{ бўлади.}$$



17.4- шакл.

Боғланмасликларнинг йўл қўярлигига ишонч ҳосил қўлгандан сўнг тармоқни тенглашга ўтилади. Бунинг учун йирикроқ қўлиб тармоқ чизмаси чизилиб, полигонларнинг ўрта қисмida рамкача чизиб тепасига рим рақамида полигон тартиб рақами, рамканинг ичига эса полигон нисбий баландликлар боғланмаслиги ёзилади (17.4-шакл).

Ҳар бир полигоннинг ташки томони ўрта қисмida рамкачалар ясалади, улар ичига тенглаш вақтида йўлга берилган тузатмалар боғланмасликнинг тўғри ишораси билан ёзилади. Рамкачалар тепасига қизил рангда қизил рақамлар дейиладиган сон ёзилади, бу сонлар кўйидагича топилади.

Полигонларнинг четдаги  $Z_1, Z_2, Z_3$  йўлларини оралиқ, ўргадаги  $Z_{1-2}, Z_{1-3}, Z_{2-3}$  йўлларини эса боғловчи йўллар дейилади.

I полигон  $Z_1, Z_{1-2}, Z_{1-3}$  йўлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг масофаларини  $L_1, L_{1-2}, L_{1-3}$ , полигон нисбий баландлик боғланмаслигини  $f h_1$  десак, полигон томонлари учун тузатмалар қуидагича ҳисобланади:

$$V_1 = \frac{L_1}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} \cdot f h_1; \quad V_{1-2} = \frac{L_{1-2}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} \cdot f h_1;$$

$$V_{1-3} = \frac{L_{1-3}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} \cdot f h_1.$$

Бу формулалардаги  $L_1, L_{1-2}, L_{1-3}$  ва  $f h_1$  17.3- шаклда келтирилган.

$\frac{L_1}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}}, \frac{L_{1-2}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}}, \frac{L_{1-3}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}}$  нисбатлари қизил рақамлар дейилади. Буларни пропорционаллик коэффициенти ҳам дейилади. Қизил рақамлар йигиндиси бир полигон учун бирга тенг бўлади, яъни

$$\frac{L_1}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} + \frac{L_{1-2}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} + \frac{L_{1-3}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} = \frac{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} = 1.$$

Қизил рақамлар йигиндиси 1 га тенг бўлиши боғланмасликни томонларга тўғри тарқатилганлигининг назорати бўлиб хизмат қиласди. 17.4-шаклдаги I полигон учун қизил рақамлар қуидагича ҳисобланади:

$$\frac{L_1}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} = \frac{8,6}{8,6+5,3+5,2} = 0,45;$$

$$\frac{L_{1-2}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} = \frac{5,3}{19,1} = 0,28; \quad \frac{L_{1-3}}{L_1 + L_{1-2} + L_{1-3}} = \frac{5,2}{19,1} = 0,27.$$

Текшириш:  $0,45 + 0,28 + 0,27 = 1,0$ .

Шу тартибда ҳамма полигон йўллари учун қизил рақамларни ҳисоблаб, шу йўлларга тааллуқли рамкачалар устига қизил билан ёзилади.

Тенгглаш боғланмаслик энг катта бўлган полигондан бошланади. Мисолимизда боғланмаслик биринчи полигонда катта. Бу полигонда боғланмаслик  $+56$  мм ни полигон қизил рақамлари  $0,45; 0,28; 0,27$  га кўпайтириб, йўлларга тегишли тузатмалар топилади. Уларни қизил рақамлар остидаги рамкачаларга боғланмаслик ишораси билан ёзилади. Булар йигиндиси полигондаги боғланмасликка тенг бўлиши керак, яъни  $+25 + 16 + 15 = +56$ .

Шундан кейин II полигонга ўтилади. Бу полигонда  $Z_{1-2}$  йўли биринчи полигондан  $+16$  мм тузатма олгани учун иккинчи полигон боғланмаслиги  $+47$  га  $+16$  ни қўшсак, янги боғланмаслиги  $+63$  бўлади. Бу боғланмасликни  $0,46; 0,24$  ва  $0,30$  қизил рақамларга кў-

пайтириб, йўлларга бериладиган тузатмалар  $+29$ ,  $+15$ ,  $+19$  топилади. Уларни ҳам II полигонга қизил рақамлар остидаги рамкачаларга ёзиб қўйилади.

Энди III полигонга ўтиб, ундағи боғланмасликка I ва II полигонлардан  $Z_{1-3}$  ва  $Z_{2-3}$  йўллари олган тузатмалар қўшилади, яъни  $-27$ ,  $+15$ ,  $+19 = +7$ . Бу полигон янги боғланмаслигини ҳам тегишли қизил рақамларга кўпайтириб, улар тагидаги рамкачаларга ёзилади. Шу билан биринчи яқинлашишда тузатмаларни ҳисоблаш тутатилади. Энди иккинчи яқинлашиш ҳисоблаш ишлари бошланади. Яна I полигондан бошлаб II ва III полигонлардан ўтган тузатмаларни кўшиб I полигонни янги боғланмаслиги топилади ва яна йўлларни қизил рақамларига кўпайтириб, тегишли рамкачалар ичига ёзиб қўйилади. Яъни II полигондан  $+15$ , III полигондан  $+2$  ўтиб, жами  $+17$  мм янги боғланмаслик йиғилди.

Энди олдинги яқинлашишга ўхшаб  $+17$  боғланмасликни шу полигон қизил рақамларига кўпайтириб, тегишли рамкачалар ичига ёзилади.

Шу тартибда II ва III полигонларга ўтиб, янги боғланмасликларни ҳисоблаб қизил рақамлар орқали тарқатилади. Агар полигонда йиғилган боғланмаслик I га тенг бўлса, уни оралиқ (четки) йўл қизил рақам рамкачасига чиқариб юборилади.

Шу тариқа учинчи, тўртинчи ва ҳоказо яқинлашиш токи полигонларда боғланмаслик қолмагунча давом эттирилади.

Хатоларни тарқатиш тамом бўлганидан сўнг ҳар бир қизил рақамга тегишли рамкачадаги сонлар қўшилади ва ҳар бир йўл учун тарқатиладиган охирги тузатмалар ҳисобланади.

Оралиқ йўллар учун биттадан тузатма, яъни йўл ташқарисидаги қизил сонлар рамкачаларини йиғиндиси тескари ишораси билан ичкарига кўчириб қавс ичига олинади.

Масалан, I полигондаги оралиқ  $Z_1$  нинг тузатмаси  $(-36)$  бўлади, II полигонники  $(-35)$  ва III полигонники  $(-5)$  бўлади.

Боғловчи йўлларга бериладиган охирги тузатмалар, шу йўлнинг иккала томонида жойлашган рамкачалар тагидаги йиғиндилар айримаси каби топилади. Масалан, I полигон  $Z_{1-2}$  йўли учун  $v_{1-2} = +18 + (-23) = -5$  бўлади. II полигонни  $Z_{2-3}$  йўли учун  $v_{2-3} = +6 + (-23) = -17$ , шу йўлнинг III полигони учун  $v_{3-1} = +23 + (-6) = +17$  бўлади. III полигонни  $Z_{1-3}$ , йўли учун  $v_{1-3} = +20 + (-5) = +15$ , шу йўлнинг I полигони учун  $v_{2-3} = +5 + (-20) = -15$  бўлади.

Ҳисобланган тузатмаларни йўлнинг ўртарогида иккала полигон учун ёзиб, қавс ичига олиб қўйилади (17.4-шаклдаги чизмага қаралсин).

Қўшни полигонлар орасидаги боғловчи йўлларга бериладиган тузатмалар ўзаро тент бўлиб, ишоралари тескари бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир полигон ичидаги йўлларга берилган тузатмалар йигиндиси тескари ишора билан полигон боғланмаслигига тенг бўлиши керак.

Тузатмаларни тўғри тарқатиш ва ҳисоблашларни текшириш учун реперлар баландлигини ҳисоблаш жадвали тузилади (36-жадвал).

36-жадвал


Нуқталар номи	Ўлчанган нисбий баландликлар $h$ (м)	Тузатма, $v$ (мм)	Тузатилган нисбий баландликлар $h$ (м)	Баландлик, $H$ (м)
Марка 21				213,405
	+8,369	-36	+8,333	
Репер 5				221,738
	-11,714	-35	-11,749	
Репер 14				209,989
	+3,421	-5	+3,416	
Марка 21				213,405
Назорат:				
Марка 21				213,405
	+4,671	+15	+4,686	
Репер 43		..		218,091
	-8,119	+17	-8,102	
Репер 14				209,989
	+3,421	-5	+3,416	
Марка 21				213,405

### 17.6. Марказий системани тенглаш

Марказий системада ҳамма учбуручаклар учун умумий бўлган 0 нуқта кутб бўлиб, унинг атрофида жойлашган бурчаклар оралиқ бурчаклар, улар қаршисидаги томонлар оралиқ томонлар оралиқ томонлари дейиллади.

17.5-шаклдаги  $c_1, c_2, \dots, c_5$  бурчаклар оралиқ бурчаклар, уларнинг қаршисидаги томонлар оралиқ томонлар бўлади. Худди шу шаклдаги  $a_1, a_2, \dots, a_5$  ва  $b_1, b_2, \dots, b_5$  бурчаклар боғловчи бурчаклар, уларнинг қаршисидаги томонлар эса боғловчи томонлар бўлади.

Марказий системада қуйидаги шартлар мавжуд:



17.5- шакл.

1. Шакл шарти, унга кўра ҳар бир учбурчак учун шартли тенглама тузилади, яъни нечта учбурчак бўлса, шунча шартли тенглама бўлади:

$$\left. \begin{array}{l} (a_1) + (\theta_1) + (c_1) + f_1 = 0 \\ (a_2) + (\theta_2) + (c_2) + f_2 = 0 \\ (a_3) + (\theta_3) + (c_3) + f_3 = 0 \\ (a_4) + (\theta_4) + (c_4) + f_4 = 0 \\ (a_5) + (\theta_5) + (c_5) + f_5 = 0 \end{array} \right\}. \quad (17.18)$$

2. Горизонт шарти, унинг тенгламаси:

$$(c_1) + (c_2) + (c_3) + (c_4) + (c_5) + f_c = 0. \quad (17.19)$$

3. Кутб шарти, унинг тенгламаси куйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} \alpha_1(a_1) + \alpha_2(a_2) + \alpha_3(a_3) + \alpha_4(a_4) + \alpha_5(a_5) - \\ - \beta_1(\theta_1) - \beta_2(\theta_2) - \beta_3(\theta_3) - \beta_4(\theta_4) - \beta_5(\theta_5) + f_s = 0, \end{aligned} \quad (17.20)$$

бу ерда  $\alpha$  ва  $\beta$  – бурчак бир секундга ўзгарганда синус логарифмасининг ўзгариш қиймати;

$$f_s = \sum \lg \sin a - \sum \lg \sin \theta, \quad (17.21)$$

Юқоридаги формуулаларда  $f_1, f_2, f_3, f_4, f_5, f_c, f_s$  – боғланмаслик;  $(a_1), (\theta_1), (c_1), (a_2), (\theta_2), (c_2) \dots$  – тузатмалардир.

Системани тенглаш маҳсус жадвалда, 37-жадвал олиб борилади.

Шакл шарти бўйича ҳисобланган тузатмалар 37-жадвалнинг 4-устунига ёзилади. Горизонт шартини бажариш учун шакл шартига кўра тарқатилган тузатмаларни кўшиб, с бурчаклари йигиндисини олиб, горизонт шартини хатоси ҳисобланиб, с бурчакларига тарқатилади, бунда шакл шарти бузилмаслиги учун  $a, \theta$  бурчакларига с бурчагига тарқатилган хатони тескари ишораси билан тарқатилади ва 5-устунга ёзилади. Тузатмалар жами 6-устунга ёзилиб, ўлчанган бурчакларга киритилади.

Тузатилган бурчаклар синуслари логарифмаси 8-устунга ва уларнинг бир секунддаги фарқи олиниб, 9-устунга ёзилади.

Ҳар бир учбурчакдаги  $\alpha$  ва  $\beta$  лар йигиндиси олиниб, 10-устунга, уларнинг квадрати 11-устунга ёзилиб, йигиндиси ҳисобланади.

$K = -\frac{f_s}{\sum (\alpha+\beta)^2}$  формуласи билан коррелатни ҳисоблаб  $(\alpha + \beta)$  га кўпайтириб, 12- устунга ёзилади. Тузатмаларни яхлитлаб ёзилади, яъни мисолимизда  $0^{\circ}, 5$  дан кичик бўлган тузатмалар ҳисобга олинмали. Тузатилган бурчаклар ҳисобланиб, уларнинг синус логарифмаси ҳисобланади ва натижага текширилади. Бурчакларни тузатгандан сўнг бошлангич чизиқ (26 – 27) дирекцион бурчаги орқали бошқа томон-

## Маржаний системани тәнгләш

Учбур-чаклар	Бурчак-лар белгиси	Үлчанган бурчаклар	Тузатмалар			Тузатилган бурчаклар	Бурчак lgsin	$\alpha$ $\beta$	$\alpha+\beta$	$(\alpha+\beta)^2$	Иккинчи тузатмалар	Тенглаштирилган бурчаклар	Бурчак lgsin
			I	II	I+II								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
I	$\theta_1$ $c_1$ $a_1$ $179^{\circ}59'58''$ $f_1 = -2''$	$38^{\circ}43'37''$ $51^{\circ}54'35''$ $89^{\circ}21'46''$ $179^{\circ}59'58''$ $f_1 = -2''$	+1'' - +1	- - +1	+1'' - +1	$38^{\circ}43'38''$ $51^{\circ}54'35''$ $89^{\circ}21'47''$	9,796305 - 9,999974	2,5 2,5	6,2	-0,3'' +0,3	$38^{\circ}43'38''$ $89^{\circ}21'47''$	9,796305 - 9,999974	
II	$\theta_2$ $c_2$ $a_2$ $180^{\circ}00'03''$ $f_2 = +3''$	$82^{\circ}49'20''$ $45^{\circ}01'47''$ $52^{\circ}08'56''$ $180^{\circ}00'03''$ $f_2 = +3''$	-1 -1 -1	+1'' -1 -1	-2 -2 -1	$82^{\circ}49'20''$ $45^{\circ}01'45''$ $52^{\circ}08'55''$	9,996588 - 9,897411	0,1 1,7	1,8 3,2	-0,2 +0,2	$82^{\circ}49'20''$ $52^{\circ}08'55''$	9,996588 - 9,897411	
III	$\theta_3$ $c_3$ $a_3$ $179^{\circ}59'56''$ $f_3 = -4''$	$44^{\circ}39'51''$ $96^{\circ}45'21''$ $38^{\circ}34'44''$ $179^{\circ}59'56''$ $f_3 = -4''$	+1 +2 +1	-1 +1 +2	+1 +1 +2	$44^{\circ}39'52''$ $96^{\circ}45'22''$ $38^{\circ}34'46''$	9,846924 - 9,794903	2,0 2,7	4,7 22,1	-0,6 +0,6	$44^{\circ}39'51''$ $38^{\circ}34'47''$	9,846922 - 9,794906	

37-жадвал (дағоми)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
IV	$a_4$ $c_4$ $\alpha_4$ $f_4 = -7$	29°45' 56" 105°06' 53" 45°07' 04" 179°59' 53" $f_4 = -7$	+2 +3 +2	+1 -1 +2	+3 +2 +2	29°45' 59" 105°06' 55" 45°07' 06"	9,695886 - 9,850382	3,7 5,7 2,0		32,5	-0,7 +0,7	29°45' 58" 45°07' 07"	9,695883 - 9,850384
V	$a_5$ $c_5$ $\alpha_5$ $f_5 = +2$	80°59' 13" 61°11' 24" 37°49' 25" 180°00' 02"	-1 - -1	-1 -1 +1	-1 -1 -	80°59' 12" 61°11' 23" 37°49' 25"	9,994602 - 9,787626	0,3 3,0 2,7	9,0		-0,4 +0,4	80°59' 12" 37°49' 25"	9,994602 - 9,787626

$$\begin{aligned}\Sigma \lg \sin a &= 9,330296 \\ \Sigma \lg \sin \alpha &= 9,330305\end{aligned}$$

$$\Sigma = 73$$

$$\begin{aligned}\Sigma \lg \sin a &= 9,330300 \\ \Sigma \lg \sin \alpha &= 9,330301\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}a_1 + a_2 + c_1 - 180^\circ &= f_1 \\ a_1 + a_2 + c_2 - 180^\circ &= f_2\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}f_c &= \Sigma c - 360 = 360^\circ 00' + 04' - 360^\circ 00' = +4' \\ f_s &= \Sigma \lg \sin a - \Sigma \lg \sin \alpha = -9.\end{aligned}$$

Иккинчи тузатмалар 1" гача яхлитлаб киритилди.

$$\begin{aligned}a_3 + a_4 + c_3 - 180^\circ &= f_3 \\ c_1 + c_2 + c_3 + c_4 + c_5 - 360^\circ &= f_c\end{aligned}$$

$$K = -\frac{f_s}{\sum (\alpha + \beta)^2} = -\frac{-9}{73} = -0,12$$

ларнинг дирекцион бурчаклари ҳисобланади. Ҳисобланган дирекцион бурчаклар ва чизқ узунлигидан фойдаланиб координата орттирилмалари ҳисобланади

Марказий системани ёпиқ полигонида орттирмалар боғланмаслик хатоси ҳисоблаби ҳамма чизикларга пропорционал тарқатилади. Орттирмалар түзатылғандан сүнгі пункттер координаталари ҳисобланади.

### 17.7. Геодезик түртбұрчакның тенгләш


Геодезик түртбұрчак 42, 26, 27, 43 да диагоналлари үтказилса, 4 та учбурчак ва 8 та бурчак ҳосил бўлади, уларни ўлчаб тенглашга геодезик түртбұрчакни тенглаш дейилади.

Агар томонлардан бири (ёки диагоналлардан бири) юқори класс триангуляция томони бўлса ёки бар базис деб қабул қилиб, масофаси аниқ ўлчанса, аниқ ва мустаҳкам система ҳосил бўлиб, иккита кўшимча пунктларни координаталари осон хисобланади.

Геодезик түртбұрчакда ўтказилған диагоналлар орқали 4 та бир-бiriни қолпайдыған I, II, III, IV учбурчаклар ҳосил бўлади (17.6-шакл).

Бу системада 5 та шакл шарти бўлиб, бундан тўрттаси учбурчаклар шартлари, биттаси тўртбурчак-бурчакларининг шарти (полигон бурчакларини шарти) бўлади.

Агар шу түртта учбурчак шартларидан утгаси бажарылса, түртнинчи учбурчак шакл шарти бажарылган бўлади, чунки утга шартни ўзида ҳамма бурчаклар қатнашади. Шу билан бирга, полигон бурчакларини шарти ҳам бажарилади, чунки 8 та бурчакларни йиғиндиси  $360^\circ$  га тенг бўлади. Шундай қилиб, геодезик түртбурчакда утга шакл шарти бажарылса кифоя киласди (17.6-шакл):



17.6- тақт.

$$\left. \begin{array}{l} 1 + 2 + 3 + 4 - 180^\circ = 0 \\ 5 + 6 + 7 + 8 - 180^\circ = 0 \\ 3 + 4 + 5 + 6 - 180^\circ = 0 \end{array} \right\} \quad (17.22)$$

Геодезик түртбұрчакда шакл шартини бошқача қилиб ҳам түзса бўлади, яъни биринчи шартни түртбұрчак 42, 26, 27, 43 дан ёзиш мумкин, иккинчисини қарама-қарши жойлашган шартли учбұрчак 42, 0, 26 ва 27, 0, 43 дан, учинчисини қарама-қарши жойлашган 26, 0, 27 ва 43, 0, 42 учбұрчакларидан қўйидагича ёзилади:

$$\left. \begin{array}{l} \sum(1,3,5,7) + \sum(2,4,6,8) - 360^\circ = 0 \\ (1+2) - (5+6) = 0 \\ (3+4) - (7+8) = 0 \end{array} \right\} \quad (17.23)$$

2 шартдаги 1 + 2 бурчакларини йигиндиши 5 + 6 бурчаклар йигиндишига тенг бўлиши керак, чунки бу йигиндиларни ҳар бири 42, 0, 26 ва 27, 0, 43 учбұрчакларни  $180^\circ$  га тўлдирувчи ҳисобланади, шу асосда  $3 + 4 = 7 + 8$  бўлади.

(17.23) формуалардан шакллар шартини озод ҳадлари қўйидагича ҳисобланади:

$$\left. \begin{array}{l} f = \sum(1,3,5,7) + \sum(2,4,6,8) - 360^\circ \\ f_1 = (1+2) - (5+6) \\ f_2 = (3+4) - (7+8) \end{array} \right\} \quad (17.24)$$

Геодезик түртбұрчакнинг диагоналлари кесишган шартли 0 нүктани кутб деб қабул қилиб, уни марказий система деб олиш мумкин. Шу нүқтаи назардан ўлчамнан бурчакларни боғловчи бурчаклар деб уларга кутб шартини кўлдаймиз. Кутб шартини озод ҳади (17.21) формула билан ҳисобланади. Тузатмаларни ҳисоблаш қўйидагича бажарилади:

— түртбұрчак хатоси  $f$  ҳамма бурчакларга тескари ишораси билан тенг тарқатилади,  $\frac{-f}{8}$ ;

— 1, 2, 5 ва 6 гурухдаги бурчакларга  $\frac{-f_1}{2}$  бўлиб, 5 ва 6 бурчакларга хатони аломати билан тарқатилади;

— 3, 4, 7 ва 8 гурухдаги бурчакларга  $\frac{-f_2}{2}$  бўлиб, 7 ва 8 бурчакларга хатони аломати билан тарқатилади.

Шундай қилиб, ҳамма учта шакл шарти бўйича тузатмалар йигиндиши (биринчи тузатма) қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\left. \begin{array}{l} (1) = (2) = -\frac{f}{8} - \frac{f_1}{4} \\ (3) = (4) = -\frac{f}{8} - \frac{f_2}{4} \\ (5) = (6) = -\frac{f}{8} + \frac{f_1}{4} \\ (7) = (8) = -\frac{f}{8} + \frac{f_2}{4} \end{array} \right\}. \quad (17.25)$$

Бу тузатмалар билан ҳисоблашни текширилди: яни тузатмаларнинг йигиндиси тўртбурчакда ва ҳар бир учбуручакда тескари аломати билан хатоларга тенг бўлиши керак. Ўлчанган бурчакларга биринчи тузатмани киритиб тузатилган натижалардан қутб шарти бўйича 17.21 формула билан  $f_s$  хатони ҳисоблаб коррелат

$$K = \frac{-f_s}{\sum(\alpha+\beta)^2}$$
 топилади ва тузатмалар қуидагича аниқланади:

$$\left. \begin{array}{ll} \text{тоқ бурчакларга} & v_i = K(\alpha + \beta)_i \\ \text{жуфт бурчакларга} & -v_i = -K(\alpha + \beta)_i \end{array} \right\} \quad (17.26)$$

38, 39 ва 40- жадвалларда геодезик тўртбурчакни тенглаштириш натижалари келтирилган.

38-жадвал

### Геодезик тўртбурчак бурчакларини тенглаш жадвали

Бур- чак- лар бел- гиси	Ўлчанган бурчаклар	Биринчи тузатма- лар (шакл шарти учун)	Тузатил- ган бурчаклар	Иккинчи тузатма- лар (кутб шарти учун)	Бурчаклар якуний қиймати	Хатоларни ҳисоблаш
1	35°28' 39"	-1	35°28' 38"	0	35°28' 38"	1+2=80°30' 27"
2	45°01' 48"	-1	45°01' 47"	0	45°01' 47"	5+6=80°30' 25" $f_1 = +2''$
3	51°54' 36"	-	51°54' 36"	0	51°54' 36"	
4	47°34' 58"	-	47°34' 58"	0	47°34' 58"	
5	41°46' 47"	-	41°46' 47"	0	41°46' 47"	
6	38°43' 38"	-	38°43' 38"	0	38°43' 38"	
7	52°08' 55"	-1	52°08' 54"	0	52°08' 54"	3+4=99°29' 34" 7+8=99°29' 36"
8	47°20' 41"	-1	47°20' 40"	0	47°20' 40"	$f_2 = -2''$

Биринчи тузатмалар 39-жадвалдан 1" гача яхлитлаб олинган.

38-жадвалда көлтирилган биринчи тузатмаларни ҳисоблаш қуидаги 39-жадвалда бажарилади.

*39-жадвал*

Бурчаклар	$\frac{-f}{8}$	$\frac{f_1}{2}$	$\frac{f_2}{2}$	Жами тузатма
1	-0,25"	-0,50"		-0,75"
2	-0,25"	-0,50		-0,75"
3	-0,25"		+0,50	+0,25"
4	-0,25"		+0,50	+0,25"
5	-0,25"	+0,50		+0,25"
6	-0,25"	+0,50		+0,25"
7	-0,25"		-0,50	-0,75"
8	-0,25"		-0,50	-0,75"
	-2"			

38-жадвалдаги күтб шарти учун иккинчи тузатмаларни ҳисоблаш қуидаги 40-жадвалда берилган.

*40-жадвал*

Бурчаклар	lgsin	$\alpha$	Бурчаклар	lgsin	$\beta$
1	9,76371	0,30	2	9,84971	0,22
3	9,89600	0,17	4	9,86821	0,20
5	9,82365	0,23	6	9,79630	0,25
7	9,89741	0,17	8	9,86655	0,20
$\Sigma$	9,38077	0,87		9,38077	0,87

$$f_s = 9,38077 - 9,38077 = 0;$$

$$\sum(\alpha + \beta) = +1,74;$$

$K = \frac{0}{1,74} = 0$ . Демак, (17.26) формулалар бүйича ҳисобланадиган тузатмалар 0 га тенг, шунинг учун 38-жадвалдаги иккинчи тузатмаларга ноллар ёзилған.



*Саккизинчи бўлим.*  
**ЕР ТУЗИШДА ГЕОДЕЗИК ИШЛАР**  
**XVII боб. ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИНИ  
ЛОЙИХЛАШ**

### **18.1. План ва карталарни янгилаш**

План ва карталар вақт ўтиши билан эскиради, эскириш даражаси эса жойни съёмка қилинган муддатига, географик ўрнига, хўжалик нуқтаи назаридан аҳамиятига ва бошқа шу каби омилларга боғлиқдир.

План ва карталарнинг эскириши қўйидаги сабабларга кўра юзага келади:

- ер юзаси ҳолати, асосан, инсониятнинг ердан фойдаланиш жараёнидаги фаолияти натижасидаги ўзгариши;
- илмий-техника тараққиёти асосида планларнинг аниқлиги, тўлиқлиги, мазмуни ва уни расмийлаштиришга бўлган талабнинг ошиши.

Ердан фойдаланувчи хўжалик ҳудудида турли тадбирларини ўтказиш натижасида қўйидаги ўзгаришлар юз бериши мумкин:

- ерларни деҳқон фермер ва ширкат хўжаликларига бўлиб бериш, ер турларининг биридан иққинчисига (трансформация) ўтиши сабабли контурлар шаклининг ўзгариши;
- мелиоратив, агротехник ва бошқа тадбирларни ўтказиша ер-сувларнинг сифат ҳолатининг ўзгариши;
- ердан фойдаланувчилар тоифаси билан ер тоифаси таркибининг ўзгариши;
- маъмурий чегараларнинг ўзгариши туфайли ҳудуд ўлчамлари ўзгариши.

Ер тузиш ва ер кадастр ишларини бажаришда фойдаланилаётган план ва карталарда тасвирланган жойнинг тез ўзгариши уларни мазмунини доимий равища янгилаш турини талаб қиласи. Айрим ҳудудларда съёмка ишлари бир-икки йил олдин бажарилган бўлса ҳам уларни янгилашга тўғри келади.

Бу ҳолат план ва карталарнинг эскириш даражасини аниқлаб, уларни мазмунини мунтазам янгилаш ёки тиклаб туришни тақозо этади, яъни жойда пайдо бўлган тафсилот ва контурларни планга тушириш ва йўқ бўлганларини пландан чиқариш лозим бўлади.

Карта мазмунини қисман қайта тузиш йўли билан картага туширилаётган обьектни ҳозирги ҳолатига мос келтириш ва картанинг янги нашрини чиқаришга картани янгилаш дейилади.

Планларни янгилаш муддати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси ёки Ўздаверлойиҳа институти томонидан белгиланади.

Лекин, ер кадастри ишларида ердан фойдаланиш учун тұлароқ ахборот олиш мақсадында планларни ҳозирги замон талабларига мослаштириб бориш ер тузиш ташкилотлари томонидан планларнинг янгилаш муддатини 1 йилдан 5 йилгача туширишни тақазо этади.

Планларни тиклаш учун асосан фотопланлардан тайёрланган фотонусхалардан фойдаланилади.

Бундай планли-картографик материаллар бўлмаса қуидагилардан фойдаланса бўлади:

1. Штрихли планлар.
2. Ердан туриб олинган планларни асл нусхаси ёки ундан кўчирилган нусхаларидан.

3. Давлат ёки ташкилотлар томонидан тузилган топографик планлар.

Булардан ташқари тиклаш вақтида қуидагилардан фойдаланиш мумкин:

- а) хўжаликларнинг ердан фойдаланиш давлат далолатномасига илова планидан;
- б) бегона фойдаланувчилар ер бўлагининг плани нусхасидан;
- в) ердан фойдаланувчилар рўйҳатига олинадиган давлат китобидан кўчирма, бегона ердан фойдаланувчиларга ер ажратиш тўғрисида далолатномалардан;
- г) мавжуд геодезик тармоқ пунктларининг жойлашиш чизмасидан.

Планларни тиклашда шундай усулни танлаш керакки, унинг натижасида план аниқлиги сақланаб қолсин.

План аниқлиги асосан тиклаш вақтида съёмка учун барпо этиладиган геодезик асоснинг аниқлигига боғлиқ.

Съёмка қилиш учун геодезик асос сифатида:

1. Геодезик тармоқ пунктлари ва бурилиш нуқталари координатлари ҳисобланган хўжалик чегаралари.

2. Мустаҳкам контурули нуқталар ( яъни жойда яхши сақланган ва тикланадиган, планда аниқ тасвирланадиган контур нуқталари, йўл ва ариқларнинг кесишган жойлари, бино ва деворларнинг бурчаклари, шудорланган ерларнинг бурчаклари). Контур нуқталарининг ўрнини планда аниқроқ белгилаш учун жой аэросуратлардан фойдаланилади.

Агар геодезик шахобча пунктлари етарли бўлиб ( $1:10\,000$  масштабда пунктлар орасидаги масофа  $3 - 4$  км дан ошмаган бўлса), уларга таяниб съёмка бажарилса, тикланётган планнинг аниқлиги тўлиқ сақланади ва тиклаш осон бажарилади.

Шунинг учун геодезик пунктларнинг мавжудлиги ва уларнинг ердан фойдаланувчилар ҳудудида яхши сақланиши келгусида планли-картографик материалларни тиклаш ва уларнинг ҳозирги замон талабларига мос келтиришга имкон беради. Бундай шароитда ўзгаришларни съёмка қилиш учун геодезик пунктлар орасида теодолит йўли ўтказилиб, теодолит съёмкаси ёки геометрик шахобча нуқта-

лари, ўтиш нүқталари ва мензула йўлларини ўтказиб, мензула съёмкасини бажариш мумкин. Теодолит ва мензула съёмкаларини бажариш ҳамда масофа ўлчагич асбоблар билан ҳар хил усулларда нүқталарни съёмка қилиш олдинги бобларда батафсил ёритилган.

Планларни тиклаш аниқлиги тикланадиган план аниқлигига мос бўлиши керак.

План ва карталарни тиклашда ишлар қуйидаги тартибда бажарилади:

1. Камерал тайёргарлик ишлари.

2. Жой билан танишиш — рекогносцировка янги бажарилган аэрофотосъёмка материалларида дала дешифирлаш ёки тикланадиган планни жой билан таққослаш.

3. Йўқолган контурларни пландан ўчириш.

4. Янги контурларни съёмка қилиш учун, эҳтиёж бўлса, қўшимча геодезик асос қуриш.

5. Янги вужудга келган контурларни съёмка қилиш.

6. Съёмка натижаларини планга тушириш ва бажарилган ишлар калькасини тузиш.

7. Тиклаш натижаларини текшириш ва расмийлаштириш (план ва карталарни тузатиш, тушунтириш катини ёки техник ҳисоботни тузиш, чизма, дала журналлари, абрислар, ҳисоблаш ведомостлари ва жадвалларни тикиб тахтлаш).

**Камерал тайёргарлик ишлари** — тиклаш талаб этиладиган план ва карталарни танлаб тайёрлашдан иборатdir.

Агарда тиклаш бажариладиган ҳудуд учун янги аэрофотосъёмканинг аэросуратлари мавжуд бўлса, тайёргарлик ишлари сифатида тикланадиган планни аэросуратлар билан таққосланади.

Жойдаги тафсилотларда ўзгариш юз берган бўлса, янги пайдо бўлган контурларни қаламда планга туширилади, йўқ бўлган контурларни эса ўчирилади. Дала дешифирловка ишлари тугагандан кейингина охирги ўзгартиришлар планга киргизилади.

**Жой билан танишиш (рекогносцировка)** — планларни тиклашда дала ишларини бошланиши бўлиб, бу ўта масъулиятли иш ҳисобланади.

Рекогносцировка қилиш жараённида тикланаётган планни ёки унинг нусхасини олиб, маҳсус белгиланган маршрут бўйича юриб чиқиб, уни жой билан таққослашдан иборатdir. Бунда ҳамма контурлар ҳам шакли, ҳам мазмуни бўйича синчиклаб текшириб чиқилади. Жой билан танишиш пайтида, камерал йўл билан аэросуратларни план билан таққослаш орқали аниқланган ва янги пайдо бўлган контурлар дешифирловка қилинади.

Жой билан танишиш жараённида қуйидаги ишлар бажарилади:

а) ҳеч қандай ўлчаш ишларисиз ер турларини ўзгарган номлари планда қалам билан ўчирилиб, уларнинг янги шартли белгиси қўйилади;

б) съёмка қилиш керак бўлган контурлар ва массивлар аниқланаб, тафсилот шакли ўзгарган бўлса, уни қалам билан ўчириб, кўз билан чамалаб, уларнинг шакли чизилади ва кейинги ўлчаш ишларида уларнинг ўрни аниқланади;

в) съёмка асосини барпо этиш чизмасида кўрсатилган нуқталар ўрни танланиб, қалам билан планда белгиланади;

г) янги пайдо бўлган контурлар ва массивларни съёмка қилиш усуллари (теодолит ва мензула билан ёки фақат масофа ўлчаш асбоблари билан) аниқланади.

**Йўқолган контурларни пландан ўчириш** – жой билан танишиб чиққандан кейин тикланадиган планда ҳамма йўқолган контурлар чегараси қизил крестчалар чизиб ўчирилади.

**Янги контурларни съёмка қилиш учун қўшимча съёмка асоси** сифатида янгиланадиган планда аниқ тасвирланган ва ўрни жойда сақланган контурлар мустаҳкам нуқталари: йўл ва ариқлар кесишган нуқталари, ҳайдалма ерлар ва алоҳида бинолар бурчаги, кудуқ ва жойни бошқа ўзгармас предметлари ўрни хизмат қилади. Бундай нуқталарни танлашда қўшимча аэросуратлардан фойдаланилади, яъни танланган нуқталар ораси тикланадиган план ва аэросуратда ўлчаниб солиширилали. Бундай мустаҳкам контур нуқталари орасида теодолит ва мензула йўллари, створ чизиқлар ўтказилиб, уларга таяниб янги контурлар съёмка қилинади.

**Янги контурларни съёмка қилиш** – амалда кўпроқ 1:10 000 ва 1:25 000 масштаблардаги планлар тикланади, бунда съёмка қўйидаги усулларда бажарилади:

1. Теодолит ёки мензула билан, танланган мустаҳкам нуқтадан туриб, қутб усулида.

2. Танланган мустаҳкам нуқталарни туташтирувчи створ чизиқка нисбатан перпендикуляр усулида.

3. Мустаҳкам контур нуқталари орасида ўтказилган теодолит, мензула йўллари томонларига таяниб қутбий ва перпендикулярлар усулида.

Келтирилган усулларда съёмкани бажариш (10.4) да батафсил берилган.

**Съёмка натижаларини планга тушириш** – абрисга туширилган съёмка натижалари (10.10) да берилган тартибда тикланадиган планда тасвирланади. Бунда иккита мустаҳкам нуқталар орасидаги чизиқни жойда ва планда ўлчангандай қийматлари фарқи план масштабида 1 мм дан ошмаслиги керак.

Съёмка натижаларини планга тушириб бўлгач, мензула съёмка-сида кундалик съёмка натижаларини калькага тушириб борилади.

Калькага ҳамма янги пайдо бўлган ва йўқолган контурларни тушириб, йўқолган контурларни усти қизил крест шаклида чизиб қўйилади. Агарда контурларнинг фақат номи ўзгарган бўлса, уларни калькада кўк рангда кўрсатилади.

Калька тузишдан, асосан, учта мақсад күзда тутилади: **бирмичидан**, тикланган планни расмийлаштириш вақтида баъзи контурларни тушириб қолдирмаслик ва бажарилган иш аниқлигини йўқотмаслик учун; **иномичидан**, калька бўйича бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш, геодезик тармоқ ва мустаҳкам контур нуқталаридан тўғри фойдаланганликни, съёмка йўлларини тўғри ўтказиб уни бажаришни назорат қилиш; **учинчидан**, юзаларни ҳисоблашда ундан фойдаланиш, тиклашдан кейинги ўзгаришларни ер экспликациясига киритишдан иборат.

**Тиклаш натижаларини текшириш ва расмийлаштириш** — планни тузатиш ишларининг натижаси систематик равишда қидирув-тадқиқот корхонаси бўлим бошлиғи томонидан техник ҳужжатларни кўриб бориш ва жойда ўлчаш асбобида ўлчаб олинган қийматни план билан солиштириб кўриш асосида олиб борилади.

Планларни тиклаш вақтида фойдаланилган геодезик тармоқ пунктлари, съёмка йўллари нуқталари, геометрик тармоқ ва ўтиш нуқталари, теодолит ёки мензула станциялари қизил тушь билан учбуручак шаклида, таянч сифатида қабул қилинган мустаҳкам контур нуқталари эса қизил тушь билан доира шаклида чизилиб, уларнинг номи ёки тартиб рақами ёзилади. Ўтказилган съёмка йўллари ҳам қизил тушда чизилади. Координаталар тўри кўк тушь билан чизилади, калька варагининг бўш қолған жойида варакаларнинг жойланиш схемаси кўрсатилиб, унинг усткى қисмида ердан фойдаланувчилар номи, пастда эса бош ер тузувчи, бажарувчи имзолари ҳамда ишнинг бошланиш ва тамом бўлиш санаси кўрсатилади.

Тикланган план иш бажарувчи ёки чизмачи томонидан масштабга мувофиқ тегишли шартли белгилар билан чизилади. Ҳамма ҳужжатлар, журналлар, абрислар, чизмалар, калькалар, ҳисоблаш ведомостлари, техник ҳисбот битта ҳужжат қилиб тикилади.

Планни тиклаб бўлгандан кейин қишлоқ ҳўжалик ер турлари майдони тўғрисидаги маълумотлар аниқланади.

Бунда куйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

1. Мавжуд контурларни ҳисоблаш ведомостидан.
2. Номерлари ва юзалари ёзилган контурлар калькасидан.
3. Тикланган пландан.
4. Тиклаш вақтида тузилган контурлар калькасидан.

Планни тиклашдан олдин ва тиклашдан кейин тузилган контур калькалари бир-бирига синчковлик билан таққосланади. Ўзгармаган контурларнинг ичida уларнинг олдинги тартиб рақами (касрнинг суратида) ва юзаси (касрнинг маҳражида) ёзилади. Тўла бошқа ер турига ўтган контурларни ҳам эски тартиб рақами ва юзаси ёзилади.

Агарда олдинги контурнинг бир қисми ёки контурнинг ўзи бошқа бир контурга бутунлай қўшилиб кетган бўлса, у вақтда янги контур тартиб рақами ёнига қавс ичилади ўша эски контурнинг тартиб рақами ҳам ёзиб қўйилади.

Шундан сүнг бу контурларнинг ҳар бир қисмининг юзаси алоҳида аниқланади. Ҳисобланган юзалар йигиндиси эски контур юзасига тенг бўлиши керак. Агар улар орасида фарқ бўлса, унинг чекли қиймати кўйидаги формула билан ҳисоблаб чиқарилади:

$$fp_{\text{чекли}} = c\sqrt{n} + 0,06 \frac{M}{10000} \sqrt{P}, \quad (18.1)$$

бу ерда  $c$  — планиметрнинг бир бўлак қиймати,  $n$  — планиметр билан юзаси ҳисобланган контурлар сони,  $M$  — план сонли масштабининг махражи,  $P$  — ер бўлаги юзаси, га ҳисобида.

Агарда боғланмаслик йўл қўярли, яъни  $fp \leq fp_{\text{чекли}}$  бўлса, у вақтда хато тескари ишора билан планиметр билан ҳисобланган юзаларга тарқатилади.

Юқорида кўрсатилган юза ҳисоблаш тафсилотларида ўзгариш 30% дан кам бўлганда қўлланади. Агарда ўзгаришлар катта бўлса, юзаларни ҳисоблаш қайтадан бажарилади, бунда ўзгармаган контурлар юзасини эски юза ҳисоблаш ведомостидан юзалари тенглаштирилган натижаларни янги ведомостга кўчирилади ва уларга тузатмалар киритилмайди.


Контурлар юзасини ҳисоблаб махсус жадвалга ёзиш ва тенглаштиришлар олдинги бобларда кўрсатилган.

Хозирги шароитда фермер ва ширкат хўжаликлари планларини янгилаш тегишли ташкилотлар томонидан хўжалик раҳбарлари билан шартнома тузиш йўли орқали бажарилади.

## 18.2. Ердан фойдаланиш чегараларини қайта тиклаш

Баъзила, ердан фойдаланувчилар чегарасидаги йўқолган ёки бузилган **марза** белгиларини қайта тиклаш талаб этилади. Бу планда кўрсатилган чегарани жой билан таққослаб аниқланади. Таққослаш хўжалик вакили иштирокида ўтказилади.

Бузилган ёки йўқолган марза белгиларининг ўрнини (ўргаси ковак қўргон, ковакда чириган устунлар қолдиги бўйича) тиклаш куйидагича бажарилади.



Бузилган қўргон атрофига тўртта ингичка 1, 2 ва 3, 4 вехалар ташкил қилувчи чизикларни кесишган нуқтаси қўргон марказига тўғри келишини таъминлаб ўрнатилади (18.1-шакл).

Шундан сўнг эски белгини (ёки ердаги унинг қолдиқларини) кавлаб тозалаб

олиб унинг ўрнига тўртта ингичка вехалар створига тўғрилаб янгиси кўмилади.

Агар хўжалик чегарасидаги  $A, B, C, D$  нуқталаридан  $B$  нуқтанинг ўрни жойда йўқолган бўлса,  $A, B$  ва  $C$  нуқталарининг координаталаридан фойдаланиб, тескари геодезик масалани ечиб, томонларни румби ёки дирекцион бурчаклари  $\alpha_{AB}, \alpha_{AC}$  ва  $\alpha_{CB}$ лар топилади, улар орқали эса  $AC$ га нисбатан горизонтал бурчаклар  $\beta_1$  ва  $\beta_2$  ҳисобланади (18.2-шакл).

Теодолит билан  $A$  ва  $C$  нуқталарда  $\beta_1$  ва  $\beta_2$  бурчаклар ҳосил қилиниб, топилган  $A\theta_1$  ва  $C\theta_2$ , йўналишларнинг кесишган жойида  $B$  нуқта ўрни топилади ва шу жойда марза қолдиқлари топилса, ўрнига янгиси ўрнатилади.

Агарда  $B$  нуқтанинг ўрнида ҳам марза белгиси бўлмаса, текшириш учун учинчи  $D$  нуқтасидан ҳам  $\beta_3$  бурчаги орқали  $D\theta_3$  йўналиши топилади. Агар учала йўналишлар бир нуқтада кесишига, у  $B$  нуқтанинг ўрни бўлади ва унга марза белгиси ўрнатилади.

Одатда, марза белгиларини узоқ муддат сақланишини эътиборга олиб уларни тагига кўмир, шишанинг майдаланган синиқлари ёки бутун шишани ичига хат ёзиб кўмиб қўйилади.

### 18.3. Ер бўлакларини лойиҳалаш усуллари

Юза ўлчашда қандай усуллар қўлланган бўлса, лойиҳалашда ҳам шундай усуллар қабул қилинади. Яъни ер бўлакларини лойиҳалаш юза ҳисоблаш иш жараёнининг тескарисидир.


Жойда ёки планда чизиқлар узунлиги ва бурчак қийматларини ўлчаниб, улар орқали юза ҳисобланса, лойиҳалашда берилган майдонни чизиқ узунлиги ва бурчак қийматлари ҳисобланади. Баъзида лойиҳалаш жараёни дастлаб лойиҳаланган участка майдонини ҳисоблаш билан олиб борилади.

Лойиҳалаш „умумийдан айримга“ қоидасига асосан бажарилади. Масалан, олдин алоҳида алмашлаб экиш массивлари лойиҳаланиб, кейин далалар гуруҳи, кейин эса алоҳида дала лойиҳаланади.

Ҳар бир лойиҳаланган ер бўлаги майдонларини тенглаштириш лозим.

Бир хил тор ва чўзиқ контурлар (йўл, зовур, ариқ) масштабсиз тасвиранган бўлса, планда уларнинг майдонларини ҳисоблаб бўлмайди.

Бундай контурлар орқали лойиҳалашда куйидаги қоидага риоя қилинади:



18.2- шакл.

1. Агар төр контур лойиҳаланадиган ер бўлагини кесиб ўтса, унинг майдони шу бўлак майдонига қўшилади.

2. Агар төр контур бир чизик билан тасвирланган бўлиб, у икки бўлакларнинг чегараси бўлса, берилган бўлак майдонига унинг ярим майдони қўшилади, қолган ярми эса қўшни бўлак майдонига қўшиб ҳисобланади.

3. Агар төр контур икки чизик билан кўрсатилиб улар бўлак чегараси вазифасини бажарса, унинг ҳамма майдони берилган қўшни бўлакларнинг биттасига тўлиқ ўtkазилади.

Лойиҳалаш жараёнида ҳамма ҳисоблашлар натижаси чизмада аниқ қилиб ёзиб борилиши керак.

Лойиҳалашда қуйидаги усувлар қўлланилади:

1. Аналитик усуlda жойда ўлчанган чизик ва бурчак қийматлари бошланғич деб қабул қилиниб, лойиҳалашда геометрия, тригонометрия ва аналитик геометрия формулаларидан фойдаланилади.

2. График усуlda бошланғич чизик ва бурчак қийматларни пландан ўлчаш орқали олинади.

3. Механик усуlda планиметр ва ҳар хил палеткалар ишлатилади.

График ва механик усувлар қўшилиб, комбинациялашган усул деб қабул қилинган.

Ер тузишни лойиҳалашда ер бўлакларининг чегараси эгри чизиқли контурлар бўлғанлиги учун, кўпинча, комбинациялашган лойиҳалаш усули қўлланилади.

#### 18.4. Ер бўлагини график усулда учбурчак орқали лойиҳалаш

Техник лойиҳалаш — бу битта лойиҳа чизигини ўтказиш билан берилган ер бўлаги майдонини талаб этилган майдонга тенглаштириб чегаралаш (ажратиш)дир. Техник лойиҳалаш иккита шартдан биттаси орқали бажарилади:

1. Лойиҳа чизиги муайян бир нуқтадан ўтиши керак.


2. Лойиҳа чизиги муайян йўналишда ўтказилиши керак.

Биринчи шартда масала учбурчак элементларини, иккинчисида эса трапеция элементларини ҳисоблаш билан ечилади. Шунга кўра техник лойиҳалаш учбурчакларни лойиҳалаш ва трапецияларни лойиҳалаш деб номланади.

Масалан,  $A B C D \dots Q R$  массивида  $C$  нуқтадан ўтган чизиқдан чап томонда  $f$  майдонли ер бўлагини кесиб бериш керак (18.3-шакл).

Лойиҳа планда тақрибий майдонли ёпиқ шакл, яъни мисолимизда  $ABCR$  тўртбурчагини ҳисоблашдан бошлаймиз. Унинг майдонини график усулда осон ҳисоблаймиз.

Агар шаклнинг чегараси қисман эгри чизиқли бўлғандада унинг майдони планиметр ёрдамида ҳисобланарди.



18.3- шакл.

Лойиҳа майдонни  $f$  ва график ҳисоблаб топилганини ( $ABCR$  майдони)  $f'$  деб белгиласак, уларнинг фарқи қуйидагича топилади:  $g = f' - f$ . Бунда мусбат ишорали  $g$  ортиқча майдонни, манфий ишоралиси эса етишмаган майдонни билдиради.

Биринчи ҳолатда  $g$  майдонли учбурчакни  $CR$  чизигининг ўнг томонидан лойиҳаланади, иккинчи ҳолатда бу учбурчакни  $CR$  чизигининг чап томонидан лойиҳаланади.

Лойиҳа чизиги берилган  $RQ$  чизигининг  $N$  нуқтасида кесишган бўлиб,  $RN$  кесмаси учбурчак асоси „ $a$ “ бўлсин (18.3-шакл). Учбурчакнинг баландлиги эса перпендикуляр  $CK = h$  лойиҳа планга осонгина туширилади.

Баландлик  $h$  ни пландан аниқлаб, геометрик формула  $2g = ah$  дан фойдаланиб,  $a$  қийматини ҳисоблаймиз,  $a = \frac{2g}{h}$ . Ундаги  $g$  қиймати метр квадрат бирлигига бўлади.  $R$  нуқтасидан  $Q$  нуқтаси йўналиши бўйлаб  $a$  қиймати планда ўлчаб,  $N$  нуқтаси белгиланади. Белгиланган  $N$  нуқта билан  $C$  нуқта йўналиши лойиҳа чизиги бўлади.

Якуний лойиҳа чизик узунлиги  $L$  ва бурчак  $\phi$  қийматлари лойиҳадан график усул билан ўлчаб топилади (бу қийматлар лойиҳани жойга кўчирища талаб қилиниши мумкин).

График лойиҳалашда пландан масофани аникроқ ўлчашни таъминлаш учун кўндаланг масштабдан фойдаланиш керак.

**Мисол.** Ер бўлагини берилган майдон бўйича лойиҳалаш.

Берилган майдон  $f = 16,61$  га. Шу участканинг график ҳисобланган майдони  $f' = 16,55$  га бўлсин.

Етишмаган майдон  $g = 16,55 - 16,61 = -0,06$  га ёки  $600 \text{ m}^2$ . 18.3-шаклдаги лойиҳа планда учбурчак баландлиги  $h$  ни ўлчаб олинади. У  $h = 78$  м га teng бўлсин. Юқоридаги формуладан фойдаланиб,  $a$  ни ҳисоблаб топамиз,  $a = \frac{2g}{h} = \frac{2 \cdot 600}{78} = 15,38$  м ва бу қийматни  $RQ$  йўналиши бўйича план масштабида қўйиб,  $N$  нуқта ўрни топилади.

Натижада пландаги  $ABCNR$  ер бўлагининг майдони берилган майдон ўлчами – 16,61 гектарга тенг бўлади.

Шу ўлчамлардан лойиҳани жойга кўчиришда фойдаланилади.

### 18.5. Ер бўлагини аналитик усулда учбурчак орқали лойиҳалаш

Аналитик усулда лойиҳалаш график усулда лойиҳалашдек бўлиб, аналитик усулда керакли қийматлар пландан ўлчаб аниқланмайди, аксинча, техник лойиҳада берилган геодезик маълумотлар орқали математик формулалардан фойдаланиб ҳисобланади.

Масалан, майдони берилган ер бўлаги бурилиш нуқтаси  $D$  дан ўтувчи чизиқ ёрдамида техник лойиҳалашни бажариш талаб қилинсин. Бунда  $A, B, C, D, N, R$  нуқталарининг координаталари берилган бўлсин (18.4-шакл).

Дастлаб,  $ABCDR$  шакл майдони  $f'$  ни координаталар бўйича ҳисоблаб уни берилган лойиҳа майдони  $f$  билан фарқи топилади,  $g = f' - f$ . Шунда масалан, майдон етишмаслиги аниқланса,  $RDN$  учбурчаги орқали ҳисобланган майдони  $g$  ер бўлагини кесиб бериш керак бўлади.


Бунинг учун, энг аввало, тескари геодезик масалани ечиш билан  $RQ$  ва  $RD$  томонлар дирекцион бурчаги ва  $RD$  узунлиги  $S$  ҳисобланади:

$$\left. \begin{aligned} \operatorname{tg}(RQ) &= \frac{y_Q - y_R}{x_Q - x_R} = \frac{\Delta y}{\Delta x} \\ \operatorname{tg}(RD) &= \frac{y_D - y_R}{x_D - x_R} = \frac{\Delta y}{\Delta x} \\ S &= \frac{\Delta y}{\sin(RD)} = \frac{\Delta x}{(\cos RD)} \end{aligned} \right\} \quad (18.2)$$

Кейин бурчак  $\phi$  қўйидагича аниқланади:

$$\phi = (RQ) - (RD). \quad (18.3)$$

Натижала учбурчакда  $S$  томони,  $\phi$  бурчаги ва керакли  $g$  майдони маълум бўлди. Булар орқали  $RN$  томон узунлиги  $a$  маълум формула билан аниқланади.



18.4- шакл.

$$a = \frac{2g}{S \cdot \sin \varphi}. \quad (18.4)$$

Ҳисобланган  $a$  томони орқали  $N$  нуқтасининг координаталари қўйидагича топилади:

$$x_N = x_R + a \cdot \cos(RQ), \quad y_N = y_R + a \cdot \sin(RQ).$$

$N$  ва  $D$  нуқталарининг координаталари бўйича тескари геодезик масалани ечиш билан лойиҳа чизиги  $ND$  нинг дирекцион бурчаги ( $ND$ ) ва узунлиги  $L$  ҳисобланади. Сўнгра  $\varphi_1$  ва  $\varphi_2$  бурчаклари қўйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned}\varphi_1 &= (ND) - (QR), \\ \varphi_2 &= (DR) - (DN).\end{aligned}$$

Ҳисобланган бурчаклар қўймати қўйидагича текширилади:

$$\varphi + \varphi_1 + \varphi_2 = 180^\circ.$$

Умумий назорат учун лойиҳа чизик  $DN$  узунлиги  $RDN$  учбурчагидан синуслар теоремаси асосида ҳисобланади:

$$L = \frac{S \cdot \sin \varphi}{\sin \varphi_1}. \quad (18.5)$$

Мисол: 18.5-шаклдаги ер бўлғаги чегара нуқталарининг координаталари ва лойиҳаланадиган майдон қўймати берилган.

Шуларга асосан ҳисоблаш ишлари қўйидагича бажарилади.

Шаклдаги лойиҳаланадиган ер бўлғаги майдони  $f = 27,68$  га, дастлабки ҳисобланган майдон  $f' = 26,53$  га, етишмаган майдон  $g = 26,53 - 27,68 = -1,15$  га ёки  $11500 \text{ m}^2$ . Юқорида кўрилган формулалардан фойдаланиб, ҳисоблаш ишлари қўйидагича бажарилади:

$$\operatorname{tg}(RD) = \frac{2374,0 - 2181,0}{4902,0 - 4273,0} = \frac{+193,0}{+629,0} = 0,306836;$$

$$(RD) = 17^\circ 03' 28'' (\text{ШШқ});$$


$$S = \frac{193}{\sin 17^\circ 03' 28''} = \frac{193}{0,293338} = 657,944 \text{ м};$$

$$S = \frac{629}{\cos 17^\circ 03' 28''} = \frac{629}{0,956009} = 657,944 \text{ м};$$

$$\operatorname{tg}(RQ) = \frac{2900,0 - 2181,0}{4155,0 - 4273,0} = \frac{+719}{-118} = 6,093220;$$

$$(RQ) = 80^\circ 40' 48'' (\text{ЖШқ});$$

$$\text{дирекцион бурчак } (RQ) = 99^\circ 19' 12'';$$



18.5- шакл.

$$\varphi = (RQ) - (RD) = 99^{\circ}19'12'' - 17^{\circ}03'28'' = 82^{\circ}15'44'';$$

$$a = \frac{2q}{S \cdot \sin \varphi} = \frac{2 \cdot 11500}{657,944 \cdot \sin 82^{\circ}15'44''} = \frac{23000}{657,944 \cdot 0,990895} = 35,279 \text{ м};$$

$$x_N = x_R + a \cdot \cos(RQ) = 4273,0 + 35,279 \cdot \cos 99^{\circ}19'12'' = \\ = 4273,0 + 35,275 \cdot (-0,161950) = 4267,29 \text{ м};$$

$$y_N = y_R + a \cdot \sin(RQ) = 2181,0 + 35,279 \cdot \sin 99^{\circ}19'12'' = \\ = 2181,0 + 35,279 \cdot 0,986799 = 2215,81 \text{ м};$$

$$\operatorname{tg}(ND) = \frac{y_D - y_N}{x_D - x_N} = \frac{2374,0 - 2215,81}{4902,0 - 4267,29} = \frac{158,19}{634,71} = 0,249227;$$

$$(ND) = 13^{\circ}59'40'';$$

$$\varphi_1 = (ND) - (QR) = 13^{\circ}59'40'' - 279^{\circ}19'12'' = 94^{\circ}40'28'';$$

$$\varphi_2 = (DR) - (DN) = 17^{\circ}03'28'' - 13^{\circ}59'40'' = 3^{\circ}03'48'';$$

$$L = \sqrt{(x_N - x_D)^2 + (y_N - y_D)^2} = \sqrt{(634,7)^2 + (158,2)^2} = 654,13 \text{ м};$$

Текшириш:  $\varphi + \varphi_1 + \varphi_2 = 180^{\circ}$ ;


$$82^{\circ}15'44'' + 94^{\circ}40'28'' + 3^{\circ}03'48'' = 180^{\circ}00'00'';$$

$$L = \frac{S \cdot \sin \varphi}{\sin \varphi_1} = \frac{657,944 \cdot \sin 82^{\circ}15'44''}{\sin 94^{\circ}40'28''} = \frac{657,944 \cdot 0,990895}{0,996674} = 654,13 \text{ м}.$$

### 18.6. Ер бўлагини график усулда трапеция орқали лойиҳалаш

Берилган  $f$  майдон бўйича ер бўлагининг  $AB$  томонига параллел бўлган чизик орқали лойиҳалаш талаб этилган бўлсин (18.6-шакл).

Лойиҳалаш  $AB$  га параллел қилиб ясаладиган  $RK$  чизиги билан чегараланадиган ва лойиҳа майдонга яқинроқ майдонли  $ABCKR$  шаклни ажратишдан бошланади.



18.6- шакл.

Бу шаклни график усулда (ёки планиметрда) аниқроқ майдони  $f'$  ни ҳисоблаб, етишмаганини (ошиқасини)  $g = f' - f$  бүйича аниқлаб  $KR$  га параллел чизик ёрдамида құшамиз (камайтирамиз).

График лойиҳалашда трапеция ўртача чизиги узунлиги  $s$  ни план бүйича ўлчаб, у ва трапецияни берилған майдони орқали  $g = sh$  ҳисоблаш формуласидан фойдаланыб, трапециянинг баландлигі  $h$  ҳисобланади:  $h = \frac{g}{s}$ .

Планда трапеция ўртача чизиги яқынлашиш методи билан лойиҳаланади. Бунинг учун, аввало, көз билан чамалаш талаб этиладиган майдонга нисбатан ўртача узунлик  $s$ , ни белгиланади. Планда унинг узунлигини ўлчаб, биринчи яқынлашишда  $h_1 = \frac{g}{s_1}$  баландлигини топамиз. Трапеция асоси  $RK = v$  га параллел қилиб баландлик  $h_1$  ни ярмини белгилаб, ундан трапециянинг ўртача чизиги ўтказилади. Агар у олдин белгиланған ва ўлчанған ўртача чизик  $s_1$  га түғри келса, масала ечилған бўлади.

Акс ҳолда, ўртача чизик  $s_1$  дан  $s_2$  ҳолатига кўчирилиб, узунлиги лойиҳадан ўлчаниб,  $h_1$  қиймати ҳисобланади. Унинг ярим қиймати ( $h_2/2$ ) лойиҳада ўлчаб кўйиб топилған нуқтадан  $s_2$  ўрта чизик узунлиги ўлчанади.

Бу иш жараёни токи баландликнинг охирги натижаси билан олдингисидан фарқи масштабнинг график аниқлиги қийматидан ошмагунча давом эттирилади. Охирги топилған баландликни  $KR$  асоснинг хоҳлаган нуқтасидан перпендикуляр бүйича кўйилиб,  $H$  нуқта топилади ва ундан  $KR$  га параллел қилиб,  $MN$  чизиги ўтказилади. Бу чизик лойиҳа чизиги бўлади.

Лойиҳани жойга кўчириш учун  $KM$  ва  $RN$  масофаларини график ўлчанади, ҳамда лойиҳа чизик  $MN$  ни ҳам ўлчанади.



## XIX бөб. ЛОЙИХАНИ ЖОЙГА КҮЧИРИШ

### 19.1. Лойиҳани жойга күчириш мөҳияти

Лойиҳаланган ер бўлагини чегараловчи чизиқлар ўрнини жойда топиб белгилашга **лоиҳани жойга күчириш** дейилади. Бу ишнинг мөҳияти шундан иборатки, лойиҳа тузиш учун аниқланган таянч нуқта ва чизиқлар ўрни дастлаб жойда топилади.

Топилган таянч нуқта ва чизиқларга нисбатан лойиҳалашда аниқланган қийматлар бўйича лойиҳа чизиқ ва нуқталарни жойга күчириб, уларнинг ўрни қабул қилинган белгилар билан маҳкамланади.

Таянч нуқталари бўлиб, одатда, ер бўлаги съёмкасини бажаришда теодолит йўллари ўтказиб ўрни аниқланган нуқталар ва қисман ердан фойдаланувчиларнинг чегара нуқталари хизмат қилади. Баъзиде лойиҳа планидаги аниқ тасвирланган жойда мавжуд контур нуқталарини ҳам таянч нуқталар ўрнига қабул қилинади, масалан, йўлларнинг кесишган жойлари, деворлар бурчаги, йўл ёки каналларнинг бурилиш нуқталари ва бошқалар бўлиши мумкин.

### 19.2. Лойиҳани жойга күчиришда тайёргарлик ишлари. Ишчи чизма

Лойиҳани жойга күчиришда ишчи кучи ва транспорт талаб этилади. Күчириш ишлари белгиланган муддатда ва сифатли қилиб бажарилиши лозим. Бу ўз навбатида, ишни қандай ташкил қилишга боғлиқ. Ишни бошлашдан олдин аниқ иш режаси тузиб олиниб, унда лойиҳани жойга күчириш усули ва қулай иш тартиби, талаб этиладиган материаллар сметаси, ишчи кучлари аниқланади.

Баъзан, таянч нуқталарнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида жой билан дастлабки танишиш ўтказилади. Масалан, жойни съёмка вақти билан лойиҳани жойга күчириш вақти орасида кўп вақт ўтган бўлса, шунингдек, иш бажарувчи жой билан таниш бўлмаса, жойни кўшимча рекогносцировка қилиш зарур бўллади. Жой билан танишиша баъзизда, дастлаб, кўшимча теодолит йўлини ўтказиш ёки йўқолган пунктлар ўрнини қайтадан тиклаш талаб этилади.

Лойиҳани жойга күчиришда асосий техник ҳужжат бўлиб **ишчи чизма** ҳисобланади. Бу чизма-loyiҳa пландан калька қофозига кўчирилган нусха бўлиб, уни тушда чизилади. Одатда, лойиҳа планинни бутунлигича кўчирмасдан 2 — 3 кунли ишга мўлжалланган қисми чизилади, чунки узоқ муддат фойдаланишда ишчи чизма эскириб, ишга яроқсиз ҳолга келиши мумкин.

Ишчи чизмада қыйидагилар күрсатилиши керак:

- ер бўлакларининг лойиҳа чегаралари;
- таянч нуқталар ўрни;
- ориентир нуқталар ва чизиқлар;
- жойда ўлчаб тушириш учун бурчак ва чизиқлар қийматлари;
- дала ва ер бўлакларининг тартиб рақами;
- текшириш учун кўшимча геодезик қийматлар.

Геодезик асбоблардан фойдаланиб лойиҳани жойга кўчириш учхил усулда бажарилади:

1. Лента билан ўлчаб лойиҳани жойга кўчириш, бунда фақат ўлчов лентасидан фойдаланилади.
2. Бурчак ўлчаш ўйли билан лойиҳани жойга кўчириш, бунда теодолит ва лентадан фойдаланилади.
3. График усул, бунда мензуладан фойдаланилади.

### 19.3. Чизиқ ўлчаш усулида лойиҳани жойга кўчириш

Энг оддий ва аниқ усул лента билан ўлчаб лойиҳани жойга кўчиришидир. Бунда лойиҳа нуқта иккита таянч нуқталардан ўтувчи чизиқда жойлашиб, ўрни биринчи таянч нуқтадан бошлаб лойиҳа нуқтагача лентада ўлчаб топилади. Шундай қилиб, бу усулни кўллашда ҳар бир лойиҳа нуқтаси иккита бир-биридан кўринадиган пунктлар йўналишида бўлиб, бу усулни танлашда жой очиқ бўлиши ва таянч нуқталар сони етарли даражада бўлиши талаб этилади.

Ишчи чизмада (19.1-шакл) бошланғич 1-таянч нуқтадан ҳамма лойиҳа нуқталари  $A$ ,  $B$ ,  $C$  гача чизиқ узунликлари ва 2-таянч нуқтагача ҳам масофа кўрсатилади. Яъни, 1-таянч нуқтадан  $A$  гача 36,1 м;  $B$  гача 59,3 м;  $C$  гача 81,9 ва 2-таянч нуқтагача 101,2 м. Ўлчангандан қийматларни текшириш мақсадида бошланғич ва охирги таянч нуқталарга каттароқ қозиқлар қоқиб белгиланади ва чизиқларнинг



19.1- шакл.

қиялиги  $3^{\circ}$  дан ортиқ бўлса, қияликка тузатмалар киритиб, ўлчанган масофалар тузатилади ва хатолик қиймати қўйидаги чекдан ошмаслиги керак:

- 1) агар чизиқ теодолит йўлининг томони бўлса, унинг узунлигининг  $1/1000$  дан;
- 2) агар чизиқ узунилиги координаталар бўйича ҳисобланган бўлса, полигон периметрининг  $1/1000$  дан;
- 3) агар чизиқ график усулда аниқланган бўлиб, учлари контур нуқталаридан иборат бўлса, планда  $0,7$  мм дан ошмаслиги керак.

Боғланмаслик ҳамма чизиқларга пропорционал тарқатилиб, қоқилган қозиқларни шунга яраша суриласди. Чизиқларни ўлчаш натижалари, боғланмаслик қиймати ва тузатмалари далада ишчи чизмада қалам билан кўрсатилиб, уйда тушь билан чизилиши керак.

#### 19.4. Бурчак ўлчаш усулида лойиҳани жойга кўчириш

Жойда ва планда геодезик таянч пунктлар мавжуд бўлса ёки хўжалик чегараси бўйлаб теодолит йўллари ўтказилган бўлиб, нуқталар жойда сақланган бўлса, теодолит ва лента ёрдамида лойиҳани жойга кўчириши мумкин.

Лойиҳа нуқталарининг таянч нуқталарига нисбатан жойланишига қараб, теодолит билан уларни жойга кўчиришда икки усул қўлланилади: 1) бир станциядан туриб қутбий усулда; 2) бир нечта станциядан туриб кетма-кет кўчириш усули.


Қутбий усулда (19.2-шакл)  $\beta$  лойиҳа бурчаги ва  $s$  лойиҳа узунликдан  $A$  таянч нуқтадан туриб лойиҳа нуқта  $a$  ни жойда топиш учун фойдаланилади.

$\beta$  ва  $s$  қийматлари лойиҳа бўйича берилган бўлиши, ёки лойиҳалаш жараёнида ҳисобланган ёки пландан график усулда аниқланган бўлиши мумкин.


Жойда  $\beta$  бурчагини ясаш учун теодолит билан  $A$  нуқтада турилади ва уни ишчи ҳолатига келтирилади.

Горизонтал доира саноғи нолга келтирилиб, труба жойдаги  $B$  нуқтага қаратилади ва лимб доираси маҳкамланади. Алидада бўшатилиб, бурилади ва лимбда  $\beta$  бурчаги қиймати ҳосил қилинади. Трубада ҳосил бўлган йўналишда  $s$  қиймати  $A$  нуқтадан лентада ўлчаб қўйилиб,  $a$  нуқтаси жойда топилади ва маҳкамланади.

Лойиҳа нуқталарининг ўрни бурчак ва томонлар қийматлари бўйича кетма-кет қуйидагича жойга кўчирилади (19.3-шакл).



19.2- шакл.



19.3- шакл.

Агар теодолит йўлининг  $A$ ,  $B$  ва  $C$  нуқталарига таяниб, чегара томонлари  $B - 1$ ,  $1 - 2$ ,  $2 - 3$  ва  $3 - C$  лойиҳаланган бўлса, ҳисобланган бурчак ва томонлар узунлигидан фойдаланиб, жойга  $1$ ,  $2$ ,  $3$  нуқталар теодолит ёрдамида кўйидагича кўчирилади (19.3-шакл).

$B$  нуқтасида теодолит билан туриб, юқорида келтирилган тартибда  $B - A$  томонга нисбатан  $\beta$  бурчаги ясалади ва топилган йўналиш бўйича  $B - 1$  томон узун-

лиги ўлчаб кўйилиб  $1'$  - нуқта жойда топилади. Кейин  $1'$  нуқтада теодолит билан тегишли бурчак қиймати кўйилиб, топилган йўналишда  $1 - 2$  томон узунлиги ўлчаб кўйилиб,  $2'$  нуқта топилади ва шундай кетма-кетликда охирида  $c'$  нуқта ўрни топилади. Ўлчаш ва ҳисоблашларда йўл кўйилган хатолар туфайли  $c'$  нуқтаси жойда маҳкамланган  $C$  билан тугашмайди. Улар орасидаги кесим боғланмаслик бўлади. Унинг қиймати лойиҳа йўл полигони периметрининг 1:1 000 дан ошмаслиги керак. 19.3-шаклдаги  $1$ ,  $2$ ,  $3$  нуқталар лойиҳа нуқталар бўлиб, уларнинг жойга кўчирилган ўрни  $1'$ ,  $2'$ ,  $3'$  бўлади.  $c' - C$  боғланмаслик қиймати параллел чизиклар усулида тарқатилиб, тузатмалар қийматига топилган нуқталар сурилиб, қайта маҳкамланади. Агар лойиҳада йўл, бурчак ва томонлар узунлиги пландан график усулда аниқланган бўлса, боғланмаслик қиймати 1:200 гача йўл кўйилади.



Тўққизинчи бўлим.

## КАРТОГРАФИЯ

XX боб. Қишлоқ хўжалик план,  
Карта ва атласлари

### 20.1. Қишлоқ хўжалик план ва карталарини тузиш ҳақида маълумот

Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги ҳукumat қарорларини изчил амалга ошириш — топографлар, геодезистлар, картографлар ва ер тузувлчилар олдига жуда катта илмий-амалий вазифаларни қўяди. Йирик масштабдаги план ва карталар билан таъминлаш ва уларга асосланиб, қишлоқ хўжалигини умумий ва хусусий карта ва атласларини тузиш шулар жумласидандир.

Барча карталар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва Давлат кадастри бош бошқармаси (Ўзгеодезкадастр) таркибига кирувчи ихтисослашган корхоналар томонидан тузилади ва нашр этилади. Бундан ташқари, давлат ер тузиш лойиҳа институтлари ва уларнинг экспедициялари томонидан ҳам қишлоқ хўжалик карталари тузилиб, нашр этилади.

Қишлоқ хўжалик карталарини тузиш ишлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари билан белгиланади. Бунинг учун қўйидагилар керак:

- қишлоқ хўжалик ҳодимларини сифатли карталар билан таъминлаш, айниқса, йирик масштабли тупроқ ва ер-сув ҳамда ердан фойдаланиш карталарини яратиш;
- карталар мазмунини янада такомиллаштириш, рақамли (статистик) материаллардан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- қишлоқ хўжалик карталарини лойиҳалаштириш ва тузиш ҳамда улардан фойдаланишда орттирилган тажрибаларни умумлаштириш ва карталарни тайёрлашни янги, анча такомиллашган усулларини ишлаб чиқиши;
- жамоа, ширкат ва фермер хўжаликлари йирик масштабли янги план ва карталарини яратиш, уларни бошқариш ва режалаштириш учун зарур бўлган тизим (серия) карталарини яратиш;
- карта тузиш техникасини такомиллаштириш ва сифатини ошириш, шу жумладан, карталарнинг математик асосини ясаш усулларини ишлаб чиқиши, ҳисоблаш ишларини осонлаштириш, янги проекцияларни ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий қилиш.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик карталарини тузишдаги долзарб вазифаларга киради.

## **(20.2.) Карта ва атласларнинг таснифи (классификацияси)**

Қишлоқ хўжалик карталари ўз вазифаси (мақсади), мазмуни, масштаби, эгаллаган майдони ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятлари бўйича гуруҳларга бўлинади.

Карталарнинг вазифаси (мақсади) уларнинг масштабига, мазмунига ва расмийлаштириш (жиҳозлаш) усулига боғлиқдир. Буни битта ҳудудни (хўжаликни) бир хил масштабли ва мазмунли, лекин ҳар хил вазифали (мақсадли) карталарини бир-бирига таққосласак яққол кўрамиз.

Вазифасига кўра қишлоқ хўжалик карталарини: ўқув карталари, илмий-маълумотнома карталар, оператив-хўжалик, тарғибот ва ташвиқот, кадастр, лойиҳа ва бошқа карталарга бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик карталари масштабининг йирик-майдалигига қараб қўйидаги учта гуруҳ карталарга бўлинади: йирик масштабли ( $1:200\,000$  ва ундан йирик), ўрта масштабли ( $1:200\,000$  дан  $1:10\,000\,000$  гача) ва майда масштабли ( $1:1\,000\,000$  ва ундан майда).

Карталар эгаллаган майдонига кўра дунё, ярим шарлар, материклар, алоҳида давлатлар ва бошқа карталарга бўлинади. Алоҳида давлатлар карталарига мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси карталарини, вилоятлар, туманлар, давлат ва ширкат хўжаликларини карталарини кўрсатса бўлади.

Ҳамма таснифлаш (классификациялаш) белгиларидан қишлоқ хўжалик карталари учун энг муҳими уларнинг мазмуни ҳисобланади. Бу белгига кўра қишлоқ хўжалик карталари қўйидаги 7 та катта гуруҳга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва муассасаларининг жойлашиш карталари.
  2. Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари карталари.
  3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш карталари.
  4. Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг карталари.
  5. Умумий қишлоқ хўжалик карталари.
  6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодиёти ва жадаллаштириш карталари.
  7. Қишлоқ хўжалик ишларини олиб борища ташкилий-техник шартларини акс эттирувчи карталар.
  8. Тарихий-маданий карталар.
  9. Қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган табиий шароит карталари.
- Юқоридаги гуруҳлардан учинчиси ва тўртингчиси энг асосий гуруҳ карталари деб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик атласлари эгаллаган майдонига кўра, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, жамоа ва ширкат хўжаликлари атласларига бўлинади. Мазмуни бўйича умумқишлоқ хўжалик ва тармоқ (дехқончилик, чорвачилик, пахтачилик ва ҳ.к.) атласларига бўлинади.

### **(20.3.) Республика, вилоят, туман, жамоа ва ширкат хўжалиги карта ва атласлари**

**Қишлоқ хўжалик картаси** деб асосий (бош) мазмунини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши элементлари ташкил этган картага айтилади.

Қишлоқ хўжалик атласлари умумий дастурга биноан бир бутун асар сифатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг жойланишини, ҳолатини қишлоқ хўжалик иқтисодиёти билан ривожланишини табиий ва социал-иктисодий шароитларни комплекс (мажмуали) тавсифини берувчи қишлоқ хўжалик карталарининг систематик тўпламидири.

Республика, ўлка ва вилоятларнинг қишлоқ хўжалик карталарини асосий мазмунини республика, ўлка ва вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкил этади. Уларнинг мазмуну турличадир. Улар орасида картаси тузиладиган ҳудуддаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлашишини ва ихтисослашишини кўрсатувчи, ҳудудларни ташкил қилувчи тармоқ қишлоқ хўжалик карталари, механизация, электрификация, мелиорация ва шунга ўхшашиб карталар мавжуд.

Вилоят қишлоқ хўжалик карталари кенг омма учун мўлжалланган. Улардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришни ўрганишда фойдаланилади.

Карталар тузишда карта масштабини танлаш ва уни асослаш катта аҳамиятта эта. Карта масштабини танлагандан унинг мазмунига ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасига, республика, ўлка ёки вилоят ҳудудининг шакли ва ўлчамига, картографик материалларнинг ҳолатига аҳамият бериш керак. Республика умумқишлоқ хўжалик карталарининг масштаблари 1:1 000 000, 1:1 500 000, 1:2 000 000, 1:2 500 000, 1:3 000 000, 1:4 000 000 ва 1:5 000 000 бўлиши мумкин.

Вилоят карталарининг масштаблари муайян шартларга қараб 1:100 000, 1:200 000, 1:300 000, 1:400 000, 1:500 000 ва ундан майда масштабларни ташкил этади. Бундай масштаблардаги карталарни тузиш учун картографик проекцияларни танлаш карта вазифасига боғлиқ. Тумандаги жамоа ва ширкат хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, ердан фойдаланишни тартибга солиш, режалаштиришни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, ер ҳисоблаш

ишиларини ўтказиш, қишлоқ хўжалик ер турларининг сифатини баҳолаш — бундай мухим чора-тадбирлар ечимини топиш учун турли мазмундаги туман қишлоқ хўжалик карталари талаб этилади.

Ҳозирги вақтда маъмурӣ туманларнинг уч хил мавзудаги карталари тузилмоқда. Булар туман еридан фойдаланиш картаси, туман ер турлари картаси ва туман тупроқ картасидир. Бу хилдаги туман қишлоқ хўжалик карталари туман ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассисларига мўлжалланган бўлиб, улар жамоа ва ширкат хўжаликларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги ҳолатини ва истиқболини режалаштиришда зарур кўргазмали маълумот-кўйланма хизматини бажаради.

Туман карталарининг масштаби туманнинг иқтисодий-географик ҳолати ва ундаги қишлоқ хўжалигини қай даражада ривожлантирилишига қараб белгиланади. Бу ерда ҳам карта масштабини танлашда қўйидагилар инобатга олинади: картанинг мақсади, мазмунининг кўлами, туман ҳудудининг конфигурацияси ва майдони, жамоа ва ширкат хўжалиги майдони ва ҳ.к. Кўпчилик туманлар учун 1:50 000 дан 1:100 000 гача масштабдаги карталар тузилади. Шаҳар олди ва сугориладиган ерларда туман карталари 1:25 000 ва 1:50 000 масштабларда тузилиши мумкин. Кўпчилик туман карталари топографик карталар асосида тайёрлангани учун улар Гаусснинг тенг бурчакли (конформ) кўндаланг цилиндрик проекциясида тузилади

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш, уни режалаштириш, бевосита раҳбарлик қилиш, янги техникани жорий этиш, минерал ўғитлар билан илфор агротехникани кўллаш — жамоа ва ширкат хўжаликларини обзор қишлоқ хўжалик карталарини тузишни тақозо этади. Бундай карталарда жамоа ва ширкат хўжалиги ерларининг жойлашиши ва ер майдонларининг ташкил этилиши ҳамда унинг ер турлари, шунингдек хўжалик ҳудуди табиий шароитининг картографик тавсифи акс этган бўлиши керак. Ҳар бир жамоа ва ширкат хўжалиги учун, асосан, уч хил типда бир варақли тасвир (обзор) қишлоқ хўжалик карталари тузилиши керак. Булар хўжалик ерлари ва ер турларининг жойлашиши, ер тузилиши ва тупроқ карталариидир. Бундай карталар жамоа ва ширкат хўжалиги раҳбарларига хўжаликларни ривожлантириш учун зарур бўлган тўлиқ маълумотларни олишга имкон беради. Улар жамоа ва ширкат хўжаликларида ташкилий-хўжалик ишларининг қай даражада бажарилаётганligини текширишда енгиллик туғдиради.

Карта масштабини танлашда унинг мақсади, мазмуни, жамоа ва ширкат хўжалиги ҳудудининг ўлчами, қишлоқ хўжалик ер турлари контурларининг ўлчами ва бошланғич картографик материаллар масштаби ҳисобга олинади. Юқоридагиларни инобатта олиб, қишлоқ хўжалик карталари 1:10 000 дан 1:100 000 гача масштабларда тузилиши мумкин.

Жамоа ва ширкат хўжаликларининг бир варақли намунавий қишлоқ хўжалик карталарини бошлангич картографик материал — ердан фойдаланиш плани қайси проекцияда тузилган бўлса, уларни ҳам ўша проекцияда тузиш мақсадга мувофиқдир. Одатда, бошлангич картографик материаллар Гаусснинг tengburchakli kўndalanang цилиндрик проекциясида ёки ортогонал проекцияда тузилган бўлади.

Қишлоқ хўжалик атласлари жамоа ва ширкат хўжалиги мутахасисларига, муҳандис-техникларга, режалаштириш ва статистика соҳаси раҳбар ходимларига мўлжалланган бўлади. Атласлардан жуда кўп масалаларни ечишда, масалан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштиришда, жойлаштиришда ва ихтисослаштиришда, қишлоқ хўжалик корхоналари ва муассасаларини куришда, турли агротехник тадбирларни (мелиорация, сув ва шамол эрозияси билан кураш, минерал ўғитларни кўллаш ва ҳ.к.) амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг географик жойлашиши — атласларнинг (келажак) асосий мазмунини ташкил этади. Бундан ташқари, уларда қишлоқ хўжалигининг келгусидаги ривожланиши ҳам ёритилган бўлиши керак.

Республика, ўлка ва вилоят қишлоқ хўжалик атласлари формати (бичими) бўйича унча катта бўлмаслиги ва фойдаланиш учун қулай бўлиши керак. Бундай атласларнинг масштаби худудларнинг ўлчами ва конфигурациясига қараб 1:500 000 дан 1:5 000 000 гача бўлиши мумкин. Майдо масштабли қишлоқ хўжалик карталари кўйидаги картографик проекциялар ёрдамида тузилади:

1) тўғри, tengburchakli, конуссимон проекция. Бунда энг четки меридианлар йўналиши бўйича масофалар ўзгармайди;

2) тўғри, tengburchakli, конуссимон проекция. Бунда энг четки параллелларда бузилиш тенглиги сақланади;

3) Гаусснинг tengburchakli, kўndalanang цилиндрик проекцияси. Бу проекциядан республика, ўлка ёки вилоят худудининг эни узоқлик бўйича  $9^{\circ}$  дан катта бўлмагандагина фойдаланилади. Атласнинг ҳажми 30 — 40 варақдан ошмаслиги керак.

Туман атласлари форматининг ички рамкаси  $40\times 50$  дан  $50\times 60$  см гача бўлиши керак. Бундай атласларнинг формати ҳам, бинобарин, унинг асосий карталарининг масштаби ҳам маъмурий туман майдонига, худудининг шаклига, жамоа ва ширкат хўжалиги ерларининг катта-кичиллигига боғлиқ бўлади. Танланган форматта биноан, атлас карталарининг масштаби 1:50 000 дан 1:200 000 гача бўлиши мумкин. Туман атласининг карталари ортогонал ёки Гаусснинг tengburchakli, kўndalanang цилиндрик проекциясида тузилади.

Жамоа ва ширкат қишлоқ хўжалик атласлари қишлоқ хўжалигини режалаштиришда, ишлаб чиқаришдаги амалий масалаларни ишлаб чиқишида, ерларни сон ва сифат жиҳатдан ҳисоблашда ва улардан самарали фойдаланишда кўргазмали график маътумот бўлиб

хизмат қиласы. Атлас карталари хұжаликдаги захираларни очиб беріб, улардан қышлоқ хұжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда фойдаланышта ёрдам беради. Қышлоқ хұжалик атласлари улардан фойдаланыш осон бүлсін үчүн унча катта бұлмаган ( $25\times30$  ёки  $30\times35$ ) форматтарда бўлиши керак. Атлас карталари танланган форматта қараб  $1:25\,000$  дан  $1:100\,000$  гача масштабда бўлиши керак. Атлас тузиш үчүн асос бўлиб хұжаликларнинг ердан фойдаланыш план ва карталари хизмат қиласы. Шунинг үчүн асос билан атлас карталари бир хил проекцияда бўлади

#### **(20.4.) Карталарни тузишда картографик материалларни тўплаш ва объектларни генерализация қилиш**

**Картографик материаллар** деб карта тузиш жараёнида фойдаланиладиган барча манбаларга айтылади. Карталар тузиш жараёни илгари олиб борилган геодезик, топографик, географик, иқтисодий ва бошқа ишлар натижасидан максимал фойдаланышта асосланган.

Картографик материаллар уч гурухга бўлинади:

1. Асосий гуруҳ – бунга энг ишончли ва аниқ материаллар сифатида топографик карталар киради.

2. Кўшимча гуруҳ – бунга асосий материалларда берилмаган ёки уларда етарли даражада ифодаланмаган, кўшимча маълумот олинидиган материаллар киради.

3. Ёрдамчи гуруҳ – бунга маълумотлар, расмлар, чизмалар ва бошқа ёрдамчи материаллар киради.

Материаллардан фойдаланышни тартибга солиш ва мамлакатда олиб бориладиган геодезик, топографик ва картографик ишлар устиян давлат назоратини амалга ошириш үчүн Ўзбекистон Республикаси Зазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия ва кадастр бош бошқармаси әркибида Давлат геодезик назорат бошқармаси фаолият олиб бориўқда. Бу бошқарма таркиби Марказий картографик-геодезик фонд йиған жойлардаги бошқарма вакиллари киради. Топографик съёмкар ва карталар тузиш билан шуғулланадиган ҳамма ташкилотлар злари бажарган топографик, астрономик, гравиметрик, триангуляция, полигонометрия, нивелирлаш ва карта тузиш ишларини давлат геодезик назорат бошқармасига топширади. Шундай қилиб, у бошқармада ҳамма материаллар тўпланади ва улардан келажакда арталар тузиш ва маҳсус эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

Карта тузишдан олдин турли картографик материалларни тўплаб, артаси тузиладиган туман ҳар томонлама ўрганилади. Материалларни өганишдаги энг масыулиятли иш асосий картографик материалларни инлаш ва уни таҳлил қилишдир. Карталар ва картографик материалларни баҳолашдати энг мухим мезон картографик тасвирнинг иқиқий ҳолат билан мослигидир. Картографик тасвир мазмуни

бўйича тўлиқ, характеристири бўйича замонавий ва давлат геодезик тармоғи пунктларига нисбатан обьектлар жойлашиши энг аниқ бўлиши керак. Асосий картографик материаллардан ташқари, қўшимча ва ёрдамчи материаллар ҳам жалб қилинади.

Ишни бошлашдан олдин ҳамма керакли материаллар йигилган бўлиши керак. Тўпланган картографик материалларни ўрганишда ва уларни таҳлил қилишда варақ номенклатураси ва унинг проекцияси кўрсатилади. Карталарда дарё, кўл ва уларнинг қирғоқларини, умуман, гидрография тармоқларини тўғри туширилгани ҳақида хулоса чиқарилади. Картографик материалларда рельефнинг қандай усулда тасвирлангани, аҳоли яшайдиган пунктларнинг жойлашишининг тўғрилиги кўрсатилади. Давлат чегаралари билан ички чегаралар текширилади. Йўл тармоқларини гидрография ва рельеф билан боғлашиши ўрганилади.

Картографик материаллар бўйича улардаги ҳамма обьектларни ўрганиб бўлгач, жойда дала текширишини ҳам ўтказиш мумкин. Бу текшириш туман хусусиятини тўла кўрсатиш имкониятини беради.

Карта тузиш, асосан, иккита жараёндан иборат:

1. Тасвирларни материалдан асл нусхага кўчириш. Бунга техник жараён дейилади. Техник жараёнда картографик асос ҳисоблаб чиқилади ва ясалади. Турли техникавий усуллар билан картографик материалдаги маълумотлар асл нусхага кўчирилади.

2. Фойдаланилайдиган картографик материалнинг мазмунни умумлаштирилади. Бунга мантикий ёки маъновий жараён дейилади. Карталар мазмунини мантикий усулда умумлаштириш илмий адабиётда генерализация номини олган. **Карта тузиш вақтида муҳим предметларни, ҳодисаларни, боғланишларни аниқлаш, ажратиш ва умумлаштиришга генерализация дейилади.** Карта тузиш дастурида ифодаланган картанинг мавзуси ва мақсади генерализациянинг умумий йўналишини белгилайди. Объектлар ва уларнинг ўзаро боғланиши картага туширилайдиган обьектларни ўрганиш орқали аниқланади. Объектлар ўзининг аҳамияти, катта-кичиклиги, боғланиши бўйича белгиланади ва сиёсий-маъмурӣ, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа муносабатлар билан бир-биридан фарқ қиласи.

Объектларни танлаш икки босқичга бўлинади:

1. Танлаш меъёрларини аниқлаш.
2. Объектларни танлаш.

Генерализация қилиш учун танлаш меъёри белгиланади. Танлаш меъёри сонли, чизиқли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Сонли меъёрда карта майдонининг бирлигига қанча обьект тўғри келиши кераклиги белгиланади. Объектлар таҳририй режага асосан асл нусхани тузиш вақтида танлаб олинади.

Объектларни умумлаштириш уларни бўрттириш билан контурларни умумлаштиришдан иборатdir. Умумлаштириш маълум

мантиқийликка эга. Масалан, контурларни умумлаштиришда чегаралар, горизонталлар чизигини, дарёларни, рельеф шаклларини ва бошқа майда, аммо характерли эгри-бугри жойлари бүрттириб күрсатилади. Чизиклар объектлар чегарасини умумлаштириш вақтида соддалаштирилади ва түгриланади. Картанинг топографик асосидаги мазмунни алоҳида элементларини генерализация қилинишини кўриб чиқамиз.

Аҳоли яшайдиган пунктларни генерализация қилганда, даставвал, аҳоли яшайдиган пунктларнинг типи, уларнинг маъмурий аҳамияти ва аҳолининг зичлиги, аҳоли пунктларининг зичлиги, уларнинг шакли ва атрофдаги ландшафт билан боғлиқлиги аниқланади.


Транспорт — халқ хўжалигининг энг аҳамиятли тармоқларидан бири бўлиб, темир йўл, автомобиль, сув ва ҳаво алоқа йўлларининг ягона тармогини ташкил этади. 1:100 000 ва undan йирикроқ масштабдаги карталарда ҳамма темир йўл, шосселар, такомиллаштирилган тупроқ йўллар кўрсатилади. 1:10 000 дан 1:50 000 гача масштабдаги карталарнинг ҳаммасида туман ва қишлоқ йиғини чегараларидан ташқари, ҳамма чегаралар тасвириланади.

Гидрографияни генерализациялаш вақтида уларнинг фақат табиий-географик ҳусусиятларигина эмас, балки хўжаликда улардан фойдаланиш ҳусусиятлари ҳам эътиборга олинади. Тузиладиган карта масштаби майда бўлган сари гидрографик тармоқларни генерализация қилиш даражаси ҳам ошади.

Рельеф — географик муҳитнинг энг бош элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. У ер сиргининг энг мураккаб шаклларини ташкил этади. Ҳар бир карта учун горизонталларнинг кесим баландлиги белгиланган. Горизонталлар генерализация қилинганда, мана шу кесим баландлигига аҳамият берилади.

Тупроқ, замин ва ўсимликлар йиғиндисига тупроқ-ўсимлик қатлами дейилади. Тупроқ-ўсимлик қатламининг элементлари карта тузиладиган ҳудудни ўрганиш ва бу элементларнинг жойлашиш қонуниятини аниқлаш орқали ташланади. Тупроқ-ўсимлик қатламини генерализация қилиш вақтида йирик контурлардан кичик, унча аҳамиятга молик бўлмаган контурларга ўтилади. Майда контурлар орасида диққатга сазовор, масалан, ўрмонсиз ҳудудларда кичкина ўрмонни, сидирга ўрмонзорларда эса ялангликларни ажратиш керак. Ўрмонзорлар контури ичида, дараҳтларнинг 80 фоизидан ортигини бирор тур дараҳтлар ташкил этса, ўрмон контури ичига ўша тур дараҳтнинг алоҳида шартли белгиси кўйилади. Шартли белги ёнидаги рақамлар шу ўрмонда энг катта фоизни ташкил этган дараҳтларнинг ўртача баландлигини ва йўғонлигини билдиради.

Топографик карталар мазмунидаги элементларни қисқача генерализация қилиш методлари мана шулардан иборат.



## XXI боб. КАРТА ВА АТЛАСЛАРНИ ТУЗИШ

### 21.1. Картографик асосни барло этиш

Картографик асоснинг тугун нуқталарини оригиналга туширишдан олдин уларнинг координаталари ҳисоблаб чиқарилади. Бу ерда тугун нуқталар деб абсцисса ва ордината, меридиан ва параллел чизиқларининг кесишган нуқталарига, жумладан, трапеция бурчакларининг географик координаталари, зона ўқ меридианининг қиймати ва трапеция учларининг узоқликлар айримаси  $\Delta Z = Z - Z_0$  аниқланади. Шундан кейин „Гаусс-Крюгер координаталари жадваллари ва топографик съёмка трапециялари рамкаларининг ўлчами ва юзалари жадвали“ дан фойдаланиб, 1:25 000 ва ундан майда масштабдаги трапеция бурчак учлари координаталарини ҳисоблаш мүмкін. 1:100 000 ва ундан майда масштаблар учун трапецияларнинг оралиқ нуқталарини ҳам координаталари аниқланади. Катта рақамлар билан иш күрмаслик учун трапеция бурчаклари учларининг ишчи координаталари аниқланади. Ишчи координаталарини ёрдамчи координата бошига нисбатан қуйидаги формулалар орқали топиш мүмкін:

$$x' = 1000 M(x - x_0);$$

$$y' = 1000 M(y - y_0),$$

бу ерда  $x'$  ва  $y'$  — ишчи координаталар,  $x_0$  ва  $y_0$  — ёрдамчи координата боши (метрда).

Ёрдамчи координата  $x_0$  ва  $y_0$  ни шундай танланадики, уни ифодаловчи нуқта берилган трапеция бурчакларининг жануби-ғарбий учига яқин бўлсин. Юқорида келтирилган ҳисоблаш ишларини тутатгач, оригиналга тугун нуқталар туширилади. Картографик асосни катта ёки кичик координатографлар, автомат электрон координатограф, штангенциркуль билан катта масштаб чизғичи ёки Дробишев чизғичи ёрдамида ясаш мүмкін. Дробишев чизғичи ва у билан ишлаш юқорида (10.10) келтирилган.

Картографик асосни тўғри ясалганини текшириш учун контроль чизгичдан фойдаланилади. Координаталар тўрини аввал катта квадратнинг диагоналлари ва томонлари, сўнгра ички квадратларнинг диагоналлари ва томонлари ўлчанади. Сўнгра бу қийматлар назарий ўтчамлар билан солиштирилади.

Трапеция рамкасини тўғри ясалганлиги, унинг ўлчанган томонлари ва диагоналларини жадвалдан олинган узунликлари билан солиштириш орқали текширилади.

## **(21.2.) Картографик материаллардан мазмунни асл нусхага күчириш**

Картографик асосни ясаб бўлгач, картографик материалдаги тасвирлар карта чизиладиган оригиналга кўчирилади.

Карталар тузишда қўйидаги усувлар кўлланилиди:

1. Фотомеханик усул.
2. Оптик усул.
3. Механик усул.
4. График усул.

Ҳозирги вақтда **фотомеханик усул** жуда кенг тарқалган. Бу усул картографик материални юқори аниқлиқда суратга олиб, уларни картографик асоси билан туташтиришга асосланган. Картографик материал оригинални ёки унинг нусхасини оригинал билан туташтиришга монтаж қилиш орқали эришилади. Оригиналнинг аниқлиги асосан монтаж қилиш сифатига боғлиқ бўлганлигидан, бу ишга катта аҳамият берилади.

Нусхаларни қаттиқ асосга таянч пунктлар, координата чизиқларининг кесишган нуқталари ва трапеция бурчакларининг учлари бўйича монтаж қилинади. Монтаж қилишдан олдин нусхадаги ҳар бир таянч пункт орқали километр тўри чизиқларига параллел ўзаро перпендикуляр чизиқлар ўтказилади. Шундан кейин таянч нуқталар орқали чизилган чизиқларни оригиналнинг картографик асосида чизилган чизиқлар билан туташтириб, нуқталар монтаж қилинади. Монтаж қилиш вақтида туташтирилган нуқталар ораси бир-биридан 0,2 мм дан кўпга кетиб қолмаслиги керак. Тузилаётган картанинг масштаби кичрайган сари айрим нусхаларнинг сони кўпаяди. Қаттиқ асосга картографик материалларни монтаж қилиб бўлгач, уни карта тузиладиган масштабда суратга олинади. Сўнгра улардан алюмин ёки бошқа кам деформация бўладиган материалга ёпиширилган кўк нусха олинади.

Карта тузишнинг **оптик усул** оптикавий расм чизиш асбобларидан, масалан, картограф проекторлар ва бошқа фотограмметрияда кўлланадиган асбоблардан фойдаланишга асосланган. Кўпинча, оптик усуслар мустақил усул сифатида фойдаланмай, фотомеханик ёки бошқа усул билан тузилган оригиналларга қўшимча объекtlарни туширишда қўллайдилар. Масалан, оригиналга қўшимча равиша йўлларни, ер тузиш натижаларини туширишга тўғри келади.

**Механик усул** ёрдамида карта тузишда кўпроқ пантографдан фойдаланилadi. Унинг тузилиши ва у билан ишлаш юқорида (4.3) келтирилган.

**График усул**нинг кенг тарқалган тури квадрат катаклар бўйича картани қайта чизиш усулидир. Бу усульда картографик материал билан оригинал бир ўлчамдаги катакларга бўлинади. Оригиналдаги

катаклар ўлчамини одатда 3 — 5 мм қилиб олинади. Тафсилотларнинг қайта расмини чизиш картографик материал билан оригиналдаги бир хил нуқталар бўйича кўз билан чамалаб чизилади. Бундай нуқталар сифатидаги катаклар томонларининг, йўл ва бошқа обьектлар чизиқлари билан кесишган жойлари хизмат қилади.

### **(21.3.) Карталарни нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш**

Карта тузиш ишлари тугагач, картани нашрга тайёрлаш ишлари бошланади. Картани нашрга тайёрлаш ишларининг мазмуни босма формаларини тайёрлаш ва карта босиш усусларига боғлиқ. Ҳозирги вақтда босма формасини тайёрлашнинг энг фойдали ва аниқ усули — фотомеханик усул қўлланилади. Картани босмага тайёрлаш штрихли, шрифтли ва нимранг (хира рангли) дейиладиган нашриёт оригиналларини тайёрлашдан иборатdir. Бунинг учун тузилган оригинал суратта олинади ва унинг негативидан яхши чизма қофозда кўк нусхалар тайёрланади. Деформациядан ҳоли бўлиш учун у кўк нусхаларни қаттиқ асосга (алюминга) ёпиширилади. Тайёрланган кўк нусхалардан бирида қора тушь билан синчиклаб картанинг ҳамма штрихли элементлари чизиб чиқилади. Бундай тайёрланган нусхага штрихли нашр оригинални дейилади.

Бошқа кўк нусхага типография усулида ёки фотонабор ёрдамида тайёрланган номлар ёзуви ёпиширилади. Бундай нусхага **ширифтли** нашр оригинални дейилади.

Нимранг (хира рангли) нашр оригиналини тайёрлаш энг оғир қисмлардан бири деб ҳисобланади. Буни тайёрлаш учун кўк нусха устида суюлтирилган қора тушь билан жой рельефи ювилади. Одатда, рельефни ювиш (отмывка) горизонталлар бўйича, улар бўлмаса гидрографик тармоқ бўйича бажарилади. Нашр оригиналларини тайёрлаб бўлгач, типография машиналари ёрдамида тафсилотлари турли рангда тасвирланган карталар чоп этилади.

### **(21.4.) Жамоа ва ширкат ҳўжаликларининг қишлоқ ҳўжалик атласларини тузиш**

Жамоа ва ширкат қишлоқ ҳўжалик атласи ҳўжалик худудининг үйинингисидир. Бундай атласдан унда акс этирилган ҳўжаликнинг табиий-иқтисодий шароитига амал қилиб, қишлоқ ҳўжалик ишларини режалаштиришда ва унга амалий раҳбарликни олиб борища фойдаланиш мумкин.

Атлас карталари деҳқончилик, чорвачилик ва мелиорация учун ерни ҳисобга олиш ва ундан самарали фойдаланиш учун асос бўлиши мумкин. Бундай атласлардан факат ҳўжалик, туман ва вилоят раҳбарлари ва мутахассислари фойдалангани учун улар кам нусхада чоп этилади.

Атласнинг ўлчами хўжалик ерининг майдонига ва ҳудуддаги тафсилотларнинг характеристига боғлиқ бўлиб, 30x35 дан 50x50 см гача бўлади. Карта масштаблари 1:25 000, 1:50 000, 1:75 000 бўлиши мумкин. Айрим ер бўлаклари учун булардан йирикроқ масштаблар ҳам ишлатилади. Атлас карталарининг характеристи ва сони хўжаликнинг табиий-иктиносий шароитига боғлиқ.

Атласда кўйидаги асосий карталар бўлиши мумкин:

1. Туман маъмурий картаси. Унда жамоа ва ширкат ҳамда фермер хўжаликлари чегаралари, уларнинг ихтисослаштирилиши ва бегона (бошка) ердан фойдаланувчилар, аҳоли пунктлари, хўжалик ва қишлоқ йиғини марказлари, гидрография ва йўллар кўрсатилади.

2. Хўжалик ҳудудидаги қишлоқ хўжалик ер турларининг (экинзорларнинг) картаси.

3. Рельеф ва гидрография картаси.

4. Ер тузиш картаси. Унда хўжалик ҳудудининг ички ер тузиш лойиҳаси, алмашлаб экиш далаларининг жойлашиши ва бошқалар кўрсатилади

5. Тупроқ картаси. Унда тупроқлар чегараси кўрсатилади.

6. Ер баҳолаш картаси. Унда умумтопографик маълумотлардан ташқари ҳайдаладиган ерлар чегараси, ем-харакат тайёрланадиган ерлар, карта четидаги маҳсус шкалада уларнинг баҳоси ва ҳоказолар кўрсатилади.

7. Маданий-маиший объектлар картаси.

8. Йирик масштабда тузилган айрим бригада ва ер бўлаклари карталари. Уларда алмашлаб экиш далалари, экинлари навбатманавбат экилиши, гидрография ва бошқа элементлар кўрсатилади.

## 21.5. Карта ва атласларни янги технологиялар асосида нашрга тайёрлаш

Кейинги йилларда, картография фан ва техника ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ ҳолда ривожланиши туфайли карталарни тузиш ва фойдаланишида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларнинг асл маъноси ҳозирги замонавий компьютерлар имкониятларидан фойдаланиб, картографик маълумотларга кўра жойнинг рақамли моделини тузиш, ортофотопланларни тайёрлаш ва амалда жорий этишдан иборатdir.

Картографик ишларни автоматизациялаш географик тасвирини ўқий оладиган воситалар орқали рақамлар шаклига келтириб, пиравардида, график тасвирини карталар асл нусхаси (оригинали) кўринишида қайта чиқаришга қаратилган.

Ҳозирги кунда картографик ишлаб чиқаришда карталарни тузиш ва уларни нашрга тайёрлашда ҳар хил мақсадлардаги ва мураккабликдаги автоматик воситалардан фойдаланилади. Буларга рақамлаш асбоби, компьютер каби техник воситалар киради.

Карталарни түзищда автоматизацияни құллаш маңсус дастурлар ёрдамида бажарилади ва уларда ишлар кетма-кетлиги күрсатылған бўлади.

Картага туширилдиган маълумотлар автоматларга маңсус магнит тасмалар ёки дискларга ёзилиб, улар орқали киритилади.

Фазовий маълумотни картада график тасвирлаш учун уни алоҳида қандайдир координата системасида ажратиш ва сўнгра рақамлар шаклида тасвирлаш керак бўлади.

Рақамлар шаклида маълумотни ёзиш ҳар бир нуқтага ва уни узлуксиз ер сиртида кўчиш изига (векторига) картада фақат битта нуқта ва битта вектор тўғри келади деган назарий таҳминга асосланади. Шунга кўра картографик тасвирни шакллантирувчи нуқталар, чизиқ ва майдонлар ҳар хил мақсадлардаги кўпчилик нуқталар йиғиндиси ҳисобланади ва фазовий ҳолати улар координаталари орқали белгиланади.

Маълумотларни рақамлаш бу янги карталарни автоматик тайёрлаш учун манба сифатида рақамлар, карталарни рақам кўринишига ўтказишдан иборатdir. Бу иш маңсус рақамловчи асбобларда амалга оширилади.

Карталарни рақамлаш икки усуlda бажарилади: а) картографик тасвир чегарасини (контурини) юргизиб (кузатиб) чиқиш; б) сканерлаш — ўқыйдиган нурни кетма-кет сатрлар бўйича юргизиб картадаги шакл элементларини тушириш (ёзиш).

Шундай қилиб, маълумотни (картографик тасвирни) рақамлаш карталарини түзишни автоматизациялаш жараёнидаги бошланғич босқич ҳисобланади. Маълумотлар банкида сақланыётган катта ҳажмдаги рақамли маълумотларни математик ишлаб чиқиш мураккаб жараёнлардан бири бўлиб, бу иш тез ҳаракатли электрон ҳисоблаш машиналарида бажарилади. Маълумотларни рақамлаб ишлаб чиқиш бу — карталарни түзиш жараёнини автоматизациялашдаги асосий боқич ҳисобланади. Бу босқични бажариш учун асосий техник восита бўлиб компьютерлар хизмат қиласи.

**Рақамли маълумотларни картографик тасвирга автоматик равишда айлантириш (ўтказиш).** Маълумотларни рақамли ишлаш уларни график чизмачига чиқариш учун ҳам керак бўлади, яъни компьютер ёдига киритилған рақамли модулни муайян картографик шаклга автоматик келтириш. Бу учинчи, якунловчи босқич маълумотларни картографик тасвир шаклида бериш жараёнидан иборатdir. Машина ёдида сақланыётган рақамли маълумотларни картографик тасвир кўринишига келтириш учун маңсус техник воситалар — компьютерни ташки мосламалари (печатдан чиқарувчи, масалан, плоттер) қўлланилади.



## XXII бөб. ЕР КАДАСТРИ ПЛАН ВА КАРТАЛАРИ

### 22.1. Кадастр план ва карталарининг мазмуни

Ер кадастр маълумотлари тўғрилиги, уларни амалдаги ердан фойдаланиш ҳолатига мос келиши плани тўлалиги, батафсилиги ва аниқлигига боғлиқ, планда жой элементлари ва тафсилотлари қанча кўп тасвирланган бўлса, бу план асосида тайёрланган ер-кадастр маълумотлари шунча тўла ва аниқ бўлади.

План-карта материалларининг мазмуни ва тўлалиги Давлат ер кадастри талабларига мос бўлиши керак, бу демак, ер кадастрининг матн ва планли-картографик ҳужжатлари ўзаро узвий боғланган бўлиши керак. Ер-кадастр планларида ердан фойдаланиш тавсифини фойдаланиш тури ва муддати, ер турларининг таркиби ва кичик турлари, сугориш ва зах қочириш даражаси ер кадастри китобини тўлдириш талабларига жавоб бера оладиган тўла ва батафсил даражада бўлиши зарур.

Кадастр план ва карталари туманлар, бўлимлар, кадастр ҳисобга олиш ер бўлаклари, майдонлари бўйича ҳисобга олинадиган чегарадан ҳудудий бирликларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланувчи талабларига мувофиқ тузилади. Кадастр план ва карталари варагининг ўлчами тасвирланадиган объект ўлчамлари, қабул қилинган масштаб, технологик имкониятларга, буюртмачи талабига қараб белгиланади.

План ва карталарнинг масштаби уларда бериладиган маълумотларнинг ҳажмита ва тасвирланадиган участка майдонига боғлиқ бўлади. Исталган масштабдаги кадастр план ва карталарни тузиш учун асос бўлиб йирик (базали) масштабда бажарилган кадастр съёмкалари ёки ундан йирик масштабдаги топографик съёмка материаллари хизмат қиласи. Кадастр план ва карталари буюртмачининг талаб ва хоҳишига биноан масштабсиз план ёки чизма сифатида ҳам чизилиши мумкин.

Шарҳлов ва маълумотлар кадастр планлари 1:50 000 — 1:10 000 масштабдаги карталарда шаҳар ер майдонига қараб тузилади. Бу масштаблардаги шарҳлов ва маълумот кадастр план ва карталарини тузишида шаҳарлар ҳудуди туманларга, кварталларга, кўчаларга ва майдонларга бўлинади.

План ва карталарга қўйидагилар туширилади:

1) шаҳар, туман, квартал, кўча ва чегарадош ердан фойдаланиш ер майдонлари;

2) чегарадош ердан фойдаланувчи туманлар, кўчалар, майдонлар, дарёлар ва сув ҳавзалари номлари.

Туманлар ва кварталларни планда юқоридан пастта ва чапдан ўнгга қараб кодланади. Туман ҳудуди шаҳарни маъмурӣ туманларга бўлинишига қараб ажратилади.

Бўлимлар чегараси бўлиб, курилиш қизил чизиклари хизмат қилади. Кўчалар ва майдонлар шаҳар ҳудудига биноан код билан белгиланади. 1:10 000 масштабдаги кадастр планлари ҳар бир кадастр тури бўйича шарҳловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин, ҳудудий ҳисобга олиш бирлиги бўлиши жамоа бинолари, магистрал тармоқлар, кўкаламзорлар ва шунга ўхшашлардан ташқари.

1:5 000 — 1:2 000 масштаблардаги планларни тузишла қўйидаги тартибда: шаҳар, туман, квартал, кадастр ер бўлаги, кўчалар, майдонлар чегаралари туширилади. Кадастр бўлаклари муайян фойдаланувчиларга бириктирилган чегаралар бўйича ажратилади ва бўлим чегарасида ихтиёрий рақамланади. Керак бўлса, объектлар ва улар тавсифини белгиловчи код ва номлар ёзилади. Ўзининг ўлчамлари билан масштабда тасвирилаш имкони бўлмаган объектлар планда масштабсиз шартли белгилар билан тасвириланади.

Кадастр план ва карталар тоза чизма қофозда фотопланда, шаффоф асосда чизилади ёки автоматик графочизмачи ёрдамида нақши ўйилади ва компьютерда тузилиб, плоттерда босиб чиқарилади.

## 22.2. Хўжалик ердан фойдаланиш кадастр планининг масштаби ва комплановкаси

Кадастр планининг аниқлиги унинг масштабига боғлиқдир. Энг юқори аниқликка йирик масштабли планлардан фойдаланиш орқали эришилади. Масштабни танлаш эса контурлар катта-кичиклигига, ердан фойдаланиш характеристига, хўжалик юритиш жадаллигига ва бошлангич материаллар масштабига қараб ҳал қилинади. Майда контурлар шароитида ер кадастри учун 1:10 000 масштабдаги планлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чўл ҳудудларида, қишлоқ хўжалик ер турлари йирик массивларда жойлашган бўлса, 1:25 000 масштабдаги карталар қўлланиши мумкин.

Бўз ерлар учун 1:50 000 масштабдаги карталардан фойдаланилади. Асосий кадастр картадан ташқари, ердан фойдаланиш айrim қисмларга нисбатан йирикроқ масштабдаги планлар тузилиши мумкин.

Масалан, аҳоли яшаш пунктлари ерлари, сугориладиган ва заҳочириш зарур ерлар, кўп йиллик дарахтлар билан банд ерлар ва ўтлоқларни ҳисобга олиш учун 1:2 000 ёки 1:5 000 масштабда планлар тузилади.

Ўзининг ўлчами жиҳатидан план фойдаланиш учун қулай бўлиши керак, ердан фойдаланиш майдонини катта-кичиклиги, унинг шакли, алоҳида-алоҳида жойлашган ер бўлаклари сонига ва қабул қилинган масштабга қараб, планлар битта ёки бир нечта варағларда тузилиши мумкин.

Ер кадастри планларни тузишда расмий талаблар ва тегишли масштабдаги план ва карталар учун қабул қилинган шартли белгилардан фойдаланилади. Махсус мазмунли айрим элементлар ер тузиш ва ер кадастри учун қабул қилинган шартли белгилар билан күрсатилади, айрим шартли белгилар тузилаётган план учун махсус ишлаб чиқиши мумкин.

Ердан фойдаланиш ташки чегараси ва бегона ердан фойдаланувчилар чегаралари бурилиш нуқталарининг координаталари бўйича планга туширилади. Кадастри планида асосий мазмундан ташқари картуш келтирилади.

### 22.3. Хўжалик тупроқ картасини тузиш

Хўжаликлар тупроқ картаси ёрдамида алмашлаб экиш схемасини тўғри танлаш, ўғитлардан унумли фойдаланиш, сугориш ва қайта ишлов беришни тўғри йўлга кўйиш, шунингдек, тупроқ эрозиясига, ботқоқланишга ва шўрланишга қарши тадбирлар ишлаб чиқилади.

Республика ҳудудида тупроқ карталари тузишда қуйидагиларга асосланади: 1) жамоа ва ширкат хўжаликларини сугориладиган ерлари учун 1:10 000 масштабли, лалмикор ерлар учун 1:50 000 ва тоғли яйлов ерларга 1:100 000 масштабли тупроқ карталари тузилиши лозим; 2) сугориладиган майдоёнларнинг мухим агрономик ишлаб чиқариш хусусиятларини акс эттирувчи картограммалар тузиш; 3) тупроқ карталарига қўшимча тушунтириш хатларини ёзиш.

Хўжаликларда ўтказилган тупроқ текширув ишлари асосида қуйидагилар қабул қилинган:

- туманлар учун (1:25 000, 1:50 000 да) тупроқ карталари;
- вилоятлар учун (1:100 000 да) тупроқ карталари тузиш.

Сугориладиган майдонлар тупроқ текширув ишларини бажаришга асос қилиб, хўжалик чегараси учун тузилган 1:10 000 масштабдаги ердан фойдаланиш плани, лалмикор ерлар учун эса 1:25 000 масштабдаги карта олинади. Хўжалик тупроқ картасида аҳоли яшаш пунктлари, дарё ва сугориш шаҳобчалари дренаż тармоқлари, йўллар ҳамда сугориладиган ерлар контурлари чегараси ва уларни тартиб рақами берилади.

Ер тузиш планлари учун қўшимча қабул қилинган шартли белгилар билан сугориладиган ҳайдалма ерлар, лалмикор ҳайдалма ерлар, яйловлар, ўтлоқлар, дарахтзорлар, ўрмонлар, партов ерлар ва бошқалар кўрсатилади.

Планда тупроқ қоплами таркибининг хиллари рангли усулда берилади. Картада ҳар қайси тупроқ хили алоҳида тартиб рақами билан белгиланади ва уларнинг чегаралари берилади. Бундан ташқари, картада тупроқ бонитет бали ёзиб кўрсатилади.

Хилма-хил тупроқлар, уларнинг тартиб рақамлари асосида умумий жадвалга бирлаштирилади ва бу жадвалга **экспликация** дейилади ва у варакда ёзма кўринишида берилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Воҳидов А.В., Назиров А.Н., Норхўжаев Қ.Н. Геодезияга доир русча-ӯзбекча лугат-справочник. Т., „Ўқитувчи“, 1989.
2. Дўстмуҳамедов М.Ю. Муҳандислик геодезияси. Т., „Ўзбекистон“, 1998.
3. Маъруфов Й.Д., Мубораков Ҳ.М. Топография — геодезия атамаларининг русча-ӯзбекча лугати (Меъморчилик ва қурилиш соҳасига оид). Т., „Меҳнат“, 1999.
4. Мубораков Ҳ.М., Охунов З.Д., Пармонов М.Ҳ. Инженерлик геодезияси. Геодезик асбоблар тузилиши ва улар билан ўлчашларни бажариш. Т., 1990.
5. Неумывакин Ю.К., Смирнов А.С. Практикум по геодезии. М., „Недра“, 1985.
6. Эгамбердиев А.Э. Геодезия асослари ва топографиядан тестлар. Т., „Университет“, 1999.
7. Ямбаев Х.К. Специальные приборы для инженерно-геодезических работ. М., „Недра“, 1990.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
--------------------	----------

### **БИРИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

1. Геодезия фани ва унинг вазифалари .....	4
2. Геодезия тарихи ҳақида қисқача маълумот .....	6
3. Абу Райхон Берунийнинг геодезияга кўшган ҳиссаси .....	8

#### **I боб. Ернинг шакли ва геодезияда қўлланадиган координаталар системаси ҳақида маълумотлар**

1.1. Ернинг шакли ва ўлчамлари .....	9
1.2. Геодезияда қўлланадиган координата системалари .....	11
1.3. Гаусс — Крюгер ясси тўгри бурчакли координаталар системаси .....	13

#### **II боб. Ориентирлаш**

2.1. Ҳақиқий азимут ва дирекцион бурчак .....	15
2.2. Магнит азимутлари .....	17

#### **III боб. Топографик план ва карталар**

3.1. Умумий маълумот .....	20
3.2. Масштаблар .....	21
3.3. Топографик план ва карталар номенклатураси .....	24
3.4. Жой (ер) рельефи ва уни топографик план ва карталарда тасвирлаш .....	29
3.5. Топографик план ва карталарнинг шартли белгилари .....	32
3.6. Топографик карталарда ҳар хил машқулар бажариш, куйилиш ва нишаблик масштаблари .....	33

#### **IV боб. План ва карталардан нусха кўчириши усуслари**

4.1. График усул .....	37
4.2. Ёруғлик чизма усули .....	37
4.3. Масштабни ўзгартириб нусха кўчириш .....	38

#### **V боб. Ўлчаш турлари ва ўлчаш хатолари назарияси ҳақида умумий маълумотлар**

5.1. Ўлчаш ва унинг турлари .....	41
5.2. Ўлчаш хатоларининг турлари .....	41
5.3. Тасодифий хатоларнинг хоссалари .....	42
5.4. Арифметик ўрта миқдор .....	43
5.5. Айрим ўлчашнинг ўрта квадратик хатоси .....	43
5.6. Ўлчаш натижаларининг вазни .....	45
5.7. Умумий ўрта арифметик миқдор .....	45

## **ИККИНЧИ БҮЛІМ. ГЕОДЕЗИК ҮЛЧАШЛАР**

### **VII боб. Бурчактарни үлчаш**

6.1. Умумий маълумотлар. Горизонтал бурчакларни үлчаш мөхияти .....	47
6.2. Адилаклар .....	49
6.3. Күриш трубаси .....	51
6.4. Санок олиш мосламалари .....	55
6.5. Теодолит турлари .....	57
6.6. Техник теодолитлар .....	59
6.7. Теодолитларни текшириш ва тузатиш .....	63
6.8. Горизонтал бурчактарни үлчаш .....	66
6.9. Горизонтал бурчактарни үлчаш аниқлуги .....	68
6.10. Вертикаль бурчакларни үлчаш .....	69

### **VII боб. Чизиктарни жойда үлчаш**

7.1. Чизик үлчов асбоблари .....	73
7.2. Чизикти үлчашга тайёрлаш .....	76
7.3. Пўлат лента билан чизик үлчаш .....	77
7.4. Пўлат лента билан чизик үлчаш аниқлуги .....	78
7.5. Үлчанган кия чизикнинг горизонтал куйилишини аниқлаш .....	79
7.6. Оптик дальномерлар .....	80
7.7. Электрон дальномерлар ва улар ҳақида умумий маълумот .....	84

### **VIII боб. Нивелирлаш**

8.1. Нивелирлаш мөхияти ва усуллари .....	88
8.2. Геометрик нивелирлаш усуллари .....	89
8.3. Кетма-кет геометрик нивелирлаш .....	90
8.4. Геометрик нивелирлашга ер эгрилиги ва рефракциянинг таъсири .....	93
8.5. Нивелир турлари .....	95
8.6. Аниқ ва техник нивелирлар. Цилиндрик адилакли нивелир .....	96
8.7. Нивелирларни текшириш ва тузатиш .....	99
8.8. Нивелир рейкалари ва уларни текшириш .....	102
8.9. Геометрик нивелирлаш аниқлуги .....	105
8.10. Тригонометрик нивелирлаш .....	106
8.11. Янги технологията асосланган нивелирлар .....	108

## **УЧИНЧИ БҮЛІМ. ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР**

### **IX боб. Даулат геодезик тармоқлары**

9.1. Умумий маълумотлар .....	110
9.2. Даулат планли геодезик тармоқлари .....	111
9.3. Даулат баландлик геодезик тармоқлари .....	114

## **ТҮРТИНЧИ БҮЛІМ. ГЕОДЕЗИК СҮЁМКАЛАРНИ БАЖАРИШ**

### **X боб. Горизонтал сүёмка**

10.1. Теодолит сүёмкаси ва унинг мөхияти .....	116
10.2. Теодолит йўллари ва уларни барпо этиш .....	117
10.3. Бориб бўлмас масоффани аниқлаш .....	119

10.4. Жой тафсилотларини съёмка қилиш .....	120
10.5. Чизикқа дирекцион бурчакни узатиш .....	122
10.6. Түгри ва тескари геодезик масалаларни счиш .....	123
10.7. Ёпиқ полигон нұқталарининг координаталарини ҳисоблаш .....	125
10.8. Очиқ полигон (диагонал йўл) нұқталарининг координаталарини ҳисоблаш .....	134
10.9. Полигонни томонлар румби ва узунлиги бўйича тузиш .....	139
10.10. Теодолит съёмкаси планини координаталар бўйича тузиш .....	141
10.11. Юзани ҳисоблаш усуллари .....	145
10.12. Бурилиш нұқталари координаталари орқали полигон юзасини ҳисоблаш .....	146
10.13. Палетка ёрдамида юзани ҳисоблаш .....	148
10.14. Планиметрикнинг тузилиши ва уни текшириш .....	150
10.15. Планиметрикнинг бўлак қийматини аниқлаш .....	152
10.16. Планиметр ёрдамида юзани аниқлаш ва боғлаш .....	153

## XI боб. Чизиқли шашоотлар трассасини ишвеплаш

11.1. Трасса ўқини жойда ўтказиш .....	156
11.2. Трасса бурилиш бурчакларини ўлчаш ва томонларининг дирекцион бурчагини ҳисоблаш .....	157
11.3. Доиравий эгри чизиккінг бош нұқталарини режалаш. Трассани жойда белгилаш .....	159
11.4. Трассани пикетларга бўлиш. Кўндаланг қирқим нуқталарини жойда белгилаш .....	161
11.5. Трасса бўйлаб тор энли жойни съёмка қилиш ва пикетлаш дафтарчасини юритиш .....	163
11.6. Доиравий эгри чизиқни жойда батафсил режалаш .....	163
11.7. Трассани нивелирлаш. Нивелирлаш журналини ишлаб чиқиш .....	165
11.8. Трассанинг бўйлама ва кўндаланг профилинни тузиш .....	171
11.9. Иншоот элементларини бўйлама профилда лойихалаш .....	173
11.10. Юзани нивелирлаш .....	175

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ТОПОГРАФИК СЪЁМКА

### XII боб. Тахеометрик съёмка

12.1. Тахеометрик съёмка ва унинг моҳияти .....	181
12.2. Тахеометрик съёмканы бажариш учун исплатиладиган геодезик ассоблар .....	181
12.3. Тахеометрик съёмка асоси. Тахеометрик йўллар .....	184
12.4. Тафсилотлар ва рельефни съёмка қилиш .....	185
12.5. Тахеометрик съёмка натижасини ишлаб чиқиш .....	188
12.6. Тахеометрик съёмка планини тузиш .....	190

### XIII боб. Мензула съёмкаси

13.1. Мензула съёмкаси ва унинг моҳияти .....	191
13.2. Мензула ва унинг жиҳозлари .....	192
13.3. Мензула ва кипрегелни текшириш ва тузиши .....	194
13.4. КН кипрегелида иисбий баландлик ва масофаларнинг горизонтал қуйилишини ўлчаш .....	197
13.5. Мензулани нұқтага ўрнатиш .....	199
13.6. Планшетни тайёрлаш .....	200
13.7. Мензулада тўғри ва тескари кесиштириш .....	201

13.8. Геометрик тармоқни куриш .....	202
13.9. Ўтиш нұқталари .....	204
13.10. Мензула съёмкасина бажариш .....	207

## **ОЛТИНЧИ БҮЛИМ. ЗИЧЛАШ ТАРМОҚЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ**

### **XIV боб. Планлы зичлаш тармоқлари**

14.1. Геодезик зичлаш тармоқлари ҳақида маылумот .....	210
14.2. Зичлаш тармогини триангуляция усулида куриш .....	211
14.3. Геодезик зичлаш тармоқларининг лойиҳасини тузиш .....	212
14.4. Тармоқ лойиҳаси бўйича жойда реконсизровка ўтказиш ва пунктларни маҳкамлаш .....	214
14.5. Аниқ теодолитлар ҳақида маылумот .....	216
14.6. Зичлаш тармоғида бурчакларни ўлчаш .....	218
14.7. Учбурчаклар томонларини дастлабки ҳисоблаш .....	221
14.8. Йўналишларни пунктлар марказига келтириш .....	223
14.9. Тўғри кесиштириш .....	225
14.10. Тескари кесиштириш .....	227

### **XV боб. IV класс ва техник нивелирлаш тармоқлари**

15.1. Нивелирлаш тармоғи лойиҳасини тузиш. Нивелир белгиларини жойда ўрнатиш .....	229
15.2. IV класс нивелирлашни бажариш .....	231
15.3. Техник нивелирлашни бажариш .....	233

## **ЕТТИНЧИ БҮЛИМ. СЪЁМКА ТАРМОҚЛАРИ**

### **XVI боб. Съёмка тармоқларини барпо этиш**

16.1. Съёмка тармоқлари ҳақида маылумотлар .....	235
16.2. Аниқлиги юқори теодолит йўллари .....	235

### **XVII боб. Оддий тармоқ ва системаларни тенглаш**

17.1. Ўлчанган миқдорларнинг математик шартлари .....	239
17.2. Якка йўлларни тенглаш принципи .....	240
17.3. Тутун нұқта усулида теодолит йўлларини тенглаш .....	242
17.4. Кетма-кет яқинлашиш усулида нивелир йўлларини тенглаш .....	247
17.5. В.В. Попов (қизил рақамлар) усулида нивелир полигонларини тенглаш .....	252
17.6. Марказий системани тенглаш .....	257
17.7. Геодезик тўртбурчакни тенглаш .....	261

## **САККИЗИНЧИ БҮЛИМ. ЕР ТУЗИШДА ГЕОДЕЗИК ИШЛАР**

### **XVIII боб. Ер тузини ишларини лойиҳалаш**

18.1. План ва карталарни янгилаш .....	265
18.2. Ердан фойдаланиш чегараларини қайта тиқлаш .....	270
18.3. Ер бўлаларини лойиҳалаш усувлари .....	271
18.4. Ер бўлагини график усульда учбурчак орқали лойиҳалаш .....	272
18.5. Ер бўлагини аналитик усульда учбурчак орқали лойиҳалаш .....	274
18.6. Ер бўлагини график усульда трапеция орқали лойиҳалаш .....	276

**XIX боб. Лойиҳани жойга кӯчириш**

19.1. Лойиҳани жойга кӯчириш мөҳияти .....	278
19.2. Лойиҳани жойга кӯчиришда тайёргарлик ишлари. Ишчи чизма .....	278
19.3. Чизик ўлчаш усулида лойиҳани жойга кӯчириш .....	279
19.4. Бурчак ўлчаш усулида лойиҳани жойга кӯчириш .....	280

**ТҮҚЦИЗИНЧИ БЎЛИМ. КАРТОГРАФИЯ****XX боб. Қишлоқ хўжалик план, карта ва атласлари.**

20.1. Қишлоқ хўжалик план ва карталарини тузиш ҳақида маълумот .....	282
20.2. Карта ва атласларнинг таснифи (классификацияси) .....	283
20.3. Республика, вилоят, туман, жамоа ва ширкат хўжалиги карта ва атласлари .....	284
20.4. Карталарни тузиша картографик материалларни тўплаш ва обьектларни генерализация қилиш .....	287

**XXI боб. Карта ва атласларни тузиш**

21.1. Картографик асосни барпо этиш .....	290
21.2. Картографик материаллардан мазмунни асл нусхага кӯчириш .....	291
21.3. Карталарни нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш .....	292
21.4. Жамоа ва ширкат хўжаликларининг қишлоқ хўжалик атласларни тузиш .....	292
21.5. Карта ва атласларни янги технологиялар асосида нашрга тайёрлаш .....	293

**XXII боб. Ер қадастри план ва карталари**

22.1. Кадастри план ва карталарининг мазмунни .....	295
22.2. Хўжалик ердан фойдаланиш кадастри планининг масштаби ва компановкаси .....	296
22.3. Хўжалик тупроқ картасини тузиш .....	297

Фойдаланилган адабиётлар .....

**26.12  
М81**

**Мубораков Ҳ., Ахмедов С.**

Геодезия ва картография: Касб-хунар колледжларининг талабалари учун дарслик. - Т.: „Ўқитувчи“, 2002. — 304 б.

ББК 26.12я722+26.17я722

**МУБОРАКОВ ҲАМИДХОН,  
АХМЕДОВ САЛОХИДИН**

**ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ**

*Касб-хунар колледжларининг талабалари  
учун дарслик*

*Тошкент „Ўқитувчи“ 2002*

Таҳририят мудири *С. Мирзахўжаев*  
Муҳаррир, компьютерда саҳифаловчи *С. Пұлатов*  
Бадиий муҳаррир *М. Калинин, Ф. Никадамбаев*  
Тех. муҳаррир *Т. Грешникова, С. Турсунова*  
Кичик муҳаррир *М. Иброҳимова*  
Мусаҳдиқ *М. Иброҳимова*

**ИБ № 8110**

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 18.09.2002. Бичими 60×90 1/<sub>16</sub>.  
Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Босма т. 19,0.  
Шартли кр-отт. 19,25. Нашр т. 18,4. 5000 нусхада босилди. Буюртма № 38  
Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг ижтимоий адабиётлар таҳри-  
риятида тайёрланди.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўч, 30.  
Шартнома № 07-101-2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Янгийўл китоб фабрикаси.  
Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 2002.



„O'QITUVCHI“